

*Муҳаммад ас-Сайид Салим
Неъматулло Иброҳимов*

*Иброҳим Арафот
Солиҳ Иноғомов*

ЎЗБЕКИСТОН: ДАВЛАТ ВА УНИНГ ЙЎЛБОШЧИСИ

ТОШКЕНТ — “ЎЗБЕКИСТОН” — 1999 *j*

66.3(5У)
У-32

Араб тилидан
Р.С. ҚОСИМОВ, А. РАҲИМЖОНОВ, М. МИРАФЗАЛОВЛАР
таржимаси

Маъсул муҳаррир:
сиёсий фанлар доктори **З.И. МУНАВВАРОВ**

Китобда ўзбек давлатчилиги ривожининг қадимги замонлардан бугунгача бўлган қисқа тарихи, ўзбек халқининг ўзлигини англаш йўли батафсил ёритилган. Ўзбекистоннинг араб-мусулмон дунёси билан тарихий алоқаларига, жумладан, бугунги давлатлараро муносабатларга алоҳида эътибор берилган. Муаллифлар Ўзбекистон Республикасининг ташқи ва ички сиёсатидаги устувор йўналишлар ва уларнинг қайта татбиқ этилишини ўрганишда Президент И.А.Каримовнинг сиёсий нутқлари ва асарларининг чуқур таҳлили ва қатор ўзбек ҳамда чет элик тарихчи ва сиёсатшуносларнинг тадқиқотларига асосланган.

Китоб кенг ўқувчилар оmmasига мўлжалланган.

ISBN 5-640-02805-X

Ў $\frac{0804000000 - 140}{M 351 (04) 99}$ 2000

- © "ДОР аш-ШУРУҚ" нашриёт концерни, Қоҳира, 1999 й.
- © Ўзбек тилига таржима, ИМОМ ал-БУХОРИЙ халқаро жамғармаси, 1999 й.
- © "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1999 й.

Ўзбекистон барча мезонлар бўйича Марказий Осиёнинг ўзак давлатидир. Ушбу янги ташкил топган республика Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган бўлиб, бу ҳол унга минтақавий хавфсизлик ва барқарорликнинг таянчи ҳамда минтақани ташқи дунё билан боғловчи ҳалқа вазифасини ўташ имконини беради.

Ўзбекистоннинг аҳолиси минтақадаги бошқа ҳар қандай давлат нуфусига нисбатан тахминан икки ҳисса ортиқ. Шу билан бир вақтда, минтақадаги бошқа барча давлатларда ҳам анчагина ўзбеклар яшайди. Руслар Ўзбекистон аҳолисининг 6 фоизидан озроқ қисмини ташкил этади.

Марказий Осиёнинг жуғрофий “юраги”да жойлашган ушбу мамлакат минтақада ташкил топган барча янги давлатлар ҳамда Афғонистон билан чегарадошдир. Ўзбекистон йирик куч маркази бўлган биронта давлат, жумладан, Россия, Хитой, Эрон ва Покистон билан умумий жуғрофий чегараларга эга эмас. 1991 йили Совет Иттифоқи парчаланиб кетгунга қадар, бу мамлакатнинг Россия ҳарбий кучларининг минтақадаги маркази бўлиб келгани Ўзбекистоннинг юксак стратегик аҳамиятидан далолат беради. Кўплаб инвестицион лойиҳаларнинг Марказий Осиё пойтахтларидан Тошкентга кўчиб келаётгани ушбу ҳолатнинг ҳозиргача сақланиб қолганини билдиради. Ўзбекистон катта иқтисодий ва технологик

салоҳият, юксак малакали инсоний ресурслар ҳамда илмий муассасаларнинг ривожланган инфратузилмасига эга мамлакатдир.

Охириги ўн йилликда Ўзбекистон чуқур ўзгаришлар жараёнини бошдан кечирди. Янги давлат 1991 йили, икки қутбли халқаро тизим мазмун ва моҳияти ҳали охиригача равшанлашмаган кўп қутбли тизимга айланаётган бир шароитда ташкил топди. Айни вақтда Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий соҳаларни қамраб олган чуқур ислохотлар жараёни бошланиб кетди. Мамлакатда Президент Ислом Каримов раҳбарлиги остида амалга оширилаётган барқарор ривожланиш дастури туфайлигина сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларнинг муваффақиятини таъминлаш имкони яратилди.

Ўзбекистон ва араб-мусулмон дунёси ўртасидаги мустақкам ришталар VII—VIII асрлардаги Қутайба ибн Муслим раҳбарлиги остидаги араб-мусулмон юришлари (футуҳотлари) даврдан бошланган. Ўзбекистон ислом арконларини мустақкамлаш ва мусулмон тафаккури ривожда кўп асрлар мобайнида муҳим рол ўйнаган Имом ал-Бухорий каби атоқли олимлари билан араб-мусулмон оламига катта таъсир кўрсатиб келган.

Мўғул истилолари ва рус босқинлари натижасида ўзбеклар ва араблар ўртасидаги алоқалар сезиларли даражада узилиб қолган эди. Бироқ, мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда янги маданий-маънавий юксалиш юз бермоқдаки, унинг асосида, жумладан, буюк умуммусулмон цивилизацияси доирасида ўзбеклар ва араблар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий алоқаларни тиклаш ҳам ётади.

Ўзбекистон ва араб дунёси ўртасидаги яқин ҳамкорликни ривожлантириш учун, бошқа омиллардан ташқари, хилма-хил иқтисодий имкониятлар мавжуд-

ки, бу тадқиқотчи ва сиёсатчилар эътиборини ўзига тортмоқда.

Шу муносабат билан араб ўқувчисига Ўзбекистон Республикасини таништириш мақсадида бу мамлакатнинг араб давлатлари билан мавжуд алоқалари ҳамда уларнинг истиқболи ҳақида китоб ёзиш нияти туғилди. Китоб тўрт бобдан иборат бўлиб, биринчи бобда Ўзбекистоннинг истиқлол сари йўли, унинг умумий жуғрофий ва иқтисодий тавсифи ёритилади, қадимги замонлардан 1991 йил мустақилликка эришгунгача бўлган тарихий тараққиёти баён этилади. Мазкур боб, муаллифлар томонидан, ўзликка интилиш босқичи, деб аталган шўро даврини ҳам қамраб олган. Ушбу босқичнинг асосий хусусияти Ўзбекистонга нисбатан руслар зуғумининг кучайиши эди. У кейинчалик мустақилликка тайёргарлик ва миллий ўзликка интилиш даври билан алмашди.

Иккинчи боб Ўзбекистонда замонавий давлат қурилиши жараёнига бағишланган. Унда глобаллашув асрида давлат қурилишида мамлакат дуч келган таҳдид ва хавф-хатарлар ҳақида фикр юритилади. Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон давлатини ривожлантиришнинг ўзига хос моделини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ана шу муаммоларни ҳал этиш стратегияси атроф-лича кўриб чиқилади.

Учинчи бобда Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати масалалари таҳлил этилади. Бунда асосий эътибор мамлакат истиқлолга эришганидан сўнг ўзининг мустақил ташқи сиёсатини шакллантириш жараёнида дуч келган қийинчиликларга қаратилади. Президент Ислам Каримов томонидан баён этилган Ўзбекистон ташқи сиёсатининг фалсафаси халқаро ва ички мувозанатга эришиш, халқаро ҳамжамият тамойилларига мувофиқлик, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини рўёбга чиқариш учун зарур шарт —

унинг халқаро майдондаги ҳаракатлари эркинлигини таъминловчи омил ташқи ҳамкорлар хилма-хиллигига интилиш эканлиги таъкидланади.

Ҳар қандай давлат ташқи сиёсатининг аҳамияти, шубҳасиз, унинг хавфсизлик ва тараққиётга нечоғлик хизмат қилиши билан белгиланади. Ўзбекистон ташқи сиёсати таҳлилидан чиқадиган энг муҳим хулоса шуки, бу сиёсат ривожланиш ва минтақавий хавфсизликка хизмат қилмоқда. Шу бобнинг ўзида Ўзбекистоннинг Россия, Марказий Осиё давлатлари ҳамда минтақавий қўшнилар (Туркия, Эрон, Покистон), Ғарб давлатлари ва ташкилотлари ҳамда БМТга муносабати, ва ниҳоят, унинг чет эл инвестицияларини жалб этиш борасидаги сиёсати кўриб чиқилган.

Тўртинчи бобда муаллифлар диққати Ўзбекистон ва араб давлатлари ўртасидаги муносабатларга қаратилган. Унда мазкур алоқаларнинг тарихий илдиэлари қисқача баён этилган, бир жиҳатдан, араб мамлакатларининг Ўзбекистондаги, иккинчи томондан, Ўзбекистоннинг араб дунёсидаги манфаатлари кўрсатиб берилган. Ўзбекистоннинг Миср Араб Республикаси, Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Бирлашган Араб Амирликлари, Кувайт, Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги, Фаластин Давлати ва Жазоир Халқ Демократик Республикаси билан муносабатлари изчил таҳлил этилган.

Ушбу китоб Миср ва Ўзбекистон тадқиқотчилари гуруҳининг биргаликдаги меҳнати самарасидир. Шунинг учун у Миср Араб Республикаси учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси учун ҳам бирдек аҳамиятлидир. Умид қиламизки, китоб халқларимиз ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштиришга хизмат қиладиган янги тадқиқотларнинг дебочаси бўлиб қолади.

БИРИНЧИ БОБ

ИСТИҚЛОЛ САРИ

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ЙЎЛИДА

Ушбу бобдан кўзланган мақсад — китобхонда бугунги Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни ва ролини англаш учун зарурий тасаввурни шакллантиришдир. Мустақил ўзбек давлатининг ёши расман ҳали ўнга ҳам тўлмаган бўлса-да, унинг истиқлол сари босиб ўтган йўли бир неча асрни ўз ичига олади. Дарҳақиқат, ҳар қандай давлатнинг умри унинг истиқлолга эришган кунидан эмас, балки унда яшовчи халқларда ўз жамияти ва ҳудудига садоқат ҳамда мансубликка асосланган ижтимоий-этниқ туйғулар пайдо бўла бошлаган, яъни миллат пайдо бўлган вақтдан ўлчанади¹. Бу бобда ўқувчига Ўзбекистон ҳаётининг узоқ тарихи давомидаги манзаралари тақдим этилиб, айниқса, у мустақилликка эришган кундан ниҳоясига етган шўро даврига алоҳида эътибор берилади.

Ўзбекистон тарихини кенг қамровли биргина ибора билан — "ўзликни англаш йўли" деб аташ мумкин. Ўзбек халқининг миллий онги ушбу халқ асрлар давомида яшаб келаётган заминда берган қурбонларини ўзида мужассам этган. Айни вақтда мазкур онг ўзбек заминида тарихнинг турли даврларида кетма-кет содир бўлган урушлар натижасида юзага келган мустамлакачилик асоратларидан озод бўлишга эришди.

Ўзбекистон — ўзаро боғлиқ ва бир-бирига киришиб кетган субмиллий шахсиятлар (давлат ичидаги

муайян гуруҳга мансублик), миллий шахсиятлар (ягона давлатга мансублик) ва муайян миллатга мансублик туйғусидан юқори турувчи шахсиятлар (жуғрофий жиҳатдан бир давлат ҳудудидан анчагина кенг бирликка тегишлилик туйғуси) яшайдиган давлатдир. Дунёда миллий давлат тушунчаси пайдо бўлган XVI асрдан бошлаб, Ўзбекистон олдида ўз моҳиятини ҳимоя этиш, айти пайтда зикр этилган уч хил шахсиятлар орасидаги мувозанатни таъминлаган ва улар орасидаги зиддиятларга барҳам берган ҳолда ўзбек шахсиятини сақлаб қолиш вазифаси кўндаланг турар эди. Мустақиллик Ўзбекистонга ушбу вазифани мувафаққиятли ва узил-кесил ҳал этиш имконини берди.

Ўзбекистоннинг ўзликни англаш йўлидаги ютуқлари фақат унгагина фойдали бўлиб қолмасдан, балки бутун Марказий Осиё минтақасига ҳам тааллуқлидир. Шунингдек, Ўзбекистондаги барқарорлик ва изчил ривожланиш ҳам фақатгина унинг миллий манфаатларига эмас, балки Марказий Осиёнинг барча жумҳуриятлари манфаатларига ҳам мосдир.

Ўзбекистон аҳоли сони жиҳатидан Марказий Осиёдаги энг йирик давлат бўлиб, унинг бой маданий ва тарихий меросга эгаллиги минтақада етакчи мамлакат бўлиш имконини беради. Бундан ташқари, қимматбаҳо табиий захиралар ва инсоний ресурсларнинг кўплиги қўшни давлатлар орасида унинг нуфузини янада кучайтиради.

Британиялик географ Х.Дж.Маккиндер концепциясига мувофиқ, агар Марказий Осиё "Хартлэнд" ("ернинг юраги") бўлса, айнан Ўзбекистон, эгаллаган марказий ўрнига кўра, "ер юрагининг юраги"дир. У Марказий Осиёнинг бирлаштирувчи тамал тоши ва ўз атрофида тутиб турувчи ўқидир.

Минтақадаги бошқа жумҳуриятлар ҳам ўзликни англаш йўлида муҳим босқични бошдан кечирган

бўлсалар-да, бу жараён Ўзбекистонда мустақкам ижтимоий барқарорликнинг мавжудлиги туфайли ҳайратомуз даражада тез кечди. Унинг натижасида фуқаролик тушунчаси мустақкамланиб, қўшни давлатлар ўрناق олса арзийдиган намуна даражасига кўтарилиди. Ўзбекистон мустақиллиги йўлида кечаётган ўзликни англаш жараёни — узоқ муддат давом этгани, олиб борилган сиёсатнинг тўғрилигига ишонч ва мустамлакачиликка қарши курашдаги матонат билан алоҳида ажралиб туради.

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон ўзини узоқ муддат Москва билан боғлаб турган мустамлакачилик алоқаларини узиб, давлат мустақиллигини эълон қилди. Чор Россияси қўшинлари Тошкент шаҳрини босиб олган 1865 йил 15 июндан мустақиллик эълон қилинган кунга қадар 126 йил мамлакат аввал Чор Россияси, ундан кейин эса коммунистлар исқанжасида яшади. Мазкур узоқ муддат давомида Ўзбекистон изчиллик билан мустақилликка интилиди, ўзликни англаш йўлидаги ишларини охирига етказиб, ўз озодлиги ва суверенитетини қўлга киритишга ҳаракат қилди. Узлуксиз руслаштириш сиёсатига қармай, Ўзбекистоннинг миллий ўзлигини акс эттирувчи жиҳатлар йўқолиб кетмади, ҳатто заифлашмади. Миллий озодлик ҳаракатининг ушбу жиҳати Ўзбекистон ва қўпгина ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги яқинликни кўрсатади.

Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги қўпгина халқлар узоқ вақт мустамлакачилик зуғуми остида яшадилар. Бу ҳол уларнинг ўз ҳуқуқлари, мустақиллик ва эркин тараққиётга бўлган интилишларини янада кучайтирди. Жазоир Франция қўлида 132 йил, Ҳиндистон Британия ҳукми остида 347 йил, Индонезия шунча йил Голландия қўлида, Бразилия 322 йил Португалия қўлида, Миср 74 йил Британия қўли ости-

да эзилди. Бироқ, мазкур халқлар узоқ муддат мустамлакачилик зулмини бошдан кечиришларига қарамай, бу ҳол уларнинг ўзлиги ва тарихий хотирасини маҳв эта олмади. Уларнинг ташқи кучларнинг аралашувиغا қарши кураши мустақиллик қўлга киритилгунча давом этаверди. Ўзбекистон XX асрнинг 50-60-йилларида авжига чиққан миллий озодлик ҳаракатига қўшилиб кетиб, мустамлакачилик асоратидан қутулиш учун айнан шундай қийин йўлни босиб ўтди. Бу кураш 1991 йилнинг охирида Совет Иттифоқи кулаганидан кейин Ўзбекистон ва бошқа жумҳуриятларнинг мустақилликка эришиши билан ниҳоясига етди.

Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиш ҳақидаги қарор, Горбачёв ҳокимият тепасида турган Совет Иттифоқи кескин сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий беқарорликка юз тутган мураккаб даврда қабул қилинди. Баъзи совет жумҳуриятлари иттифоқдан ажралишни талаб қилиб чиқдилар. Сиёсий барқарорликка путур етказган миллий низолар бошланиб кетди. Москвадаги ҳукмрон кучлар бу даврда иккига — қатъий консерваторлар ва либерал ислоҳотчилар гуруҳларига бўлиниб, ўзаро кескин сиёсий курашларга киришган эдилар. Улар орасидаги низолар чуқурлашиб, 1991 йил августида Горбачёв сиёсатига қарши кучлар давлат тўнтаришини амалга оширдилар.

Дунёдаги энг кучли хавфсизлик ҳамда ижтимоий тартибни сақлаш тизимига эгадек туюлган совет давлати иложсиз ҳолатга тушиб, ўз фуқаролари манфаатлари ҳимоясига ожиз бўлиб қолди. Пролетар бирдамлик ҳақидаги марксча шиорлар динлараро зўравонлик олдидан ожизлигини кўрсатди. Совет хавфсизлик аппарати фуқароларни мамлакатда вужудга келган сиёсий бўшлиқ оқибатларидан ҳимоя

қила олмади. Мазкур бўшлиқни эски ғоялар ёки анъанавий институтлар ёрдамида тўлдириш мумкин бўлмай қолди. Марказий ҳокимиятнинг таъсири барбод бўлган бундай беқарор вазиятда барча собиқ совет жумҳуриятлари олдида Москвадаги сиёсий бошбошдоқлик юзага келтирган бўшлиқни тўлдириш ва барқарорликни тиклаш чораларини қидириш вазифаси турар эди. Бошқа жумҳуриятлар каби, Ўзбекистон учун ҳам бундай вазиятдан чиқишнинг энг тўғри йўли — давлат мустақиллигини эълон қилиш эди.

Ўзбекистоннинг мустақиллик сари йўли осон бўлди ва истиқлол унга "кумуш товоқдаги совға" каби тақдим этилди, деган тасаввур мутлақо нотўғридир. Шунга қарамасдан, айрим мутахассислар, хусусан, европаликлар Марказий Осиё республикалари ҳеч қачон мустақилликка интилмаганлар, балки унга "мажбуран етишдилар", деган фикрларни илгари сурдилар. Уларнинг иддаосича, совет империясининг тўсатдан қулаши натижасида бу жумҳуриятлар ўзларини жаҳон ҳамжамиятининг янги давлати, деб эълон қилишларидан ўзга йўл йўқ эди².

Бу иддаонинг маддоҳлари ҳатто мазкур минтақада Россиянинг мавжудлигига қарши бирон-бир революцион ҳаракат, халқ тўлқинлари ва мустақиллик йўлидаги қон тўкишлар юз бермаган, дейишгача бориб етдилар. Ҳатто баъзи жумҳуриятлар, Москва тақдим этадиган иқтисодий имтиёزلардан фойдаланиш мақсадида, гўё Совет Иттифоқи таркибида умрбод қолиш учун ҳаракат қилган эмиш. Ана шундай ёлғонлар асосида бу жумҳуриятлар ҳеч қачон мустақилликка интилмаганлар ва улар мажбур бўлганларидан кейингина уни қабул қилганлар, деган хулосага келинади. Бошқача айтганда, гўёки, Россия XIX асрда Марказий Осиё халқларининг озодлигини "бе-

кор қилган", XX асрнинг охирларига келиб эса унинг ўзи уларга озодликни "тақдим этган" эмиш.

Ушбу фикрлар фирт ёлгон уйдирмалардан ўзга нарса эмас. Бу каби хулосаларни Марказий Осиёдаги бешта жумҳуриятдан биронтасига, айниқса Ўзбекистонга нисбатан ишлатиш тарихий ҳақиқат ва соғлом мантиқни инкор этишдир:

Биринчидан, ташқи таъсирнинг мавжудлигига қарши куч ишлатмаслик, ундан халос бўлиш истаги йўқлигини англатмайди. Бошқача айтганда, ташқи таъсирга қуроли қаршилиқ кўрсатиш бирон-бир мамлакат ватанпарварларининг мустақилликка эришишининг ягона йўли эмас. Масалан, Маҳатма Ганди даврида Ҳиндистон ўз курашида пассив қаршилиқ кўрсатиш ғоясига суянган. Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракатининг мамлакатдаги Британиянинг ҳукмронлигига куч ишлатмасдан қаршилиқ кўрсатиш услуги Ганди таълимотига мувофиқ бўлиб, у мустақилликка интилиш аҳамиятини асло камайтирмас эди. Зўравонлик ва қон тўкишни мустақилликни қўлга киритишнинг муқаррар шартлари, деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Иккинчидан, зарур ресурслар билан бепул таъминлаш юкини фақат Москва елкасига юкланганлиги ҳамда Россиянинг иқтисодий суянчиқлиги туфайли ундан ажралмасликка интилиш ҳақидаги сафсаталар ҳам Ўзбекистон учун мутлақо ноўриндир. Бир асрдан ортиқ вақт мобайнида Ўзбекистондан олиб кетилган бойликлар ва хўжалик юритишнинг шўроча услублари Ўзбекистондаги атроф-муҳитга кўрсатган зарар ўзаро солиштирилса, Москванинг иқтисодий манфаатлари Ўзбекистонникидан кўра устунроқ бўлганини кўриш мумкин. Россия Ўзбекистон билан муносабатларида бир неча баробар кўпроқ манфаат топгани равшанлашади. Ўзбекистон бошқаларнинг

“инъомлари” сиз мустақил равишда ўзини таъминлаш учун етарли бой табиий ва инсоний ресурсларга эга давлатдир. Айнан мана шу табиий бойликлар, бошқа омиллардан ташқари, Чор Россиясини, кейинчалик совет Россиясини Ўзбекистон ерларини босиб олишга ундаган. Истиқлол Ўзбекистонни Россия таклиф этиши мумкин бўлган иқтисодий ёрдамдан маҳрум қилмади. Аксинча, унга мамлакатнинг янги тарихида биринчи марта ўз бойликларини мустақил ривожлантириш ва ташқи кучлар томонидан мажбуран ўтказилган планларни бажариш учун эмас, балки улардан ўзининг устувор манфаатлари йўлида фойдаланиш имконини берди.

Учинчидан, ўзбек халқининг чоризм ва совет давридаги рус ҳукмронлигига қарши ҳаракатларининг бой тарихини инкор этиб бўлмайди. Ўзбек халқи ўз мустақиллигидан ҳеч қачон воз кечмаган. Ўзбек миллий анъаналарининг мустақамлиги, аждодлар урф-одати ва эътиқодига садоқати, руслаштириш сиёсатига матонат билан қарши туриши — рус экспансиясига қарши курашларда, хусусан, XX асрнинг 20-30-йилларида берилган қурбонлар — буларнинг барчаси Ўзбекистон ва бошқа Марказий Осиё жумҳуриятларининг мустақилликка эришишга қаратилган оташин интилишини кўрсатади.

Мустақиллик Ўзбекистоннинг шўро тузумидан мустақил давлат ривожланишига оғриқларсиз ўтиши учун қулай шароит вужудга келган тарихий босқичда қўлга киритилди. У пайтга келиб ниҳоятда заифлашган совет давлатининг Ўзбекистон мустақиллигига қаршилик кўрсатишга мажоли қолмаган эди.

Юқорида таъкидланганидек, мустақилликни қўлга киритиш учун қон тўкиш ҳар доим ҳам, хусусан, озодликни қўлга киритишнинг оқилона тажрибаси кўрсат-

ганидек, шарт эмас. Ўзбекистон мисолида айнан шундай бўлди.

Қулай шароит деганда шуни назарда тутиладики, Ўзбекистон, 1990 йилнинг мартада парламент Президент лавозимини таъсис этганидан бир ярим йил вақт ўтгач, ўз мустақиллигини эълон қилди. Дарҳақиқат, Ўзбекистондаги сиёсий кучлар ўртасида муайян сиёсий тизим ҳақида келишмасдан туриб, мустақилликни эълон қилиш ғайри мантиқий бўлур эди. Президентлик ижроия ҳокимияти тизимининг яратилиши совет тузумидан мустақил давлат қуриш босқичига тинч йўл билан ўтилишини кафолатлади. Президентлик институти янги тузум учун шундай тамал тоши бўлиб хизмат қилдики, давлат қурилиши жараёнида учрайдиган муаммоларни ҳал этишга хизмат қилувчи қатор стратегияларни ривожлантиришга ёрдам берди (бу ҳақда иккинчи бобда батафсил сўз юритилади).

Ўзбекистоннинг истиқлол сари йўлини таҳлил этиш учун унинг мустақилликдан олдинги тарихини икки босқичга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи босқич эрампдан аввалги биринчи минг йилликдан 1917 йилдаги большевиклар инқилобигача бўлган узок муддатни қамраб олади. У турли халқаро минтақавий кучларнинг Марказий Осиё, жумладан, ҳозирги замон Ўзбекистон ҳудудларида ўз монополияларини ўрнатиши билан ажралиб туради.

Иккинчи босқич 1922 йил декабридан 1991 йилгача бўлган совет даврини ташкил этади. Бу давр биринчи босқичга нисбатан қисқалигига қарамай, Ўзбекистоннинг ижтимоий-маданий тараққиётига кўпроқ таъсир кўрсатди. Мазкур босқичда, озодликка интилиш жараёнида ўзбек халқининг миллий онги ўсди. Мустақиллик даврида у авж чўққисига кўтарилди. Ушбу икки босқични бирин-кетин ёритиш мақсадга мувофиқ.

Бироқ тарих ҳақида сўз юритишдан олдин давлатнинг асосий хусусиятларига оид умумий тушунча бериш фойдалироқ кўринади. Бу, Ўзбекистон тарихий ривожланишининг қисқача баёни билан бирга, иқтисодий тараққиёт ва давлат қурилиши борасидаги ўзбек моделининг ҳақиқий аҳамиятини баҳолашга ёрдам беради. Шунинг учун ушбу боб қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- *Ўзбекистон давлатининг умумий тавсифи.*
- *Ўзбекистон шўролардан олдинги даврга.*
- *Ўзбекистон шўро даврида.*

ЎЗБЕКИСТОН: ДАВЛАТ ПОРТРЕТИ

Жуғрофий жиҳатдан³ Ўзбекистон Марказий Осиёнинг қоқ "юрагида" жойлашган бўлиб, минтақадаги қолган тўрт республика ва Афғонистон билан чегарадош. Ўзбекистондан шимоли-ғарбда Қозоғистон жойлашган. Улар ўртасидаги чегара узунлиги 2203 км.ни ташкил этади. Шарқ ва жануби-шарқда мамлакат Қирғизистон ва Тожикистонга туташган. Улар билан мавжуд чегаралар узунлиги 1099 ва 1161 км.ни ташкил этади. Жанубий-ғарбда Туркменистон жойлашган бўлиб, у билан 1621 км.лик чегара бор. Ва ниҳоят, жанубда Афғонистон жойлашиб, у билан 137 км.лик чегара бор. Мамлакат чегараларининг умумий узунлиги 6221 км.

Ўзбекистон Республикасининг жуғрофий мавқеи унинг қўшни давлатлар билан тотувлик, яхши қўшничилик ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик тамойилларига асосланган ташқи сиёсат юритишни тақозо этади. Ушбу сабаблар туфайли, давлат яхлитлиги, давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш ҳам устувор вазифалардан бирига айланади.

Ўзбекистоннинг майдони 447,400 км² бўлиб, ундан 425,400 км² қуруқлик ва қолган қисмини сув ҳавзалари ташкил этади. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг масоҳати АҚШнинг Калифорния штатидан, шунингдек, Британия, Белгия, Дания, Швейцария, Австрия ҳудудларининг умумий майдонидан каттадир. Топографик жиҳатдан Ўзбекистон асосан ясси саҳролар, Амударё (Жайхун) ва Сирдарё (Сайхун) дельталари, мамлакатнинг асосан шарқий ҳудудларидаги тоғли минтақалар ва тепаликлар билан тавсифланади. Ўзбекистоннинг энг баланд нуқтаси денгиз сатҳидан 4663 м.га етади.

Ўзбекистоннинг ҳудудий-топографик хусусиятлари бутун тарих давомида унинг дунё ҳамжамиятидаги обрў-эътиборининг мустаҳкамланишида муҳим рол ўйнаб келган. Бугунги кунда ҳам улар ташқи ва ички сиёсат шакллари таллаш, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг яратувчан кучини ҳаётга татбиқ этилишида муҳим рол ўйнамоқда.

Ўзбекистон аҳолисининг сони 24 млн.га яқин. Бу кўрсаткич бўйича у собиқ совет республикалари орасида Россия ва Украинадан кейин учинчи ўринда туради. Ўзбек жамияти аҳоли ёши бўйича қуйидагича тақсимланади:

- 14 ёшгача (40%);
- 15 дан 64 ёшгача (55%);
- 65 ёшдан юқори (5%).

1996 йил статистикасига кўра, туғилишлар сони ҳар минг кишига 29,86 киши, ўлимлар сони ҳар минг кишига 8,02 киши бўлиб, аҳолининг ўртача умри 65 ёшга тўғри келади. Ўзбекистон фуқароларининг ўртача ёши тахминан 23,9 ёшни ташкил қилади. Ушбу демографик маълумотлар Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилиги ёшлар эканлигини кўрсатади. Бу ҳол давлатта ишлаб чиқариш ва самарали ривожланишни кенгайти-

риш учун зарур қимматли ишчи кучини таъминлайди.

Баён этилганлардан ташқари, демографик вазиятнинг яна бир жиҳати Ўзбекистон аҳолисининг таълим даражаси юксаклигидир. Эркаклар орасида саводхонлик даражаси 98% бўлса, аёллар орасида 96% га етади. Бу Ўзбекистоннинг саводсизликка қарши кураш соҳасида дунёдаги пешқадам давлатлар қаторида бўлишини таъминлайди.

Бундан ташқари, кўпчилик ривожланаётган мамлакатлардан фарқли равишда Ўзбекистон аҳолисининг жуғрофий тақсимоти мавжуд ресурсларга нисбатан кам босими билан ажралиб туради. Шаҳарларда жами аҳолининг 38,4% яшаса, қолган 61,6% қишлоқларда истиқомат қилади⁴. Шундай қилиб, қулай вазият ижтимоий-иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириш имконини беради. Демографик вазиятнинг ресурсларга нисбатан ортиқча босимидан кўпчилик ривожланаётган давлатлар азият чекмоқда.

Ўзбекистон аҳолиси 129 миллат ва элатларни ўз ичига олган. Уларнинг энг каттаси ўзбеклар бўлиб, улар умум аҳолининг 3/4 қисмини ташкил этади. Кейинги ўринда турадиган гуруҳларнинг кўпчилиги, қорақалпоқлардан ташқари, совет даврида кўчиб келган миллатлар — руслар, украинлар, татарлар ва бошқалардир. 1-жадвал Ўзбекистондаги миллатлар нисбатини кўрсатиб беради. Совет мезонларига мувофиқ, Ўзбекистон аҳолиси этник нуқтаи назардан энг яхлитдир. Мустақиллик қўлга киритилгандан кейин ушбу омил мамлакатда мустаҳкам ижтимоий барқарорликка эришиш имконини яратди. Бу билан турли миллат вакиллари ягона миллий давлат ҳудуди ичидан бирлаштиришга қаратилган Ўзбекистон раҳбариятининг стратегик саъй-ҳаракатлари муваффақияти таъминланди.

**Ўзбекистон аҳолисининг миллий-этник таркиби
(24 млн кишига нисбатан фоиз ҳисобига)**

<i>этник гуруҳлар</i>	<i>жами аҳолидан % ҳисобига</i>
Аҳолининг умумий сони	100%
Ўзбеклар	75,8
Руслар	6,0
Тожиқлар	4,8
Қozoқлар	4,1
Татарлар	1,6
Қирғизлар	0,9
Туркманлар	0,6
Украинлар	0,2
Озарбайжонлар	0,2
Арманлар	0,1
Белоруслар	0,1
Немислар	0,1
Бошқалар	5,5

Иқтисодий базис нуқтаи назаридан Ўзбекистон ўзининг йирик моддий захиралари билан диққатни жалб этади. Аммо Совет Иттифоқи ўрнатган "темир панжара" ортидаги Ўзбекистон дунё назаридан йироқда бўлгани учун ҳам яқингача улардан тўлақонли фойдаланилмаган. Маълумки, олтин захиралари бўйича Ўзбекистон дунёда тўртинчи ва мис захиралари бўйича ўнинчи ўринда туради. Бундан ташқари, Ўзбекистонда 5 трлн м³ газ, 4 млрд тонна нефт ва 2 млрд тонна кўмирга эга улкан қазилма бойликлар бор. Бу захираларни қазиб чиқаришдан тушадиган фойда йилига 5,5 млрд АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда.

Мазкур манбалардан ташқари, Ўзбекистон улкан қишлоқ хўжалик ресурсларига эга. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг энг муҳими бўлган пахтадан йилига — 1,3 млн тонна атрофида тола олинади, 5 млн тонна мева ва сабзавот, 20 минг тонна пилла етиштирилади.

Ушбу хомашё базаси яхши ривожланган инфра-тузилмага таянган бўлиб, чет эллик сармоядорларни мамлакат иқтисодини ривожлантиришда иштирок этишга қизиқтиради. Ўзбекистоннинг шарқдан ғарбигача (1425 км), шимолдан жанубигача (930 км) бўлган майдон деярли тўлалигича 6700 км. дан иборат темир йўллар билан қопланган. Ундан ташқари, автомобил йўлларининг қарийб 80 % қаттиқ қопламага эга. Ҳаво қатнови ҳам яхши ривожланган. Мамлакатдаги аэропортларнинг 30 таси узунлиги 1524 дан 3047 метрга етадиган учиб ва қўниш йўлакларига эга.

Олий малакали инсоний ресурслар ва истиқболли иқтисодий асос билан биргаликда нисбатан ёш Ўзбекистонга дунёга тезлик билан очилиш, унга чет эл сармояларини жалб этиш имкониятини берди. Биргина 1995 йилнинг ўзида Ўзбекистон 1 млрд доллар чет эл инвестицияларини олишга муваффақ бўлди.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон ўз аҳамиятига кўра, жуғрофий, демографик ва иқтисодий ресурслардан кам бўлмаган яна бир мустақкам асосга эга. У тарихий асосдир. Ўзбекистон ўзига бебаҳо гуманитар мерос тухфа этган бой тарихий тажриба тўплаган мамлакат. Бу мерос турли билимлар ва фалсафий таълимотларнинг битмас-туганмас хазинасидир.

Айрим замонавий сайёҳларнинг фикрича, Ўзбекистон улар учун узоқ ўтмишга йўл очадиган мамлакат. Унинг маданий-тарихий обидалари, қасрларию масжидлари, кўчалари ва чойхоналари ўзбек замини буюк маданиятлар бир-бири билан учрашган ва уларнинг мулоқоти давом этаётган жойлигидан гувоҳлик

беради⁵. Тарихий мерос бугунги Ўзбекистон учун бетакрор ўзликни англаш билан боғлиқ чуқур туйғулар манбаи, давлатчиликни такомиллаштиришнинг мустақкам таянчидир. Умуман, Ўзбекистон тарихи шундан гувоҳлик берадики, у ўзлигини йўқотмай туриб ва бегона унсурлар таъсирига тушиб қолмасдан, ташқаридан келган барча янгиликларни қайта кўриб чиқиб, ўзига сингдириш қобилиятига эга. У турли маданиятларни ўзига сингдириб, уларни қайта қолипга солиши мумкин, бироқ ҳеч қандай ташқи куч, масалан ассимиляция сиёсати, унинг ўзига хос маданиятини "эритиб" юбориш қудратига эга эмас.

Бой тарихий ўтмиш ўзбекларнинг миллий жипслигини мустақкамлайди. Мустақил Ўзбекистон ҳали ёш давлат бўлса-да, унинг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Замоनावий ўзбек давлати шакланмасдан анча аввал тарих, тил ва ташқи душманга қарши курашда елкадошликка асосланган ўзбек миллати вужудга келди.

Ушбу тарихий омил Ўзбекистон фойдасига хизмат қилмоқда. Давлат қурилиши жараёни миллат юзага келишидан олдин кечган ва бунинг натижасида давлат халқдан устунроқдек бўлган "учинчи дунё" мамлакатлари тажрибасидан фарқли ҳолда, Ўзбекистоннинг кўп асрлик тарихи шу билан ибратлики, унда давлат қурилиши жараёни бирлашган ягона миллат шаклланиб бўлгандан кейин бошланди. Умуммиллий бирдамликка суянмаган давлат қурилиши заиф ва мўрт жараёндир. Аксинча, шакланган кучли умуммиллий бирдамликка суянган давлат қурилиши чуқур тарихий тажриба билан мустақкамланган барқарорлик билан ажралиб туради. Ўзбекистон бунинг мисоли. Бу ҳақда кейинги икки бўлимда сўз юритилади.

СОВЕТ ИТТИФОҚИДАН ОЛДИНГИ ДАВР: МИЛЛАТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Ўзбекистоннинг кўп асрлик тарихи Марказий Осиёнинг умумий тарихи билан чамбарчас боғланган. Минтақа тарихига оид ёзма манбалар эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталарига бориб тақалади⁶. Бу даврда ўзларининг маъмурий ва сиёсий тизимларига эга бўлган барқарор жамиятлар шаклланди. Унумдор воқаларда (VIII асрдан бошлаб) Бактрия, Хоразм, Парфия ва Суғдиёна каби қадимий давлатлар вужудга келди.

Марказий Осиё, хусусан унинг "юраги" бўлган Ўзбекистон ҳудудининг стратегик аҳамияти ташқи кучларнинг бу минтақага эътиборини доимий равишда тортди. Ажнабийларни Марказий Осиёга тортган яна бир нарса — инсоният тарихидаги машҳур "учлик" — дин, олтин ва шухрат эди. Уларнинг баъзилари минтақада ўз диний эътиқодларини ёйиш учун диний байроқ остида, бошқалари минтақадаги бой хомашё манбаларини талон-торож қилиш ниятида, яна айримлари эса ўз империяпарастлик ва ўз номларини тарихда қолдириш ҳиссиётларини қондириш мақсадида ушбу жуғрофий жиҳатдан биқик минтақани забт этиш иштиёқида келганлар.

Худди шу мақсадда милоддан аввалги VI асрда форслар (Аҳмонийлар) Марказий Осиёни ўз империяларига қўшиб олиш учун юриш қилдилар. Аммо улар IV милодий асрда Александр Македонский қўшинларининг тазйиқи остида минтақадаги мавқеларини йўқотдилар. Сўнг бирин-кетин бошқа босқинчилар бу ерга келдилар.

Кейинчалик Сосонийлар (224-651) Марказий Осиё билан Персия ўртасидаги алоқаларни тикладилар. Сўнг, 651 йилда бу ерга араблар келдилар. Гарчи араб-

лар Марказий Осиёда узоқ муддат қолмаган бўлсалар-да, бироқ улар келтирган янгилик — Ислом минтақада ҳозиргача барқарор сақланиб қолди. Дунёнинг бу ўлкасига Исломнинг кириб келиши ва Марказий Осиё халқлари томонидан унинг ихтиёрий равишда қабул қилиниши — бу халқлар тарихидаги бурилиш нуқтаси бўлди ҳамда улар ҳаётида чуқур из қолдирди. Исломнинг таъсири, хоҳ чоризм босқинчилиги, хоҳ совет даврида бўлсин, бу мамлакатда сақланиб қолди. У ўзбекларнинг бу ерга кўчиб келган славян халқларидан ажратиб турувчи миллий туйғуларини озиқлантирган муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Араблардан сўнг Марказий Осиёда Сомонийлар (819–999) ҳукмронлиги ўрнатилди. X асрнинг бошларидан Мўғулистонга кўшни бўлган минтақалардан туркий қабилалар кўчиб кела бошладилар. Улар Сирдарё ва Амударё соҳиларида яшаган деҳқончилик билан шуғулланган жамоалар билан аралашиб, исломни қабул қилдилар. Ана шу турк қабилаларидан бири — Қорахонийлар 999 йилда Бухоро ва Марказий Осиёнинг қатор шаҳарларини Сомонийлардан тортиб олишга муваффақ бўлдилар ҳамда минтақани форслар таъсиридан чиқардилар. Улар ўз давлатларининг пойтахти қилиб Самарқандни танладилар. Қорахонийлар исломни шарққа қараб то Хитой империясининг чегараларигача ёйдилар.

Бироқ туркий қабилалар орасида авж олган ўзаро рақобат минтақада Қорахонийлар ҳукмронлиги мустақамланишига тўсиқ бўлди. Натижада, XI асрнинг биринчи ярмида Қорахонийлар тахтининг меросхўри сифатида Салжуқийлар давлати ҳокимиятни қўлга олди. Улар, шунингдек, Персия, Сурия, Фаластин ва Ироқнинг катта қисмини ўз давлати таркибига киритишга муваффақ бўлдилар. Аммо Салжуқийлар

ҳокимиятига қорахитойлар (1140-1213) таҳдид сола бошладилар. Мўғулистондан келган қорахитойлар минтақада Хитой услубидаги ҳукмронликни ўрнатишга ҳаракат қилдилар. Лекин минтақага келган янги қабилалар ўша даврда Хоразм давлати кўринишидаги турк унсурларининг таъсирига тушиб қолар эдилар.

Минтақани қўлга киритиш йўлидаги ҳаракатлар 1219-1221 йилларда Чингизхон томонидан давом эттирилди. Унинг ўлиmidан сўнг (1227) минтақани қисқа муддатли барқарорлик ва марказий ҳокимиятлар билан алмашиб турган узоқ феодал урушлари қамраб олди. XIV-XV асрларда Амир Темур ва Темурийлар саъй-ҳаракатлари туфайли вазият барқарорлашди. Темурийлар пойтахти — Самарқанд маданий-иқтисодий тараққиёт ва гуллаб-яшнашнинг ҳақиқий намунасига айланди.

XV асрнинг охири — XVI асрнинг бошларида минтақадаги ҳукмрон сулолаларнинг алмашинувида кескин бурилиш юз берди. XV асрнинг охирида Шайбонийхон раҳбарлиги остида ўзбек сулолаларидан бири бутунги Ўзбекистон таркибидаги асосий шаҳарлар — Бухоро, Хива, Қўқонда ўз ҳукмини ўрнатди. Мазкур уч шаҳар Марказий Осиёдаги сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётнинг энг муҳим марказларига айланди. Давлат ишларини бошқариш XVI асрдан XIX асрнинг иккинчи ярмигача — руслар бу ерга келгунча, яъни уч ярим аср давомида айнан шу марказлардан амалга оширилди. Ўзбекларнинг ягона этник бирликка мансублик туйғулари, ислом ва мазкур қабилалар жойлашган минтақадаги энг муҳим шаҳарлардан ўтган Ипак йўли хавфсизлигини таъминлашга интилиш бирлаштирди.

XIX асрнинг ўрталаридан ўзбеклар Россия ва Британия ўртасида бошланиб кетган рақобат — “катта

ўйин"нинг узвий қисми бўлган рус экспансиясида ўз ифодасини топган ташқи таҳдидга дуч келди. Сулолавий қариндошлик, ягона динга мансублик ва умумий ташқи душманга қарши туриш заруратининг идроки ўзбекларда уларни бошқалардан ажратиб турадиган ягона миллатта мансублик туйғуларини кучайтирди. Бу ўзбекларнинг ўзлигини англаши йўлидаги биринчи асос эди.

Чор Россияси даври ўзликни англаш ва миллатнинг шаклланиши жараёнининг янада кучайишида алоҳида ўрин тутди. Узоқ муддат давомида — XIX асрнинг иккинчи ярмигача Марказий Осиё руслар таъсиридан ташқарида эди. Бироқ руслар Туркистон номи билан танилган минтақани босиб олганларидан кейин, фақатгина Хива ва Бухоро амирлиги, Чор Россиясига бўйсунган бўлсалар-да, расман ўз мустақиллигини сақлаб қолдилар.

Русларнинг Марказий Осиёга келиши маҳаллий аҳолининг маданияти ва қадриятларига катта таҳдид ва уларга тегишли ерга нисбатан тажовуз туғдирди. Шунинг учун ҳам Марказий Осиёдаги руслар экспансияси ўзбек ва бошқа халқларнинг ўзлигини англаш жараёнининг кучайишига олиб келди.

1865 йил 15 июнда Тошкент шаҳрининг босиб олиниши рус босқинлари жараёнидаги энг муҳим воқеа бўлди. Чунки Тошкент руслар қўлига ўтган биринчи йирик шаҳар бўлиб, у Россия экспансиясининг кенгайиши йўлидаги тўсиқ-қалъа ҳисобланар эди.

Марказий Осиёнинг ўзаги — Тошкентнинг руслар томонидан босиб олинишидан кўп ўтмай бошқа муҳим шаҳарлар ҳам таслим бўлди. Руслар Бухорони 1868 йилда, Хивани 1873 йилда, Қўқонни эса 1876 йилда босиб олдилар. Россиянинг Марказий Осиёда ўзбек ерларини биринчи ғалда босиб олиши тасоди-

фий ҳол бўлмасдан, балки аниқ режаларга асосланган эди.

Россия ҳарбий кампаниясининг айнан ўзбек шаҳарларидан бошланганига сабаб бўлган учта омилни санаб ўтиш мумкин. Бир тарафдан, ўзбеклар Марказий Осиёдаги энг кўп сонли халқ бўлгани туфайли улар Россия учун мураккаб муаммо эди. Шунинг учун Россия қўмондонлиги минтақадаги қаршилик ҳаракатларининг йўлини тўсиш учун ўзбек ерларини босиб олиш зарур, деб ҳисоблар эди. Иккинчи тарафдан, ўзбек ерларининг Марказий Осиёдаги марказий ўрни Россия ҳарбий режаларини амалга оширишда стратегик аҳамият касб этар эди. Ҳарбий кучларни ўзбекларнинг йирик шаҳарларида марказлаштириб туриб, Марказий Осиёнинг барча йўналишларидаги минтақаларга юришларни амалга ошириш мумкин эди. Учинчидан, ўзбек ерларининг Россия учун стратегик аҳамияти яна уларнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, хусусан, пахта етиштиришга ўта қулайлиги эди. Айнан ана шу хусусият, кейинчалик, Ўзбекистон ва Россия орасидаги алоқаларнинг асосий моддаси бўлиб қолди.

Америкадаги граждандар уруши (1861-1865) АҚШдан Европага пахта импортининг аста-секин қисқаришига олиб келди. Бундан Европа давлатлари, жумладан Россия зарар кўрди. Шунинг учун Москва ўзининг тўқимачилик саноати учун жуғрофий жиҳатдан яқин ва серҳосил ўзбек ерларини муқобил манба сифатида босиб олишга шошилди⁷.

Россия экспансиясига қарши ўзбек халқининг кураши турли шаклларда, вақти-вақти билан қуроли қўзғолонлар тарзида ўзини намоён этди. Россия сиёсатини қораловчи газеталар чиқар, минтақани руслаштиришга қарши махфий жамиятлар тузилар эди. Гарчанд курашнинг бу каби услублари, иштирокчи-

ларнинг жасоратига қарамасдан, рус қўшинлари ҳаракатини тўхтата олмаган бўлса-да, ўзбек халқи миллий қиёфасини сақлаб қолишда ҳал қилувчи роль ўйнади. Турли-туман воситаларни қўллаш орқали ўзбек анъаналарини маҳв этишга бўлган уринишларга қарамасдан, ўзбеклар ўз қадриятларини сақлаб қола билдилар. Ушбу услублар орасида, хусусан, 1905 йилдаги Россия революциясидан бошлаб минтақага кириб кела бошлаган социалистик ғоялар тарғиботи ҳам бор эди.

1898 йили Андижонда Дукчи Эшон номи билан машҳур бўлган Муҳаммадали бошчилигидаги қўзғолон Марказий Осиёга бошқа миллатларни кўчириб келиш ва уни руслаштиришга қарши ўзбек халқи қаршилигининг намуналаридан эди. Бу ҳаракат бир неча минг ўзбекларни қамраб олди. Улар, аввало, Андижонга, ундан кейин Ўш ва Марғилонга қараб юрдилар. Ушбу қўзғолоннинг мақсади Тошкент ва Самарқанд каби шаҳарлар аҳолисини ҳам русларга қаршилиқ ҳаракатига қўшилишга ундаш эди.

Бошқа томондан, ўзбек халқининг ватанпарварлик туйғуларини юксалтиришда диний мадрасалар ва матбуот сезиларли рол ўйнади. Ўзбек мактаблари ва газеталарининг фаолияти, энг аввало, халқнинг миллий туйғуларини кучайтириш, уларнинг славян маданияти билан ассимиляция қилиш жараёнига қарши матонатини оширишга қаратилган эди. Миллий ташвиқот ва диний-маърифий ишларда олдинги сафларда борган Бухоро мадрасалари рус босқинчилигига қарши курашда пешқадамлик қилдилар. "Ойна" ва "Самарқанд" газеталари Маҳмудхўжа Беҳбудий назорати остида Самарқандда чиқар эди. Қўқон шаҳрида Ашурали Зоҳирий бошчилигида "Садои Фарғона" газетасининг 123 сони нашр этилди. 1914-1915 йилларда Тошкентда "Садои Туркистон" газетаси

босилиб, унга Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли ва Усмонхўжа ўғли раҳбарлик қилдилар. Бу даврда ўзбек халқининг Россия истилосига қарши ҳаракатининг асосий кучи мафкуравий курашга йўналтирилган эди.

Унинг асосий таянчи сифатида жади́дчилик ҳаракати юзага чиқди. Жади́длар, XIX аср охири — XX аср бошларида араб дунёсида бўлгани каби, ҳақиқий исломни бидъат ва хурофотлардан тозалаш, ташқи кучларга қарши туришнинг янги маданий услубларидан фойдаланиш ғояларини олға сурдилар. Ўзбекистондаги жади́дчилик ҳаракатининг йирик намоёндаларидан бири Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли эди. Диний догматизмга қарши ва ислом модернизациясига даъват этувчи, замонавий ютуқлардан фойдаланиш ҳамда тарғиб этувчи газеталарнинг сони ошиб борар эди. Бундай нашрларнинг энг ёрқин мисоли “Хуршид”, “Шуҳрат” ва “Таждид” газеталари эди⁸.

Мафкуравий соҳадаги кураш қатор махфий ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланиб турар эди. Масалан, 1911 йилнинг декабрида таъсис этилган ёшлар таълими жамияти ёки “Барака” жамияти тижорат ширкати ниқоби остида яширинган эди. Бу каби жамиятлар ўзбекларнинг ўзлигини сақлаб қолиш ва барча воситалар билан руслар истилосига барҳам беришга қаратилган фаолиятни қўллаб-қувватлар эди⁹.

1922 йилнинг декабрида Совет Иттифоқи ташкил топди. Ўзбекистон миллий ўзлигини англаш ва давлатчиликнинг янги босқичига кирди. Россия империяси, ундан кейин совет Россиясининг олдида турган муаммо — минтақада руслар нуфузига қарши ҳаракатларни босиб туришга ёрдам берадиган, унинг устидан тўла назоратни кафолатлайдиган, Москвага нисбатан босимга йўл қўймайдиган жуғрофий ту-

зилмани шакллантириш эди. Бундай тузилма 20-йилларнинг бошларида Сталин томонидан, у миллий масалалар бўйича халқ комиссари мансабида ишлаган вақтида топилди. Сталин минтақа халқларини бири-биридан ажратиб юборишни кўзлаган алоҳида "давлатлар"га бўлиб юборишни мақсадга мувофиқ билди. Бунинг натижасида Москва мазкур янги давлатларни бўлак-бўлак қилиб, осонгина ютиб юбориши мумкин бўлди. Минтақани қайта тақсимлаш жараёни 20-йилларнинг бошларидан бошлаб Марказий Осиёда яна икки республика — Қозоғистон ССР ва Қирғизистон ССР ташкил қилинган 1936 йилгача давом этди.

Ўзбекистонга келсак, унинг ҳозирги чегаралари 1924 йилнинг 27 октябрида ўтказилган Туркистон (РСФСР таркибидаги Туркистон Автоном ССР) ҳамда Бухоро ва Хива республикаларининг миллий-давлат бўлиниши асосида шаклланди.

Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги бошқа республикаларнинг тузилиши услубига қараб, бу "давлатлар" уларга юқоридан — Москвадан туриб қабул қилдирилгани ҳақида хулосага келиш мумкин. Бироқ бу каби бўлим, Ўзбекистон мисолидаги бундай тақсимот бу ерда давлатчиликнинг кўпгина асосларининг мавжудлиги туфайли мумкин бўлди. Шу туфайли мустамлакачи Россия томонидан қабул қилинган қарорлар бўшлиқдан пайдо бўлгани йўқ, балки реал воқелик бўлган ўзбек миллатининг сиёсий борлиқнинг янги шаклига ўтишини акс эттирди, холос. Халқларга нисбатан зўравонлиги ва шафқатсизлиги билан шуҳрат қозонган Сталин давлатнинг кучли тузилмасини вужудга келтиришни миллатнинг мавжудлиги билан боғлагани, яъни миллатнинг давлатдан устуворлигини тан олгани бунинг ёрқин далилидир.

Сталин ижтимоий ҳолатдан сиёсий бирликка ўтиш жараёнини тугатган миллатнинг тўртта асосий мезонини белгилаб берди: тил, ҳудудий, иқтисодий ҳаётнинг ўзига хос шароитлари, ўзига хос психологик кайфият муштараклигига асосланган барқарор ижтимоий бирлик миллат дея юритила бошланди¹⁰. Ушбу таърифга мувофиқ, асримизнинг 20-йилларида ўзбеклар ҳали уларнинг алоҳида миллий давлати тузилмасдан оддин ҳам, ягона миллат эдилар. Уларни ягона тил, ҳудуд, тарих, шунингдек, Марказий Осиёнинг бошқа халқларидан фарқлантириб турувчи, асосан, деҳқончиликка асосланган ҳаёт тарзи бирлаштирар эди. Муштарак тарихий тажриба алоҳида рамзларга эга миллий маданиятда ўз ифодасини топган психологик кайфият — унинг ўзига хос менталитетининг шаклланишига ёрдам берди.

1924 йилда Ўзбекистон республикаси ташкил топгандан бошлаб, Совет Иттифоқи қулаган 1991 йилга қадар, у муте давлат бўлиб яшади. Унинг узоқ муддатли "ёпиқлиги" фақатгина халқаро океанларга тўғридан-тўғри йўл йўқлигидан ҳам кўпроқ, Москва ўрнатган "темир панжаралар" билан изоҳланади. Ўзбекистоннинг минтақадаги башарият цивилизациясининг қадимий ўчоқлари бўлган марказий жойлашуви унинг "минтақавий қопқон"га тушиб қолишига сабаб бўлди. Бу ўзбек давлатининг халқаро манфаатларини акс эттирадиган мустақил ташқи сиёсат юргизишига монелик қилар эди. Бутун совет даврида Ўзбекистоннинг ташқи дунё билан муносабатлари фақатгина рус "даричалари" орқали ўтарди.

Ўзбекистоннинг бундай аҳволи Европа империалистик давлатлари томонидан ташқи дунёдан ажратиб қўйилган кўпчилик мустамлака мамлакатларнинг ҳолатига ўхшар эди. Москва Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларини ўз монополиясига

айлантириб, унинг ресурсларини ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондириш, асосан славян республикаларида жойлаштирилган саноат тармоқларини ривожлантиришга қаратган эди. Ўз вақтида Франция ва Британия ҳам Ўрта Шарқ, Осиё ва Африкадаги ўзининг мустамлакаларига нисбатан худди шундай йўл тутган.

Ўзбекистонда совет даврида амалга оширилган давлат қурилиши жараёни 1991 йилдан кейинги давлат қурилишидан тубдан фарқ қилди. Қарийб 70 йил давомида Ўзбекистон рус мустамлакачилиги остида бўлиб келди. Икки тараф орасидаги алоқаларда бири (метрополия) иккинчисининг ички тараққиёти ҳамда ривожланиш режаларини ўзининг манфаатлариги мос равишда амалга оширар эди. 70 йил давомидаги Москванинг Ўзбекистон иқтисодий тараққиётидаги иштироки совет тўқимачилик саноати эҳтиёжларини қондириш учун зарур пахта етиштиришни кўпайтириш, республикани арзон хомашё ресурслари базасига айлантириш билан чекланди. Бундан ташқари, Москва Ўзбекистонни совет ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлайдиган ўзининг сиёсий ва мафкуравий вассалига айлантиришга уриниб келди. Бироқ Москва ва Ўзбекистон ўртасида ўрнатилган муносабатларнинг мажбурий ва мустамлакачилик табиатининг ўзиёқ Ўзбекистон, нима қилиб бўлсаям, ўз миллий моҳияти ва иқтисодий мустақиллигини ҳимоя қилиши зарурлигини кўрсатди. Ўзбекистон унга нисбатан маданий ассимиляция ва иқтисодий "ямланиш" сиёсати олиб борилишига йўл қўйиши мумкин эмас эди. Унинг бу даврдаги Москва билан муносабатлари беқарорлиги ва "сакрашлар" билан ажралиб турди. Бу ҳол миллий қадриятларнинг тикланиши ва кейинги тараққиётга ҳақиқий истиқлолсиз эришиб бўлмаслиги ҳақида тўла қаноат ҳосил бўлгунча да-

вом этди. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилди ва янги суверен давлат қурилиши йўлига кирди.

СОВЕТ ДАВРИ: МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Совет даврида Ўзбекистон Россиянинг кучли маданий-иқтисодий ва сиёсий таъсири остида эди. Гарчад, Москва, баъзида, бироз ён берса ҳам, аслида, бу совет раҳбариятининг Ўзбекистонга нисбатан сиёсатидаги сезиларли ўзгаришлар даражасига кўтарилмас, балки бу муайян прагматик мулоҳазалар туфайли юз берар эди. Мазкур маънода, Ўзбекистоннинг "совет" тарихи билан боғлиқ бир омил алоҳида диққатга сазовор. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, ўз пайтида КПСС ичидаги "ислохотчилар" республикалар ҳуқуқига консерваторлардан кўра кўпроқ "хайрихоҳлик" кўрсатгандай бўлдилар. Улар миллий ўзликнинг ифода этилишига кенгроқ имкониятлар бериб, Ўзбекистон иқтисодий ресурсларининг эксплуатациясига қаратилган сиёсатни бироз юмшатиш ғоясини олға сурдилар. Бу, аслида, ёлғон-уйдирмадир. Тарих шундан далолат берадики, совет раҳбариятининг, хоҳ у қаттиққўл консерватор (Сталин, Брежнев) бўлсин, хоҳ ислохотчи (Хрущёв) деб таърифлансин, Ўзбекистонга нисбатан сиёсати бир-биридан катта фарқ қилмаган. Москва Ўзбекистонни Совет Иттифоқининг хомашё базасига айлантириш ва ўзбек халқининг миллий ва диний қадриятларига қарши қаратилган аниқ режага эга эди. Ўзбек халқининг миллий ва диний туйғулари Самарқанд, Тошкент, Бухоро каби муҳим шаҳарларда айниқса яққол кўринар эди. Улар Марказий Осиёнинг бошқа жойларида ҳам миллий туйғулар кучайишига туртки бўлиши мумкин эди.

Зикр этилганидек, совет ҳокимиятидаги консерваторлар ва ислоҳотчилар сиёсатида принципиал фарқ йўқ эди. Ҳатто, баъзида консерваторлар худди ислоҳотчиларга мойиллик кўрсатаётгандек кўринар эди. Баъзида эса, аксинча, либерал-ислоҳотчилар тўсатдан консерватив қарашлар ҳимоячисига айланиб қолар эди. Масалан, "шахсга сиғиниш"га қарши курашнинг отаси, совет тузуми ислоҳотчиларидан бири имиджига эга бўлган Хрушчёв, айрим ҳолларда, жумладан, Ўзбекистонга нисбатан ўзини Сталиндан кўра ҳам кўпроқ "сталинист" қилиб кўрсатди. Агар Сталин иккинчи жаҳон урушининг қийин шароитларида СССР халқлари, жумладан, Марказий Осиё ва Ўзбекистон мусулмонларига маданият ва диний масалаларда чекланган эркинликлар беришга рози бўлган бўлса, Хрушчёв ўзбекларнинг исломий туйғулари билан боғлиқ ҳар қандай кўринишларга нисбатан қаттиқ қаршилик кайфиятида бўлиб, республикаларда даҳрийлик тарғиботига керагидан ортиқча зўр берар эди. Бу ҳол Совет Иттифоқидаги барча мусулмон халқлар ўртасидаги сезиларли мавқеи туфайли Ўзбекистонда айниқса яққол кўринар эди.

Кейинги мисолни Брежнев давридан келтириш мумкин. Барчага яхши маълум бўлган турғунлик ва бюрократик услубларга қарамасдан, у диний эътиқод эркинлиги масаласида ўз салафига қараганда нисбатан юмшоқроқ эди. Шундай қилиб, КПСС раҳбарлари ҳақида, хоҳ у ислоҳотчи бўлсин ёки консерватор, уларнинг Ўзбекистонга муносабати бирдек эди: маданий ассимиляция, иқтисодий эксплуатация, сиёсий зуғум уларнинг ажралмас қисми эди.

Миллий ўзлик ва маданий истиқбол масаласига келсак, болшевикларнинг Марказий Осиё халқларининг диний эътиқоди ва миллий анъаналарини ҳур-

мат қилиш ҳақидаги 1917 йил ноябр инқилобидан кейинги ваъдаларига қарамасдан, совет ҳукуматининг сиёсати Чор Россиясининг тутган йўлидан ҳеч қандай фарқ қилмади, ҳатто ундан ҳам қаттиққўроқ сиёсат юргизилди. 1927 йили совет ҳукумати араб хатига асосланган ўзбек алифбосини лотин ҳарфларига, кўп ўтмай, 1940 йилда Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа республикаларида ўтказилган руслаштириш кампанияси ичида уни кирил алифбосига алмаштирди¹¹. Совет ҳокимиятининг янгича радикализи Марказий Осиё халқларининг анъаналари, хусусан, исломнинг минтақа ҳаётидаги ўрнига қарши қаратилди. Динга қарши атеистик кураш жараёнида кўпчилик масжид ва мадрасалар йўқ қилинди, уларнинг қолган қисми мажбуран кинотеатрлар, маданият уйлари ва бошқа муассасаларга айлантирилди. Бу ишлар ўзбекларни асл меросидан ажратиш, уларнинг буюк ўтмиши ва диний илдиэларини хотирадан бутунлай ўчиришни кўзлар эди¹².

Шунинг учун қатор мусулмон мамлакатлари 40-50-йилларда диний эътиқодни ҳурмат қиладиган, уни сиёсий амалиётдан ажратилган шаклидаги мўътадил дунёвий давлатлар қура бошлаган шароитда, Ўзбекистонда, совет раҳбарияти, хусусан, Сталин ва Брежнев даврларида, дунёвий тараққиётнинг "инқилобий" модели тажрибадан ўтказилар эди.

Бироқ дунёвий тараққиётнинг ушбу инқилобий модели ўзбекнинг миллий ўзлиги фақат ибодатдан иборат бўлмаган цивилизациянинг бир намунасига айланган кўп асрлик инсоний анъаналарни йўқ қила олмади. Ўзбек маданиятининг руслаштириш сиёсатида қарши сабот-матонатини фақатгина суфийлик тариқатларининг таъсири ёки диний уламоларнинг жамиятдаги нуфузи билан изоҳлаш нотўғри бўлар эди. Охир-оқибат ҳал қилувчи ролни улар эмас, бал-

ки ўзбек халқининг ўз маданий қадриятларини сақлаб қолишга интилиши ва бу йўлдаги жасорати ўйнади. Бу ҳақиқат ўзбек жамиятининг ҳам шаҳарларда, ҳам энг чекка қишлоқларда истиқомат қилувчи кенг оммасининг никоҳ, суннат тўйлари, дафн ва энг муҳими, жамият билан уйғунликни таъминловчи ахлоқий қадриятларни сақлаб қолишга қаратилган қизгин интилишида, ҳаммадан кўра яхшироқ, ўз аксини топгандир¹³.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ўзбек миллий шахсияти исломий мерос ва анъаналар билан мустақкам боғлангандир. Баъзан ушбу икки: миллий ва исломий омил шу қадар бир-бирига киришиб кетганки, уларни ажратиб турувчи чизиқни ўтказиш амри маҳол бўлиб қолади. Исломий одатлар ва маросимларнинг ижтимоий ҳаётда сақланиб қолиши фақат диний бурчга садоқатнигина билдирмай, мамлакатда яшайдиган туб аҳоли — ўзбеклар билан минтақага четдан келган славян халқлари орасидаги фарқни таъкидлаш истагини ҳам англатади.

Ўзбек миллий шахсиятини ягона совет маданиятига сингдириб юборишга қаратилган, узлуксиз давом этган ҳаракатлардан қатъи назар, ўзбеклар совет даврида ўз миллий анъаналари ва ўзига хос маданиятини сақлаб қолиш учун курашиб келдилар. Тоталитар совет тузумининг шафқатсизлигига қарамай, ўзбеклар қулай фурсат келганда ўзликларини намоён қилишга ва, ҳатто, совет Россиясини танқид қилишга ҳаракат қилардилар. Масалан, 1969 йилнинг 7 ноябрида большевиклар инқилобининг навбатдаги байрами куни Ўзбекистон матбуотида ярим аср олдинги Ленин томонидан сўзланган нутқ нашр этилди. Туркистон ишлари бўйича тузилган қўмигага йўлланган ушбу нутқда Марказий Осиёдаги рус шовинизмига барҳам бериш зарурлиги таъкидланган эди¹⁴.

Совет давридаги ўзбек миллий руҳининг куч ва матонатига яна бир мисол — шу даврда улфайган, таълим олган ва “совет тажрибаси” даврида тарбияланган ўзбек ёшларининг бир неча авлодидир. Ёшликдан совет маданияти ва тарбияси таъсири остида бўлганига қарамай, ўзбек ёшлари ўз миллий илди-ларидан воз кечмадилар. Аксинча, ўзбек ёшлари миллий ҳаракатининг, хусусан, 60-йиллардан кейинги хусусияти унинг ўз илди-ларини исломий ва маҳаллий манбалардан излаш билан боғлиқ эди.

Москва маркази Тошкент бўлган Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари идораси ёрдамида диний-миллий ғояларнинг Ўзбекистонда тарқалишини чеклаш мумкинлигига ишонар эди. Бироқ, амалда бу фикр хато бўлиб чиқди. На расмий диний муассасага суяниш, на совет ва партия раҳбарлари томонидан амалга оширилган атеистик кампаниялар ўзбек ёшларининг ўз илди-ларига қайтишга бўлган интилишини сўндирмади¹⁵.

Москва, охир-оқибат, Ўзбекистондаги маданий уйғониш жараёнини кўрмасликка олиши мумкин эмас эди. Шу билан бирга, бу ҳақиқатта қарши тура олмас ёки куч ишлатиб унга аралаштиш имконидан маҳрум эди. Москва Ўзбекистоннинг бутун Марказий Осиёдаги аҳамиятини ва Тошкент минтақадаги бошқа республикаларни худди ўзи каби уйғониш йўлига етаклай олиши мумкинлигини яхши идрок этарди. Бу эса, Москва учун хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин эди.

Шунинг учун ҳам КПСС МКнинг янги бош котиби Л.Брежнев Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги бошқа республикаларда диний кадриятларга қарши ташвиқот ишларини қайта кўриб чиқишга киришди. КПССнинг XXIII съездида у “Совет Иттифоқи халқларининг ягона бирлик — совет халқига айланиши —

уларнинг ҳар бирининг ўзига хос одат ва анъаналарини тушунишни тақозо этади”, деган фикрни олға сурди. Табиийки, бундай ёндошув совет раҳбариятининг иттифоқдош республикаларнинг миллий хусусиятларига эътиборни кучайтириш билан боғлиқ мўътадил сиёсат олиб бориши лозимлиги билан эмас, балки қандай бўлмасин, давлат барқарорлигини сақлаш истаги билан изоҳланар эди.

1966 йилнинг апрелида Ўзбекистонда кучли зилзила юз берди. У Москва учун атеистик тарғибот кампаниялари туфайли кўтарилган норозиликларни тинчлантириш имконини берди. Зилзила оқибатида бузилган масжидларни таъмирлаш лойиҳаси эълон қилинди. Шунингдек, Москва янги масжидлар қуришга тайёргарлик кўраётгани маълум қилинди. Ҳукумат “Совет Иттифоқи мусулмонлари” журналинини чиқаришга розилик берди. У Тошкентда араб, форс, инглиз, француз тилларида нашр этила бошлади. Ўзбекистонга нисбатан сиёсат Москванинг “бир ўқ билан икки қуённи уриш”га қаратилган хоҳишини акс эттирди: биринчиси, маданий сиёсатни юмшатиш ва ўзбекларнинг миллий туйғуларини “қондириш” бўлса, иккинчиси, Ўзбекистоннинг башарият цивилизациясидаги ўрнидан фойдаланиб, Совет Иттифоқининг мусулмон дунёсидаги ўз обрўсини ошириш эди.

Совет сиёсати ва амалиёти Ўзбекистондаги атроф-муҳитта катта зарар етказди. Советлар даврида унинг ресурсларига кўрсатилган аёвсиз босим шундай экологик муаммоларни келтириб чиқардики, уларнинг оқибатлари ҳозиргача сақланиб қолмоқда. Орол денгизининг қуриши совет хўжалик сиёсати келтириб чиқарган энг кескин экологик муаммолардан бирidir. Ўзбекистон ҳудудидаги жами узунлиги 420 км.дан иборат Орол денгизининг қирғоқ бўйларида ер

шўрлигининг кескин ошиши, денгиз сатҳининг пасайиб кетиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши каби минтақа аҳолисининг саломатлигига хавfli таъсир кўрсатаётган муаммолар пайдо бўлди. Бу каби экологик муаммоларнинг барчаси Ўзбекистонни совет саноатини таъминлайдиган пахта базасига айлантиришни кўзлаган сиёсатнинг натижаси эди.

Совет Иттифоқининг илк даврида ноқ Москва Ўзбекистонни фақат битта қишлоқ хўжалиги маҳсулоти — пахта ишлаб чиқаришга мажбур қилишга қарор қилгандек эди. Шунинг учун пахта етиштиришни кўпайтириш ҳар томонлама рағбатлантирилди. Пахта сифатининг пасайиши ва унинг инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга кўрсатган зарарли таъсиридан кўз юмилар эди. 1928 йилда суғоришнинг янги услублари жорий этилган қишлоқ хўжалик майдонлари 1360700 гектардан ошиб кетди. Ундан 44,7%га — буғдой, 38,9%га — пахта, 16,4%га — бошқа экинлар, хусусан, сабзавот ва мевалар экилди. Кейинчалик, 1932 йилда қишлоқ хўжалик майдони 1776500 гектаргача кенгайди. Ундан пахта экишга ихтисослаштирилган ерлар 38,9%дан 55,9 %га кўтарилди¹⁶. 1961 йил мавсумида СССРда етиштирилган жами пахтанинг 61%ни Ўзбекистон берди. Ўзбекистонни пахта базасига айлантиришга қаратилган совет режалари, биринчидан, Ўзбекистон ерларининг юқори унумдорлиги билан, иккинчидан, совет раҳбариятининг пахта импортига чек қўйиш истаги билан изоҳланар эди. Масалан, 1927-1928 йилларда Совет Иттифоқи пахтага бўлган эҳтиёжининг 41% ини импорт ҳисобига қоплаган эди. 1929-1930 йилларга келиб, бу нисбат — 19,3%га, 1933 йилда иккинчи беш йиллик режаси ижросининг бошланиши билан 2,6%га тушди¹⁷.

Ўзбекистонда пахта етиштиришни кўпайтириш учун совет ҳукумати кимёвий ўғит ва дорилардан

фойдаланишни рағбатлантирар эди. Бунда ўзбек деҳқонларининг саломатлиги ёки экологияга етказилаётган зарар мутлақо назар-писанд қилинмасди. Бундай сиёсат натижасида пахта етиштириш 1934 йилдаги 738000 тоннадан 1935 йилга келиб 1082800 тоннагача ошди. Бундай кўрсаткич совет ҳукуматини пахта етиштириш учун ажратилган ерларни янада кенгайтиришга ундади. 1937 йилга келиб, уларнинг майдони 946000 га.га, пахта етиштириш эса 1527900 т.га етказилди. Бундай ўсишга атроф-муҳитга кўрсатилган зарарни назар-писанд қилмай, кимёвий ўғитлар ва ҳашаротларга қарши инсектицидлар катта миқдорини Ўзбекистонга келтириш ҳисобига эришилди. Ўзбекистонга келтирилган ўғит ва инсектицидлар ҳажми 1932 йилдаги 65 минг тоннадан 1937 йилда 569 минг тоннага етказилди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ушбу ҳалокатли модели бутун совет даврида давом этди. Бундан кўзланган мақсад — Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиши эмас, балки Москва учун энг зарур вазифа — Россия саноатини хомашё билан таъминлаш эди¹⁸.

Суғориш тизимидаги кейинги ўзгаришлар ҳам йилдан-йилга ўсиб борган пахта етиштириш мажбуриятлари билан боғлиқ эди. Фарғона водийси, Мирзачўл, Сурхондарёда, Чирчиқ ва Зарафшон дарёлари атрофидаги минтақаларда катта суғориш ишлари амалга оширилди.

Аслида, йирик суғориш каналларини қазिश ўзбекистонликларнинг хоҳиши билан эмас, балки Москванинг буйруғига кўра амалга оширилар эди. Москва, бу ишда, “учинчи дунё” мамлакатларининг кўпчилигида Европа мустамлакачилари тутган йўлдан борди. Бу нарса 1939 йилда Ўзбекистонда амалга оширилган биринчи йирик суғориш лойиҳасида яққол

намоён бўлди. Фарғона водийсида 17 кунда узунлиги 19 миллик канал қазиб битирилди. Бу иш барчаси ўзбеклардан иборат бўлган 40 минг мажбурий ишчилар томонидан амалга оширилди. Худди ана шу йўл билан британияликлар юз минглаб мисрликларни Сувайш каналини қазिशга мажбур қилган эдилар. 1939 йилда асосан бепул ишчилар ёрдамида Ўзбекистонда яна 45 та канал қазилди. Улардан энг йириги — Катта Фарғона канали эди. Унинг қурилишида 36 мингдан кўпроқ ўзбек ва тожик деҳқонлари ҳамда кўпчилиги славянлардан иборат мингта муҳандис ва раҳбарлар иштирок этдилар. Славян ирқига мансублар, асосан, раҳбарлик лавозимларида, ўзбеклар эса энг қийин ишларни бажарар эди. Канал қурилишида қўлланган мажбурлашнинг шафқатсизлигини узунлиги 18 мил келадиган каналнинг бор-йўғи 45 кунда битказилиши кўрсатиб туради¹⁹.

Россия, шубҳасиз, пахта етиштиришнинг кенгайтирилишидан ўта манфаатдор эди. У ўз заводларини таъминлайдиган бу муҳим хомашёни яқин жойдан осонлик билан қўлга киритар эди. Айни пайтда, олинаётган фойдага тенг куч сарфланмас эди. Москва ўзбеклар зиммасига фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш сектори, хусусан пахта етиштириш билан шуғулланиш масъулиятини юклаб, руслар учун шаҳарларда яшаб, саноатда ишлаш имконини яратар эди. Мисол учун, тўла пахта етиштиришга ихтисослашган Сирдарё вилояти таъсис этилгач, бу ерда яшашни истаганлар орасида славян ирқига мансуб аҳоли деярли йўқ эди. Демак, пахтачилик билан шуғулланиш машаққати тўлалигича маҳаллий аҳоли елкасига юкланган эди.

Совет иқтисодий сиёсатининг салбий таъсири чорвачилик соҳасини ҳам қамраб олган эди. 1924 йилнинг бошида Ўзбекистондаги чорва сони 2,9 млн бош-

ни ташкил қилиб, ундан 1,7 млн.и қўйлар эди. Бу рақам 1928 йилда 5,5 млн.га етди. Унинг 2,9 млн.и қўй эди. Бироқ, Москва босими остида амалга оширилган колхозлаштириш сиёсати Ўзбекистондаги чорвага салбий таъсир кўрсатиб, унинг сонини камайиб кетишига олиб келди. Ўзбек чорвадорларининг кўпчилиги рағбатлантириш омили йўқлиги туфайли, ўз чорвасини давлат тортиб олмасдан туриб, сўйиб юборишга ошиқди. Бу сиёсат ветеринария хизматларининг пасайиши ва бунинг натижасида 1932 йилга келиб чорва ҳажмининг 3,4 млн.гача камайишига сабаб бўлди. Совет даври йилларида чорва ҳажмининг у ёки бу тарафга ўзгариб турганига қарамай, ўзбек фермерларининг чорвани парваришлашга бўлган қизиқиши сўниб борди.

Иқтисодни бошқариш ва режалаштириш Москвадаги бюрократ-тўралар қўлида жамланган эди. Улар Москва томонидан белгиланадиган "буюк совет манфаатларини" Ўзбекистон манфаатларидан анча юқори қўяр эдилар. Рус иқтисодчиларининг бу каби тўраларча фикрлаши натижасида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар мустамлакачилик алоқаларига айланиб қолган эди. Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа республикаларида ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва маъданларнинг асосий қисми тўлалигича Россияга олиб кетилар, у ердаги саноат корхоналарида қайта ишланар эди.

Бир жиҳатдан, иқтисодий эксплуатация ва мустамлакачилик муносабатлари "иқтисодий миллат" деб аталувчи феноменнинг пайдо бўлиши ва мустаҳкамланишида муҳим рол ўйнаган бўлса, иккинчи жиҳатдан, улар ўзбек халқининг, ҳар гал Москва томонидан ўрнатилган қатъий назорат заифлашган заҳотиёқ, баралла ўзини намоён этган миллий туйғуларини

кучайтирди. Ана шундай нотабий иқтисодий вазият сабабли, кўпчилик ўзбеклар ўз мамлакатларида иқтисодий репрессия тазйиқи остида яшар эдилар. Уларнинг олдида турган асосий вазифалардан бири — бундай иқтисодий вазиятни ислоҳ этиш эди.

Ўзбекистоннинг ривожланиши билан боғлиқ совет стандартларининг иккиюзлаамачилиги шу нарсада яққол кўриндики, Москва Тошкентдан пахтачилик учун зарур, лекин маҳаллий сув ресурсларини қуритадиган, атроф-муҳитни бузадиган суғориш лойиҳаларини кенгайтиришни қатъий талаб этган ҳолда, СССРдаги бошқа минтақалардан, хусусан Сибир дарёлари сувининг бир қисмини Ўзбекистонга олиб келиш ҳақидаги ҳар қандай таклифга тиш-тирноғи билан қаршилиқ кўрсатарди. Бунга мисол сифатида 70-80-йилларда баъзи ўзбек раҳбарлари ва лойиҳачиларининг республика суғориш тизимининг зарур сув захираларини шакллантириш мақсадида Ўзбекистонга бошқа минтақалардан сув олиб келиш ҳақидаги таклифларини эслаш мумкин. Республика сув захиралари шундай ҳолатга келтирилган эдики, улар энди Орол денгизини сув билан таъминлай олмас эди. Бу ҳол, ўз навбатида, ёпиқ сув ҳавзасининг ҳолатига катта зарар етказди.

Бундай лойиҳаларнинг бири Иртиш ва Об дарёлари сувининг бир қисмини 2550 км.ли канал орқали Сирдарё ва Амударёга буриш ва уни Орол денгизига қуйиш таклифи эди. Бироқ, совет ҳукумати ҳеч қандай ишончли далилларсиз 1983 йили бу таклифни рад этди. Сибир дарёлари сувининг бир қисмини Марказий Осиёга йўналтириш, СССР шимолидаги ортиқча чучук сувдан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва атроф-муҳитни соғломлаштириш билан боғлиқ кейинги таклифларнинг тақдири ҳам шундай бўлди. Мазкур ғоя билан боғлиқ Москвада авж ол-

ган тортишувлар уни рад этиш билан тугади. Бунга сабаб қилиб Совет Иттифоқининг шимолий минтақаларидаги экологиянинг бузилиши кўрсатилди. Бу далил лойиҳа олдидаги барча эшикларнинг ёпилишига сабаб бўлди. Бундай муносабат Москванинг фақат дискриминацион иқтисодий сиёсатини эмас, балки Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатларнинг экологик манфаатларига зид бўлган сиёсатини кўрсатар эди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий базасига Россия томонидан кўрсатилган кучли тазйиқдан ташқари, Совет Иттифоқи ўзбек сиёсий тузумини ҳам тўлалигича "босиб олиш"га ҳаракат қилди. Совет тузумини ўрнатган инқилоб чоризм асоратларини тугатгандай туюлса-да, бироқ у Марказий Осиёдаги мустамлақачилик меросига барҳам бериш ўрнига уни янада чуқурлаштирди. Советлар Москваси Марказий Осиёдаги сиёсий ҳукмронлигининг янги асосларини қуришга интилаётгани аён бўлиб қолди.

Мазкур маънода советларнинг Марказий Осиёни бўйсундириш сиёсатидаги икки йўналиш ҳақида тўхталиш жоиз. Биринчи йўналиш Ўзбекистоннинг сиёсий чегараларини аниқлашни назарда тутар эди. 1920 йилнинг сентябр ойида Ленинга Турккомиссиянинг ҳисоботи тақдим этилди. Унинг фикрича, Туркистон уч қисмга — Ўзбекистон, Қирғизистон ва Туркманистонга бўлиниши лозим эди. Аммо 1922 йил декабр ойида Москвада бўлиб ўтган советлар съездида СССРни ташкил этиш ҳақидаги шартнома имзоланди. Унга мувофиқ, Туркистон Совет Иттифоқи таркибидаги республикалардан бирига айланиши лозим эди.

1924 йилда Москва Ўрта Осиёни тақсимлаш масаласига яна қайтди. 1924 йил 12 июнда РКП (б) сиёсий бюроси томонидан Ўрта Осиёнинг янги чегаралари

ҳақидаги декрет қабул қилинди. Ундан сўнг, 1924 йил 27 октябрда РКП(б) МКнинг Марказий Осийе халқларининг "ўз тақдирини ўзи белгилаш"ига асосланган тақсимлаш ҳақидаги декрети эълон қилинди. Ушбу қарорларнинг ижроси натижасида таркибида Тожикистон АССР республикаси бўлган ЎзССР ташкил этилди. 1929 йилда Тожикистон алоҳида республика бўлиб ажралиб чиқди. 1925 йил декабрда Ўзбекистондаги советларнинг биринчи съезди ЎзССРнинг ташкил этилганлигини тасдиқлади, республика Компартияси Марказий қўмитаси ва Халқ комиссарлари қўмитаси аъзоларини сайлади.

Ўзбекистон чегараларининг, Марказий Осийедаги бошқа давлатлар каби, Москва томонидан белгиланган сунъий шаклда аниқланиши натижасида, ўзбек давлатининг янги чегаралари ўзбек миллати яшаётган ҳудудларга тўғри келмас эди. Бунинг натижасида бир қанча ўзбеклар Ўзбекистондан ташқарида ва ўзбек бўлмаган гуруҳлар унинг ҳудудларида қолди. Москва фақат ўзининг тор манфаатларидан келиб чиқиб юргизган бундай сиёсатнинг оқибатлари бугунгача сезилмоқда. Бошқача айтганда, Ўзбекистоннинг жуғрофий чегаралари билан ўзбеклар яшаётган ҳудудлар ўртасидаги номувофиқлик учун Москва жавобгардир. Ушбу вазиятни ўз ҳудудида яшаётган барча миллатларни ягона миллий давлатда бирлаштириш йўли билан тинч ҳал этишга Ўзбекистон ўзининг бутун имкониятларини сафарбар этмоқда.

Иккинчи йўналишга келсак, у Москванинг Ўзбекистон сиёсий раҳбариятини "босиб олиш" ва уни ўзига тўла бўйсундиришга интилишини акс эттирди. Бунинг натижасида Ўзбекистоннинг ички сиёсати худди Москванинг доимий таъсири остида бўлиб келаётгандек эди. 20-йилларда совет ҳукумати республи-

ликалардаги раҳбар кадрларни маҳаллий халқ вакиллари билан тўлдириш шиорини олға сурди. Бу билан, энг аввало, раҳбар лавозимларга миллий республикаларнинг вакилларини тайинлаш назарда тутилди эди. Бироқ, бу шиорга амалда деярли рия қилинмас эди. Чунки Москва республикалар ва уларнинг раҳбарларининг ўзига мойиллиги ва сўзсиз бўйсунганини таъминлашга интилар эди. Ўзбекистоннинг Москва билан сиёсий жиҳатдан "боғлаб" қўйилганининг мантиқий натижаси шу бўлдики, Ўзбекистондаги раҳбар кадрлар доимий равишда Москва назорати остида эдилар. Улар Москвада ҳукм сурган сиёсий кайфият, хусусан, КПССнинг устувор курсининг "асири" бўлиб қолдилар.

30-йилларда Россия ва бошқа совет республикалари компартияларида Сталин бошчилигида ўтказилган "тозалаш" кампанияларининг кучайиши Ўзбекистондаги сиёсий вазиятга ҳам таъсир қилди. "Тозалаш" жараёнида Ўзбекистон Халқ комиссарлари мажлисининг раиси Файзулла Хўжаев ва Ўзбекистон коммунистик партиясининг котиби Акмал Икромов мавҳум айбловлар билан эгаллаб турган лавозимларидан четлатилди. 1937 йилнинг июнида ўтказилган Ўзбекистон Компартиясининг VII съездида Ф.Хўжаев акасини ислом шарияти таълимотларига биноан дафн этганликда айбланиб бадарга қилинди. А. Икромовга нисбатан эса, 1937 йил сентябрда "миллатчилик" айби қўйилди: у, гўёки, партиявий бурчдан кўра, ўзбек миллий қадриятларига рия этишга мойиллик кўрсатган эмиш. Сталин тузуми олға сурган ушбу шубҳалар асосида ҳар икки давлат арбоби қамоққа олинди, партиядан ўчирилди ва 1938 йил март ойида бошқа 21 кишининг, жумладан, Николай Бухариннинг иши судга оширилди. Уларнинг ҳаммаси ўлимга ҳукм этилди.

Шундай қилиб, Сталин тузумининг инжиқликларини қондириш учун Ўзбекистон сиёсий раҳбарияти таркиби бирон жиддий сабаб ёки ишончли айбловларсиз тубдан ўзгартирилди. Ф. Хўжаев ва А.Икромовларнинг ўринларига Абдужаббор Абдурахмонов ва Усмон Юсупов келдилар.

Сталин вафотидан сўнг совет раҳбарияти ўзгарди. Ўзбек сиёсий элитаси билан боғлиқ барча ўзгаришларнинг бошида турган Компартия раҳбарлиги Хрушчёв қўлига ўтди. Маълумки, Хрушчёв сталинизмга қарши кайфиятда бўлиб, Сталин даврида содир этилган жиноятларни очиб ташлаш кампаниясини бошлаб берди. У бошлаган ўзгартиришлар ўзбек сиёсий элитасини ҳам четлаб ўтмади. Сталин даврида тайинланган ўзбек раҳбарлари ичида “тозалаш” амалга оширилди. 1954 йилнинг сентябрида вазирлар кенгаши раиси лавозимини эгаллаб турган Усмон Юсупов ишдан олинди. Бир йил ўтгач, аниқроғи, 1955 йил декабр ойида Хрушчёвнинг Тошкентга қилган сафари чоғида Муҳиддинов Абдужаббор Абдурахмонов ўрнига келган Амин Ниёзовнинг ўрнига Ўзбекистон КП секретари этиб тайинланди. Хрушчёв Ниёзовни сталинизмга мойил деб ҳисоблаб, уни ишдан олишга қарор қилди.

Ўзбек раҳбарияти таркибини ўзгартириш билан боғлиқ бир-бирига уланиб кетган тадбирлар Москва кўрсатмаларига мувофиқ амалга оширилди. Улар ўзбек халқи хоҳишларини заррача ҳисобга олмас эди. Муҳиддинов янги — Ўзбекистон Компартияси секретари лавозимига тасдиқлангач, у 1957 йил декабр ойида Москвага бошқа лавозимга ўтказилди. Унинг ўрнига партия раҳбарлигига Собир Камолов келди. Аммо Камолов бу мансабда узоқ ўтирмади. 1959 йил январида ўтказилган Ўзбекистон Компартиясининг навбатдан ташқари съездида Камолов Шароф Раши-

дов билан алмаштирилди. 1962 йилда 1937-1938 йиллар орасида Сталин тузуми бошчилигида ўзбек раҳбарларига қарши ўтказилган шафқатсиз тозалаш кампаниясини очиб берган Ўзбекистон Компартияси тарихининг расмий версияси нашрдан чиқди.

Ш.Рашидов ўз мансабида вафотига қадар (1983 й.) қолганига қарамай, мазкур даврнинг бошидан охиригача Москва зугуми давом этди. Улар тобора кучайиб, Москва Ш.Рашидов вафотидан кейин ҳам уни танқид қилишни давом эттирди. Ш.Рашидовнинг кетиши партия раҳбарлигига Юрий Андропов келишига тўғри келди. Янги бош котиб СССРнинг турли минтақаларидаги коррупцияни фoш этиш бўйича кенг кураш кампаниясини бошлаб юборди. Дарҳақиқат, Брежнев ҳукмронлик қилган турғунлик даврида порахўрлик барча минтақаларда кенг қулоч ёзган эди.

Марҳум Ш.Рашидовнинг ўрнига И.Усмонхўжаев келгандан сўнг Ўзбекистонда — “пахта иши” бўйича терговлар бошланиб кетди. Пахта Ўзбекистон даромадининг асосий манбаи бўлгани учун ҳам мамлакат Совет Иттифоқининг хомашё базасига айланган эди. Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон пахтачилик вазирликлари, юксак стратегик аҳамиятли ва катта фойда келтирадиган маҳсулот — пахта билан ишлар эди. Ю.Андропов даврида пахта етиштириш ва уни тақсимлаш бўйича қатор қалбакилаштиришлар ҳамда қўшиб ёзишлар, шунингдек, катта миқдордаги давлат мулкани ўзлаштириш ҳолатлари аниқланди.

Ушбу текширувлар натижасида Л.Брежневнинг куёви Ю.Чурбановни қамраб олган порахўрликка асосланган муносабатларнинг Ўзбекистондан Москвадаги сиёсий раҳбариятга бориб тақаладиган мураккаб тизими шаклланиши аёнлашди. Бироқ, КПСС МКнинг ушбу масала бўйича қарорлари фақат Ўзбекистон раҳбариятига қарши руҳда бўлди. 1984 йил-

дан 1987 йилгача Ўзбекистонда ишлаб турган турли даражадаги 65 партия котибидан 40 таси алмаштирилди. Ўзбекистон КП бюросининг 12 аъзосидан 10 нафари четлатилди. Натижада бюро аъзоларининг 2/3 қисмини ташкил қилган ўзбеклар ўзларининг кўпчилик сифатидаги мавқеидан маҳрум этилдилар. Охиروقибат ушбу ўзгартиришлар ўзбекларнинг Москвага қарши миллий тўйғуларини кучайтирган манбалардан бирига айланди.

Ўзгартиришлар Ўзбекистон КП МК аъзоларини ҳам четлаб ўтмади. Марказқўмнинг 177 аъзосидан бор-йўғи 34 киши ўз мавқеларида қолдилар. Қолганлар кенг миқёсдаги "тозалаш" жараёнида ундан чиқарилдилар. Шундай қилиб, "пахта иши" Москва учун ўзбек сиёсий кадрларини тубдан ўзгартириш ишларини амалга оширишга дастак вазифасини ўтади. Ушбу қамровли кампания турли-туман миш-мишларнинг тарқалишига сабаб бўлди. Уларга мувофиқ, кампаниянинг мақсади коррупцияга қарши курашдан ҳам кўпроқ, ўзбек миллий ва партиявий раҳбарларини обрўсизлантириш орқали ўзбек халқи миллий руҳини заифлаштириш эди.

"Пахта иши" аста-секин кенгайиб борди. Пахта билан боғлиқ махинацияларда иштирок этиш айби билан Москва ва Ўзбекистонда 2600 киши қамалди. Москвадаги масъуллар 1983 йилда вафот этган Ш.Рашидовга нисбатан айбловларни олға сурдилар. Бу Москва ўзини ҳимоя қила олмайдиган ва эътироз кўрсата олмайдиган "айбдор"ни қидирганлигидан дарак берар эди. Ш.Рашидов "пахта иши" бўйича бевосита ва тўлалигича масъул деб топилди.

Кейинчалик Москванинг мазкур масаладан ўзини четга олишга қаратилган барча уринишларига қарамасдан, терговлар жараёни ва Ўзбекистондаги раҳбар кадрларнинг кетма-кет ўзгариб туриши мутлақо

қарама-қарши натижалар берди. Совет тузуми, хусусан Москвага бўлган ўзбекларнинг ишончига дарз кетди. Бу эса марказга қарши миллий ва диний ҳаракатларни кучайтирди. Айрим кузатувчиларнинг фикрича, Ўзбекистон Компартияси МК биринчи котиби И.Усмонхўжаев ва Ўзбекистон Олий Совети Президиуми раиси Р.Нишонов томонидан амалга оширилган кенг миқёсдаги "тозалаш" ўзбекларнинг Москвага қарши миллий туйғуларининг кучайишига олиб келди. Шунингдек, у Москвага қарши оппозицион кучларнинг қахру газабини қўзғатди, ўзбекларнинг диний туйғуларини жонлантди²⁰.

Миллий ва диний қаршилик руҳининг кучайиши Москва учун кичкина муаммо эмас эди. Сераҳоли Ўзбекистон собиқ Совет Иттифоқидаги ислом динининг қўрғони эди. Шўро даврида фаолият кўрсатган барча масжидларнинг учдан бир қисми унинг ҳудудида жойлашган эди. Ўзбек халқининг миллий ва диний туйғуларининг кучайиши Москва учун мураккаб муаммо эди. Ўзбекистондаги ҳар қандай ўзгариш бутун Марказий Осиёдаги вазиятга таъсир этишини совет ҳукумати яхши тушунар эди. Бундан келиб чиқиб, Москвадаги расмий доиралар "пахта иши" келтириб чиқарган асоратдан қандай қилиб қутулиш устида бош қотирар эди. 1986 йил октябрда бўлиб ўтган КПСС МК йиғилишида сўзга чиққанлардан бири Ўзбекистондаги диний вазиятда вужудга келган мураккаб ҳолатга ишора қилиб ўтди. Бу эса, "Правда" каби айрим совет газеталарига Ўзбекистон Компартиясини республикада тарқалиб бораётган миллатчилик ва диний туйғуларга эътиборсизликда айблаш имконини берди.

Бундан кейин Горбачёв томонидан амалга оширилган бу бесамар ишлар совет раҳбарияти ўйлаган натижанинг мутлақо тескарисини берди. 1986 йил

ноябрда Горбачёв Ҳиндистонга кета туриб Тошкентда тўхтаб сўзлаган нутқида Ўзбекистон Компартияси республикадаги ҳар қандай диний кўринишга қарши курашни авж олдириб, "атеистик онг"ни жонлантириши лозим, деди. Ўзбекистон Компартиясининг раҳбарларини жамиятда исломий одатлар ва туйғуларга мойиллик фаоллашиб борган бир шароитда диний уйғонишга эътиборсизликда айблаб, улар ишдан кўра сўзга берилиб кетганлар, дея танқид қилди. Горбачёвнинг ушбу сўзлари муносабати билан совет матбуоти, жумладан "Литературная газета" Ўзбекистон Компартияси баъзи раҳбарларининг динга бўлган муносабатини қораловчи мақолалар эълон қилди. Уларда, жумладан, айрим масъул ходимлар ва ёшлар ташкилотлари раҳбарларининг диний маросимларда, аниқроғи — Қуръонни ўрганиш тўғарақларида иштироки ҳақида ёзилди.

Москванинг босими билан Ўзбекистон Компартиясининг раҳбарлари республикадаги диний уйғонишга қарши айрим чораларни кўришга мажбур бўлдилар. Партия томонидан ўрнатилган мафкуравий ҳудудлардан ташқарига чиққанлиги аниқланган ҳар қандай киши ундан четлаштирилди. Масалан, фақат 1987 йилнинг биринчи ярмида динга алоқадор ишларни ташкил қилиш ёки унда қатнашганликда айбланган 53 аъзо партиядан четлатилди. Ваҳоланки, аслида бу — никоҳ, суннат тўйи ва дафн маросимлари каби муслмонча одатлар билан боғлиқ тадбирлар эди, холос. Ш.Рашидовнинг ватани Жиззах вилоятидаги баъзи партия аъзолари масжидни таъмирлаш учун 500000 сўм ажратганликда айбландилар. Бухоро шаҳар партия котиби масжидлар қурилишини қўллаб-қувватлаганликда айбланди.

Бироқ, 1987 йилда Горбачёв томонидан қўлланган қаттиқ оҳанг аста-секин ўзгара бошлади. Бунинг са-

баби — қайта қуриш ва ошкоралик сиёсати туфайли Москва республикаларда муайян сўз эркинлигига рухсат берган эди. Иккинчи томондан, 1989 йили Россияга христианлик кириб келишининг биринчи минг йиллигини расмий нишонланиши ҳам бунга сабаб бўлди. Бу воқеа ўзбек халқининг миллий-диний туйғуларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Совет газеталари рус маданиятининг христиан анъаналари билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидлаб, ортодоксал черковнинг ижобий роли ҳақида ёза бошладилар. Айни пайтда рус матбуоти ва расмий доираларида ислом, кўпинча, Совет Иттифоқининг мусулмон минтақаларидаги қолоқликка сабабчи бўлган реакцион куч сифатида қаралар эди. Исломга нисбатан бундай адолатсизлик баъзи ўзбек ёзувчиларини раддиялар билан чиқишга ундади, улар совет журналистларини исломга қарши ноҳақ ҳужумларга барҳам беришга чақирдилар. Динлар орасидаги фарқлардан қатъи назар, уларнинг жамият ҳаётидаги ижобий ўрни ва динлараро уйғунлик ҳамда ҳамжиҳатликнинг аҳамиятини таъкидлар эдилар.

Ўзбек халқи миллий кайфиятининг кўтарилиши ва исломий анъаналарнинг ўзбек маданиятида тутган ўрнини тан олиш ҳақидаги талаблари совет президенти 1987 йил ноябрда Тошкентда баён этилган ўз позициясини ўзгартиришга мажбур қилди. Горбачёв муносабатининг бундай ўзгариши 1989 йил февралда имзоланган совет қўшинларининг Афғонистондан олиб чиқилиши ҳақидаги битим билан янада кучайтирилди. Москва совет қўшинларини Афғонистондан олиб чиқилиши мужоҳидларнинг экстремистик кучларининг Кобулдаги ҳукуматга қарши ҳужумини келтириб чиқаради, деган хавфда эди. Бу Марказий Осиё республикаларига ҳам таъсир қилади деб, қўрқар эди. Шунинг учун ҳам совет қўшин-

ларининг Афғонистондан олиб чиқилиши ҳақидаги битимга ҳали имзо чекилмасданок, Горбачёв Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги бошқа республикалардаги диний туйғуларга нисбатан мўътадилроқ муносабатда бўлиш мақсадга мувофиқлигини тушунди. Бунинг натижасида, Горбачёв, 1988 йилнинг апрелида Тошкентга қилган зиёрати пайтида 1987 йил ноябрда айтган сўзларига зид равишда исломнинг ижобий аҳамияти ҳақида гапира бошлади.

Бундай ўзгаришларга мувофиқ тарзда Ўзбекистон Компартиясининг раҳбарияти таркибида ҳам ўзгаришлар юзага келди. 1988 йилнинг январидан И.Усмонхўжаев ўрнига Олий Совет Президиуми раиси Р.Нишоннов партия раҳбарлигига келди. Бу тадбирлар Москванинг ҳали интиҳосига етмаган "тозалаш" кампанияси доирасида амалга оширилди.

И.Усмонхўжаев ҳам айнан марҳум Ш.Рашидовга ўлимидан кейин қўйилган "пахта иши" билан боғлиқ порахўрликда айбланди. Москва амалга оширган ўзгартиришлар жамиятнинг партиёга бўлган ишончини барбод этиб, у Ўзбекистондаги нуфузини йўқота бошлади. Айнан шу нарса Москвани миллатлараро низолар туфайли хавф остида қолган барқарорликни таъминлашга қодир партиёнинг янги раҳбарини қидиришга мажбур қилди.

Аммо янги раҳбариятнинг келиши билан шу нарса аён бўлдики, уни ўз умрини яшаб бўлган партияни нафақат абадийлаштириш, балки умрини чўзиш ҳам қизиқтирмас эди. Аксинча, янги раҳбариятнинг асосий мақсади — Ўзбекистонни Совет Иттифоқи тарихининг охиригача икки йилида аниқлаша бошлаган тараққиётнинг янги йўлига олиб чиқиш эди. Бу йўл мустақил давлат қуриш йўли бўлиб, унинг сарбони Ўзбекистон Компартияси МКнинг янги котиби Ислом Каримов эди.

Фарғонада содир бўлган воқеалар туфайли Ўзбекистондаги миллатлараро муносабатларда вужудга келган танглик вазиятида, республика компартиясининг қонунийлиги муаммо бўлиб қолган бир пайтда, умумий вазият Ўзбекистон давлатининг янги раҳбарияти барқарорликни тиклаши ҳамда мамлакатдаги барча сиёсий-ижтимоий кучларни бирлаштиришини тақозо этарди.

1989 йилда ўзбек халқи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби этиб сайланган Ислом Абдуғаниевич Каримов шахсида ўзининг ҳақиқий йўлбошчисини топди. И.Каримовнинг сайланиши ўша даврдаги совет президенти М.Горбачёв томонидан маъқулланди. У, И.Каримов ростгўйлик ва поклик тимсоли бўлган ёш раҳбар деган комил ишончга сунди²¹. Бошқа жиҳатдан, И.Каримовнинг сайланиши қатор сабаблар туфайли Ўзбекистондаги сиёсий ва ғоявий кучлар томонидан ҳам мамнуният билан қабул қилинди. Чунки у бой илмий тажрибага эга, юксак салоҳиятли мутахассис, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш тарафдори, ўзбек халқининг миллий анъаналарини ҳурмат қиладиган раҳбар эди.

Шу ўринда, қисқача бўлса-да, Ўзбекистон Президентининг таржимаи ҳолини келтириш лозим. Ислом Каримов 1938 йилда Самарқанд шаҳрида туғилди. Ўрта маълумотни олганидан сўнг, у Тошкент политехника институтига кириб, уни 1960 йилда тугатди. Унинг меҳнат фаолияти Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводидан бошланди. У мастер ёрдамчиси, кейин мастер ва технолог бўлиб ишлади. Аста-секин у ўз техник фаолиятининг юқори даражасига кўтарилди ва Тошкент авиация заводининг етакчи инженер-конструктори лавозимини эгаллади. Тошкент авиация заводи собиқ Совет Иттифоқи ҳарбий-саноат комплексининг энг йирик корхона-

ларидан бири эди. Иқтисодга қизиқиш И.Каримовни Тошкент Халқ хўжалиги институтининг сиртқи бўлимига етаклаб келди. Кейин у Давлат режалаштириш қўмитасида ишлаб, 7 йилда илмий бўлим бош мутахассисидан Ўзбекистон молия вазири лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. Иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги бой тажрибаси ва юксак салоҳияти И. Каримовнинг юқори лавозимларга кўтарилишига имкон яратди. Масалан, 1986 йилда И. Каримов бир вақтнинг ўзида Вазирлар Маҳкамаси раисининг муовини ва Давлат режалаштириш қўмитасининг раиси бўлиб ишлади.

И. Каримов Ўзбекистон Компартиясининг раҳбарлигига келгач, барқарорликни тиклаш, жамиятдаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни тиклаш билан боғлиқ муҳим ва, айти пайтда, мураккаб вазифа унинг зиммасига тушди. Фарғонада бўлган миллатлараро тўқнашувларнинг бошқа минтақаларга ёйилиши хавфини бартараф этиш лозим эди. И. Каримов ўзининг биринчи муҳим вазифасини тезда муваффақият билан удалади. Аввало, у Фарғона воқеаларини тўхтатишга муваффақ бўлди. Иккинчидан, унинг программаси ўзбек жамиятининг интилишлари ва орзу-умидларига мос эди. И. Каримовнинг раҳбарлик лавозими таинланиши ўзбек халқининг Москвага қарши норозилиги авж чўққисига кўтарилган даврда юз берди. 200 га яқин киши ҳалок бўлган ва 1000 дан ортиқ одам жароҳатланган Фарғона воқеаларига жавобан Москва Тошкентга, асосан руслардан иборат 300 масъул ходимларни юборди. Улар ғалаёнларни бостириш учун вилоятлардаги ўзбек партия раҳбарларининг ўрнини эгаллаши лозим эди. Москванинг бу каби ҳаракатлари ўзбекларнинг қаттиқ норозилигини келтириб чиқарди. Улар ўз ишларини Москва эмас, халқ ҳурматига сазовор бўлган ўзбек раҳбарлари ҳал

қилиши лозимлигини талаб қилиб чиқдилар. Шу туфайли Ўзбекистон Компартиясининг олий раҳбарлигига Ислом Каримов номзоди таклиф этилди ва кенг халқ оммаси томонидан қизғин қўллаб-қувватланди.

Бироқ И. Каримов елкасидаги энг асосий масъулият — ўзлигини аниқ ва изчил намоён қила бошлаган ўзбек миллатининг талабларини қондириш эди. Совет президенти М. Горбачёвнинг эгилувчан сиёсати, баъзи истиснолардан ташқари, деярли барча совет республикаларида миллий ҳаракатларнинг кучайишига имкон яратиб берди. Ўзбекистонда ҳам давлатчиликнинг ўзига хос миллий асослари ва ўзбек халқининг ҳуқуқларини тасдиқловчи ишлар амалга оширилишига интилувчи кучлар беқиёс фаоллашди. Масалан, миллатпарвар кучлар ўзбек аскарларига нисбатан командирларнинг шафқатсиз муносабати масаласини кўтариб чиқдилар. Масала шу даражага бориб етдики, 1990 йилда айрим матбуот нашрларида ушбу муаммонинг нақадар кенг қамровли эканлигини кўрсатиб берувчи ўзбек аскарларининг ҳуқуқлари ҳимояси, ўзбек аскарининг, асосий қисми славян ирқидан бўлганлар томонидан бузилмаслигининг кафолатлари йўқлиги ҳақидаги мақолалар нашр этилди. Уларда мазкур муаммони мустақил Ўзбекистонни қуриш ва унинг миллий қуроли кучларини тузиш йўли билан ҳал қилиш таклиф этилди. Шу билан бирга, миллатпарвар кучлар ўзбек тилига алоҳида муносабат масаласини кўтариб, 1989 йил 1 ва 5 октябр кунлари ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишини талаб қилиб чиққан намоёнларни уюштирдилар.

Ўзбекистон суверенитетини талаб қилиб чиққан халқнинг кучайиб бораётган интилишларига И.Каримов республика ижро ҳокимиятининг олий раҳбари сифатида жавоб берди. Унинг жавоби фақат-

гина халқ талабларини қондириш ёки уларга оддий эътиборни англамасдан, балки узоқ муддатли Москвага қарамликдан кейин республикада тартибни тиклаш лозимлиги ҳақидаги Президент И.Каримовнинг комил ишончини ифода этар эди. Ўзбекистон Компартиясининг олдинги раҳбарларидан фарқли ўлароқ, И. Каримов шахси янги типдаги раҳбарнинг инъикоси эди. Шунга кўра, ўша даврда одат бўлган анъанага мувофиқ, уни либерал-ислоҳотчиларга ҳам, қаттиққўл консерваторлар лагерига ҳам қўшиш мумкин эмасди. И. Каримов эгаллаган мавқе шуни кўрсатар эдики, у ўз манфаатларини бошқасига қарши қўйган бирон-бир гуруҳнинг раҳбари эмас, балки унинг энг биринчи мақсади — мамлакатдаги барча ижтимоий-сиёсий кучларни бирлаштириш, ўзбекларнинг миллий ўзлигини англаш туйғуларини кучайтириш ва мустақил Ўзбекистон ғояси учун кураш эди.

Партияда масъул лавозимни эгаллаган пайтдан И. Каримов ўзбекларга нисбатан олиб борилган иқтисодий ва маданий камситиш сиёсатини фош этиш билангина чекланиб қолмасдан, балки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида вужудга келган салбий кўринишларга Россия сабаб эканлигини очиқ-ойдин кўрсатиб берди. Масалан, Президент И. Каримов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг миллий масалага бағишланган мажлисида республикада бир миллион ишсиз борлигини очиқ айтиб, Москванинг ушбу масаладаги сиёсати Ўзбекистон шароитларига тўғри келмаслиги, аҳолини иш билан таъминлашда ўз самарасизлигини кўрсатганини таъкидлади. Шунингдек, Москва ўша даврда 78 сўми ташкил этган, яшаш минимумидан ҳам кам бўлган Ўзбекистон фуқароларининг ўртача иш ҳақи умумиттифоқ ойлик маошининг атиги 45 %га тенг маблағдан иборатлиги учун танқид қилинди²².

И. Каримовнинг ўзбек миллий шахсиятини қайта тиклашга қаратилган дастури республикадаги турли кучлар томонидан қўллаб-қувватланди. Диндорлар президент дастурини, айниқса, унинг диний экстремизмга қарши кураш, айти пайтда, узоқ муддатли атеистик ташвиқот туфайли унинг қиёфасини бузиб кўрсатишдан сўнг исломнинг маъқул кўринишларига йўл очиб бериш билан боғлиқ пунктларини қўллаб-қувватладилар. Дин ва давлат ўртасидаги бундай яқинлашув Ўзбекистоннинг ислом билан боғлиқ тажрибаси бошқа кўпчилик мусулмон халқлари тажрибасидан фарқли эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда ислом, баъзи гоъвий кучлар бутун исботлашга уринаётганларидек, ҳеч қачон миллийлик туйғуларининг ўрнини эгаллаб турмаган. Аслида, унинг ёрдами билан, руслаштириш ҳаммалари бар-тараф этилиб, ўзбекларнинг миллий шахсияти сақлаб қолинди. Дин ва давлат ўртасидаги Ўзбекистондаги тотувлик, айрим диний-экстремистик оқимларни ҳисобга олмаганда, дунёвий тараққиётда мамлакат эришган муваффақият билан изоҳланади. Давлат Ўзбекистонда эътиқод эркинлигига аралашмайди, диний ташкилотлар эса давлатга ўз қарашларини мажбуран ўтказишга уринмайдилар. Икки тараф — давлат ва диний ташкилотлар орасидаги алоқалар ўзаро тотувликка асосланган бўлиб, унга мувофиқ давлат диний эътиқод эркинлигини беради, диний кучлар эса жамиятдаги тинчлик ва жамоат тотувлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий барқарорликни таъминлашда давлатнинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашни кўзлайди.

И. Каримов мамлакат раҳбарлигига келганидан бошлаб узоқ йиллар давом этган Москванинг, аввал, "руслаштириш", кейинчалик "советлаштириш"га уринишларидан кейин "ўзбеклаштириш" Президент

нутқлари ва сиёсий амалиётида асосий ўринни эгаллади. 1990 йил июн ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартиясининг XX съездида сўзлаган нутқида И. Каримов республика дуч келаётган ва ташқи кучлар ва омилар томонидан атайлаб вужудга келтирилатган турли қийинчиликларни очиқ кўрсатиб, Москванинг бундаги алоҳида ролини таъкидлади. Ушбу муаммоларнинг кўпчилиги фақат Ўзбекистоннинг тўла мустақиллигини таъминлаш йўли билангина ҳал этилиши мумкинлигини очиқ баён этди. Съезд 1989 йили ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани бу мақсадни амалга ошириш йўлидаги дастлабки қадамлардан бири эканини таъкидлади. Бунга қўшимча равишда, И.Каримов Ўзбекистон Компартияси бюроси ва МК таркибига тегишли ўзгартиришларни киритишни таклиф қилди.

Босқичма-босқич тарзда қўлга киритилаётган суверенитет ўша пайтда ҳукмрон бўлган ассоциатив тасаввурлар билан боғлиқ бўлгани туфайли, И. Каримов айрим совет оммавий ахборот воситалари томонидан шакллантирилган Ўзбекистон ҳақида салбий тасаввурни ўзгартиришга интилар эди. Гўёки деярли бутун Марказий Осиё минтақасини қамраб олган порахўрликнинг мисоли қилиб кўрсатилган "пахта иши"ни тасвирлашда совет матбуоти шу қадар кўп қора бўёқлар ишлатдики, натижада Ўзбекистон ва ўзбекларнинг салбий қиёфаси яратилди. Бундай ёлғон ташвиқотга чек қўйиш учун И. Каримов журналистларни икки далилга асосланиб, "пахта иши"ни қайта кўриб чиқиш ва ўзбек халқи шаън-шарафини тиклашга чақирди. Биринчи далил пахта ишлаб чиқариш ҳақидаги баъзи махсус ҳисоботларнинг қалбакилаштирилиши совет бюрократиясининг Ўзбекистонга ўтказган кучли тазйиқи ва етиштирилган пахтанинг ҳажми белгиланган режага мувофиқлигини

исботлаш туфайли рўй бергани билан боғлиқ эди. Ўзбекистон ерлари узоқ йиллар давомида ҳаддан ортиқ эксплуатация қилинганлиги сабабли инқирозга юз тутгани, натижада ҳосилдорлик пасайганидан Москва кўз юмар эди. 1987 йилда Ўзбекистонда 4,9 млн тонна пахта етиштирилган бўлса-да, бу кўрсаткич белгиланган режадан кам эди.

Иккинчи далил, "пахта иши" билан боғлиқ порахўрлик ўзининг келиб чиқиши нуқтаи назаридан "ўзбеклар иши" бўлмаган. Чунки Брежнев даврида ҳеч ким Москвадан берухсат, ўз хоҳиши билан, бирор ишни қила олмас эди. Шунинг учун Москвадан бошқарилган "пахта иши" билан боғлиқ махфий тармоқ шаклланигани ҳақида гапириш ҳақиқатга яқинроқ эди. Л. Брежневнинг куёви Ю.Чурбановнинг "пахта иши"га боғлиқ алоҳида айблов билан ҳибсга олинганидан кейин бу далил қўшимча аҳамият ва манتيқ касб этди. Президент И. Каримов ушбу ишнинг тарихига қайтиб, ўзбек раҳбари Ш. Рашидовнинг номини оқлашга ҳаракат қилди, унинг шахси ҳақида ҳеч қандай муболага ва ёлғонларсиз ҳолис тасаввурни шакллантириш зарурлигини таъкидлади.

Миллий онгнинг қуввати тобора кучайиб, янги соҳаларни, жумладан, ҳарбий соҳани ҳам қамраб ола бошлади. 1990 йил март ойидан нафақат ўзбек бўлмаган командирларнинг ўзбек аскарларига бўлган шафқатсиз муносабати, балки уларнинг кўпчилиги ҳарбий кўшинларда эмас, фақатгина қурилиш батальонларида хизмат қилишини қораловчи кескин танқид бошланиб кетди. Қатор ўзбек аскарларининг ўлими натижасида ўзбек миллий туйғулари шу даражада кучайдикки, 1990 йилнинг баҳорида ҳукумат томонидан қабул қилинган қарордан кейин қурилиш батальонларидаги ўзбек аскарларининг сони сезиларли ка-

майиб, махсус ҳарбий қисмлардагиларининг сони кўпайди.

И. Каримов бошлаган Ўзбекистондаги миллий тикланиш дастури, бир томондан, ўзининг босқичма-босқичлиги, иккинчи томондан, ҳар қандай жиддий ислоҳот дастурини қабул қилиш учун зарур қонуний воситалардан фойдаланишни назарда тутар эди. 1989 йилда партия раҳбарлигига келган И.Каримов, зарур тайёргарчиликлардан кейин, Ўзбекистон сиёсий тизимини ўзгартириш бўйича янги таклифларни ўртага ташлади. 1990 йилнинг ёзида Россияда рўй берган воқеалар туфайли вужудга келган қулай вазият Ўзбекистон сиёсий тизимини ислоҳ этиш имкониятини яратди. 1990 йил июнда Россия парламенти Россия қонунларининг совет қонунларидан устуворлиги ва Б. Ельциннинг Россия президенти этиб сайланганини эълон қилди. Ўзбекистон марказий ҳокимиятнинг янада заифлашуvidан юзага келган янги воқеликка мослашиши ва республиканинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлайдиган сиёсий ўзгаришларни ўтказиши лозим эди. Бу пайтда шўролар мамлакатада сиёсий бўшлиқ юзага келган, бундан ижтимоий хавфсизлик ва Ўзбекистон хотиржамлигига таҳдид солаётган баъзи кучлар фойдаланиб қолишлари мумкин эди. Шунга кўра, 1990 йил октябрда ЎзССР Олий Совети Ўзбекистон Республикаси суверенитети ҳамда Ўзбекистон Конституциясининг совет конституциясидан устуворлигини эълон қилди. И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди. Бу ўзгариш И. Каримовнинг Ўзбекистон Компартиясининг сиёсий асосига барҳам беришга қаратилган янги сиёсати билан бир вақтда рўй берди.

Совет тузумининг марказини ларзага келтирган ўзгаришлар натижасида, хусусан М. Горбачёв ҳокимиятининг охириги икки йили давомида, партия ичи-

даги консерватив кучлар ислохотлар, республикалар, жумладан, Ўзбекистоннинг суверенитет сари қадамлари йўлидаги ҳақиқий тўғаноққа айланди. 1991 йилнинг августида ўзининг эски мавқеини тиклашга интилган Горбачёвга муҳолиф "эски гвардия" уюштирган давлат тўнтариши муваффақиятсизликка учрагач, Президент И. Каримов Ўзбекистон Компартиясининг КПССдан ажралиб чиққанлиги ҳақидаги фармонни имзолади. Бу Ўзбекистондаги эски партиявий асосга барҳам бериш йўлидаги биринчи қадам эди.

И.Каримовнинг тутган йўли, бир томондан, М. Горбачёвга қарши қўлланган исён услубига бўлган салбий муносабатни англатарди, иккинчи томондан, мустақиллик сари босилган шунча қадамлардан кейин КПССнинг Ўзбекистонга "ҳомийлиги"ни қайта тиклашга қарши эканини билдирар эди. Совет ҳукмронлигини қайта тиклашга қаратилган ҳар қандай уришига чек қўйиш мақсадида, 1991 йил 31 августда Ўзбекистон парламенти давлат мустақиллигини эълон қилди. Сал ўтмай — 14 сентябрда, Ўзбекистон Компартиясининг ўз-ўзини тарқатиши ҳақидаги қарори эълон қилиниб, бу воқеа Ўзбекистоннинг янги — мустақил давлат қуриш босқичига кириши учун йўл очди.

БИРИНЧИ БОБГА ИЗОҲЛАР:

- 1 Миллатнинг таърифи ва тараққиёти ҳақида батафсилроқ қаранг: Elie Kedourie, *Nationalism*, Cambridge, MA: Blackwell, 1994.
- 2 Martha Brill Olcott. *Central Asia's Catapult to Independence*. *Foreign Affairs*, vol. 71, no. 3, Summer, 1992.
- 3 Uzbekistan: Facts and Figures. <http://www.rferl.org/bd/uz/info/uzciafacts.html>.

- 4 Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: *Узбекистан сегодня. Бюллетень Посольства Республики Узбекистан в Каире; Узбекистан: 1991 – 1995 г.г. Ташкент, Государственный комитет прогнозирования и статистики Республики Узбекистан.*
- 5 Giles Whittel. *Central Asia: The Practical Handbook.* London: Cadogan Books Ltd., 1993, p. 89.
- 6 Марказий Осиё тарихи ҳақида қаранг: Marie Antoinette Czaplicka. *The Turks of Central Asian in History and at the Present Day.* New York, NY: Barnes and Noble Books, 1978.
Rene Grousset. *The Empire of the Steppes: A History of Central Asia.* New Brunswick, NJ: Rutgers University Press, 1986.
Lawrence Krader. *People of Central Asia.* Bloomington, IN: Indiana University Press, 1971.
Geoffrey Wheeler. *The Modern History of Soviet Central Asia.* Westport, CT: Greenwood Press, 1975.
- 7 Helene Carrere d'Encausse. *Systematic Conquest: 1865-1966.* In Edward Allworth, ed., *Central Asia: 130 Years of Russian Dominance.* 3rd edition, Durham and London. Duke University Press, 1994, p. 131.
- 8 Helene Carrere d'Encausse. *Social and Political Reform.* In *ibid*, p. 190-192.
- 9 Ўша асар, 198-б.
- 10 Walker Connor. *The National Question in Marxist-Leninist Theory and Practice,* Princeton, NJ: Princeton University Press, 1984, p.121.
- 11 Муҳаммад 'Али ал-Бār. *Ал-муслимун фй ал-Иттиҳād ас-Суфийтйй 'абра ат-тарйҳ. Ал-джуз' ал-аввал, Джидда: Дār аш-Шурук,* 1983, с. 357.
- 12 Shirin Akiner. *Uzbekistan.* In Graham Smith, ed., *The Nationalities Question in the Soviet Union,* London and New York: Longman, 1990, p. 217.
- 13 Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Alexander Bennigsen & Lemercier Quelquejoy. *Islam in the Soviet Union.* London: Pall Mall, 1967.
- 14 Dilip Hiro. *Between Marx and Muhammad: The Changing Face of Central Asia.* London: Harper Collins, 1994, p.155.
- 15 Ўша жой.
- 16 Ian Murrey Matley. *Agricultural Development.* In Edward Allworth, *op.cit.*, p. 288.

- 17 Ўша асар, 290-б.
- 18 Ўша жой.
- 19 Ўша асар, 294-б.
- 20 Bohdan Nahaylo, Victor Swoboda. Soviet Disunion: A History of Nationalities Problems in the USSR. London, Hamish Hamilton, 1990, p. 159.
- 21 Dilip Hiro, *op.cit.*, p.167
- 22 Ўша асар, 168-б.

ЗАМОНАВИЙ ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ

ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ ЖАРАЁНИ ГЛОБАЛЛАШУВ АСРИДА

Бугунги кунда давлат қурилиши жараёни бундан ўттиз ёки қирқ йил аввалгидан кўра анча мураккаб кечмоқда. У пайтда Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги “учинчи дунё” мамлакатлари ўз давлатларини миллий озодлик тўлқини авжига чиққан шароитда қурдилар. Шунинг учун ҳам бирор давлат қурилиши тажрибасидаги музаффақият бошқа давлатлар қурилишига ҳам туртки берар эди. У даврда, халқаро вазият шундай эдики, янги барпо бўлаётган давлатлар суверенитетини ҳеч ким осонликча буза олмас эди. 90-йилларнинг охирида давлатлар қурилиши мутлақо бошқача — глобаллашув муҳити ва шиддатли минтақалараро боғланиш шароитида кечди. Бу ҳолат барча миллий давлатларга таҳдид солиб, улардан, бир томондан, глобаллашувнинг “тезюрар карвони”га кўпилиб олиш, иккинчи томондан эса, миллий суверенитет ҳимясини таъминлаган мақсадида зарур асосларни яратиш учун куч-ғайрат сарфлашни тақозо этди.

Ўз-ўзича, мустақил, яъни ташқи омилар таъсиридан холи шароитда давлат қурилиши жараёни энг чигал ва қийин сиёсий-ижтимоий ислоҳотлардан ҳисобланади. Бу жараён янги институтларни вужудга келтириш, эски кадрият ва одатларни янгиларига ўзгартириш, қад ростлаётган давлат тараққиёти учун зарур бўлган мутахассис кадрлар етиштиришни қам-

раб олади. Янада муҳими, у миллий ҳамжиҳатликка эришиш ва ягона ўзлик туйғуларини кучайтиришни талаб қилади. Буларнинг барчаси барпо этилган давлатчилик асосларини осонлик билан бузиб юбориши мумкин бўлган ташқи таъйиқлардан имкон қадар холи равишда амалга ошмоғи керак бўлади.

Ўзбекистон ҳам собиқ СССР таркибида бўлган бошқа мамлакатлар каби "учинчи дунё" доирасидаги давлат қурилиши жараёнининг "иккинчи тўлқини"га қўшилди. 50-йиллар ўрталаридан 60-йилларнинг охиригача давом этган, Африка ва Осиё мамлакатларининг Европа мустамлакачилигидан озод бўлиши билан характерланувчи "биринчи тўлқин" билан СССРнинг барбод бўлиши ва социалистик лагернинг емирилишидан бошланган "иккинчи тўлқин" ўртасидаги катта фарқ шундаки, давлат қурилишининг янги жараёни глобаллашув асрида кечмоқда. Бу ҳол нафақат қурилиш жараёнини эндигина бошидан ўтказаятган давлатлар, балки амалда қуриб бўлган давлатларга ҳам таҳдид солаётир. Глобаллашув шундай жараёнки, у халқаро тизим ва унинг асосларига таъсир ўтказади, бошқариладиган ва бошқарилмайдиган ташқи кучлар таъсирини миллий давлатлар ҳаётига олиб киради. Бу катта миқёсдаги ўзгаришлар замонавий давлатнинг ички сиёсати соҳасида ташқи омилларнинг аҳамиятини ошириб юборади.

Глобаллашувнинг давлат қурилиши жараёнига қандай таъсир ўтказиши хусусида қарама-қарши нуқтаи назарлар мавжуд. Уларнинг биринчисига кўра, глобаллашув ўзининг юксак шиддати билан замонавий давлат қурилиши жараёнига фақатгина миллий давлат ташқарисидан таҳдид солиб қолмай, балки илгари намоён бўлмаган янги таъсирлари билан давлат ичкарисидан ҳам таҳдид туғилишига имкон яратади. Глобаллашув кенг қамровли тушунча бўлгани учун "соя"да яшашни қабул қилмайди ва, ҳатто сиё-

сатшуносликдаги энг мустаҳкам атама — “давлат” тушунчасига ҳам таъсир қилади. Халқаро тизимнинг таркибий қисмлари бирлашиши, айниқса, иқтисод соҳасида ўзаро боғлиқлик ҳамда сармоялар ҳаракатининг кучайиши, халқаро миграциянинг кенгайиши туфайли давлат суверенитетининг ички ишларни ҳал этишдаги тўла ҳуқуқи ва ҳаракат эркинлиги шубҳа остида қола бошлади. Мазкур нуқтаи назар тарафдорлари, глобаллашув миллий давлат олдига оғир муаммолар қўяди ва уларни фақат катта саъй-ҳаракат ва қурбонлар бериш орқали бартараф этиш мумкин, дея ҳисоблайди. Бу эса миллий давлат қурилиши жараёнини ўзи танлаган йўлга буриш ҳуқуқига путур етказди. Бу оқим тарафдорларининг фикрича, глобаллашув “учинчи дунё” даги давлат қурилиши жараёни билан боғлиқ бир қанча воқелик ва жараёнларни келтириб чиқармоқдаки, уларни қисқа қилиб қуйидагича тавсифлаш мумкин:

1. *Маҳаллий давлатчилик.* Бу тушунча глобаллашувнинг миллий давлатнинг сиёсати ва иқтисодийетида маҳаллий руҳ уйғотишдаги ўрнига ишора қилади. Глобаллашув демократик қурилишнинг аҳамиятини таъкидлаш билан бирга номарказлаштириш жараёнининг кенгайишини ҳам рағбатлантиради. Номарказлаштириш сиёсий демократиянинг маъмурий амалиёти бўлгани сабабли, демократик ўзгаришларни бошидан кечираётган мамлакатларда марказий ҳокимият маҳаллий тузилмаларга айрим соҳаларда ён беради. Маҳаллий тузилмалар эса бу имкониятдан доимо ўз маънавий-маданий қадриятларини тиклаш ва умуммиллий миқёсда ўзларининг сиёсий мавқеларини мустаҳкамлаш учун фойдаланадилар.¹

2. *Ўрта табақаларнинг йўқолиши.* Бу халқ оммасининг турли тоифаларини муайян доирада бирлаштириб турган муносабатлар йиғиндисига глобаллашув-

нинг салбий таъсирини ифодалайди. Глобаллашув даврига қадар миллий бирлик турли тоифалар ўртасидаги қарама-қаршиликларни "юмшатиб", кенг қамровли муштарак жамоат табақаларининг шаклланишига ёрдам берар эди. Глобаллашув эса улар орасидаги иқтисодий тафовутни мисли кўрилмаган даражада чуқурлаштириб юбордики, натижада ўрта табақанинг йўқолиб кетиш хавфи пайдо бўлди.

3. *Ташқи омиллар таъсири.* Глобаллашув ички ва ташқи омиллар таъсирини сиёсий ривожланишни белгиловчи омиллар марказига кўчиришда ҳар қандай бошқа жараёнлардан кўра кўпроқ муваффақиятга эришди. Глобаллашув шароитида давлат қурилиши фақатгина ички шарт-шароит ва омиллар мавжудлигига боғлиқ бўлиб қолмасдан, у ташқи ижрочилар бажараётган роллар воситаси билан ҳам амалга ошиши мумкин. Глобаллашув чет давлатлар, айниқса, демократик мамлакатларга, инсон ҳуқуқларини кафолатлаш баҳонаси билан бошқа давлатларнинг ички ишларига аралashiш имконини беради. Бунга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фақат тор миллий муаммо эмас, балки халқаро аҳамиятга молик вазифа ҳисобланиши қўл келади.²

4. *Ҳокимиятнинг табиий ҳажми.* Бу тушунча ҳукумат ҳажмини ва унинг ваколатини қисқартириш билан боғлиқ. Глобаллашув шароитида давлат қурилиши жараёни бошқарув функцияларининг бир қисмини қуйи босқичларга ўтказиш, натижада, ҳукуматни қисқартириш орқали унинг муносиб ҳажмини топиш, фаолиятини муайян соҳалар билан чегаралаш ва жамиятга ўзига топширилган соҳалардаги фаолият учун масъулият юклаш заруратини келтириб чиқарди.

Иккинчи нуқтаи назарга кўра, глобаллашув давлат қурилиши жараёнини заифлаштирмай, балки кучайтиради ва, ҳатто сиёсий элита олдида бу жа-

раёни амалга оширишда чексиз ютуқларни қўлга киритиш учун улкан имкониятлар яратади. Бу нуқтаи назар қўйидаги далилларга асосланади.³

1. Глобаллашув жараёни ривожланаётган давлатлардан халқаро даражага муносиб бўлиш учун ўз иқтисодий-ижтимоий ва маданий салоҳиятларини юксалтиришни талаб этади. Бунга эришиш учун ҳукмдор сиёсий элита инфраструктурани, унинг барча таркибий қисмларини мустақкамлаш орқали давлат қурилиши жараёнини фаоллаштиришга киришади.

2. Глобаллашув замонавий технологияларни тарқатиш воситасида турли давлатларни бир-бири билан мустақкам боғлаб қўйди. Ушбу технологиялар миллий давлатларга ҳам фойдали бўлиб, уларнинг таркибий қисмларини янада фаолроқ усулда, камроқ харажат билан бир-бирига боғлаш ва назорат қилиш имконини берди.

3. Глобаллашув лойиҳасининг муваффақияти миллий давлатларни заифлаштиришни эмас, балки уларни кучайтиришни тақозо этади. Глобаллашув сармояларни эркинлаштириш, бозор муносабатларининг фаол механизмларини яратишни рағбатлантиради, шу билан бирга, ўзи ҳам давлат томонидан мулкдорлик ҳуқуқларининг қатъий кафолатланишига муҳтождир. Давлат эса бу ҳуқуқларни таъминлаш ва кафолатлашнинг энг кучли сиёсий институти бўлиб қолмоқда. Шунга кўра, глобаллашув муваффақиятидан ким манфаатдор бўлса, улар учун давлат қурилиши жараёнига тўсқинлик қилиш эмас, балки уни рағбатлантириш фойдалидир.

Икки нуқтаи назарда акс этган зиддиятларга қарамай, глобаллашувнинг давлат қурилиши жараёнига таъсири масаласида шу нарса аёнки, давлат қурилиши жараёнининг "иккинчи тўлқини"га қўшилган Ўзбекистон каби миллий давлатлар ушбу жараёнда

ички омиларга бирдек эътибор қаратишлари шубҳасиздир. Бошқача айтганда, глобаллашув шароитида давлат қурилиши жараёни ички муаммоларни бар-тараф этишга қодир янги муассасалар ташкил этиш билан чекланиб қолмайди, балки бунданда муҳимроқ бўлган, глобаллашувнинг тазйиқларига қарши тура оладиган муассаса ва тузилмалар барпо этишни ҳам назарда тутди. Демак, бугунги давлат қурилиши жараёнига "биринчи тўлқин" давридагидан фарқли ўлароқ, фақат ички хавф-хатарларгина эмас, балки ташқарида пайдо бўлувчи ва айниқса, глобаллашув жараёнида туғиладиган таҳдидлар ҳам хавф солмоқда.

Баён этилганлар, мустақиллик даврида Ўзбекистон давлат қурилиши жараёнида муайян қийинчиликларга дуч келиши мумкинлигини кўрсатади. Шунингдек, ўз давлат қурилиши жараёнида Ўзбекистон раҳбарияти олдидаги эзгу мақсадларни амалга ошириш ва уларнинг муваффақиятини кафолатлаш учун инобатга олиши лозим бўлган омиларни равшанлаштиради.

Ўзбекистон раҳбариятининг давлат қурилиши жараёнини идрок этиши борасидаги сиёсатини кузатган киши мустақил ўзбек давлатчилигини бунёд этиш лойиҳаси давр руҳига ҳамоҳанглиги ҳамда раҳбарият мазкур лойиҳага таҳдид солиши мумкин бўлган ички ва ташқи хатарларга тайёр эканлигини англайди. Бу бобда, бир жиҳатдан, Президент Ислон Каримовнинг сиёсий нутқларини ўрганиш асосида ўзининг оламшумул ғоялари билан ажралиб турадиган Ўзбекистонда янги давлат қурилиши жараёни таҳлил этилади ва, иккинчи жиҳатдан эса, 1991 йилдан буён бу борада қўлга киритилган ютуқларни кўрсатиш орқали ўзбек давлати қурилиши жараёнининг таҳлили берилади. Ушбу контекстда муҳим икки

жиҳатни кўрсатиш мумкин. Уларнинг биринчиси — давлат қурилиши жараёнини бошлаб юбориш учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўлса, иккинчиси — амалга оширилган ўзгаришларнинг бош мақсади бўлмиш ривожланиш билан боғлиқдир.

ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ

Давлат қурилиши бирдан амалга ошадиган жараён эмас. Ўз моҳиятига кўра, бу жараён режали равишда олдиндан ишлаб чиқиладиган тадбир бўлиб, муайян мақсадларни белгилаш ва уларга эришиш учун зарур шарт-шароитларни яратишни назарда тутлади. Уларни яратиш, ўз аҳамиятига кўра, мақсадларни белгилашдан қолишмайди, ҳатто, эҳтимол, унга қараганда қийинроқдир, деб айтсак муболаға қилмаймиз. Мақсадлар қанчалик аниқ ва юксак ижтимоий аҳамиятга эга бўлса, охир-оқибат, уларни рўёбга чиқаришни таъминлайдиган шароит ва муҳитни вужудга келтириш ҳам ўта муҳим вазифадир.

Истиқдолни қўлга киритиш — давлат қурилиши учун зарур бўлган шарт-шароитларнинг биринчиси эди. Давлат қурилиши жараёни, албатта, эски тузум асослари парчаланишидан бошланади. Эски тузумни парчалашнинг энг самарали йўли эса истиқдолни эълон қилиш эди. Таниқли ўзбек олимлари таъкидлаганларидек, "истиқдолни эълон қилиш суверен давлат қуришнинг машаққатли йўлида қўйилган илк қадам эди, холос"⁴.

Ҳаддан зиёд марказлашганлик ва ишлаб чиқариш воситаларига давлатнинг чекланмаган тарзда эгалик қилиши, моддий ресурсларнинг талон-торож қилиниши ва республикадан ташқарига назоратсиз олиб кетилиши — буларнинг барчаси давлатни соғлом

асосларда қайта қуриш учун йўқотилиши шарт бўлган салбий ҳолатлар эди.

Давлат мустақиллиги эълон қилиниши билан Ўзбекистон раҳбарияти давлат қурилиши истиқболи тамойиллари ҳақидаги тасаввурларини ривожлантиришга киришди. Соғлом асосда давлат барпо этиш шартларидан бири раҳбариятнинг бу ҳақда қатъий тасаввурга эга бўлиши эди. Зеро, бир томондан, жамият давлатдан нима кутиши мумкинлигини аниқлаш, иккинчи томондан, келажак ҳақидаги тасаввурни шакллантириш давлат қурилиши жараёнини фаоллаштиради.

Президент Ислом Каримовнинг давлат қурилиши жараёнининг устувор тамойиллари ҳақидаги қарашлари, совет тажрибаси собиқ СССР республикалари ўртасида пайдо қилган бир-бирига ўхшашликдан қатъи назар, бу ишда ҳар бир давлат ўзигагина хос бўлган шарт-шароитлардан келиб чиқиши лозимлигига асосланган. Масалан, Ўзбекистоннинг ўзига хослиги шундан иборат эдики, у Россия билан қиёсланганда, фуқароларни иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш билан боғлиқ ижтимоий вазифасидан воз кечиши ёки уни инкор этиши мумкин эмасди. Ўртача ўзбек хонадонининг бошлиғи 6-7 кишини боқса, бундай ҳол Россия учун хос эмас. Яна Россия билан солиштирадиган бўлсак, 1992 йилда унинг аҳолиси 70 минг кишига камайган бўлса, Ўзбекистонда эса аҳоли ўша йилда 550 минг кишига ортди⁵. Шу мисолнинг ўзиёқ, янги давлат қураётган Ўзбекистон нима учун ўзининг иқтисодий ва маданий хусусиятларини ҳисобга олиши ва бошқа давлатлар тажрибаларидан фойдаланганда ҳам, биринчи навбатда, иқтисодий ва маданий ўзига хослигини акс эттирадиган тараққиёт моделини яратиши кераклигини изоҳлаб беради.

Шунга биноан Президент Ислом Каримов давлат қурилиши жараёнининг концептуал кўламла-

рини ифодалайдиган беш устувор тамойилни аниқлаб берди:

1. *Иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги.*
2. *Ислохотлар жараёнида давлатнинг етакчи роли.*
3. *Барча соҳаларда қонун устуворлиги.*
4. *Кам таъминланган фуқароларни кучли ижтимоий ҳимоялаш.*
5. *Эркин бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш.*

Ушбу беш тамойил давлат қурилиши жараёни учун асос бўлган назарий йўналишларни ифодалайдиган Ўзбекистон тараққиёти лойиҳасининг таянчлари мажмуаси ҳамдир. Бироқ зарур шарт-шароитларни вужудга келтирмасдан ушбу беш тамойилни рўёбга чиқариш амримаҳол. Ўзбекистон сиёсий раҳбарияти, биринчи навбатда, Президент Ислом Каримовнинг расмий нутқларида уларни амалга оширишнинг қуйидаги йўллари кўрсатиб берилган:

1. Диний экстремизм хавфини бартараф қилиш. Совет Иттифоқи инқирозга юз тутгач, уни ташкил этган барча республикаларда, жумладан Ўзбекистонда ҳам сезиларли ғоявий бўшлиқ пайдо бўлди. Айрим радикал исломий оқимлар бундай шароитдан фойдаланиб, ушбу бўшлиқни эгаллашга ҳаракат қилдилар. Улар сингдирмоқчи бўлган экстремистик диний ғоялар давлат ўз олдига мақсад қилиб қўйган сабрбардошлилик руҳи ва янгилашиш маданиятига зид эди. Улар олға сурган радикал ғояларнинг хатарлилиги жамиятнинг баъзи табақалари, хусусан ёшларни, ўз томонига оғдиришдангина иборат бўлмасдан, балки бу ҳаракатлар иқтисодий қийинчилик шароитида вужудга келгани учун ҳам, улар хато бўлишига қарамай, кенг ижтимоий табақаларга етиб бориши билан белгиланади⁶. Шунга кўра, Ўзбекистон раҳбарияти экстремистик кучлар томонидан ҳам ғоявий, ҳам ама-

лий жиҳатдан қўлланиши мумкин бўлган ислом ҳақидаги ҳар қандай нотўғри фикрларни бартараф этишга ҳаракат қилмоқда. Бундай гуруҳлар давлат қурилиши жараёнини қийинлаштирувчи моддий зарардан ташқари, руҳий-маънавий бузғунчиликни ҳам амалга оширмоқдаларки, бу жамиятдаги баъзи табақаларнинг Ўзбекистон ҳукумати эълон қилаётган янги давлат қурилиши лойиҳасига бўлган ишончларига путур етказмоқда.

Зўравон диний оқимлар билан кураш ўша оқимларга қарши қонуний куч ишлатиш билангина чекланмайди. Бу кураш мўътадил ғоявий алтернативани таклиф этиш орқали расмий муассасаларни ёшлар ва бошқа ижтимоий табақалар учун жозибалироқ қилишни, уларни экстремист кучлар қўлида қурбон бўлишдан халос этишни ҳам кўзлайди. Масалан, 1994 йил баҳорда Тошкентда Халқаро Ислом тадқиқотлари маркази таъсис этилди. Бу марказ Ўзбекистоннинг узоқ исломий тарихини, унинг ислом тадқиқотларидаги салмоқли ҳиссасини эътироф этиш билан бирга, ёшлар, барча ислом масалалари ва муаммоларига қизиқувчилар учун уни баъзи диний кучлар таклиф этаётган зўравон фикрлардан холи шароитда ўрганиш ва тадқиқ қилиш имконини яратади⁷. Тошкентда Ислом Университети ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон раҳбариятининг 1999 йил баҳордаги қарори ҳам айнан шундай мақсадни кўзлайди. Университет айнан шундай мустақкам ишончли ғоявий бадилни таклиф этиб, ўзларини ҳақиқий мусулмонлар деб ҳисоблаган ёшлар у ерда таассуб ва экстремизмдан айри диний билимлар оладилар.

2. Этник ва миллатлараро зиддиятларга қарши туриш. Собиқ иттифоқдаги барча халқлар ягона "совет халқи"га айланиши мумкин деб тасаввур қилган шўро тажрибасининг акси ўлароқ, мустақил Ўзбе-

кистон ўз аҳолисининг этник ва миллий хусусиятларини сақлаш ва ҳурмат қилишга интиломда. Совет тажрибаси шуни аниқ кўрсатдики, барча одамларнинг ўзлиги ва этник мансублигини буткул унутишга асосланган ягона бирликка айлантириш хомжаёлдан бошқа нарса эмас. Ўзбекистон раҳбарияти очиқ-ойдин "бир миллат ўз эҳтиёжлари ва манфаатларини бошқа миллатнинг ёки бошқа халқлар вакиллариининг худди шундай интилишларини камситиш ҳисобига рўёбга чиқармаслиги лозим. Баъзи миллат, этнослар вакиллариининг бошқаларга такаббурлик билан, менсимай муносабатда бўлиши каби ҳолатлар юзага чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай шароитта барҳам бериш лозим"⁸, деб таъкидлайди.

3. Коррупция ва жиноятчиликка қарши кураш.

Жиноятчиликнинг кенгайиши давлат қурилиши жараёнини хавф остида қолдиради. Давлатнинг коррупцияга қарши курашни кучайтириши шунга асосланидики, порахўрлик — йўлдан озган оқимларнинг давлат амалга ошираётган ислохотларга қаршилигини ифодалайди. Президент И. Каримов таъкидлаганидек, порахўрлик, сотиб олиш давлат қурилиши жараёнига хавф солишининг сабаби шуки, одатда у давлат аппаратини уюшган жиноятчилик мақсадларига хизмат этишга мажбур қилади. Бу турли-туман шакл ва кўринишга эга бўлган коррупция ҳақидаги умумий тасаввурдир. Ўзбекистон раҳбарияти нима учун порахўрликни йўқотиш давлат қурилиши жараёни муваффақияти учун лозим, шарт ҳисобланишини изоҳлайдиган бир неча сабабларни кўради. И. Каримовнинг фикрича, коррупция амалга оширилаётган ислохотларга қаршилик кўрсатиш ифодасидир. Унда ўз умрини яшаб бўлган, янги иқтисодий муносабатларни ўзига қарши таҳдид деб билган ҳолда, уларнинг ривожланишини секинлаштириб қўйишга ҳара-

кат қиладиган маъмурий-буйруқбозлик тизими билан "хуфиёна" иқтисодийнинг манфаатлари объектив равишда бирлашиб кетади.

Бошқа жиҳатдан, порахўрликнинг тарқалиши давлатнинг конституцион асосларини емириб конституциявий тамойилларни бузади. Бундай жиноятларни бартараф этишга киришилмас экан, конституция бефойда ҳужжатга айланиб қолиши мумкин. Сир эмаски, бу каби ҳолат вужудга келганда давлат қурилиши жараёни бузилиши, кескин хавф остида қолиши мумкин. Чунки бу жараён барча ҳурмат қиладиган мустақкам ва бирор кимса томонидан бузилиши мумкин бўлмаган қонуний асоссиз амалга ошиши мумкин эмас. Бошқа томондан, жиноятчилик ва коррупция жамиятнинг ахлоқий асосларини вайрон қилади, унинг кўпгина табақалари маънавиятини заифлаштиради. Бундан ҳам хатарлиси, улар ноқонуний бойлик эгаларининг ҳокимият тузилмаларига кириш хоҳишини кучайтиради. Мазкур аспектни Ўзбекистон раҳбарияти ўта хатарли ҳисоблайди. Чунки коррупциянинг ҳокимият тузилмаларига кириб олишининг давлат учун аянчли оқибатларини тасаввур этиш қийин эмас⁹.

4. Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатларини бартараф қилиш. Давлат қурилиши жараёни жамият аъзоларининг миллий-этник келиб чиқиши, уруғ-аймоқчилик ва маҳаллий мансублигидан қатъи назар тенг бўлишларини таъминлайдиган фуқаролик тушунчасини шакллантиришни кўзлайди. Давлат қурилиши жараёнида жамиятда ўзини бошқа гуруҳларга қарши қўйган муайян тор гуруҳни эмас, балки бутун давлат миқёсидаги тўлақонли мужассамлашган миллий бирликни қўллаб-қувватлаш лозим бўлади. Ўзбекистон раҳбарияти жамият таркибига кирадиган ҳар бир миллий гуруҳнинг ўзига хос, уни

бошқалардан фарқлантириб турувчи меросини ҳимоя қилишга даъват этар экан, айти пайтда, уруф-аймоқчилик маҳдудлиги руҳига қарши курашиш лозимлигини ҳам таъкидлайди. Айниқса, лавозимларни тақсимлаш қариндошлик ва маҳаллийчиликка асосланган бўлса, ушбу кураш алоҳида аҳамият касб этади. Қариндошчилик ёки миллий-ҳудудий тамойиллар ҳукумат ва турли сиёсий тизимларни барпо этишнинг асосига айланиб қолиши ўта хавфлидир. "Ушбу тузилмалар ўз аъзоларини ҳукумат иерархияси ёки ҳокимият иерархияси-таротубийяга шахсий ғаразларни амалга ошириш учун тайинлашни хоҳласалар, шунда у хавфлига айланади ва шунда маҳаллийчилик ва уруф-аймоқчилик интилишлари ҳақида жамиятнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига таҳдид сифатида гапириш мумкин"¹⁰. (XXI бўс. А.В. 59-656).

Ўзбекистон раҳбарияти уруф-аймоқчилик ва маҳаллийчилик руҳининг ёйилиши давлат қурилиши жараёни учун нақадар аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини чуқур англайди. Маҳаллийчилик майлларининг кучайиши минтақа-вилоятларнинг "муस्ताқил" ажралиб қолишига ва, охир оқибат, давлат миқёсидаги бутун иқтисодий алоқалар тизимининг вайрон бўлишига олиб келади. Шу билан бирга ҳаддан ошган маҳаллийчилик, ривожланиб, давлат яхлитлигига таҳдид солувчи хавфли сепаратизм низоларига айланиб кетиши мумкин. Уруф-аймоқчилик портлаш вақти белгилаб қўйилган "ижтимоий бомба"га айланиши, у эса, ўз навбатида, давлатни ташкил этувчи этник гуруҳлар ўртасида ирқий ва миллий асосдаги можароларни келтириб чиқариши мумкин. Бу каби носоғлом кўринишлар ташқи кучларнинг давлатнинг ички ишларига аралашувига туртки бериши мумкин. Мазкур сабабларга қўра, Ўзбекистон раҳбарияти маҳаллийчилик ва уруф-аймоқчилик му-

аммоларини баргараф этишга катта эътибор бермоқда. Бир жиҳатдан, “хилма-хиллик орқали бирлашиш” тамойилини мустақкамлашга интилиб, ўзбек жамиятини ташкил этувчи ҳар бир уруф ёки миллий гуруҳларга ўз белгилари ва миллий ўзлигини сақлашга имконият яратилаётган бўлса, бошқа жиҳатдан турли гуруҳларнинг энг яхши фазилатларини қамраб олган ягона Ватан — Ўзбекистонга мансубликка асосланган фуқаролик туйғуларини шакллантиришга эътибор берилмоқда.

Бошқача айтганда, “Катта Ватан” бўлмиш Ўзбекистон ва Хоразм, Бухоро, Фарғона ёки Самарқанд аталмиш “кичик ватан”лар ўртасидаги соғлом алоқа шакллантирилмоқда. Бунинг маъноси шуки, фуқаро ўзининг ягона миллий ўзликка мансублигини ҳис этсин, ўз мамлакати билан фахрлансин, айна пайтда, ушбу улкан умуммиллий макон ичидаги кичик тузилмага мансублигини ҳам қониқиш билан ҳис этиб турсин.

5. Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашни тиклаш. Давлат қурилиши жараёни баъзи қурбонларни тақозо этади. Одамлар уларга ўзлари интилаётган миллий ғоянинг идрокисиз рози бўлмайдилар. Шу ўринда, Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек, ўзбек халқи миллий онгининг табиий ўсиши, унинг ўз маънавий чашмалари — илдизларига қайтиши мустақил Ўзбекистон тараққиёти ва тикланиши лойиҳасини муваффақиятли амалга оширишда ўта ҳал этувчи масаладир. Шу ўринда Ўзбекистон раҳбарияти тарихий хотирани тиклашга устувор масала деб қарамоқда. Бундан кўзланган мақсад — “тарихга сажда қилиш” эмас, балки ўзбек тарихида мавжуд бўлган ва фуқаролар учун чексиз маънавий-руҳий озуқа манбаи — ўзбеклар тарихи хазинасидаги салоҳиятдан фойдаланишдир. Давлат

қурилиши фақатгина ишлаб чиқариш ва иқтисод билан боғлиқ кўрсаткичларни ўстиришгина эмас, балки у, биринчи навбатда, фуқароликка асосланган шахсни шакллантиришни назарда тутади.

Тарихий хотирани тиклаш учун мустақил Ўзбекистон башарият тарихида Имом ал-Бухорий ва Термизий, Нақшбанд ва Хожа Аҳмад Яссавий, Амир Темур ва Улуғбек каби буюк шахсларнинг тарихдаги ролини очиб бериш йўлидан бормоқда. Рухий-маънавий қадриятларнинг тикланиши фақат зикр этилган буюк шахсларнинг тарихий ҳиссаси билан чекланиб қолмайди, балки ўзбек модели доирасида тикланаётган ислом анъаналарининг бағрикенгликка асосланган, унинг хориждан "импорт" қилинишини инкор этувчи, ислом динининг ўзбек шахсиятини шакллантириш ва уни хорижий кучлар таъсиридан ҳимоялашдаги муҳим ўрнини таъкидловчи фаолиятни ҳам қамраб олади. Ўзбекистон раҳбарияти исломнинг носоғлом ва экстремистик талқинларига нечоғлик қарши бўлса, айни пайтда, шундай ғайрат билан ислом динининг маънавий-ахлоқий қадриятларини тиклаш ишидаги табиий ўрнини жонлантиришга интилоқда ва буни давлат қурилиши муваффақиятининг гаровларидан бири деб ҳисобламоқда.

Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, "биз ўз миллатимизни бу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз.. Дин маданий, маънавий, инсоний қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишда беқиёс хизмат қилган. Ота-боболаримизнинг дини бўлмиш Ислам дини мисолида шундай хулоса чиқариш учун ҳамма асосларга эгамиз"¹¹. Ўзбекистон раҳбарияти аниқ диний қадриятларнинг ижтимоий ҳаётдаги

ўрнини тиклашга интилоқда. Масалан, Ислоҳ Каримов президентлик лавозимига сайлангач, меҳнат тўғрисидаги қонуннинг 77-моддаси қабул қилинди. Унга кўра, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари расмий дам олиш куни ҳисобланади. Бу — навқирон мустақил давлатнинг ижтимоий ҳаётида жамият аъзоларининг талаб ва истакларига асосланган янгиланишнинг ёрқин мисолидир¹².

6. Мудофаа қудратини мустаҳкамлаш. Давлат қурилиши жараёни тараққиёт талабларига мос, жумладан, ички ва ташқи таҳдидларга қарши туришга қодир, барқарор хавфсизлик тизимини яратишни тақозо этади. Мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш масаласида Ўзбекистон раҳбарияти ўз қарашига эга бўлиб, у давлатнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш учун зарур ҳарбий қудратни яратиш билан чегараланмайди, балки ҳарбий соҳадан ташқари, кўшимча сиёсий тадбирларни ҳам қамраб олади. Бу билан давлат қурилиши жараёнининг соғлом йўлдан оғиб кетмаслигини кафолатловчи сиёсий асос ва омилларни яратиш аҳамияти таъкидланади.

Конституцияни қабул қилиш, унда ҳокимият тармоқларининг бир-биридан ажратилиши қондасини мустаҳкамлаш, шўро тузумидан қолган сиёсий ва режа асосида тақсимлаш функцияларига барҳам бериш, фуқароларни бирлаштиришнинг мустаҳкам йўлларида бири бўлган маҳалла ҳамда фуқаролар жамоат ташкилотларига ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва демократик институтларни барпо этишда фаол иштирок қилиш ҳуқуқларини беришни Ўзбекистон раҳбарияти давлат қурилиши жараёнида мудофаа қудрати ва мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг сиёсий жиҳатлари деб билади.

Бундан ташқари, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш сиёсий институтларни самарали ишлайдиган

амалий муассасаларга айлантиришни ҳам тақозо этади. Шу ўринда собиқ қонун чиқарувчи катта ҳажмли (1994 йил 25 декабрга қадар Ўзбекистон парламентидаги ўринлар 500 та эди) структурани мерос қилиб олган Ўзбекистон парламентининг, ўзбек воқелигини акс эттирадиган профессионал қонун чиқариш органи — 250 та ўридан иборат Олий Мажлисга айлантирилганини зикр этиш мумкин¹³.

Ёш ўзбек давлатининг ўз мудофаа қудратини мустаҳкамлашида ҳарбий масаланинг аҳамияти сиёсий жиҳатлардан асло кам эмас. Истиқлолнинг илк кунларидан бошлабоқ Ўзбекистон олдида мустақил профессионал армия ва миллий хавфсизликнинг мукамал институционал базасини яратиш вазифаси турар эди. Мазкур иш доирасида офицер ва ҳарбий кадрларни тайёрлаш бўйича таълим ва машқлар тизими яратилди, тўртта ўрта ҳарбий ўқув юрти ва алоқалар бўйича мутахассис тайёрлаш олий ҳарбий коллежи очилди. 1994 йилда Қуроли Кучлар академияси ташкил этилди. Бундан ташқари, давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш соҳасидаги тегишли вазирлик ҳамда муассасаларнинг ишини мувофиқлаштирувчи Миллий хавфсизлик кенгаши тузилди¹⁴.

7. Демократик институтлар ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш. Ўзбекистон сиёсий раҳбарияти давлат қурилиши жараёнини соғлом асосларда ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири демократия эканлигини эътибордан четда қолдирмаяпти. Шўролар даврида жамланган Ўзбекистон тажрибаси шуни кўрсатдики, тараққиёт йўлидаги ҳеч бир саъй-ҳаракат демократиясиз ва нодавлат ташкилотларнинг фаол иштирокисиз кўзланган мақсадга олиб бормади. Президент Ислон Каримов тасаввурида фуқаролик жамияти — қонун устуворлиги

таъминланган ижтимоий макон бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтириши учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтиради, шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари рўёбга чиқишини таъминлайди.

Жамиятни демократлаштиришнинг Ўзбекистон модели инқилобий ва радикал услублардан йироқдир. Президент Ислон Каримовнинг фикрича, бир тузумдан бошқасига "сакраш", гарчи янги тузум эскисининг айбу нуқсонларидан халос бўлиш учун энг мувофиқ йўл бўлса ҳам, ўта хатарлидир. Гарчанд демократия ва фуқаролик жамияти давлат қурилиши ва муваффақиятли тараққиётнинг муҳим шартларидан бўлса ҳам, уни татбиқ этишдаги шошқалоқлик ёки Ўзбекистон воқелигини ҳисобга олмасдан, уни хориждан нусха кўчириш орқали жорий этиш ўта чигал муаммоларни вужудга келтириши мумкин. Президент Ислон Каримов, "Ўзбекистонда барча тузилмаларни фарқламаган ҳолда парчалаб ташлаш мустақил давлатчилигимизнинг тақдири учун хавфлидир... Бизнинг мақсадимиз бир неча авлод меҳнати билан яратилган нарсаларни йўқотмаслик, уларнинг энг яхшиларини сақлаб қолиш, демократик меъёрларга, миллий манфаатларимизга, мустақиллигимизга мос келмайдиганларини қайта ташкил этишдан, мазкур тузилмаларни янги мазмун билан бойитишдан иборатдир"¹⁵, — дея таъкидлайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, демократияни ривожлантириш борасидаги Ўзбекистон тажрибаси жамият инкор этмайдиган ва энг олий мақсад — фаол ижтимоий тараққиётга хизмат қиладиган жамоат ва фуқаролик ташкилотлари, сиёсий партияларни изчил шакллантиришга йўналтирилгандир.

8. Давлат ролининг мустаҳкамланиши. Тараққиёт жараёнининг пировард мақсади конкрет шахс эка-

нига қарамасдан, у билан боғлиқ барча масъулиятни ёлғиз инсон зиммасига юклаб қўйиш мумкин эмас. Бир қатор сабаблар ислоҳотларни амалга оширишдаги масъулиятнинг катта қисми давлат зиммасида бўлишини тақозо этади. Энг аввало, тараққиёт жараёни назоратини қўлдан чиқариш ва бу билан боғлиқ барча масъулиятни шахсга юклаб қўйишга давлатнинг ҳаққи йўқ. Бунинг устига, совет даврида давлат барча масъулиятни ўз зиммасига олар, ўзбек жамияти бунга ўрганиб қолган эди.

Эҳтимол, демократик ўзгаришлар ривожланиш жараёни бошқарувининг издан чиқиши, айрим ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги иқтисодий зиддиятларнинг чуқурлашуви, тинчлик ва ижтимоий барқарорликка таҳдид каби катта хатарларни келтириб чиқарар. Шунинг учун ҳам режалаштириладиган иқтисоддан эркин бозор муносабатларига ўтиш жараёнини тинч йўл билан, босқичма-босқич амалга оширишни кафолатлаш давлатнинг энг муҳим вазифасидир. Бошқа жиҳатдан, Ўзбекистон раҳбарияти ўзининг миллий тикланиш режаларида кучли ижтимоий сиёсат ўтказишни муҳим ҳисоблагани боис ҳам тараққиёт жараёнининг муваффақияти учун давлат аралашуви заруратга айланади.

Давлатларнинг қайта қурилиши жараёни, айниқса ўзининг илк ўтиш босқичларида, шундай қийинчилик ва таҳдидларга дуч келадикки, улар айрим ижтимоий муаммоларнинг "портлаш"ига сабаб бўлиши мумкин. Чунки аксар ҳолларда, кенг ижтимоий табақаларнинг янги тузум асослари ва қоидаларини қабул қила олмаслиги туфайли ўтиш босқичлари ижтимоий беқарорлик шароитида кечади. Бундай зиддиятлар кучайган шароитда демократик ва иқтисодий ислоҳотлар дастурини амалга ошириш учун кучли ижтимоий сиёсатни қўллаш лозим бўлади.

Яъни, янги тузумга мослаша олишга қийналаётган кам таъминланган оилалар, ижтимоий гуруҳларни ҳимоялаш учун давлат аралашуви талаб этилади. Акс ҳолда, агар иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар уларнинг аҳволини ёмонлашгирса, ушбу гуруҳлар ислохотлар ғоясига муҳолиф кучлар томонига оғиши ва охир оқибатда, давлат қурилиши жараёнига таҳдид солувчи потенциал хавфга айланиб кетиши мумкин.¹⁶

9. Жаҳон ҳамжамияти билан уйғунлик. Ўзбекистон раҳбариятининг мазкур масаладаги ғоялари у давлат қурилишининг турли шартлари ҳақидаги мукамал тасаввурга эга эканини кўрсатади. Яъни, давлат қурилиши нафақат аниқ ички шароитлар, балки минтақавий ва халқаро вазият талабларига жавоб берувчи муайян ташқи омиллар мавжуд бўлишини ҳам тақозо этади. Шу ўринда Ўзбекистон раҳбарияти учта бир-бирини тўлдирувчи вазифани аниқлаштирадики, улар орқали мамлакат ташқи дунё билан ўз муносабатларини ойдинлаштиради. Ушбу учта вазифа ҳал этилса, ташқи омилнинг давлат қурилиши жараёнига катта таҳдид солишига барҳам берилади.

Биринчи вазифа — Ўзбекистон атрофидаги минтақавий низолар, хусусан, Афғонистондаги кўп йиллик фуқаролар уруши ва қўшни Тожикистондаги сиёсий курашни ҳал этиш. Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари бу икки давлат билан чегараларнинг яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлашни тақозо этади. Агар Ўзбекистон яхлитлиги ва унинг ҳудудлари дахлсизлигини ҳимоя қилишга қодир кучли миллий армия барпо этиш давлат хавфсизлиги ва мудофаа қудратини таъминлашнинг муҳим шarti ҳисобланса, миллий хавфсизликнинг ҳақиқий кафолати ўша икки давлатдаги можароларни тинч йўл билан ҳал қилишни тақозо этади. Бу Марказий Осиёдаги барқарорликни мустаҳкамлашга олиб келади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг сиёсий нутқларида таъкидланишича, Ўзбекистон бундай кескин минтақавий муаммолардан асло кўз юммайди. Зеро, уларни билмасликка олиш бошқариб бўлмайдиган инқирозни юзага келтириши ва фожиали вайронагарчиликка олиб келиши мумкин. Афғонистон уруши ва тожиклараро низонинг таъсири мазкур давлатларнинг ҳудудлари билан чекланмайди, балки яқин қўшниларга ва, эҳтимол, ундан ҳам узоқроққа ёйилади. Минтақавий можароларнинг ўз миллий хавфсизлигига хатар солишига тўла ишонган Ўзбекистон раҳбарияти, уларни мустақил ташаббуслар орқали ёки бошқа давлатларнинг таклифларини қўллаб-қувватлаш билан ҳал қилишга интилоқда. БМТнинг мазкур можароларни ҳал қилишга йўналтирилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватламоқда.

Иккинчи вазифа, жумладан, Россияда кузатилаётган буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчиликни жонлантиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга эътиборни қаратади. Совет Иттифоқи тугаб, унинг республикалари мустақил давлатларга айланган бўлсалар-да, Россияда ҳамон ўтмишга қайтиш орзусида юрган империяпараст сиёсий оқимлар мавжуд бўлиб, улар минтақавий барқарорлик, жумладан, Ўзбекистоннинг суверенитетига таҳдид солмоқда. Президент Ислом Каримов ўзининг сиёсий нутқларида аниқ-равшан қилиб, Ўзбекистон собиқ иттифоқ ўрнида ташкил топган давлатларда рус гегемониясининг қайта тикланишига бўлган ҳар қандай уринишларга тамоман қарши эканлигини таъкидламоқда. Шунингдек, у МДҲ ваколатларини кенгайтириш ёки уни янги марказга эга сиёсий тузилмага айлантиришга ҳам қатъий қаршилигини билдирмоқда. Бу, Россия ва бошқа МДҲ давлатлари ўртасида

яқин ўтмишда бўлган “катта оға” билан “ука”нинг муносабатларини тиклашни англаган бўлура эди, деб қарамоқда. Ўзбекистон раҳбарияти Россиядаги расмий ва муҳолифатдаги сиёсий доираларга ҳар қандай шакл ва кўринишдаги буюк давлатчилик шовинизмини рад этишини етказишга интилмоқда. Ўзбекистон суверенитетига таҳдид, ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларини чеклашга қаратилган уринишларни, ахборот ва мафкуравий эмбаргони қўллаш, ўзбек жамиятини ташкил этувчи миллатлар ва элатлар орасида низо чиқариш ва ишончсизлик туйғусини пайдо қилишга қаратилган хатти-ҳаракатларни қораламоқда.

Учинчи вазифа — Ўзбекистоннинг ташқи олам билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, унинг ташқи сиёсий функцияларини кенгайтириш билан боғлиқ. Бу алоқалар Ўзбекистон учун анъанавий бўлган МДҲ мамлакатлари билан чегараланиб қолмаслиги даркор. Глобаллашув шароитида ўзбек давлатчилигини қуриш унинг дунё ҳамжамияти ва барча йирик иқтисодий муассасалар билан уйғунлашуви орқалигина амалга ошиши мумкин. Ўзбекистон ташқи сиёсати унинг ташқи шериклари хилма-хиллигини таъминлашга қаратилган. Шунинг учун ҳам мамлакат турли-туман минтақавий маконларга интилиб, улар билан ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Шунингдек, у турли йўналишда ривожланаётган давлатлар билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириб, бундан тараққиёт ва давлат қурилиши билан боғлиқ мақсадларига эришиш йўлида фойдаланишга интилмоқда.

Бунинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистон истиқлолга эришгандан буён 170 давлат томонидан тан олинди. Дунёдаги 120 га яқин мамлакат билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Тошкентда 35 мамлакат ўз элчихонасини очди, шунингдек, 88 чет эл

ваколатхоналари, жумладан, 24 та ҳукуматлараро ташкилот ва 13 та ноҳукумат ташкилоти ваколатхоналари ишлаб турибди. 1992 йил мартдан Ўзбекистон БМТнинг ҳақиқий аъзосидир. У бир қанча муҳим минтақавий ташкилотлар, жумладан, ЕХҲТ билан мустаҳкам алоқалар ўрнатди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон сиёсий раҳбариятининг хорижий дунёга очиклик ва у билан ташқи ресурсларни жалб қилиш асосида давлат қурилиши жараёнини чуқурлаштиришга қаратилган фаолият олиб боришга интилаётганидан далолат беради¹⁷.

ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ : МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН РИВОЖЛАНИШ

Мамлакат раҳбарияти демократия ва бозор иқтисодиёти тушунчаларини давлат қурилиши ўзбек моделини характерловчи ўзгаришларнинг энг муҳимларидан ҳисоблайди. Биринчи тушунча сиёсий ривожланиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, иккинчиси иқтисодий тараққиётга дахлдордир. Ўзбекистон раҳбарининг ривожланиш ҳақидаги нутқларида иқтисодий ва сиёсий тараққиёт ўртасида ўзаро боғлиқликни шакллантиришга қаратилган жиҳатлар алоҳида эътиборга молик.

Иқтисодий ислоҳот дастурларининг муваффақияти сиёсий ҳамкорлик асосларини кенгайтиради, турли ижтимоий кучларни расмий каналлар орқали ва айни пайтда, улар қўлга киритган ўзига хосликларни сақлаб қолган ҳолда ҳамкорлик қилишга ундайди. Бунинг акси ҳам тўғри: изчил демократик ўзгаришлар, хусусий сармоя иқтисодий тараққиётдаги функционал вазифасини бажариши учун зарур ҳаракат эркинлиги мавжуд бўлишини тақозо этади. Ўзбекистоннинг ривожланиш режалари, зикр этилганлардан ташқари, иқтисодий ва сиёсий тараққиёт ўртасидаги

яна бир қатор ўзаро боғлиқликларни назарда тутлади. Мазкур шартлар йиғиндиси сиёсий ва иқтисодий ривожланишга куч бағишлайди, бу икки жараён муваффақияти эса, ўз навбатида, ушбу шартларнинг чуқурлашуви ва мустақамланишига хизмат қилади.

Мустақил Ўзбекистонда иқтисодий ва сиёсий ривожланиш жараёнининг тамал тоши иқтисоднинг сиёсатдан устунлигидир. Бу, бақувват миллий иқтисод яратилгунча демократияни қуриш тўхтатиб қўйилади, дегани эмас. Ўзбекистон раҳбарияти назарда тутаятган мақсад шуки, мустақил миллий иқтисод қуриш жараёни ҳар қандай мафкуравий мулоҳазалардан узоқ бўлиши керак.

Иқтисоднинг ҳаддан зиёд марказлашуви, давлатнинг ишлаб чиқариш воситаларига мутлақ ҳукмронлиги ва ишлаб чиқариш муносабатларининг режа асосида белгиланиши, Ўзбекистон раҳбарияти назарида, ривожланишнинг мамлакат интилайётган илғор шакллари талабларига жавоб бермайди. Совет тузумидаги буйруқбозликка асосланган усул иқтисодни ўта номукамал қилар эди. Бу ҳол мустақиллик қўлга киритилган заҳотиёқ бундай меросдан ҳалос бўлишни тақозо этарди.

Иқтисодий тараққиётнинг устувор вазифаси миллий иқтисод асосларини мустақамлашдир. Зарур қонуний меъёр ва қоидаларни яратмай туриб, иқтисодий қурилишни бошлаш қийин. Шу маънода, Ўзбекистондаги ҳозирги иқтисодий қурилишга хос бўлган ва иқтисодий тикланишни рағбатлантирувчи тўртта йирик жараён тўғрисида гапириш мумкин. Улар қуйидагилардир:

1. Молиявий мустақиллик.
2. Мукамал солиқ тизимини яратиш.
3. Хусусийлаштириш.
4. Хорижий инвестициялар родини ошириш.

Молиявий мустақилликни таъминлаш сиёсий мустақилликни қўлга киритишни яқунлаш учун зарур эди. Жумладан, 1993 йилнинг ўрталаридан бошлаб, Ўзбекистоннинг рубл зонаси билан алоқалари ўз маъносини батамом йўқотди. Бунинг асосий сабаби, собиқ совет маконида содир бўлган катта иқтисодий ўзгаришлар ҳамда Россия ҳукумати Ўзбекистон ва МДҲнинг бошқа давлатларига ўтказмоқчи бўлган шартлар суверенлик тамойилига зид бўлганида эди. Россия Ўзбекистоннинг рубл зонасида қолиши учун қуйидаги шартларни қўйди:

1. Россиядан Ўзбекистонга юбориладиган янги рублларни қарз деб ҳисоблаш.
2. Мазкур қарз қийматининг ярмини қоплаш учун кафолат сифатида Ўзбекистон захираларидан 40 тонна олтин ажратиш.
3. Муомаладан олиб қўйилган эски рублларга янги рублларни алмаштириш қийматини 3:1 қилиб белгилаш.
4. Ўзбекистон Марказий Банкни Россия Марказий Банкнинг филиалига айлантириш.

Мазкур шартларнинг адолатсизлиги туфайли Ўзбекистон рубл зонасида қолишни қатъий рад этди. Бундан ташқари, Президент Ислон Каримов Россияни танқид қилиб, унинг ушбу масаладаги позициясини иқтисодий диктатуранинг бир кўриниши деб атади¹⁸. Миллий валютани жорий этиш ва уни мустаҳкамлаш, у қанча қийинчиликлар билан боғлиқ бўлмасин, том маънодаги мустақилликка кўпроқ ҳамоҳанг эканлиги таъкидланди. Шу нуқтаи назардан янги иқтисодий интилишлар янада равшанлаштирилди. Россия ҳукуматининг рубл зонасида қолиш учун қўйган шартларига жавобан Ўзбекистон, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 ноябрдаги 550-рақамли қарори билан сўм-купонга ўтишини эълон қилди. Сўм-

купон муомалага киритилгандан бошлаб, 1994 йилда у янги валюта — сўмга алмаштирилгунча, Вазирлар Маҳкамаси миллий валютанинг харид қудратини оширишнинг барча йўллари излаб топиши лозим эди. Сўм-купоннинг қиймати Ўзбекистон банклари валюта биржасининг ҳафталик савдоларида белгилаб борилди. Валюта савдоси бўйича воситачилик қилиш ҳуқуқи фақат ўн битта банкка берилган эди. 1994 йил июлда сўмга ўтилгач, унинг қиймати барқарорлигини таъминлаш Ўзбекистон раҳбарияти олдидаги энг долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда. Сўм қийматини аниқлашнинг бир неча кўриниши мавжудлиги, унинг расмий ва норасмий нархлари ўртасидаги катта фарққа қарамай, пул сиёсатининг бош мақсади макроиқтисодий асосларни мустаҳкамлаш, бюджет тақчиллигининг ялпи миллий маҳсулотнинг 3,5% дан ошмаслигига эришишдан иборат бўлиб қолмоқда. Шунингдек, ўзининг кучли ижтимоий вазифаси ва ўтиш жараёнидаги етакчи ролига бўлган ишончи туфайли давлат миллий валюта қийматини барқарор даражада ушлаб туриш, унинг харид қудратини ошириш учун барча қонуний чоралардан фойдаланмоқда. Шу маънода, баъзи кўрсаткичлар Ўзбекистон пул сиёсатининг муваффақиятларидан далолат бериб, йиллик инфляциянинг 1994 йил янги валютага ўтиш давридаги 1200% дан 1998 йилда 33% га тушганини кўрсатмоқда¹⁹.

Нархлар бўйича давлат қўмитасининг 1992 йил 23 январдаги қарори билан нарх-наво эркинлаштирилгандан кейин солиқ тизимини ислоҳ этиш ва шу орқали айрим кишилар ва гуруҳларнинг давлат олдидаги бурчларини адо этмасдан туриб, мўмай даромадга эга бўлишининг олдини олиш зарурати туғилди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодига кириб бориши, хорижий инвестицияларнинг мамлакатга

оқиб кела бошлагани, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва масъулиятларини тартибга солиш, уларни ўз фаолият доирасини кенгайтиришга рағбатлантирувчи қонун-қоидалар ишлаб чиқиш зарурати ҳам янги солиқ тизимини яратишни тақозо этарди. Шу муносабат билан ягона солиқ ва бож сиёсатини амалга ошириш учун Давлат солиқ қўмитаси таъсис этилди. Қўмита бозор иқтисоди асослари билан ҳамоҳанг тарзда, Ўзбекистонда ҳам жаҳондаги қўллаб-даватларда кенг татбиқ этилган бир неча солиқ турларини жорий эта бошлади:

1. *Даромад солиғи*. Бу солиқ миллий ёки хорижий сармояларни рағбатлантириш ҳамда қўшма корхоналар учун қулай шароит яратиш шаклида жорий этилди. Ушбу солиқнинг белгиланган миқдори 18,5% га етади. Лекин унинг миқдори иқтисодий фаолият турига қараб 3% гача пасайиши ёки 60% гача кўпайиши мумкин. Чет эл сармоясига улуши 30% гача етадиган корхоналар учун ушбу солиқ, одатда, 10% ни ташкил этади. Умумий инфратузилмани такомиллаштириш билан боғлиқ корхоналар мазкур солиқдан тўла озод этилади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва уни механизациялаштириш, истеъмол товарлари, тиббиёт муассасаларини барпо этиш каби соҳаларда фаолият кўрсатувчи баъзи бошқа корхоналар ҳам 5 йил муддатгача ушбу солиқдан озод қилинади.

2. *Қўшимча қиймат солиғи*. Унинг миқдори тахминан 18% ни ташкил этади. Бу солиқни ўз банк ҳисоб-рақами ва бухгалтерия ҳисоби юритадиган корхона ва юридик шахслар тўлайди.

3. *Акциз солиғи*. Бу солиқ, биринчи навбатда, зебзийнат, алкогольли ичимликлар, сигаретлар, нефть маҳсулотлари, гиламлар ва биллурдан ясалган маҳсулотларга нисбатан қўлланади. Унинг миқдори маҳсулот турига боғлиқ равишда ўзгаради. Экспорт

қилинадиган миллий маҳсулотлар, шунингдек, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришни рағбатлантирувчи импорт товарлари бу солиқдан озод этилади.

Истиқлолга эришган вақтдан бошлаб Ўзбекистон ҳукумати хорижий инвестицияларни рағбатлантиришга катта эътибор бермоқда. Чунки бу йўл Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисоди билан уйғунлашувига мос келади, иқтисодий ислохотларни фаоллантириш учун зарур бўлган молиявий манбалар тақчиллиги муаммосини ҳал қилишга ёрдам беради. Хорижий сармояларнинг Ўзбекистондаги умумий инвестициялардаги ҳиссаси 1995 йилда 15% ни ташкил этган бўлса, 1996 йили 18% га кўтарилди. Баъзи ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистондаги хорижий инвестициялар ҳажми 5 млрд. долларга етади²⁰. Улар иштирокида 3 мингдан зиёд қўшма корхоналар таъсис этилган бўлиб, уларнинг 30 га яқини йирик муассасалардир. Хорижий инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати хорижий инвестициялар кириб келиши ва уларни ишлатиш жараёнларини енгиллаштиришни кўзлаган механизмларни яратишга киришди. Шу мақсадда хорижий инвестициялар миллий департаменти ташкил этилди. Бу муассаса хорижий инвесторларга барча зарур ва тегишли маълумотларни беради ва уларга маҳаллий шериклар билан музокаралар олиб бориш амалиётида ёрдам кўрсатади.

Савдо масалаларини ҳал этиш мақсадида 1997 йилнинг биринчи ярмида ташкил этилган Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳам хорижий инвестицияларни рағбатлантиришда катта роль ўйнамоқда. Қўшма инвестицион корхоналарни қайд этиш ва уларга лицензия беришни назорат қилиш масъулияти аввал Молия вазирлигига юкланган эди. Бироқ, 1995 йил январда мазкур масъулиятни Адлия вазирлигига юклаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Пре-

зидентининг Фармони чиқди. Шунингдек, айрим ёрдамчи тизимлар таъсис этиш орқали хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантирувчи механизмлар яратилди. Шундай қилиб, сиёсий ва тижорий хатарларга қарши "Ўзбекинвест" миллий сугурта компанияси, янги инвестицион лойиҳаларни керакли маълумотлар билан таъминлашга ихтисослашган бошқа қатор идора ва компаниялар ташкил этилди.

Ўзбекистонда хорижий сармояларни рағбатлантирувчи кафолатлар ва имтиёзларни қамраб олган мукамал тизим яратилган. Бу тизим ўз ичига қуйидагиларни олади:

1) Ялпи маҳсулотининг 30% дан ортиғи экспорт қилинадиган корхоналарни 50% гача миқдорда солиқлардан озод этиш.

2) Давлат инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларни беш йилгача муддатта солиқлардан озод этиш.

3) Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни ҳеч қандай тўсиқлар ва лицензиясиз хорижга олиб чиқишлигини кафолатлаш.

4) Қўшма корхоналарга фаолияти учун лозим маҳсулотларни солиқсиз импорт қилиш ҳуқуқини бериш.

5) Юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан, чет эликларга давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнида ва кўчмас мулкка эғалик қилиш амалиётида кенг иштирок этиш имкониятини бериш.

6) Инвесторларга мусодара ва миллийлаштириш жорий этилмаслигини, шунингдек, олинган даромадни ҳеч қандай шартларсиз конвертация қилиниши ва чет элга олиб кетишлигини кафолатлаш.

Ўзбекистон ҳукуматининг фикрича, "мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга

қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади"²¹. Шунинг учун хусусийлаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бироқ, давлатнинг хусусийлаштириш билан боғлиқ фаолиятини ажратиб турувчи энг муҳим хусусият — шошма-шошарликдан сақланиш, ижтимоий осойишталик ва барқарорликни таъминловчи тадрижийлик услубларидан фойдаланишдир. 1993 йилгача хусусийлаштириш жараёни чекланган доирада олиб борилди. У пайтда иқтисоднинг етакчи тармоқлари билан боғлиқ йирик корхоналар хусусийлаштириш режаларига киритилмаган эди.

Шу муносабат билан Президент Ислом Каримов Ўзбекистондаги хусусийлаштиришнинг икки босқичи ўртасидаги фарқларни кўрсатиб беради. Биринчи босқич, Президент номлаганидек, "кичик хусусийлаштириш" бўлиб, мустақилликдан то 1994 йилгача давом этди. Иккинчи босқич эса, "катта хусусийлаштириш" бўлиб, ўша даврдан бошланиб, ҳозиргача давом этмоқда.

Биринчи босқичдан кўзланган асосий мақсад, ўзбек халқининг иқтисодий онгига бозор иқтисодининг асосий калити бўлган хусусийлаштириш тушунчасини сингдириш эди. "Кичик хусусийлаштириш" босқичи қуйидаги жиҳатларга эга эди:

1. Бозор иқтисодини бошқариш, мулкчиликнинг шўро давридагидан фарқли бўлган янги шаклларига ўтишни таъминловчи муассасалар барпо қилиш. Шу муносабат билан Ўзбекистон Конституциясига тегишли қоидалар киритилиб, улар мулкчиликнинг барча шакллари тенглиги тамойилини мустаҳкамлади. Яна шуни таъкидлаш лозимки, хусусийлаштириш ва тараққиёт жараёни умуман қонунлар мажмуидан ташкил топган мустаҳкам ҳуқуқий асосга суянади. Қонунларнинг ушбу мажмуи ривожланиш жараёни

иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бозор иқтисодига ўтишни осонлаштиришга қаратилган бўлиши лозим. Президент Исом Каримов таъкидлаганидек, "иқтисодий ривожланиш ва инвестицияларни ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати — уларнинг қонуний асоси барқарорлигидир"²². Ушбу асос иқтисодий турғунлик оқибатларини баргараф этишнинг энг муҳим калитларидан биридир.

2. Давлат мулкидан хусусий мулкчиликка тадрижий равишда ўтиш тамойилининг амалий татбиғи. Хусусийлаштириш халқаро ҳодиса бўлгани боис, уни республикада амалга оширишга жаҳон тажрибаси, бюрократик турғунлик даври қолдирган мерос ҳамда иқтисодий жараёнлардаги давлат монополиясини назарда тутиш лозим эди. Шунинг учун ҳам хусусийлаштиришнинг биринчи босқичи ишлаб чиқариш воситаларига, айниқса уларнинг жамият томонидан хусусийлаштирилиши осонроқ бўлган турларига нисбатан бўлган давлат монополиясига барҳам беришга қаратилди.

3. Давлат мулкани мавҳум мулкдорга сотиш эмас, балки ҳақиқий аниқ мулкдорга акциялаш орқали хусусийлаштиришни амалга ошириш. Чунки ҳақиқий мулкдоргина ўзининг янги мулкани самарали бошқариши мумкин.

4. Хусусийлаштиришни босқичма-босқич амалга ошириш, унинг "кичик босқичи"да асосий эътиборни турар-жойлар, савдо ва маҳаллий саноат муассасалари, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ мулк турларини сотишга қаратиш.

5. Хусусийлаштиришни давлат ўз ижтимоий вазифасини бажариши шароитида амалга ошириш, зарур қонунчилик ва ижтимоий кафолатларни яратиш орқали фуқароларнинг хусусийлаштириш сиёсатини қўллаб-қувватлашига, мулкчиликнинг бир шак-

лидан бошқа шаклига ўтиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай салбий оқибатларнинг олдини олишга интилиш.

“Кичик хусусийлаштириш” босқичида тахминан 1.000.000 та турар жой, яъни давлатга тегишли уйларнинг 95% фуқаролар мулкига айлантирилди. Айрим табақаларнинг иқтисодий аҳволи эътиборга олиниб, мазкур турар жойларнинг учдан бир қисми фуқароларга бепул ёки имтиёзли асосларда ўтказиб берилди. Бундан ташқари, уруш ветеранлари, ўқитувчилар, тиббиёт ва илмий ходимлар ҳамда маданият арбобларининг хизматлари юксак баҳолалиб, турар жойлар уларга бепул берилди. Меҳнатга лаёқатсиз кишиларга турар жойлар арзон нархлар ва имтиёзли хусусийлаштириш асосида берилди.

Турар жойларнинг хусусийлаштирилиши натижа-сида коммунал хизматлар тизими ҳам ўзгарди. Маҳаллий бошқарув органларининг мустақиллиги ошди, фуқароларга кўрсатиладиган хизматлар масъулияти тўла уларнинг зиммасига ўтди. Мазкур босқич давлат мулки бўлган турар жойларни уларнинг ҳақиқий эгалари бўлган фуқароларга сотишнинг тўғрилигини кўрсатди. Бунинг натижасида хусусийлаштирилган турар жойларга бўлган муносабат даражаси ошди. Бу даврда, шунингдек, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш муассасалари, кўнгил очар ташкилотлар ҳам давлат секторидан хусусий ва кооператив секторга ўтказилди. Хусусий секторнинг мазкур соҳалардаги ҳиссаси 1997 йил бошига келиб 82% га етди.

“Катта хусусийлаштириш” босқичи 1994 йилнинг ўрталаридан бошланди. Бу босқич давомида хусусий секторнинг ривожланиши, унинг миллий иқтисодни ривожлантиришдаги ролини оширишга давлат томонидан катта эътибор берилди. 1994 йил 21 январда “Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, мазкур йилнинг 16 мартида эса

“Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари эълон қилинди.

Уларга мувофиқ хусусийлаштириш жараёнига қуйидаги муҳим тўлдиришлар киритилди.

1. Масъулияти чекланган компаниялар ва ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларини очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш ва шу орқали маҳаллий аҳоли ва хорижий инвесторларни ушбу жараёнга кенгроқ жалб этиш.

2. Хусусийлаштириш кўламини унга миллий иқтисоднинг кимё саноати ва машинасозлик каби муҳим соҳаларини киритиш орқали кенгайтириш.

3. Давлат мулкни хусусий секторга сотиш учун кўчмас мулк миллий биржасини ташкил этиш.

4. Давлат корхоналарининг акцияларини сотиш учун миллий биржа очиш.

5. Ердан фойдаланиш бўйича давлатта қарашли муассасаларнинг фаолиятини эркинлаштириш, уларга ерларни хусусий мулкдорлар ва хорижликларга сотишга рухсат бериш.

Ўзбекистон давлати “катта хусусийлаштириш” босқичида кўшма корхоналар, фуқаролар ҳамда чет элик инвесторлар фаолияти билан боғлиқ хусусийлаштиришнинг кенг кўламли янги тасаввурини шакллантиришга киришди. Шу билан бир қаторда, мазкур муассасалар мулкида давлатнинг ҳиссасини камайтириш орқали акционерлар сонини кўпайтириш назарда тутилди. Айнан шу мақсад йўлида қурилиш, саноат, транспорт, озиқ-овқат, чорвачилик, сут ҳамда пахта тозалаш соҳаларидаги катта ва ўрта ҳажмдаги муассасаларни хусусийлаштириш бошлаб юборилди.

Хусусийлаштиришни амалга оширишнинг ушбу изчил сиёсати натижасида Ўзбекистон иқтисодининг структураси ўзгара бошлади. 1992 йилнинг охирига

келиб хусусийлаштирилган корхоналар сони 54 мингдан ортди. Уларнинг тахминан 18400 таси фуқаролар, 26100 таси ҳиссадорлик компаниялари ва 8700 га яқини — кооператив муассасалар мулкига айланди. Миллий иқтисодда фаолият юритаётган муассасаларнинг камида 1/3 қисми мулкчиликнинг нодавлат турларига ўтди, биргина 1994 йилда улар ялпи миллий маҳсулотнинг ярмини ишлаб чиқарди.

Ўзбекистон ҳукуматининг ушбу жараёни амалга оширишдаги яна бир қадами, хусусийлаштириш доирасининг кенгайтирилиши ва унга стратегик аҳамиятга эга катта ва ўрта корхоналарни киритиш бўлди. Буларга, жумладан, қора, рангли, қимматбаҳо ва нодир металллар билан боғлиқ 1300 корхона ҳамда 412 қишлоқ хўжалиги муассасасини мисол қилиш мумкин.

Ўзбекистон давлати хусусийлаштиришнинг жуфтофий жиҳатдан мувозанатли, бир минтақанинг иккинчисидан устунлигига йўл қўймайдиган дастурини танлади. Шу билан бирга, хусусийлаштириш жараёни ҳар бир минтақанинг ўзига хос жиҳатларини назарда тутган ҳолда амалга оширилди. Бунга мисол тариқасида Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Хива шаҳарларида туризм билан боғлиқ инвестицион лойиҳаларнинг сезиларли кенгайтирилганлигини кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёни жаҳон иқтисоди билан тўла уйғунлашув зарурати ҳақидаги ҳукуматнинг комил ишончига таянгандир. Шу сабабли, хусусийлаштиришга, айниқса, унинг иккинчи босқичида, чет эл сармояларини жалб этиш ва хорижий инвесторларга зарур кафолатлар беришга алоҳида эътибор қаратилди. Бундан кўзланган мақсад эса Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, уларнинг амалга оширилаётган ислоҳотларда кенг иштирок этишини таъминлаш эди.



Ўзбекистон бу соҳада қатор халқаро ташкилотлар, чунончи, БМТ қошидаги Инвестициялар ва тараққиёт ташкилоти (UNIDO) билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Бу ташкилот ёрдамида Ўзбекистонда учта бизнес-инкубатор ташкил этилди. Шунингдек, Европа Иттифоқи Комиссияси билан ҳамкорлик ўрнатилиб, Ўзбекистонда Европа инвестицияларини кўпайтириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун Тадбиркорлик алоқалари маркази ташкил этилди. Ўзбекистон ҳукумати Марказий Осиё инвестиция фонди (Буюк Британия) ва Марказий Осиёда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Америка фондига консултатив хизматлар ва салоҳиятли кадрлар тайёрлашда ёрдам кўрсатиш имконини яратди. Ўзбекистон ҳукумати, шунингдек, икки томонлама каналлар орқали хорижий, жумладан, араб сармояларининг мамлакатта келтирилишига ёрдам бермоқда.

Эслаб ўтиш жоизки, Ўзбекистондаги муҳим иқтисодий лойиҳаларнинг амалга оширилиши, асосан, уларнинг хом ашё ва энергия ресурслари билан таъминланганига боғлиқ. Масалан, Ўзбекистонда 37та электр станцияси мавжуд бўлиб, уларнинг йиллик қуввати 11.2 млн. кВтга тенгдир. Ўзбекистон ўз эҳтиёжидан ортиқча электр энергиясини қўшни давлатларга беради. Биргина электр энергиясини ишлаб чиқариш соҳасида қарийб 58 минг киши ишлайди. Улар тахминан 119 минг саноат, 80 минг қишлоқ хўжалиги ва 17 минг маҳаллий корхоналарни энергия билан таъминлайди²¹. Ўзбекистон иқтисодий тараққиёти режаларининг истиқболи, шунингдек, ундаги йирик нефть ва табиий газ захиралари билан боғлиқ. Ўзбекистоннинг нефть захиралари бир неча юз тонна бўлиб, қидирув ишларининг кенгайтирилиши, хусусан, Қашқадарёдаги Кўкдумалоқ конида бу ишларнинг фаоллашуви натижасида уларнинг ҳажми янада ортиши кутилмоқда.

Нефть манбаларининг очилиши мустақил Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш салоҳияти ортишига муҳим омил бўлди. Масалан, нефть қазиб олиш ҳажми 1991 йилдаги 2,8 млн тоннадан 1994 йилда 6,5 млн тоннага етди. Ўзбекистон Республикаси нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ошиб боргани туфайли, қисман уларни собиқ иттифоқ республикалари, биринчи навбатда, Россиядан импорт қилишга мажбур эди. Ушбу муаммони ҳал этиш учун нефтни қайта ишлаш заводлари қувватини оширишга эътибор қаратилди. Мазкур заводлар ҳозирги кунда 174 минг баррел нефтни қайта ишлаш қувватига эга. Бундан ташқари, Бухорода йирик нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши бошлаб юборилди. Мазкур заводнинг ишлаб чиқариш қуввати келаси аср бошларидан нефть маҳсулотларини импорт қилишга тўла барҳам беради²⁴.

Мустақил Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг яна бир омил — табиий газ конларини топиш ва ишга туширишдир. Мамлакат собиқ иттифоқ республикалари ичида табиий газ ишлаб чиқариш бўйича учинчи ўринда туради. Табиий газни ички истеъмолга узлуксиз олиб бораётганига қарамай, мавжуд йирик захиралар туфайли республика табиий газни хорижга экспорт қилиш қудратига эга. Ўзбекистоннинг табиий газ захиралари 1883 млрд метр³ деб баҳоланиб, мамлакат эҳтиёжларини бир неча ўн йил қондириши мумкин²⁵.

Сиёсий тараққиёт жараёнига келсак, режалаштирилган иқтисоддан бозор муносабатларига ўтишни марказлаштирилган тоталитар совет тизимидан демократизм, сиёсий плюрализм ва кўппартиявийликка асосланган сиёсий тизимга ўтишсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбекистонда демократик тараққиёт тажрибаси ҳозирча камлигини назарда тутиб, уни Ғарбий Европа давлатлари ёки қадимий демократия мамлакатлари мезони билан ўлчаш ғайри мантиқий бўлур

эди. Ўзбекистонда демократик ўзгаришлар жараёни ҳали давом этмоқда. Унинг узоқ ёки қисқа муддатли бўлиши одамларнинг иқтисодий шароитларга ҳамоҳанг тарзда шаклланадиган онгига боғлиқ. Ушбу онг мазкур жараённи тезлаштириши ёки секинлаштириши мумкин. Шу муносабат билан бу масалани Ўзбекистондаги қуйидаги шароитларни назарда тутган ҳолда кўриб чиқиш лозим:

1. Иқтисодий тузилманинг номукамаллиги ёки бозор иқтисодига ўтиш босқичи ўз интиҳосига етмаганлиги. Мустақкам иқтисодий асосни яратмасдан туриб демократик жараёнларни тезлаштириш бу вазиятни ижтимоий ва сиёсий ғалаёнлар манбаига айлантириши мумкин. 1992 йилда айрим товарлар нархининг ошиши натижасида содир бўлган талабаларнинг намойишлари зарур иқтисодий асослар яратилмасдан демократияни кенг татбиқ қилиш хатарли эканини кўрсатди. Ушбу хулоса Ўзбекистон раҳбариятининг иқтисоднинг сиёсатдан устуңлиги ҳақидаги қарашларига ҳамоҳанг бўлиб, демократияга ўтишни ёддан чиқаришни билдирмайди, балки демократия амалиётининг муваффақияти зарур иқтисодий асоснинг яратилишига боғлиқлигини аңлатади.

2. Ўзбекистон жамиятининг кўп миллатлилиги демократияни босиқлик билан ва босқичма-босқич татбиқ этишга уңдовчи яна бир омилдир. Эски тузумни ғарб модели асосида демократия тузумига айлантириш билан боғлиқ ҳар қандай чуқур сиёсий ўзгаришлар айрим этник гуруҳларнинг тор манфаатларининг умуммиллий манфаатлар билан тўқнашувига олиб келиши мумкин. Бу каби зиддият мустақиллик йиллари давомида қўлга киритилган барча ютуқларга хавф солиши мумкин.

3. Ўзбекистонга халқаро қизиқишнинг ортиши. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, Марказий Осиёнинг катта стратегик аҳамият ва қимматбаҳо

иқтисодий ресурсларга эгаллиги боис, унга таъсир ўтказиш учун минтақавий ва халқаро кучлар орасида катта кураш авжга чиқмоқда. Ўзбекистон дунёга очиқлик ва у билан ҳамкорлик йўлини танлаган бўлсада, мамлакат раҳбариятининг фикрича, бу сиёсат давлат мустақиллигига таҳдид солиш эвазига, мисол учун, Ўзбекистон ичидаги баъзи жамоалар ва гуруҳларнинг уларни қўллаб-қувватловчи ва бошқарувчи хорижий кучлар билан боғланиши ҳисобига амалга оширилиши мумкин эмас.

Бошқача айтганда, ягона умуммиллий ўзликка асосланган ҳақиқий миллий туйғулар шакланмасдан туриб, демократияга "сакраш" ўзаро рақобатлашаётган айрим сиёсий гуруҳларни хориждаги кучлар билан яқинлашишига, ҳатто, умуммиллий манфаатларга эмас, балки бошқаларнинг манфаати йўлида хизмат қилишига туртки бўлиши мумкин. Бунинг ёрқин мисоли — баъзи экстремистик диний гуруҳларнинг хатти-ҳаракатларидир. Бундай гуруҳлар ўзларига мафкуравий, моддий ёрдам кўрсатаётган, ҳатто қурол билан таъминлаётган хорижий кучлар билан Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари тақозо этаётган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар босқичида ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг ҳаётий зарурат эканлигини инкор этиб, хорижий ҳомийлари билан алоқалар ўрнатишга уринмоқдалар.

Бундай шароитда Ўзбекистон сиёсий тараққиёти жараёни изчил сиёсий ислоҳотлар йўлидан бормоқда. У демократик ислоҳотларнинг жамият қабул қилиши мумкин бўлган босқичма-босқичлигига асосланган бўлиб, баъзи ижтимоий қатламлар, айниқса, озчиликни ташкил этувчи миллатлар орасида уларнинг манфаатларига таҳдид солиши мумкин бўлган миллатчи ёки диний экстремистик кучларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳар қандай хавфнинг олдини олишга қаратилган. Совет тузуми асосларига барҳам

бериш ва янги давлат сиёсий тизимининг асосларини яратишга қаратилган Ўзбекистон ҳукуматининг мустақилликнинг илк босқичиданоқ изчил ва барқарор сиёсати шундан далолат беради.

1992 йил декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Конституцияси кўшартиявийлик тамойилини мустаҳкамлади. Сиёсий партиялар ривожланишининг асослари ҳақидаги 57-моддада — диний ёки миллий асосда сиёсий партиялар тузиш мумкин эмаслиги таъкидланди. Маърифий ҳуқуқий давлатнинг асосини белгиловчи ушбу ҳужжат Ўзбекистондаги миллий-этник гуруҳлар орасида пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай кескинликнинг олдини олади.

Ўзбекистонда демократия маданиятини юксалтириш ва демократизм амалиётини кенгайтириш учун зарур сиёсий шартлар ҳали охиригача шаклланмаган. Демократия — муайян муассаса ва тузилмалар йиғиндисигина эмас. У мукаммал қадриятлар ва юксак маданият маҳсулидир. Агар демократик институтларни қуриш нисбатан вақт талаб қилса, қадриятлар ва демократия маданиятини шакллантириш, уларни миллатнинг ижтимоий онги ва шуурига сингдириш учун узоқ муддат лозим бўлади. Ўзбекистон раҳбарияти демократик ислоҳотлар билан, айниқса, уларнинг бошланғич босқичида, давлат, жумладан, ижроия ҳокимиятининг кучли роли ўртасида борлиқлик бўлиши лозимлигини таъкидлайди. "Ислоҳотларнинг дастлабки босқичида давлатнинг фаол роли асосий ваколатлар давлатнинг ва, энг аввало, ижро этувчи ҳокимиятнинг ихтиёрида бўлишини тақозо этади. Демократик ўзгаришларнинг ҳозирги босқичи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг узоқ вақтга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Бунда давлатнинг роли демократик тараққиётимизнинг пировард мақсади — фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадига асосланган ҳолда

тубдан ўзгариши даркор. Биз бунда кучли марказий давлат ҳокимияти ўзининг куч-ғайратларини асосий, умуммиллий вазифаларга, чунончи, мудофаа, давлат хавфсизлиги ва фуқаролар хавфсизлиги, ташқи сиёсат, валюта-молия ҳамда солиқ тизимларини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш ва тараққиётнинг бошқа стратегик вазифаларига қаратадиган давлат ижтимоий қурилиш тизимини барпо этишимиз лозим²⁶.

Гарчи давлат демократик тараққиёт қирраларини шакллантиришда ўзак вазифасини бажарсада, республика раҳбарияти бу ролнинг вақтинчалиги, жамиятда демократик қадриятларнинг чуқур идроки ва қабулига эришилгач, иқтисодий-ижтимоий вазият барқарорлиги таъминлангач, жамият осойишталиги ва давлат хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган омиллар бартараф этилгач, у бу функциядан воз кечишини таъкидлайди. Зикр этилган вазифалар бажарилган вақтдан бошлаб, давлат ўз диққатини бошқа муҳим ва асосий вазифаларини бажаришга қаратади, сиёсий-ижтимоий соҳани турли миллий ва ижтимоий ҳаракатларнинг ўзаро эркин муомаласига топширади. Демократия ҳақидаги Ўзбекистон раҳбарияти тасаввурининг демократик давлатларда тарқалган тасаввурга яқинлигига қарамай, у ҳар бир миллатта хос маданий белгиларни назарда тутмасдан туриб, демократиянинг муваффақиятини таъминлаш мумкин эмас, деб таъкидлайди. Шу ўринда Президент Ислом Каримов анъанавий ва патриархал маданиятларни бир-биридан ажратиш лозимлигини уқтиради. Патриархал маданият демократия руҳи билан нафақат келиша олмайди, балки улар бир-бирига тамоман қарама-қаршидир. Аксинча, анъанавий маданият эса янги демократик маданият руҳига мутлақо зид келмайди. “Демократия — фақат назария ёки сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай, шу билан

бирга халқнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти ва психологиясининг хусусиятлари ҳамдир... Халқнинг маданиятидан жой ололмаган демократия турмуш тарзининг таркибий қисми ҳам бўла олмайди. Бу тайёргарлик кўриш ва демократия тамойилларини ўзлаштиришдан иборат анча узоқ муддатли жараёндир"²⁷.

Айнан шунинг учун Ўзбекистоннинг сиёсий ривожланиш тажрибасини ажратиб турувчи энг муҳим қирра, бу — ҳар бир эски нарса, албатта, ёмон бўлавермайди ва, аксинча, ҳар бир янги нарса ҳам фойдали бўлавермайди, деган ишончдир. Бунинг моҳияти — ҳар қандай янгиликни анъанавий маданият руҳига мос равишда қабул қилиш мумкин. Янгиликни киритишнинг мақсади ҳам бефойда анъанавий унсурлардан воз кечиш, уларнинг истиқболли жиҳатларини сақлаб қолишдадир.

Шунга кўра, Ўзбекистон ўзига хос анъаналарига ҳамоҳанг, давр руҳи билан ҳамнафас сиёсий тизимни танлаб олди. Конституция ҳокимиятлар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш учун уларнинг биридан ажратиш тамойили, президентлик бошқаруви тизимини мустаҳкамладики, улар ўзбек сиёсий маданиятига хос бўлган олий ижро ҳокимиятига анчагина кенг салоҳиятларни беришни назарда тутди.

ИККИНЧИ БОБГА ИЗОҲЛАР:

- 1 Philip McMichael. Globalization: Myths and Realities, *Journal of Rural Sociology*, vol. 61, №1, 1996, p. 25-55.
- 2 Larry Diamond. Beyond Authoritarianism Totalitarianism: Strategies for Democratization. *The Washington Quarterly*, Winter 1989, p.155.
- 3 Janice E. Thompson & Stephen D.Krasner. Global Transactions and the Consolidation of Sovereignty. In Ernst-Otto Czempiel & James N.Rosenau, eds., *Global Changes and Theoretical*

- Challenges: Approaches to World Politics for the 1990s, Lexington, MA: Lexington Books, 1989, pp.195-219.
- 4 Аҳмедов Б., Мунавваров З., Ал-'Араб ва ал-ислām фй Узбекистан: Тарйх Ḍсийā ал-Вустā мин айām ал-'усар ал-ҳāкима ҳатта ал-йаум, Бейрут: Ширкат ал-матбу'āt ли ат-тавзй' ва ан-нашр, 1996, с. 419-420.
 - 5 Islam Karimov. Steers Uzbekistan on its Own Way. The Press Office of the President of Uzbekistan. A Special Issue, p.48.
 - 6 См.: Ибрāхим 'Арафāt. Ҳаракāt исламийя фй Ḍсийā ал-Вустā. Фй 'Ала Абӯ Зайд, муҳаррир, ал-ҳаракāt ал-исламийя фй Ḍсийā, ал-Қāхира: Марказ ад-дирāсāt ал-āсийāвийя, 1998, с.167-168.
 - 7 Shahram Akbarzadeh. Nation – Building in Uzbekistan. Central Asian Survey, vol.15, no.1, 1996, p. 28.
 - 8 И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, Бейрут, 1997 (араб тилида), 45-46 б.
 - 9 Ўша асар, 53-54-б.
 - 10 Ўша асар, 59-65-б.
 - 11 И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Тошкент, "Ўзбекистон", 1999 (ўзбек ва араб тилларида), 6-б.
 - 12 Shahram Akbarzadeh, op. cit., p. 27.
 - 13 Ўша жой.
 - 14 И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Бейрут, 1997 (араб тилида), 91-101-б.
 - 15 Ўша асар, 109-б.
 - 16 Ўша асар, 125-134-б.
 - 17 Ўша асар, 15-22, 32-42, 175-192-б.
 - 18 "Маяк" радиостанцияси (Москва), 1994 й., 26 январ.
 - 19 [Http://www/rferl.org/nca/features/1998/11/F.RU.981106150339.html](http://www/rferl.org/nca/features/1998/11/F.RU.981106150339.html)
 - 20 "Ўзбекистон". МДҲ мамлакатлари билан ҳамкорлик Миср жамғармаси бюллетени, 1998 (араб тилида), феврал, 40-б.
 - 21 И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида (араб тилида), Бейрут, 1996, 41-б.
 - 22 Ўша асар, 167-б.

- 23 "Ўзбекистон". МДХ мамлакатлари билан ҳамкорлик Миср жамғармаси бюллетени, 1998, феврал (араб тилида), 13 б.
- 24 Ўша манба, 18-б.
- 25 Ўша манба, 18; 47-б.
- 26 И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Бейрут, 1997 (араб тилида), 95-96-б.
- 27 Ўша асар, 110-б.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАШҚИ СИЁСАТИ

Ўзбекистон Республикаси яқинда ўз мустақиллигини қўлга киритган ёш давлатлардан биридир. Лекин бу мамлакат қисқа вақт ичида самарали ташқи сиёсат олиб бораётган халқаро муносабатлар субъектига айланди. Шу йўл билан у ўзининг миллий манфаатларини ҳимоя қилибгина қолмасдан, уларни янги юқори даражага кўтарди. Ташқи сиёсий фаолият Президент Ислом Каримов томонидан олға сурилган замонавий жамият тараққиётига кенг нуқтаи назардан қараш тамойили билан узвий боғлиқдир. Ўзбекистоннинг янги раҳбари, халқаро муносабатлар нуқтаи назаридан ҳам, миллий манфаатлар нуқтаи назаридан ҳам, мураккаб ислохотлар даври бўлишига қарамасдан, жамиятни ривожлантириш жараёнини амалга ошироқда ва Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатини оқилона бошқариб келмоқда.

Бу бобда Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг умумий фалсафаси ва ўзига хослиги, унинг миллий манфаатларни ҳимоя қилиш борасидаги ютуқлари очиб берилади. Шаклланиб бораётган Ўзбекистон ташқи сиёсатининг мазмунини кенгроқ ёритиш учун биз, аввало, ўзининг мустақил ташқи сиёсатини ишлаб чиқишда Ўзбекистон дуч келган қийинчиликлар ҳақида тўхталиб ўтамиз. Иккинчидан эса, Президент Ислом Каримовнинг республика ташқи сиёсатининг моҳияти ва халқаро муносабатлардаги ўрни хусусидаги қарашларини баён қиламиз.

Биринчи: Ўзбекистон ташқи сиёсатининг шаклланиш жараёнидаги асосий қийинчиликлар.

1991 йилда Ўзбекистон мустақилликни қўлга кiritиши билан унинг олдида қисқа вақт ичида ўз ташқи сиёсатини ишлаб чиқишдек муҳим вазифа пайдо бўлди. Бу сиёсат унинг манфаатларини минтақавий даражада ҳам, халқаро даражада ҳам ҳимоя қилишни таъминлаши зарур эди. Шу билан бирга ташқи сиёсатнинг стратегиясини шакллантириш борасидаги амалий тадбирларга киришилди. Шунда ташқи сиёсий фаолиятнинг самарадорлиги бевосита боғлиқ бўлган бир қатор муаммоларни ечиш лозимлиги аниқланди.

Улардан бири Ўзбекистон жуда қисқа муддатда собиқ шўро республикасидан мустақил давлатга айланиши билан боғлиқ эди. Республика раҳбариятида мустақил ташқи сиёсат олиб бориш учун зарур тажриба йўқ эди. Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини аниқлаш, халқаро алоқаларнинг комплекс тармоғини яратиш бўйича ташқи сиёсий тамойилларни тезлик билан шакллантириш зарурлиги ҳам бу муаммони янада чуқурлаштирар эди. Шунингдек, мамлакат ташқи сиёсати тамойилларини амалга оширадиган қобилиятли, саводхон дипломатик кадрларни тезлик билан тайёрлаш зарур эди. Айни вақтда шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, Россия Федерацияси тугатилган СССР Ташқи ишлар вазирлигининг мулкани, маблағларини бўлиб олиш ва дипломатик тажриба алмашиш борасида ҳамкорлик қилишни истамасди.

Шу билан бирга, Ўзбекистонни мустақил давлатга айланишида иккиламчи жиҳат ҳам мавжуд эди. Бир томондан, Ўзбекистон марказга тобе бўлган иттифоқдош республикалардан мустақил давлатга айланди. Иккинчи томондан эса, бу жараён жаҳон системаси ўзгараётган, икки қутблилик барҳам топган, "совуқ

уруш" тўхтаган, янги жаҳон тартиби шаклланаётган бир шароитда рўй берди. Янги жаҳон тартибининг ўзига хос жиҳати Америка Қўшма Штатлари етакчилигидаги саноати ривожланган мамлакатлар халқаро блокнинг узил-кесил тузилиши эди. Бозор иқтисодиёти ва либерал ташқи сиёсат билан чамбарчас боғланган янги ғоявий қадриятларнинг ғалабаси, Европа ва Жануби- Шарқий Осиёда янги юксак ривожланган хўжалик марказларининг пайдо бўлиши фаол иқтисодий ва сиёсий глобаллашув шароитида амалга ошди. Натижада Ўзбекистон жаҳон системаси билан ўзаро муносабатларни йўлга қўйишда муайян қийинчиликларга дуч келди. Чунки янги жаҳон системаси ўз механизмларига эга бўлиб, улар аввалги, социалистик система механизмларидан жиддий фарқ қилар эди.

Учинчи қийинчилик Совет Иттифоқи парчаланиб кетишидан келиб чиқадиган хавф-хатарлардан миллий манфаатларни ҳимоя қиладиган кафолатларни яратиш билан боғлиқ эди. Шўро даврида Ўзбекистоннинг савдо алоқаларида қардош республикаларнинг улуши 85,8 фоизни ташкил этар эди. Халқаро валюта фондининг маълумотларига кўра, бу савдонинг ялпи маҳсулот ўлчовидаги бирлиги 29,8 миллиард сўм бўлиб, ундан 24 миллиарди иттифоқдош республикалар ҳиссасига тўғри келган. Айни вақтда, Ўзбекистоннинг бошқа республикаларга экспорт қиладиган маҳсулотлари ҳажми 17,4 миллиард сўмдан иборат эди, холос¹. Бундай шароитда мустақилликни қўлга киритиш аввалги хўжалик алоқаларининг узилишини билдирар, бу эса Ўзбекистон халқининг турмуш даражасига таъсир қилмасдан қолмасди. Шунинг учун Президент Ислон Каримов олдида собиқ марказ билан хўжалик алоқалари узилаётган мураккаб шароитда аҳоли фаровонлигини ҳимоя қилишдек кескин муаммо турар эди.

Ташқи сиёсатни шакллантириш билан боғлиқ тўртинчи қийинчилик шундан иборат эдики, Ўзбекистон давлати иккиёқлама жуғрофий ҳалқа ичида қолган эди. Бундан ташқари, Ўзбекистон ўзи ана шундай ҳалқа ичида бўлган мамлакатларнинг ичкарасида эди. Бу халқаро денгиз йўллариغا чиқиш учун бир қанча давлатлар билан ҳамкорлик қилишни тақозо этарди. Бунда ўз манфаатларини керакли даражада ҳимоя қилиш учун қийин музокаралар ва мурося йўларини қидиришга тўғри келарди. Бу қийинчиликни яна бир томони, Ўзбекистондан оқиб ўтадиган дарёларнинг бошланиш қисми бошқа мамлакатларда — Афғонистон, Тожикистон ва Қирғизистонда жойлашганлиги эди. Бу ҳол мамлакатни сув билан таъминлашга ўз таъсирини ўтказарди. Сув масаласида қарам бўлиб қолмасликни таъминлаш учун ҳам мувофиқлаштирилган ташқи сиёсатни ишлаб чиқиш зарур эди.

Бешинчи қийинчилик шундан иборат эдики, Ўзбекистон ўз ташқи сиёсат йўлини минтақадаги беқарор вазиятни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиши зарур эди. Бундан ташқари, турли минтақавий ва халқаро кучларнинг, уларнинг фикрича, Марказий Осиёда пайдо бўлиб қолган бўшлиқни тўлдиришга бўлган интилишини ҳам ҳисобга олиш лозим эди. Шу ўринда Буюк Британиянинг собиқ Ташқи ишлар вазири Дуглас Херднинг қуйидаги фикри диққатга сазовордир. Унинг таъкидлашича, "Ўрта Осиё ўтмишда рўй берган "катта ўйин" даврига қайтмоқда. Ҳозир бу минтақадан иқтисодий ва сиёсий фойда олиш учун Россия, Туркия, Хитой, Эрон ва Ҳиндистон ўртасида кучли рақобат кетмоқда."

Ўрта Осиёда бундан юз йил илгариги рақобатга ўхшаш бу ҳолат, бугунги қуролланиш даражасини ҳисобга олганда, янада хавфли кўриниш касб этмоқда².

Зикр этилган давлатлар ўртасидаги рақобат муҳитида Хитой, АҚШ ва Исроилнинг минтақада ўйнаётган янгича роли тобора сезиларли бўлиб бормоқда. Қолаверса, совет қўшинлари Афғонистондан чиқиб кетганидан сўнг шаклланган сиёсийлашган диний-экстремистик ҳаракатларнинг фаоллиги ҳам ўсаётган эди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатини қарама-қарши кучлар рақобати авжга чиққан бир шароитда шаклантириши лозим эди.

Сўнгги мураккаблик эса, Ўзбекистон ибтидоий нуқтадан бошлаган ўз ташқи сиёсатини фаол ички сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар баробарида олиб бориши керак эди. Бошқача айтганда, мамлакат сиёсий турли фикрлик ва бозор иқтисодиётига йўналтирилган ислохотларни амалга оширарди. Шу билан бирга, Ўзбекистонда тор миллий манфаатларни кўзловчи, бинобарин, қўшни давлатлар билан ўзаро муносабатларга раҳна солувчи айрим оқимлар ҳам кўзга ташланар эди.

Буларнинг барчаси мутлақо янгича ҳаракат пойдевори яратишни тақозо этарди³.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат йўлини ишлаб чиқиш Президент Ислон Каримов учун энг мураккаб масалалардан бирига айланди. Мустақиллик йўлига ўтиш давридаги ички, минтақавий ва халқаро вазият мамлакат раҳбариятидан ҳам назарий, ҳам ҳаётга жорий этиш нуқтаи назаридан мутлақо янги, ҳаракатчан ташқи сиёсат йўлини ишлаб чиқишни тақозо этди.

Иккинчи. Президент Ислон Каримов ва Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати фалсафаси юқорида зикр этилган муаммоларни ҳал этиш, рўй бераётган минтақавий ва халқаро воқелиқдаги ўзгаришлар табиатига ёндошувнинг асосий қоидаларини

мослаштириш шартини кўзда тутарди. Ўзбекистон учун эҳтимоли бўлган салбий оқибатларни аниқлаш ва уларга қарши туриш стратегиясини ишлаб чиқиш талаб этиларди.

Шундай шароитда Президент Ислom Каримов замонавий халқаро жараёнлар ва мавжуд умумжаҳон тартибининг ҳар ёқлама ва ҳолисона таҳлили асосига қурилган бутунлай янги стратегик қарашни тақлиф этди. Бу қараш унинг БМТ Бош Ассамблеяси 48-сессиясида сўзлаган нутқида баён қилинди⁴. Кейинчалик бу қараш "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида" ва "Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобларида ривожлантирилди. Улар мамлакат ташқи сиёсати фалсафасининг бош манбаларига айланди.

Жаҳон тартиби, бу — бир-бири билан узвий боғлиқ кўплаб жиҳатларни ўз ичига олган "катта тартиб"дир, дея ҳисоблайди Президент Ислom Каримов. Бу янги замонавий тартиб ўзини четга олиш, яъни миллий бикиклик учун жой қолдирмайди, деганидир. Шундан келиб чиқиб, миллий ғояни янги замонавий тартиб асосини ташкил этувчи ғоявий оқимларга чамбарчас боғлаш тақозо этиларди.

Халқаро муносабатларнинг глобаллашуви ҳодисасига бундай ёндошув Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати хусусида Ислom Каримов тасаввурини англаб олишда ўзига хос калит вазифасини ўтайди. Бу масалада Ислom Каримов Ўзбекистоннинг жаҳон тартиби "юраги"да, яъни турли энергия манбалари, хусусан нефть ва табиий газ конлари тўпланган Осиё марказида жойлашганига алоҳида эътибор беради. Бундан ташқари, мазкур ҳудудда Евроосиёдаги кўплаб кучлар ва мусулмон оламидаги йирик давлатларнинг манфаатлари тўқнаш келади⁵.

Бой табиий ва инсон ресурсларига, технологик салоҳият ва маданий-маърифий меросга эга бўлган Ўзбекистон "Осиё маркази" ролини ўйнаши мумкин ва бунга тайёрдир. Президент Ислом Каримов бу ғояни БМТ Бош Ассамблеяси сессиясидаги нутқида илгари суриб, ўзининг мамлакати, "Осиёда хавфсизликни таъминлашда Осиёга ўзига хос дарича бўлиши, халқаро ташкилотлар билан бу борадаги ҳамкорликда кўприк вазифасини ўташи" мумкинлигини айтган эди⁶.

Стратегик жиҳатдан муҳим ҳудудга жойлашган Ўзбекистон, айтилиши мумкин, ўз хавфсизлигига бўлган бир қатор таҳдидларга ҳам дуч келмоқда. Бу таҳдидлар шуниси билан ўзига хоски, улар кўпқиррали, мураккаб ва бир-бирига ўтиш, аралашиб кетиш хусусиятига эга. Президент Ислом Каримовнинг фикрича, Ўзбекистон давлатига нисбатан мавжуд таҳдидлар фақат ҳарбий характерга эга бўлмай, балки ижтимоий, иқтисодий ва экологик хавф-хатарни ҳам ўз ичига олади. Қисқача айтганда, бундай қараш, масаланинг фақат ҳарбий жиҳатдан чекланиб қолмаслиги билан кўпқирралик хусусият касб этади.

Ўзбекистон хавфсизлигига энг катта таҳдид Осиёдаги минтақавий низоларда, энг аввало, Афғонистон ва Тожикистондаги можаролардир, дея ҳисоблайди Президент Ислом Каримов. Бу кескинлик мазкур мамлакатлар тараққиётини ўн йиллар орқага суриб юборди. Бу қарама-қаршилик, Ислом Каримов таъкидлашича, минтақадаги исталган мамлакатга ёйилиши мумкин: "Ҳар қандай можаро бирон-бир давлат чегараси доирасида узоқ вақт мобайнида қолиши мумкин эмас. Бу можароларнинг ўз-ўзидан бошқа давлатлар ҳудудига ўтиб кетиши учун жуда кўп сабаблар мавжуд"⁷. Бу можаролар, айниқса, дин омилидан фойдаланиладиган бўлса, "қўшни мамлакат-

ларда фуқаролар тотувлиги ва барқарорликнинг бузилишига" олиб келиши мумкин. Уларнинг давом этиши, айрим миллатлар — ўзбеклар, тожиклар ва бошқаларни қайтадан бирлаштириш мақсадида чегараларни қайта кўриб чиқишга чақираётган кучлар учун "ажралиб қолган халқлар" муаммосини авж олдиришга имкон яратади. Афғонистондаги уруш Ўзбекистоннинг жанубий денгизларга чиқишига тўсқинлик қилмоқда, у чегарадан чегарага ўтиб юривчи қочоқлар муаммосини вужудга келтирди, шу билан боғлиқ равишда, наркотик моддалар, ноқонуний қурол-яроқ савдосини келтириб чиқарди, терроризмнинг ўсишига олиб келди.

Иккинчи таҳдид, бу — диний ақидапарастлик ва экстремизмдир. Президент Ислом Каримов диний эътиқод ва исломнинг жамият бирлигини таъминлашдаги муҳим аҳамиятини таъкидлайди. Лекин қотиб қолган диний догмаларга мутлақ ҳақиқат мақомини беришга асосланган диний экстремизм ва сиёсий тузумни куч билан ўзгартиришга уринишлар миллий хавфсизликка жиддий таҳдид солади, деб ҳисоблайди. Президент Ўзбекистонни мусулмон оламининг узвий қисми деб билади, лекин диний шиорларнинг ҳокимият учун кураш байроғига, сиёсатта аралашув қуролига айланиб кетишига йўл қўйилмаслиги керак⁸. Қисқаси, бу уринишлар жамиятдаги барқарорликка путур етказишга, халқаро миқёсда мусулмонлар билан бошқа дин вакиллари ўртасида қарама-қаршиликни кучайтиришга қаратилган. Ислом Каримов таъкидлаганидек, бу мусулмонларнинг ҳам, бошқа халқларнинг ҳам туб манфаатларига зиддир.

Учинчи таҳдид баъзи кўп сонли миллатларнинг ўз давлатларидан ташқарида ҳукмронлик қилиш даъвосидан иборат "буюк давлатчилик шовинизми ва тажовузкор миллатчилик"дан иборатдир.

Тўртинчи таҳдидни Ислом Каримов мамлакат ичкарисидаги баъзан намоён бўладиган миллатлараро ва этник зиддиятларда кўради. Ўзбекистонда кўплаб этник гуруҳлар истиқомат қилади. Мамлакат аҳолисининг 20 фоизга яқинини руслар ҳукмронлиги даврида зўрлаб кўчириш сиёсати оқибатида бу ерга келиб қолган кам сонли миллатлар вакиллари ташкил этади. Бу ҳол оз сонли миллатлар вакиллари ҳуқуқларини ҳурмат қилишга асосланган сиёсат юргизишни ҳамда пайдо бўладиган миллатлараро зиддиятларни оқилона ҳал этишни тақозо қилади⁹.

Президент, шунингдек, “турли хил жиноятларнинг ўсиши (коррупция, ифлос пуллари “ҳалол” лаш, наркобизнес, қуроқ билан савдо-сотик қилиш), маҳаллийчилик ва гуруҳбозлик каби”лар Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий хавфсизлигига ҳақиқий таҳдидир, деб ҳисоблайди. Ана шундай салбий оқимлар мансаб ва имтиёзларни тақсимлашда намоён бўлса, баъзи носоғлом гуруҳлар ўзининг жинояткорона манфаатлари йўлида иқтисодий ислохотлар давридаги қийинчиликлардан фойдаланишга ҳаракат қилса, бу айниқса хавфлидир.

Ва, ниҳоят, Президент Каримов экологик муаммолар ҳам миллий хавфсизликка таҳдидлар сирасига киришини таъкидлайди. Буларнинг барчаси Президентнинг миллий хавфсизликни таъминлаш масаласини нақадар тўлиқ ва чуқур тушунишини кўрсатади. Экологик муаммолар турлича бўлиб, ҳудуднинг саҳрола ниши, тупроқ шўрланишининг кучайиши, чекланган сув манбаларидан пала-партиш фойдаланиш, ернинг саноат ва маиший чиқиндилар билан ифлосланиши, радиацион ифлосланиш ва бошқаларни ўз ичига олади. Лекин мамлакат учун “бутун дунё тарихидаги энг катта экологик ва инсоний ҳалокатлардан бири” — Ороқ денгизининг қуриб бораётганидир¹⁰.

Ўзбекистон хавфсизлигига мавжуд бўлган ва эҳтимол тутилган таҳдидларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, давлат раҳбарияти мамлакат миллий хавфсизлиги борасидаги муаммоларни анъанавий ҳарбий жиҳати билангина эмас, бутун ижтимоий-иқтисодий тўлалигича яхши тасаввур этади.

Таҳдид манбалари мамлакат ичкарисида, экологик жараёнларда, иқтисодий ўсиш муаммоларида бўлиши мумкин.

Ислом Каримов томонидан аниқланган таҳдидларнинг кўпчилиги ички хусусиятга эгадир. Шундан келиб чиқиб, бу таҳдидларга аввало иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар стратегиясининг самарадорлиги ҳамда аниқ ва қатъий ташқи сиёсат йўлини қарши қўйиш тақозо этилади. Бундай ташқи сиёсат стратегиясининг бош мақсади Ўзбекистон миллий хавфсизлигига раҳна солувчи таҳдид манбаларини йўқотишга йўналтирилган ички муаммоларни ҳал этиш учун қулай шарт-шароит яратишдан иборат эканини билдиради.

Учинчи. Ўзбекистон Республикасининг дунё ҳамжамиятига интеграциялашув стратегияси.

Президент Ислом Каримов хавфсизликка таҳдид солиб турувчи хатар ўчоқларига қарши қаратилган стратегик йўналишларни белгилаб берди. Бу йўналишларнинг ўзаги — барқарорликни асраш ва мустаҳкамлаш, ички ва ташқи сиёсатдаги мувозанатни сақлашдир. Бу — бир талай ўлчов меъёрларига риюя этиш демакдир, ички барқарорлик ва мувозанатга эришиш эса ташқи сиёсат борасида барқарорлик ва мувозанатни таъминлашнинг муҳим шартидир. Айнан мустаҳкам ва барқарор ижтимоий-иқтисодий пойдевор негизида юритилган ташқи сиёсатгина самарали бўлади. Шу боис, Президент Ислом Каримов ички ижтимоий-иқтисодий тараққиёт стратегиясига бағишлаб "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чу-

қурлаштириш йўлида" деб номланган махсус асар ёзди. Ушбу асарда асосий эътибор мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий ислохотлар стратегиясига қаратилган.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат борасидаги стратегияси, аввало, мамлакатнинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминлашга йўналтирилиши керак. Бу "тарихий заруратгина бўлиб қолмай, барқарорликнинг мустаҳкам омили ҳамдир". Дунё ҳамжамиятига интеграциялашув деганда, "жаҳон иқтисодий ва сиёсий тизимига ўзаро манфаатдорлик, иқтисодий манфаатларнинг мафкуравий қарашлардан, халқаро қонунчиликнинг миллий қонунчиликдан устунлиги, жаҳон тизимида умумбашарий меъёрларга мос ҳолда иштирок этиш каби шартлар асосида қўшилиб кетиш" тушунилади¹¹.

Бундай интеграция марказида "дунё иқтисодиётига қўшилиб кетиш" стратегияси туради. Президент бундай стратегия мисолида халқаро иқтисодий ташкилотлар билан уйғунлашиб кетадиган ва халқаро меҳнат тақсимотида ўз ўрнига эга бўладиган "ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни, лекин эркин ва очиқ бозорни" шакллантиришни, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон савдо ташкилоти каби халқаро иқтисодий тузилмаларга аъзо бўлишни, хорижий сармояларни фаол жалб этишни назарда тутди¹². Ўзбекистон, шу тариқа, ўзаро манфаатдорлик тамойилларига амал қилган ҳолда, дунё тараққиёти йўналишларининг, халқаро тизим муассасаларининг бутун бир мажмуига интеграциялашуви лозим.

Президент мана шу умумий стратегияни амалий фаолиятга айлантириш учун қуйидаги бир талай устувор тамойил ва чора-тадбирларни тақлиф этади¹³:

1. Мувозанатга эришиш борасида турли-туман танлов муқобилларини ва ўлчов меъёрлари хилма-

хиллигини таъминлаб турадиган, хавфсизлик бўйича коллектив битимлар тузиш, Марказий Осиёда ядровий қуролдан холи ҳудудни яратишни кўзда тутадиган муносабатлар тизимини барпо этиш.

2. МДХ мамлакатлари ўртасидаги улар мустақилликка эришган кунгача бўлган чегараларни мутлақо ўзгармаслигини эътироф этиш.

3. Марказий Осиёда этник зиддиятлар, Тожикистон ва Афғонистондаги можароларни тинч йўл билан ҳал этиш.

4. Ашаддий ақидапарастлик оқимларининг кучайиши натижасида юзага келиши эҳтимоли бўлган тўқнашувларнинг олдини олиш мақсадида мусулмон дунёси билан мулоқот ўрнатиш, турли цивилизациялар ўртасидаги баҳсларни бошқариш ишида ҳамкорликни йўлга қўйиш.

5. Россия билан ўзаро тенг ҳамкорлик ва манфаатдорликка асосланган кенг қамровли стратегик мулоқотни мустаҳкамлаш.

6. Марказий Осиё давлатлари ўртасида экологик муаммоларни ҳал этиш борасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

7. Хорижий сармояларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя этиш борасидаги чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

Президент Ислом Каримовнинг ўз мамлакати ташқи сиёсатига доир қарашларини умумлаштириб, бирикки жумлада қуйидаги жиҳатларни ажратиб кўрсатиш зарур:

Биринчидан, Ўзбекистоннинг бутунги кундаги манфаатлари ҳимояси МДХ таркибидаги шерик давлатлар билан алоқаларни сақлаб қолишни тақозо этади.

Иккинчидан, турли-туман минтақавий ва халқаро кучлар билан янги иқтисодий ва сиёсий алоқаларни йўлга қўйиш орқали шерикларни танлаш муқобил-

лари диверсификацияси сиёсатини ҳаётга изчил жорий этиш, минтақавий ва халқаро ташкилотларга аста-секин интеграциялашув.

Учинчидан, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган халқаро жараёнларга эътиборни кучайтириш. Бу ҳол Ўзбекистон учун ўта муҳим бўлган йўналишларда кучларни бирлаштиришни, давлатнинг ташқи манфаатлари миқёсини унинг салоҳиятига мос ҳолда кенгайтиришни англатади.

Тўртинчи. Ташқи сиёсат вазифалари ва механизмлари.

Ташқи сиёсатни ривожлантириш ҳар қандай давлат учун ҳам шунчаки мақсад ҳисобланмайди, балки у давлатнинг умумий сиёсати билан боғлиқ аниқ натижаларни қўлга киритишда восита сифатида амалга оширилади. Президент Ислом Каримов асарларида баён этилган фикр-мулоҳазалар шундан далолат берадики, у Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош вазифаси — ички иқтисодий ислоҳотлар жараёнига кучли туртки беришдан иборат деб билади.

Ташқи сиёсат, халқаро ташкилотлар билан яқин алоқаларни таъминлаган ҳолда, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига хавф бўлиб турувчи иқтисодий ва ижтимоий бало-қазоларга қарши туришида, кучайиб бораётган умумий қудратида ижобий акс этиши зарур. Шу тариқа ташқи сиёсат, ички базис билан чамбарчас боғлиқ ўлароқ, юқорида таъкидланганидек, унга ижобий таъсир кўрсатиши зарур.

Шу боис, Ўзбекистон ташқи сиёсати ишга яроқли механизмлар аслаҳахонасидан фақат иқтисодий қуролни танлаб олади ва унга таянади. Бундан шу нарса англашиладики, ташқи сиёсат борасидаги мақсадларга эришишда мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари қўл келмоқда. Шу билан бирга, ташқи сиёсат ички иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатиши

зарур. Бу ҳол, мафкуравий қарашлардан қатъи назар, ўзаро фойдани таъминлашга хизмат қиладиган ташқи иқтисодий сиёсат юритишни талаб этади.

Айни пайтда, иқтисодий жиҳатларга урғу берилиши ташқи сиёсат борасидаги мақсадларга эришиш йўлида ҳарбий механизм ўрнини инкор этмайди. Бундан шу нарса англашиладики, Ўзбекистон яхшигина таълим кўрган, давлат хавфсизлигини ҳимоя этиш учун тезда сафарбар бўлишга қодир қуроли кучларга эга.

Ўзбекистонда зобитлар корпуси фаол шакллантирилмоқда, рус миллатли зобитлар сони камаймоқда. Статистик маълумотларга кўра, 1997 йилда ўзбек зобитлар миқдори 60 фоизга етган, ҳолбуки 1992 йилда бу миқдор атиги олти фоизни ташкил этар эди¹⁴. Хуллас, Ўзбекистоннинг ташқи вазифаларни ҳал этиш учун асосан иқтисодий механизмлардан фойдаланиши ҳарбий воситанинг бу борадаги ўрнини инкор этишни билдирмайди. Айни пайтда мамлакат ўз қуроли кучларини миллий кадрлар билан тўлдириш йўлидан бормоқда.

Бошқа тарафдан, Ўзбекистон ташқи сиёсатда бой маданий меросидан фойдаланмоқда ва "совуқ уруш" даври тутаганидан сўнг бошланган цивилизациялар аро мулоқотда фаол иштирок этмоқда. Юқорида ишонч ҳосил қилдикки, Президент Ислон Каримов араб-мусулмон дунёси билан мулоқотни йўлга қўйишга даъват этмоқда. Ушбу маданий восита шундай бир кўприк вазифасини ўтамоқдаки, у орқали Ўзбекистон мусулмон дунёси билан мулоқотни ривожлантирмоқда. Чунончи, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасининг ташкил этилиши, дунёнинг турли мусулмон мамлакатларида унинг бўлимларини очишга қаратилган ишлар Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсат мақсадларига эришишда маданий воситалардан фойдаланаётганининг яққол далилидир.

Бешинчи. Ўзбекистоннинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига нисбатан юритаётган сиёсати.

Ўзбекистон, юқорида таъкидланганидек, серқирра ва кенг қамровли ташқи сиёсат юритмоқда. Бу мамлакат бутунги кунда 120 дан зиёд давлат билан дипломатик алоқалар ўрнатган, унинг ҳудудида 35 та турғун элчихоналар фаолият юритмоқда. У деярли барча халқаро сиёсий ва кўплаб иқтисодий ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Республикада 25 та халқаро ҳукумат ва 13 та ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотлар ўз ваколатхоналарини очдилар. Мамлакат халқаро алоқаларини диверсификациялаш — тармоқлаштириш ва хилма-хил шериклар билан муносабатларини мустақкамлашга интилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон учун ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири — унинг МДҲ таркибига кирувчи анъанавий шериклари билан ўрнатилган алоқаларидир. Бу борада унинг Россия ва Марказий Осиё мамлакатлари билан юритаётган муносабатлари энг муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон ушбу мамлакатлар билан боғлиқ анъанавий манфаатларини ҳимоя этишга интилмоқда. Шу боис, у 1991 йил 21 декабрда Алматида тузилган битимга мувофиқ, МДҲга аъзо бўлиб кирди, 1992 йил 15 майда эса Тошкентда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Арманистон иштирокида имзоланган коллектив хавфсизлик ҳақидаги шартномага қўшилди.

Шартноманинг биринчи моддасига мувофиқ, шартномани имзолаган мамлакатларнинг улардан бирортасига қарши қаратилган ҳар қандай ҳарбий ва бошқа блокларга аъзо бўлиб кириши тақиқланади. Иштирокчи мамлакатлар чегараси ҳимояси ва хавфсизлигини таъминлаш шартномани имзола-

ган давлатларнинг коллектив масъулияти деб белгилаб қўйилган.

Айни пайтда, Ўзбекистон МДХнинг мустақил давлатлар устидан ҳукм юритадиган тузилмага айланиб кетишига бор кучи билан қарши чиқмоқда ва собиқ Совет Иттифоқини қайта тиклаш йўлидаги беҳуда уриниш деб, Тўртлар шартномасига (Россия, Қозғистон, Қирғизистон ва Белорус ўртасида божхона иттифоқи тўғрисидаги шартнома) қўшилишдан бош тортди. Президент Ислон Каримов собиқ СССР ҳудудида МДХдан кўра кўпроқ ваколатларга эга бўлган ҳар қандай иттифоқни шакллантириш мамлакатни дунё иқтисодиётидан ажратиб қўйишга қаратилган уринишни англади, деб таъкидлайди¹⁵.

1993 йил январда Тошкентда ўтказилган учрашувда Марказий Осиё мамлакатлари ташкилоти тузилгани эълон қилинди¹⁶. Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатларини ўз ташқи сиёсатида энг муҳим ўрин тутувчи шериклар деб ҳисоблайди. Шу боис, улар билан аввало иқтисодиёт ва шунингдек, ҳарбий ҳамкорликнинг айрим жиҳатлари борасида имкон қадар кўпроқ интеграцияга киришишга ҳаракат қилади. Таъкидлаш жоизки, Президент Ислон Каримов Марказий Осиёни бутун Туркистон минтақасини ҳар жиҳатдан қамраб оловчи ягона маданий ёки этник ҳудуд деб билмайди, балки уни ўзаро манфаатдорлик ва фойдалиликка риоя этиш тамойиллари асосида ҳукм сурувчи бир талай давлатлар қўним топган жуғрофий макон сифатида тасаввур этади.

Бу жиҳатдан 1993 йил январда Тошкентда ўтказилган Марказий Осиёдаги беш давлат бошлиқларининг учрашуви Ўзбекистоннинг ушбу минтақа мамлакатларига нисбатан юритган биринчи фаол ҳаракати бўлди. Бу учрашувда Марказий Осиё мамлакатлари ташкилоти деб ном олган тузилмани таъсис этиш

орқали минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу ташкилот фаолияти барча аъзоларнинг умумий бозорини, ягона божхона ва умумий ахборот маконини, ягона мудофаа тизимини шакллантиришга қаратилган¹⁷. 1994 йил апрелда Бишкекда имзоланган битимга кўра, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон ягона иқтисодий маконни барпо этиш бўйича битимга қўшилган давлатлар вакиллари билан иборат Давлатлараро ижроия комитети тузишга келишиб олди¹⁸. Бундан ташқари, уч давлат ўртасида яқин ҳарбий ҳамкорлик йўлга қўйилган, Мудофаа вазирлари кенгаши тузилган бўлиб, у минтақавий хавфсизликни таъминлашга қаратилган таклифларни ишлаб чиқади. Ушбу уч давлат ҳар бирининг миллий хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш ва МДҲ доирасидаги коллектив хавфсизлик, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорликда Евроосиё хавфсизлик тизимини яратиш, ўзаро ишонч чораларини кўриш ва БМТ доирасидаги халқаро хавфсизлик тизими меъёрларига асосланган Осиё хавфсизлик тизимини бунёд этиш тўғрисида келишиб олди¹⁹. Ушбу уч давлат 1995 йил декабрда мана шу мақсадларни амалга ошириш учун БМТ шафелигида тинчликни сақлаш бўйича уч томонлама қўшма қисмларни тузиш тўғрисида шартнома имзолади²⁰.

Ўзбекистон, чамаси, шу тариқа хавфсизликни таъминлаш тизимига миллий хавфсизликдан бошланган ва коллектив хавфсизликнинг халқаро тизимларини яратишгача ўсиб борадиган кўп даражали тузилма сифатида қарайди.

Яна, шунингдек, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан экология соҳасидаги фаол ҳамкорлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Бу борадаги ҳамкорликни йўлга қўйишда давлат бошлиқларининг

1993 йил мартда Қизил Ўрдада бўлган учрашуви муҳим аҳамиятга эга бўлди. У Орол муаммосига бағишланган эди. Бу учрашув натижаси ўлароқ, ҳукуматлараро комиссия ва шунингдек, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилди. 1994 йил январда Нукусда комиссиянинг иккинчи учрашуви бўлди, унда ушбу ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда "Яқин уч-беш йил ичида Орол денгизи ҳудудидаги экологик вазиятни соғломлаштириш бўйича шошилиш чора-тадбирлар дастури" қабул қилинди. Учрашув якунлари бўйича "Марказий Осиё мамлакатлари ва халқаро ташкилотларнинг Орол денгизи ҳавзасини ривожлантириш масалаларига доир декларацияси" қабул қилинди²¹.

Ва ниҳоят, шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон, ўзига хос жуғрофий ўрни ва иқтисодий салоҳиятга эга бўлгани боис, минтақавий можароларни — Афғонистон ва Тожикистон муаммоларини ҳал қилишда фаол иштирок этишга интиломқда. Афғон можаросини ҳал этиш Ўзбекистон учун айниқса муҳим, чунки бунинг натижасида мамлакатнинг Карачи орқали Араб денгизи соҳилларига чиқишига йўл очилади. Бу ҳол Ўзбекистондек жуғрофий жиҳатдан йирик коммуникация тармоқларидан узоқда бўлган мамлакат учун ниҳоятда муҳим.

Шу боис мамлакат БМТнинг ушбу можарони ҳал этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари доирасида 1999 йил 20-22 июл кунлари ўз заминида мазкур можарода қатнашаётган барча кучлар вакиллари иштирокида кенгаш ўтказди. Президент Ислон Каримов, неча йиллардан буён давом этиб келаётган можарони ҳал этишга алоҳида қизиқиш билан қараётганини таъкидлаган ҳолда, ушбу учрашувнинг бир қанча йиғилишларида шахсан иштирок этди. Учрашув натижаси ўлароқ, Афғонистондаги тангликни тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги

Тошкент декларацияси имзоланди. Президент Ислом Каримов, шунингдек, Тожикистон ҳукумати ва исломий мухолифат ўртасидаги келишмовчиликни барча томонлар иштирокида тожиклараро муаммони сиёсий йўл билан ҳал этиш шартларини ишлаб чиқишга қаратилган умуммиллий мулоқот воситасида тезроқ ечиш заруриятини доимо таъкидлаб келади²². Агар Тошкент декларацияси амалга ошса, бу ўзбек дипломатиясининг минтақавий можароларни ҳал этиш борасидаги улкан ютуғи, умуман, мана шундай зиддиятларнинг ечимини тинч йўл билан топиш соҳасидаги муҳим тажриба бўлиб қолади.

Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатлари жараёнида вужудга келаётган иқтисодий ва бошқа муаммоларни тинч йўл билан ҳал этишга интилмоқда. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги сув ресурслари муаммосининг ҳал этилиши бунга яққол мисол бўла олади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги кўп жиҳатдан Қирғизистон ҳудудидан оқиб келадиган дарёларнинг сувига боғлиқ. Қирғизистон бир пайтлар ўз ҳудуди орқали Ўзбекистонга оқиб борадиган сувнинг ҳақини тўлашни талаб қилган эди. 1994 йил икки давлат бу борада келишувга эришди. Унга кўра, Ўзбекистон қиш мавсумида Қирғизистонни электроэнергия билан таъминлаб туриш мажбуриятини зиммасига олди, Қирғизистон эса, бунинг эвазига ўз қўшнисини ёз ойларида сув билан таъминлаб турадиган бўлди. Ўзбекистон сув муаммолари юзасидан музокараларни икки давлат манфаатларини ҳам амалга ошириш имконини берадиган шаклда яна давом эттиришга тайёр.

Оқтинчи. Ўзбекистон ва унинг минтақавий қўшнилари.

Ўзбекистон, МДХ давлатларидан ташқари, яна Эрон, Туркия, Покистон ва бошқа мамлакатларга минтақавий нуқтаи назардан яқин. 1992 йил 2 фев-

ралда Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлди. Марказий Осиё давлатлари аъзо бўлиб киргунга қадар ушбу ташкилотда фақат Туркия, Эрон ва Покистон бор эди.

Туркия, Эрон ва Покистон — ЭКО давлат раҳбарларининг учрашувида Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотга аъзолиги тасдиқланди. Ўзбекистон билан бир қаторда бу ташкилотга Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон 1992 йилнинг ноябр ойида Афғонистон ҳам аъзо бўлди. Шундай қилиб, ЭКОга аъзо бўлган давлатлар умумий сони 10 тага етди. Мазкур ташкилотнинг саъй-ҳаракатлари, асосан, иқтисодий ва техник вазифаларни ҳал этишга қаратилган. Ташкилотнинг марказий органлари — аъзо давлатлар раҳбарларининг конференцияси, ҳукумат бош вазирлари кенгаши, доимий қўмиталар ва котибиятдан иборат.

Ташкилот муайян ресурсларга эга, келажақда у нуфузли блокка айланиши мумкин. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистонга ҳам иқтисодий шериклари сафини янада кенгайтириш имконини беради²³.

Ўзбекистон ЭКОга аъзо шериклари билан сиёсий мажбуриятларга боғлиқ бўлмаган иқтисодий алоқалар олиб боришга интилмоқда. Туркия билан Ўзбекистоннинг маданий, этник илдизлари бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Лекин, шунга қарамасдан, Ўзбекистон ижтимоий иқтисодий тараққиётнинг "турк модели"дан андоза олаётгани йўқ, Ўзбекистондаги реал шарт-шароитдан келиб чиқиб, ўз моделини, "ўзбек модели"ни яратмоқда.

XX асрнинг 20-йилларида Туркияда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам ўзбек тили табиатига мослаштирилган лотин алифбоси жорий этилди. Туркия Ўзбекистонда қатор инвестициявий лойиҳаларни амалга оширмоқда. Туркия билан ҳамкорлик туркийзабон мамлакатларнинг иқтисодий ва маданий муаммоларига бағишланган доимий учрашувлари доирасида ҳам

амалга оширилмоқда. Буюк Ипак йўлини тиклаш, туркийзабон давлатларнинг маданий меросини қайта тиклаш, асраш, бу мамлакатлар ўртасида туризмни ривожлантириш мазкур гуруҳ кун тартибидаги бош масалалардир.

Ўзбекистон Покистон билан муносабатларини ривожлантиришдан манфаатдор. Зеро, халқаро сув йўлларининг бир қисми шу мамлакат ҳудудида жойлашган. Ўзбекистон ташқи иқтисодиётини ривожлантиришда мазкур сув йўлларида фойдаланиши мумкин. Ўзбекистон Покистон билан, айниқса, афғон муаммоси бўйича фаол ҳамкорлик қилишга интилади²⁴. Иккинчи томондан, мамлакат Покистоннинг Афғонистондаги ҳукмрон Толибон ҳаракати билан муносабатларига эҳтиёткорона ёндашади. Мазкур ҳаракат вакилларининг ўта радикал қарашлари Ўзбекистонни ташвишлантирмаслиги мумкин эмас. Покистон билан муносабатларнинг шундай бир оқилона шакли изланмоқдаки, токи у Ўзбекистон иқтисодий манфаатларига мос тушсин, мазкур давлатнинг Толибон ҳаракати таъсиридан фойдаланган ҳолда афғон муаммосини бартараф этишда яқдилликка эришиш мумкин бўлсин. Афғон муаммоларига бағишланган Тошкент кенгашига (1999 йил, июл) Покистон айнан мана шу мақсадларда таклиф этилган эди.

Еттинчи: Ўзбекистоннинг Фарб билан муносабатлари.

Одатда "фарб" дейилганда Шимолий Атлантика блоки (НАТО), Европа Иттифоқига (ЕС) аъзо мамлакатлар, шунингдек Европада Ҳамкорлик ва Ҳавфсизлик ташкилоти (ОБСЕ), Фарбий Европа Иттифоқи (ЗЕС) каби Оврупо тузилмалари тушунилади. Ўзбекистон мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ Фарбнинг сиёсий, иқтисодий ва мудофаа тизимлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишга интилиб келмоқда. Бу ҳол, бирламчи, Ўзбекистоннинг ташқи алоқала-

рини кенгайтиришга бўлган қизиқиши, иккиламчи, ўтиш даврида Фарбнинг техник иқтисодий салоҳиятидан, жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувда унинг ёрдамидан фойдаланиш билан изоҳланади. Ўз навбатида Фарб ҳам иқтисодий имкониятлари, Марказий Осиёда тутган сиёсий мавқеидан келиб чиқиб, шунингдек минтақа хавфсизлигини таъминлаш, хусусан Яқин Шарқ муаммоларини ечишда Эроннинг роли бўйича қарашлари яқин бўлгани боис, Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор²⁵. 1998 йилнинг статистик маълумотларига қараганда, Ўзбекистон ташқи савдоси ҳажмининг учдан бир қисми фарб мамлакатларига тўғри келган.

Ўзбекистон АҚШ билан ҳамкорликка алоҳида эътибор бермоқда. Президент Каримов таъкидлаганидек, "дунёнинг етакчи давлати бўлган, жуда катта сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-техникавий, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган АҚШ билан кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш ҳозир биз учун устувор аҳамият касб этмоқда. Қўшма Штатлар жамиятимизни янгилаш, ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, республикамизнинг давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш жараёнига салмоқли ҳисса қўшмоқда"²⁶.

Осиёдаги хатарларни бартараф этишда Фарбнинг кафолат тариқасидаги иштирокидан фойдаланишга интилиш — Ўзбекистоннинг Фарб билан муносабатларидаги ўзига хос жиҳатдир. Ўзбекистон 1993 йил Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлиб, Тошкентда мазкур халқаро ташкилотнинг минтақавий ваколатхонаси очилди. Ўзбекистон ЕХҲТ кенгашларида фаол иштирок этиб келмоқда, Европа ва Осиё қитъаларидаги хавфсизликнинг ўзаро боғлиқлиги борасида ўз қарашларини баён этмоқда. Ташкилот Тошкентда талай анжуманлар ўтказди ва улардан энг муҳими, бизнинг назаримизда, "Де-

мократик ташкилотлар ва инсон ҳуқуқлари" мавзудаги анжумандир. Шунингдек, Ўзбекистон, НАТО доирасида ўтказиладиган "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастурида иштирок этмоқда. Мазкур дастур бўйича ўтказилаётган машқларда қатнашмоқда. Президент Каримовнинг таъкидлашича, "НАТО нафақат Европада, бепоев Евроосиё минтақасида ҳам барқарорлик таянчига айланиши мумкин"²⁷. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик тизими Европа хавфсизлик тизими билан мослаштиришга интилоқда. Президент И. Каримовнинг таъкидлашича, бу кучлар ўртасидаги мувозанат ва барқарорлик учун лозимдир. Шунингдек, Президент Ўзбекистон ва НАТОнинг минтақавий ва глобал хавфсизлик муаммолари борасидаги қарашлари яқинлигини таъкидлайди²⁸.

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан муносабатлари ҳам яхши ривожланмоқда. 1996 йилнинг феврал ойида Европа Иттифоқи Кенгаши ҳамкорлик шартномаси тузиш учун ташқи ишлар вазирлари даражасида Ўзбекистон билан музокаралар олиб борди. Ўша йилнинг июл ойида Европа Иттифоқи билан шартнома имзоланди. Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида иккинчи бўлиб Европа Иттифоқи билан шундай шартномани имзолашга муваффақ бўлди. Президент Ислоҳ Каримов мазкур ҳамкорликни Ўзбекистоннинг хавфсизлиги ва тараққиётини кафолатловчи яна бир муҳим қадам деб баҳолади²⁹.

Саккизинчи. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.

"Биз жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашув ҳақида гапирганимизда, энг аввало, БМТ фаолиятида иштирок этишимизни назарда тутамиз", дейди Президент Ислоҳ Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобида³⁰. Бу мамлакатнинг



жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида БМТга муҳим омил сифатида қаралаётганидан, унинг тинчликни сақлаш борасида улкан имкониятларга эга эканлигини эътироф этишидан далолатдир. Мамлакат БМТга 1992 йилнинг март ойида аъзо бўлди. Ўзбекистон Президенти БМТ Бош Ассамблеяси 48 сессияси ишида қатнашиб, унда дастурий нутқ сўзлади. Президент маърузасида мамлакат ташқи сиёсатининг ўзига хос жиҳатларини таърифлаб берди. Бу БМТ ишида Ўзбекистоннинг олий даражадаги биринчи иштироки эди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда БМТ шафелигида кўплаб тадбирлар, жумладан, 1995 йилда Марказий Осиёда хавфсизлик масалаларига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди. Мазкур анжуманда 30 га яқин давлат вакиллари иштирок этишди. 1999 йил Тошкентда яна БМТ шафелигида Афғонистондаги тангликни бартараф этишга бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

БМТни ислоҳ этиш бўйича Ўзбекистоннинг ўз фикри, таклифлари бор ва бу таклифларнинг энг муҳими — ташкилот доимий аъзоларининг сонини кўпайтириш, унинг тузилмаларини, тинчликпарварлик фаолиятининг шакл ва услубларини модернизациялаш билан боғлиқ.

Ўзбекистон шунингдек, Халқаро валюта фонди (МВФ), Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт банки (МБРР), Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки (ЕБРР) каби халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Тўққизинчи. Ўзбекистон ва хорижий инвестицияларни рағбатлантириш сиёсати.

Ижтимоийлик йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратиш жараёнида Ўзбекистон хорижий инвестицияларни фаол қўллаб-қувватлаш сиёсатини олиб бормоқда. Ўзбекистон қонунларига биноан хорижий инвесторлар ўзбек заминиде иқтисодий ташкилотлар,

компаниялар, банклар, суғурта жамиятлари ва шунга ўхшаган идоралар орқали тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, маҳаллий, жисмоний ва юридик шахслар билан қўшма корхоналар тузиш ҳуқуқига эгадирлар. Хорижий инвестор, шунингдек, мазкур тузилмаларни 100 фоиз хусусий эгаллик қилиш шarti билан ҳам ташкил этиш, мулк ва кўчмас мулк сотиб олиш, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар билан операциялар ўтказиш ҳуқуқига ҳам эга. Хорижий сармоядорнинг ердан фойдаланиш (ижарага олиш шarti билан ҳам) ва концессия шarti бўйича табиий бойликларни истифода этишга ҳаққи бор. Низомий сармоёда хорижий сармоядорнинг улуши 10 фоиздан кам бўлмаган лойиҳа хорижий инвестиция иштирокидаги лойиҳа ҳисобланади. Бозорнинг хорижий иштирокчиларига, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига зид келмаса, истаган тузилма ва юридик шаклда фаолият олиб боришга рухсат берилган. Янги тузилмаларга асос солиш йўли билан ҳам, ишлаб турган корхоналарнинг сотувдаги акцияларини харид қилиш йўли билан ҳам хорижий сармоё иштирокида исталган корхонани ташкил этишга рухсат берилган. Хусусийлаштиришга мўлжалланган корхоналар ҳам мана шу тоифага киради. Хорижий инвестиция иштироки бўлган ҳар қандай корхона тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим. Бундан ташқари, Ўзбекистонда амалга ошириладиган ҳар қандай инвестициявий лойиҳанинг мамлакат ва ундан ташқарида филиали, ваколатхонаси ёки бўлимларини ташкил этиш мумкин. Хорижлик сармоядор ўз сармояларини тўла тасарруф этиш, фойдаланиш, ўзига мақбул бўлган усулда тақсимлаш, олган даромадини инвестиция шаклида қайта ётқизиш, мамлакат ва ундан ташқарида тижорат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистондаги хорижий сармоялар қонун ҳимоясида бўлиб, айрим кўнгилсиз ҳолатларни истисно этганда, давлат ихтиёрига олиниши, мусодара қилиниши мумкин эмас. Шундай ҳол рўй берса, у фақат Вазирлар Маҳкамаси қарори билан амалга оширилиб, хорижий сармоядорларга тўланадиган компенсациялар кўрилган зарар ҳажмидан кам бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон қонунлари хорижий сармоядорларнинг даромадлари ёки бошқа молиявий маблағларини эркин конвертациялаштирилган валюта шаклида мазкур маблағлар манбаини суриштирмасдан чет элга ўтказилишини кафолатлайди. Даромаднинг инвестиция шаклида Ўзбекистонда қолдирилиши рағбатлантирилади. Хорижий инвесторлар Ўзбекистоннинг истаган банкида ва истаган валютада, ҳеч қандай чеклашларсиз, ҳисоб рақамлари очишлари мумкин. Улар ҳисоб рақамларидаги маҳаллий валюта маблағларидан чет эл валютаси сотиб олиш мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Инвестиция ва хорижий инвесторларни ҳар хил хавф-хатарлардан суғурталаш, одатда, ихтиёрий саналади. Ўзбекистондаги суғурта тузилмалари чет эл инвесторларини ўз ҳимоясига олади. Суғурталаш давлат идораси мақомига эга. Ўзбекистон Республикаси Суғурта компанияси ва бошқа суғурта идоралари томонидан чет эл суғурта идоралари иштирокида амалга оширилади. Қўшма суғурта идоралари бошқа суғурта идораларининг чет эл инвестициялари бўйича олган мажбуриятлари учун жавоб бермайди. Ҳар иккала томон имзо чеккан шартномалардаги ҳолатлар бундан мустаснодир. Мазкур тузилма қуйидаги ҳолатларда чет эл инвесторларини суғурталашни кафолатлайди:

1) мулк мусодара қилинганда ёки мулкни мусодара қилишга ёки унга эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳ-

рум этувчи, олинадиган даромаддан маҳрум этувчи маъмурий, ҳуқуқий хатти-ҳаракатлар пайдо бўлганда. Айрим субъектларга қарши қаратилмаган, иқтисодий фаолиятни мамлакат миқёсида ташкил этиш мақсадида қабул қилинган умумдастурий ҳужжатлар бундан мустаснодир;

2) уруш ва фуқаролар ғалаёнлари рўй берганда;

3) суғурта компаниялари ва инвесторлар ўртасида тузилган шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга ҳукумат идоралари аралашганда;

4) миллий валютани бошқа валютага алмаштириш ёки уни чет элга ўтказишда, қандайлигидан қатъи назар, чеклашлар бўлса;

5) инвесторларнинг муайян гуруҳи манфаатларига қарши қаратилган янги қарорлар қабул қилинганда.

Ўзбекистон Республикасининг Чет эл инвестициялари ҳақидаги қонуни, юқорида зикр этилган ҳолатлардан ташқари, яна бир қатор бошқа имтиёзлар берадики, улардан муҳимлари қуйидагилардир:

1. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг экспорт улуши умумий ҳажмининг 30 фоизидан ошганда, корхоналар солиқ тўловларини 50 фоизга қисқартириш. Мазкур тартиб барча миллий, қўшма, хорижий корхоналарга бирдек тааллуқлидир.

2. Давлат инвестициявий дастурига киритилган инвестициявий лойиҳаларни амалга ошираётган корхоналарни 5 йил муддатга солиқдан озод этиш.

3. Хорижий инвестиция иштирокидаги қўшма корхоналарга уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўлган ускуналарни божхона тўловларисиз олиб келиш ҳуқуқини бериш.

4. Хусусийлаштириш, шу жумладан, кўчмас мулкнинг хусусийлаштириш жараёнида хорижий юридик шахсларнинг иштирокини кафолатлаш.

5. Инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун ердан узоқ муддатга фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлаш.

Хорижий инвесторлар билан ҳукумат расмий органлари ўртасида пайдо бўладиган баҳслар, агар улар Ўзбекистон имзолаган халқаро битим ва шартномаларга тааллуқли бўлмаса, республика суд идоралари томонидан кўрилади. Хорижий инвесторлар, хорижий инвестиция компаниялари билан бошқа компаниялар, давлат идоралари, жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги баҳслар ҳам мана шу тартибда кўриб чиқилади.

Инвесторлар ва хорижий инвестициявий корхоналарнинг хусусий фаолиятига доир баҳслари Ўзбекистон хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилади. Бундай баҳслар орасида ихтилоф чиққан томонларнинг розилиги билан чет элда ҳам кўрилиши мумкин.

Мазкур кафолат ва имтиёзлар туфайли мамлакатда хорижий инвестициялар ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда. 1996 йилгача 70 мамлакат инвесторлари иштирок этган 2397 та қўшма лойиҳа амалга оширилди. Хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 1992 йилда — 9 миллионга, 1993 йилда — 18 миллион АҚШ долларига етди. 1998 йилга келиб, 1,3 миллиард АҚШ доллари ҳажмида хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Хорижий инвестициялар, асосан, энергетика, табиий ресурсларни қайта ишлаш, кимё, машинасозлик, тўқимачилик сингари муҳим тармоқларга жалб этилмоқда. Йирик инвестициявий мажбуриятларнинг катта қисми 1995 йилда асосий инфраструктурани ривожлантириш билан боғлиқ коммуникация ва бошқа лойиҳаларга тўғри келди. Биргина "СИМЕНС" компанияси Ўзбекистон билан 900 миллиондан ортиқ АҚШ доллари ҳажмида шарт-

нома тузди. 1997 йилнинг 1 январигача мамлакатда хорижий инвестиция иштирокидаги 3,5 минг қўшма корхона рўйхатга олинди³¹.

УЧИНЧИ БОБГА ИЗОҲЛАР

- 1 International Monetary Fund. Common Issues and Inter-Republic Relations in the Former USSR: Economic Review, Washington D.C. IMF Publication, 1992, Table 1. International Monetary Fund. Uzbekistan. Economic Review, Washington D.C. IMF Publications, 1992.
- 2 Муҳаммад ас-Сайид Салим. Ал-ахамийа ал-истратиджийа ли Ёсийā ал-Вустā ва ат-танāкус ад-дуваллий ҳавла ал-минтақа. Ар-Рийād, 1996, Ҷ. 119.
- 3 P.L.Dash. Ethno-Nationalism in Uzbekistan. In K.Waricoo, ed., Central Asia: Emerging New Order, New Delhi: Har Anand Publications, 1995, p.96-116.
- 4 Қаранг: Центральная Азия: по пути безопасности и сотрудничества. Ташкент, Узбекистан, 1995.
- 5 И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Байрут, 1997 (араб тилида), 10-б.
- 6 Oumirserik Kasenov. Central Asia: national, Regional and Global Aspects of Security. In K.M.Araf and Abul Barakat, eds., Central Asia: Internal and External Dynamics, Islamabad: Institute of regional Studies, 1997, p.47.
- 7 И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Байрут, 1997 (араб тилида), 17-б.
- 8 Ўша асар, 28-б.
- 9 Ўша асар, 51-б.
- 10 Ўша асар, 74-б.
- 11 Ўша асар, 170-б.
- 12 И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида (араб тилида), Байрут, 1996, 87-90 б.
- 13 Ўша асар, 31; 47; 168; 175-б.

- 14 Дж. Шараф. Мин Русия ҳатта Кāрāбāх: Сирā' ал-қавмиāt фи дувал Āсия ал-Вустā ва ал-Қавқāз. Бейрут, Марказ ад-дирāсāt ал-арманийа, 1998, Ҷ. 203.
- 15 Maksudul Hasan Nuri. Uzbekistan: an Emergent Regional Power. Regional Studies (Islamabad). Spring 1999, vol. 17 (2), p. 70.
- 16 Муҳаммад ас-Сайид Салим. Ал-Иҳтимālāt ал-мустақбалийа ли таъаввур Кумунвелс ад-дувал ал-мустақилла. Доклад на симпозиуме: "Ал-ватан ал-'арабий ва Кумунвелс ад-дувал ал-мустақбал". Ал-Қāхира, 1994, Ҷ. 496.
- 17 Сāмий 'Имāра. Қимма Ташқанд ту'аккид фаши ал-Кумунвелс. "Ал-муъаввир", Ал-Кāхира, 15 йанайир 1993.
- 18 S. Temerbek. Progress in Central Asian Economic Integration. K.M.Aref and Abul Barakat, eds., op.cit., p. 111.
- 19 O.Kasenov. Op.cit., p. 40-49.
- 20 Ўша асар, 55-б.
- 21 И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХI аср бӯсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Бейрут, 1997 (араб тилида), 75-76-б.
- 22 Дж. Шараф. Мин Русия ҳатта Кāрāбāх: Сирā' ал-қавмиāt фи дувал Āсия ал-Вустā ва ал-Қавқāз. Бейрут, Марказ ад-дирāсāt ал-арманийа, 1998, Ҷ. 202.
- 23 Аҳмад 'Абд ал-Ванис. Ат-таджамму'āt ал-иқтисадийа ли-джумхурийāt Āсия ал-Вустā ал-ислāмийа. По материалам симпозиума "Мустақбал ал-'алāқāt ал-'арабийа ма'а джумхурийāt Āсия ал-Вустā ал-ислāмийа", ар-Рийād, 1996, Ҷ. 388-391.
Talaat Wizarat. CIS and ECO: Options for Central Asian States, in Moonis Ahmar, ed., Contemporary Central Asia (Karachi: University of Karachi, 1995), p. 51-64.
- 24 Maksudul Hasan Nuri. Op.cit., p. 62-63.
- 25 Ўша манба, 72-б.
- 26 И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХI аср бӯсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, Бейрут, 1997 (араб тилида), 183-б.
- 27 Ўша асар, 183-б.
- 28 Ўша асар, 179-б.
- 29 Ўша асар, 181-б.
- 30 Ўша асар, 177-б.

31 Ўзбекистондаги хорижий сармоялар ҳақида қаранг: "Ўзбекистан", ал-Қаҳира, ас-сундуқ ал-иджтимā'ий ли ат-танмийа ва ас-сундуқ ал-Мисрйй ли ат-та'аввун ал-фанний ма'а дувал ал-Кумунвелс, 1998, фибраййр.

И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида (араб тилида), Байрут, 1996, 96-98 б.;

Foreign Capital in Uzbekistan. Urasian File. Turkey: No. 67, October 96/2, p. 3.

ЎЗБЕК-АРАБ АЛОҚАЛАРИ

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари таҳлилидан сўнг республиканинг араб давлатлари билан икки томонлама алоқаларига эътиборни қаратиш жоиз. Ҳозирги Ўзбекистон ва араб давлатлари ўртасидаги муносабат моҳиятини тўлақонли очиб бериш учун бу алоқаларнинг тарихий илдизига назар ташламоқ зарур. Шунингдек, бу бобда Ўзбекистон Республикаси ва араб давлатлари ўртасидаги ўзаро сиёсий, иқтисодий манфаатлар мажмуасини аниқлашга ҳаракат қилинди ҳамда бу муносабатларни рўёбга чиқариш учун икки томон қўллаётган сиёсий стратегия кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик алоқалари билан икки томонлама муносабатлари ривожланишининг асосий йўналишлари ҳақида шарҳ берилди. Ана шу муносабатларга таъсир ўтказадиган муаммо ва омиллар бор мураккаблиги билан баён этилди. Ниҳоят, ўзбек-араб муносабатларини фаоллаштириш ва кенгайтиришга кўмаклашиши мумкин бўлган бир қатор тавсиялар берилди.

АРАБ-ЎЗБЕК АЛОҚАЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Араб-ўзбек алоқалари эрамининг VII асрида Ўрта Осиё Уммавийлар халифалиги таркибига киритилган даврга бориб тақалади. Унинг ибтидоси 633 йил-

да араб-мусулмон қўшинларининг Шарққа томон юришидан бошланган эди. Улар тўрт йил ичида Сосонийлар империясини мағлубиятга учратди, сўнгра Амударё ва Сирдарё оралиги — Мовароуннаҳрда жойлашган мамлакатларга, Шарққа томон ҳаракатни давом эттирди. 674 йилда Убайдуллоҳ Зиёд бошчилигидаги қўшин Ўрта Осиёни ишғол қилди. 705 йилда Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий Хуросон волийси этиб тайинланди. Мазкур воқеани Ўрта Осиёда, араб-мусулмонлар мавқеининг ҳақиқий мустақамланишининг бошланиши дея баҳолаш мумкин. 709 йилга келиб, бир неча уринишлардан сўнг, Қутайба ибн Муслим, аввал Бухорони ва 712 йилда Хоразм ва Самарқандни босиб олишга муваффақ бўлди. 715 йилнинг бошида араблар Шарқда етиб борган энг охирги нуқта — Фарғонани забт этгандан сўнг бутун Ўрта Осиёга ҳукмронлик қила бошладилар¹. Бироқ бу ҳали якуний натижа эмас эди: араб-мусулмон ҳукмронлиги Ўрта Осиёда тўлиқ ўрнатилиши учун яна бир аср керак бўлди.

Баъзи ўзбек тадқиқотчилари Ўрта Осиёнинг араб-мусулмон қўшинлари томонидан босиб олиниши сабабларини маҳаллий феодаллар ўртасидаги ўзаро урушлар билан боғлайдилар. Шунингдек, улар араб саркардалари Ўрта Осиёга алоҳида аҳамият берганлар ва "кўп ҳолларда тинч усуллардан фойдаланганлар, жумладан, ислом динини қабул қилган аҳолини жизя ва хирож солиқларини тўлашдан озод қилганлар"², деб таъкидлайдилар. Шу билан барча, "араб истилосини мўғуллар, руслар ёки большевиклар босқини билан таққослаш мумкин эмас. Ислом дини Ўрта Осиё халқлари тараққиётида ижобий роль ўйнади, давлатлар, шаҳарлар, қабилалар ва турли халқларнинг бирлашишига ёрдам берди. Халқлар ўртасида савдо ва бошқа алоқаларни ривожлантирди, улар-

нинг урф-одатлари шаклланишига катта таъсир кўрсатди. Ислом туфайли айрим ижтимоий нуқсонлар барҳам топди"³, дея таъкидланади. Араб тили орқали Ўрта Осиё халқлари қадимги Юнон олимлари асарларини ўрганишга, хитойликлар ихтиролари билан танишишга муяссар бўлдилар.

Бошқа томондан, Ўрта Осиё халқлари, уларнинг энг илғори бўлган ўзбек халқи, араб-мусулмон маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар. Улар дунёга фалакиёт олими Аҳмад ал-Фарғоний (850 йилда вафот этган), математик Муҳаммад ибн Мусо ал-Фарғоний (783-850), файласуф Абу Наср ал-Форобий (873-950), буюк табиб Абу Али ибн Сино (980-1037), қомусий олимлар Абу Райҳон Беруний (973-1048), Фахриддин ар-Розий, тилшунос аз-Замахшарий (1075-1144) каби инсоният маданияти ривожига беназир ҳисса қўшган алломаларни бердилар. Ўзбек халқининг араб-мусулмон маданиятини бойитиши жараёни асрлар оша давом этиб, ҳозиргача ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Мусулмон цивилизациясини бойитишда Абу Абдуллоҳ ал-Бухорий алоҳида ўрин тутади. У ҳадис илми ва тарихга оид йигирма асар, жумладан, пайғамбаримизнинг етти минг икки юз эллик ҳадиси жамланган машҳур "ал-Жомийъ ас-саҳиҳ" тўпламини яратди. Шунингдек, Абу Айс ас-Самарқандий (785-868) ва ал-Ҳамазоний (1048-1140) ҳам ҳадис илмининг билимдонлари ҳисобланганлар. Ўзбек олимлари Ўрта Осиёдан Дамашқ, Бағдод, Қоҳира шаҳарларига бориб, у ерда ўз асарлари билан араб-мусулмон маданияти ривожига катта таъсир кўрсатганлар.

Ўз навбатида, бу даврда араблар ҳам Ўрта Осиёга кўчиб келиб, алоҳида колониялар шаклида ёки шаҳарларда яшай бошладилар. Араб қабилалари ўрта-сида қадимдан мавжуд бўлган низолар таъсирида улар

яшаш учун турли ерларда колониялар барпо этдилар. Тадқиқотчилар Бухоро, Самарқанд вилоятлари ва Термиз ҳудудида шундай жойлар ҳанузгача борлигини таъкидлайдилар. Араблар Самарқанд ва Бухоро каби йирик шаҳарларда ҳам яшаганлар. Улар маҳаллий аҳоли билан тўла уйғунлашиб кетган бўлсалар-да, айрим ўзига хос хусусиятларни сақлаб қолганлар ва аҳолини рўйхатга олиш тадбирларида ўзларини араб миллатига мансуб деб ёзадилар⁴.

XII-XIII асрлардаги мўғулларнинг Ўрта Осиёга қилган юришлари ва бу ерда мўғул давлатининг ташкил этилиши минтақа халқлари ва араблар ўртасидаги алоқаларнинг заифлашувига олиб келди. Бу ҳол, айниқса, араб тили ва маданиятининг тарқалишида кўпроқ сезилди. Бироқ мўғуллар истилоси ислом дини нуфузини заифлаштирмади, аксинча, мўғуллар ислом динини қабул қилдилар. Ана шундай шароитда Амир Темур (1336-1405) Мовароуннаҳрда, ҳозирги Эрон, Афғонистон ва Кавказ ҳудудларини қамраб олган ўз давлатига асос солди. Темурийлар салтанати Шарқ халқлари тарихида ҳал қилувчи ўрин тутди. Бобурийлар сулоласи орқали ислом дини Осиё қитъасининг жанубига ёйилди, мазкур минтақа маданияти тараққиётига катта ҳисса қўшди. Таъкидлаш жоизки, ана шу давлат ўрнида, Туркистонда кейинчалик ҳозирги Ўзбекистон давлати вужудга келди.

Ўрта Осиё халқларининг Шом ва Миср халқлари каби араблашиб кетмаганига қатор сабаблар бор. Уларнинг энг асосийси, Уммавийлар ва Аббосийлар орасидаги курашда Мовароуннаҳрга келиб қолган кўплаб арабларнинг мазкур урушда қатнашиш учун ўз ватанига қайтиб кетганлари билан бир қаторда, Хуросон ва Мовароуннаҳр араблари ўртасидаги қабилавий зиддиятларнинг кучайганидир⁵.

Темурийлар давлатининг парчаланиши ушбу ҳудудда — Хива ва Қўқон хонликлари, Бухоро амирлигининг ташкил топишига олиб келди. Бу ҳол XIX асрдан бошлаб Россиянинг Ўрта Осиёда ҳукмронлигига замин яратди. Чор Россияси ва шўролар даврида араб ва ўзбек халқлари ўртасидаги алоқалар батамом узилди⁶. Мафкуравий "совуқ уруш" даврида собиқ СССР таркибидаги республикаларнинг араб давлатлари билан алоқалари, асосан, Москвадаги расмий идоралар орқали амалга оширилди. Тошкентнинг араб давлатлари пойтахтлари билан алоқалари ниҳоят даражада чекланган бўлиб, асосан, Советлар пойтахти орқали амалга оширилди эди. З. Мунавваровнинг таъкидлашича: "Чор истилоси, сўнгра большевиклар инқилоби оқибатида мамлакатимиз ва араб давлатлари ўртасидаги ҳар қандай бевосита алоқалар ўрнатиш имконига тўла барҳам берилди"⁷.

Шунга қарамай, ўзбек ва араб халқлари ўртасидаги маданий алоқалар батамом узилиб кетмади. Ўтмишдаги алоқалар бугунги кундаги муносабатларимизнинг қайта тикланишига асос бўлди.

Айтиш мумкинки, 1991 йилда Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа давлатларнинг мустақилликка эришиши араблар учун кутилмаган ҳол бўлди. Бевосита алоқаларнинг заифлиги ва собиқ марказ назорати остида бўлган Ўзбекистон ўз суверенитетини эълон қилиши араблар учун кутилмаган ҳодиса бўлгани сабабли араб давлатлари Ўзбекистон билан муносабат ўрнатишни, ушбу ҳол аввало, собиқ СССР, кейинчалик Россия Федерацияси билан алоқаларига қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини аниқлашдан бошладилар. Мустақилликнинг дастлабки йиллари ўзаро алоқалар имкониятларини ўрганиш мақсадида, Ўрта Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон билан ҳамкорликка бағишланган қатор конференция

ва симпозиумлар ташкил этилди⁸. Араб давлатлари Ўзбекистон мустақиллигини зудлик билан эътироф этиб, уларнинг айримлари дипломатик алоқалар ўрнатган бўлсалар-да, араб-ўзбек сиёсий-иқтисодий муносабатлари жараёни анча секин кечди. Ўрта Осиё давлатлари 1991 йил ўз мустақиллигини эълон қилганидан сўнг, Араб Давлатлари Лигаси 1992 йилнинг мартида ўз аъзоларини Ўрта Осиё республикалари билан алоқаларни фаоллаштириш, элчихоналар очиш, жумладан, араб маданий марказларини барпо этишга даъват қилувчи қарор қабул қилди⁹. Бироқ мазкур қарорнинг ҳаётга татбиқ этилиши бир неча йилларга чўзилди. Бунинг қатор сабаблари бор эди. Уларнинг энг муҳимларидан бири — араб давлатлари ечими қийин бўлган Форс кўрфази уруши (1990-1991) натижалари таҳлили билан банд эдилар. Бу уруш араб минтақавий хавфсизлик тизимининг парчаланиб кетишига сабаб бўлди. Форс кўрфазида минтақавий хавфсизлик муаммоларини зудлик билан ҳал этиш лозим эди. Бошқа томондан, нефть нархларининг пасайиши, ҳарбий харажатларнинг ортиши каби омиллар Форс кўрфази араб давлатларининг молиявий салоҳиятини заифлаштирди. Буларнинг барчаси уларнинг Ўзбекистон билан фаол иқтисодий алоқалар ўрнатиш имкониятларига путур етказди¹⁰.

ЎЗБЕКИСТОН ВА АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУШТАРАК МАНФААТЛАР

Араб илмий тадқиқот муассасалари ва таҳлил марказлари томонидан Ўрта Осиё республикалари мустақилликка эришгандан сўнг вужудга келган янги вазиятни ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ва араб давлатлари ўртасида қатор муштарак манфаатлар мавжуд. Бу ҳол уларни ҳимоя

қилишни кафолатлайдиган муайян сиёсий стратегия ишлаб чиқишни тақозо этади. Араб давлатларининг Ўзбекистондаги устувор манфаатларини қуйидагича умумлаштириш мумкин:

1. Ўзбекистоннинг мустақил иқтисодий ва сиёсий ривожланиши.

Ўрта Осиё республикалари мустақилликка эришгач, турли халқаро ва минтақавий кучлар ўртасида уларнинг иқтисодий ва сиёсий ривожланишига таъсир кўрсатиш учун ўзаро рақобат кетаётганлиги аён бўлиб қолди. Баъзи кузатувчилар XIX асрда Буюк Британия ва Россия ўртасида Ўрта Осиё учун кечган "катта ўйин"дан фарқли ҳолда буни "янги катта ўйин" деб атадилар. Ушбу рақобатнинг натижалари, шубҳасиз, араб оламига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Ўзбекистон Осиёнинг марказида жойлашгани сабабли у ерда рўй бераётган ҳодисалар араб дунёси ва, умуман, Яқин Шарқда акс садо бериши табиий. Ўрта Осиёдаги минтақавий можаролар ёки қуролланиш пойгаси бўладими, ёхуд ядро қуролидан холи минтақани барпо этишми, буларнинг барчаси, албатта, араб давлатларига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Айнан шунинг учун ҳам араб давлатлари Ўзбекистон етакчи роль ўйнаётган Ўрта Осиё республикаларининг бирон-бир минтақавий ёки халқаро кучнинг таъсиридан холи ҳолда, ўз халқлари ва сиёсий рақобарияти танлаган, уларнинг миллий манфаатларига мос ривожланиш йўлидан кетишларидан манфаатдордирлар¹¹.

2. Иқтисодий манфаатлар.

Такрор ва такрор зикр этилганидек, Ўзбекистоннинг минтақадаги стратегик мавқеи, катта табиий захиралари, аҳоли ресурслари ва ривожланган технологияларга эгаллиги сабабли, араб давлатлари унинг

қийёфасида, сармоялар киритиш, иқтисодий алоқалар ўрнатиш ва ўзбек олимларининг илмий салоҳиятидан фойдаланишда ўзларининг потенциал ҳамкорини кўрмоқда.

Араб тадқиқотчиларидан бири таъкидлаганидек, "Ўзбек миллати катта маданий ва стратегик салоҳият, юксак илмий имкониятларга, ҳарбий қудратга эгадир. Унинг атрофидаги мавжуд минтақавий кучлар ўртасидаги рақобат, албатта, Яқин Шарқдаги кучлар нисбатига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди"¹².

3. Стратегик манфаатлар.

Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига уйғунлашиб, минтақавий можароларни ҳал этиш ва Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона ташкил қилишда етакчи роль ўйнай бошлади. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги асосий кучлардан бири эканлиги равшанлашди. Ўзбек ва арабларнинг тарихан шакланган маданий алоқалари бонс, араб оламининг Ўрта Осиё билан муносабатлари, шубҳасиз, ушбу мамлакат орқали амалга ошиши лозим. Демак, арабларнинг Марказий Осиёдаги роли уларнинг Ўзбекистонда нечоғли мавқе эгаллашига боғлиқ бўлади.

4. Экстремистик диний ҳаракатларга қарши мўтадил исломни тарғиб қилиш.

Мустақиллик эълон қилингандан сўнг Ўрта Осиёда мавжуд сиёсий тузумни куч билан ўзгартиришга уринган диний экстремистик оқимлар пайдо бўлди. Президент Ислам Каримов уларни Ўзбекистон хавфсизлигига таҳдид солувчи омиллар қаторига киритди. Уларнинг баъзилари "афғон-араблари" деб номланадиган шахслар орқали Афғон мужоҳидларидан ёрдам олар эдилар. Совет қўшинлари Афғонистондан олиб чиқиб кетилганидан сўнг мужоҳидлар ўз

давлатларида бузғунчилик ишларини бошлаб юбордилар. Шуниси равшанки, бу оқимларга эргашувчилар исломнинг ҳақиқий моҳиятини билмайдилар. Уларнинг Ўрта Осиёда тарқалиши фақатгина бу минтақа халқлари ҳаётига хавф солибгина қолмасдан, балки араб давлатларига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам араб давлатлари Ўрта Осиё халқларига ўзбек-араб маданий алоқаларини ривожлантириш, мўътадил ислом маданиятини тушунтириш орқали мазкур жараёнларга таъсир қилиш зарурлигини тўғри англамоқдалар.

Араб давлатлари билан Ўзбекистонни боғловчи манфаатларни қуйидагича умумлаштириш мумкин:

1. Араб дунёси Ўзбекистон ташқи сиёсати вектори сифатида.

Ўрта Осиё теварагида халқаро рақобат кетаётган бир пайтда Ўзбекистон билан мустаҳкам маданий ва цивилизацияон ришталар билан боғланган араб дунёси унга жуғрофий жиҳатдан яқин ҳамда катта иқтисодий имкониятларга эга бўлган макон бўлиб қолмоқда. Шу билан бир пайтда, араб давлатларининг Ўзбекистонга нисбатан бирон-бир реал минтақавий ва сиёсий даъвоси ҳам йўқ. Араб дунёси билан ҳамкорлик Ўзбекистоннинг ўз ташқи сиёсатини кўп векторлик сиёсатга айлантиришга қаратилган мақсадига хизмат қилди, янги стратегик сиёсатни шакллантириш, бошқа кучлар билан тенг ҳуқуқлилиқ асосида алоқалар олиб борилишини таъминлайди. Ўзбекистоннинг халқаро сиёсат соҳасида мавжуд бўлган векторлари янада ортиши фикримизга далил бўла олади. Шуниси равшанки, Ўзбекистоннинг ташқи ҳамкорлари кўпайган сари унинг халқаро муносабатлардаги ҳаракатлари енгиллашади, халқаро шериклар томонидан унга яратилаётган қулай шарт-шароитлардан фойдаланиш имкониятлари кўпаяди.

2. Иқтисодий манфаатлар.

Араб дунёси республика иқтисодиётига жалб этилиши мумкин бўлган салмоқли иқтисодий ва молиявий салоҳиятга эга. Ўзбекистон бу маблағлардан фойдаланиб, ўз хўжалигини самарали ривожлантириши мумкин. Бундан ташқари, айрим араб давлатлари бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида давлат қурилиши, иқтисодиёт ва банк соҳаларини ривожлантириш бўйича зарур амалий тажрибага эгадирлар. Шунингдек, улар турли соҳалар бўйича кадрлар тайёрлаш имкониятига эгаки, бу Ўзбекистонга фаолиятнинг турли соҳаларида кадрлар базасини яратишига қўмаклашади.

3. Ўзбекистоннинг маданий ва цивилизация роли.

Араб дунёси Ўзбекистон учун мусулмон оламида, инсоният цивилизациясидаги ўз ўрнини кенг тарғибот қилишда дарвоза вазифасини ўташи мумкин. Бу ўзбек маданий меросининг араб халқларининг нафақат маданияти, диний ақидалари шаклланишига, балки бошқа соҳаларга ҳам ўз таъсирини кўрсатгани муҳим аҳамият касб этади. Араб дунёси Имом ал-Бухорийнинг пайғамбаримиз ҳадисларини тўплаш ва аниқлашдаги хизматларини юксак баҳолайди. Шунга биноан Ўзбекистон араб-мусулмон дунёсида муҳим маданий роль ўйнашга қодир.

Ўз муштарак манфаатларини аниқ тасаввур этган ҳолда, Ўзбекистон ва араб давлатлари уларни рўёбга чиқиши ва ҳимоясини кафолатлайдиган сиёсатни шакллантиришга киришдилар. Араб давлатлари ва Ўзбекистон ўртасида энг аввало сиёсий алоқаларнинг ўрнатилиши ва ривожлантирилиши мазкур сиёсатнинг мантиқий бошланиши бўлди. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1992 йилда Миср Араб Республикаси ва Саудия Арабистони Подшоҳлигига ташриф буюриб, бу икки мамлакат билан дипломатик алоқа ўрнатиш ҳамда

ҳамкорлик қилиш бўйича бир қанча битимларни имзолади. Ҳозирги вақтда Тошкентда Миср, Саудия Арабистони, Иордания, Фаластин ва Жазоир давлатларининг элчихона ҳамда ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ар-Риёд, Қоҳира шаҳарларида элчихоналари, Жидда ва Дубайда эса Бош консулхоналари очилган.

Араб давлатлари Ўзбекистоннинг Ўрта Осиёни ядро қуролидан холи минтақа деб эълон қилиш ташаббусини қизгин қўллаб-қувватладилар. 1997 йилнинг сентябрида Тошкентда бўлиб ўтган "Марказий Осиё — ядро қуролидан холи минтақа" халқаро конференциясида кўпгина араб-мусулмон мамлакатлари вакиллари иштирок этди. Миср делегацияси Ўрта Осиёда ядро қуролидан холи минтақанинг ташкил этилиши Яқин Шарқ минтақасида ҳам бу каби ҳудудларни ташкил этишга туртки бўлади деб эълон қилди¹³.

Айни вақтда араб давлатлари Ўзбекистон билан иқтисодий алоқалар ўрната бошлади. Форс кўрфази давлатларининг молиявий имкониятлари қисқаргани ва Ўзбекистонда ишлаш учун уларнинг амалий тажрибаси йўқлиги сабабли ушбу алоқалар бир оз чекланган ҳолда қолмоқда. Форс кўрфази араб давлатлари Ўзбекистон бозорларига шиддат билан кириб келишдан ҳанузгача ўзларини тийиб, савдо, қурилиш соҳаларида қисқа муддатли фаолият олиб бориш билан шуғулланмоқдалар. Бошқа араб давлатлари эса чет эл валютаси тақчиллигини бошдан кечирмоқда. Ушбу муаммони ҳал этиш учун 1992 йил Миср ва Ўзбекистон қиймати 30 млн АҚШ долларини ташкил этган ўзаро компенсация битимини имзоладилар¹⁴.

Миср ва Саудия Арабистони ал-Азҳар университети, Ислом дунёси уюшмаси, Фавқулодда Ёрдан Кўрсатиш Ислом Ҳайъати (Ифоса) каби ташкилотлар

орқали Ўзбекистон билан маданий ва диний соҳаларда алоқаларни фаоллаштирдилар. Хусусан Миср Тошкентда ўз маданий марказини очди¹⁵.

Қатор мусулмон давлатларида Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасининг бўлимларини очиш режалаштирилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ВА АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАР

Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикаси муносабатлари¹⁶

Миср Араб Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 24 декабрда эътироф этди. 1992 йилнинг январида Миср Араб Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг раиси ўринбосари доктор Камол ал-Ганзури бошчилигидаги расмий делегация Тошкентга ташриф буюрди. Ташриф давомида икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилиши ҳақида қўшма баёнот имзоланди. 1993 йил май ойида Тошкентда Миср Араб Республикасининг элчихонаси очилди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Комиловнинг 1995 йил октябрида Қоҳирага қилган ташрифи давомида Ўзбекистон Республикасининг Мисрдаги элчихонаси очилди.

1992 йилнинг декабрида Президент Ислом Каримов Миср Араб Республикасига расмий ташриф буюрди. Ташриф давомида Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги ҳамкорлик асослари, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, иқтисодий, техникавий ва илмий ҳамкорликни ривожлантириш, ҳаво йўли ва транспортда юк ташиш ҳақида битимлар имзоланди. Чет эл валютаси етишмовчилиги муаммосини барта раф этиш учун Миср ва Ўзбекистон ўртасида Ўзаро компенсация тўғрисидаги шартнома имзоланди. Зикр

этилган ҳужжатлар ўзбек-миср алоқаларини ривожлантириш учун зарур қонуний асосни шакллантиради. 1993 йилнинг сентябрида ислом ва вақф ишларида ҳамкорлик қилиш протоколи имзоланди. 1992 йил апрель ойида Мисрнинг шакар ишлаб чиқарувчи компанияси ва Ўзбекистон озиқ-овқат саноати концерни ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди. 1995 йил май ойида Миср Араб Республикаси таълим вазирининг Тошкентга қилган ташрифи чоғида икки давлат ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим, ал-Азҳар университети ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ТошДУ ва Қоҳира университети ўртасида илмий ва ўқув соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар имзоланди. 1995 йил октябр ойида туризм ва 1996 йилнинг июлида қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик ҳақидаги битимга эришилди.

1996 йилнинг июнида Ўзбекистон-Миср қўшма иқтисодий ҳамкорлик ҳайъати тузилди. 1996 йилнинг июнида икки давлат иқтисодиёт вазирлари бошчилигида унинг биринчи йиғилиши Тошкентда, иккинчи йиғилиш — 1997 йилнинг июлида Қоҳирада бўлиб ўтди.

Лекин, таъкидлаш жоизки, икки давлат ўртасидаги савдо алоқалари ҳажми чекланганича қолмоқда. 1996 йил Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги савдо алмашуви ҳажми 2,45 млн Миср фунтига етди (1 млн АҚШ долларидан камроқ), бундан Миср экспортига 2 млн фунт тўғри келади. Савдо ҳажмининг чеклангани бир неча сабаблар билан изоҳланади. Энг аввало, бу Мисрда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳаво транспорти орқали келтирилиши харажатларининг катталиги муаммоси ва, қолаверса, икки давлат орасида бевосита ҳаво йўли йўқлигидир. Масалан, Туркия орқали бир контейнер юкни ташиш харажатлари 6500 АҚШ долларини ташкил қилади. Товар айирбошлашни жонлантириш учун Тошкент ва Қо-

ҳира ўртасида бевосита ҳаво йўлини очиш тақозо этилмоқда. Ўзбекистон эркин валюта захиралари ва хорижий сармоядорларни замонавий технологияларни сотиб олиш сиёсатига устуворлик бермоқда. Мисрлик сармоядорлар ҳанузгача ўзбек бозори талаблари ва ҳамкорлик йўллари ҳақидаги маълумотларга муҳтож бўлиб қолмоқдалар. 1996 йил июн ойида Тошкентда Мисрнинг 62 компанияси маҳсулотлари кўргазмаси ўтказилди. Бу каби кўргазмани такрор ўтказиш, шунингдек, ўзбек маҳсулотлари кўргазмасини Қоҳирада ташкил этиш икки давлатнинг мавжуд имкониятлари ҳақидаги маълумотни таъминлаган бўлур эди.

Миср Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги МДХ давлатлари билан техникавий ҳамкорлик Жамғармаси Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қарамоқда. Жамғарма ташкил этилганидан бери Мисрдаги илмий марказларда ва институтларда малака ошириш учун ўзбекистонликларга 170 дан ортиқ грант ва стипендиялар ажратилди. Тақдим этилган грантлар асосида ўзбекистонлик мутахассислар Полиция академияси, Миср Банк институти, Миср Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Дипломатик тадқиқотлар институти, Вазирлар Маҳкамасининг Маълумотлар ва қарорлар қабул қилиш маркази, Туризм бўйича Олий ҳайъат, Миллий транспорт институти, Қишлоқ хўжалиги халқаро маркази, Стратегик тадқиқотлар маркази, Радио ва телевидение бирлашмаси, Халқаро малака ошириш ва маслаҳат маркази, Электрлаштириш ташкилоти, Геология институти каби ташкилот ва муассасаларга малака ошириш ва тажриба алмашиш учун бордилар. 1995 йилнинг июнида жамғарма МАР сув хўжалиги вазирлигидан 4 кишини Оролни қутқариш программаси бўйича мисрлик мутахассислар иштироки ҳақида маслаҳатлар ўтказиш учун Ўзбе-

кистонга юборди. Шунингдек, 1996 йил июн ойида Жамғарма кўмагида Қоҳира университети проректори Тошкентдаги Мисрнинг фан ва таълим марказида маърузалар ўқиш, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида Миср ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар тарихига оид семинарлар ўтказиш учун юборилди. Жамғарма ёрдамида Қоҳира университети хузуридаги Осие тадқиқотлари маркази профессори Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида маърузалар ўқиш учун юборилди. Миср 20 га яқин ўзбек талабаларига ўз университетларида араб тили бўйича бир йиллик грантлар тақдим этди. Шунингдек, яна 20 та грант магистр ва бакалавр даражаларини олиш учун берилди. Ҳозирги пайтда 6 мисрлик ўқитувчи Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Андижон университетларида араб тилидан дарс бермоқда. Улардан ташқари, илгари ал-Азхар университети томонидан юборилган 5 ўқитувчи ҳам бор.

1994 йилнинг ноябрида Миср Таълим вазирининг ташрифи пайтида Тошкентда Миср фан ва таълим маркази очилди. Миср томони Ўзбекистон телевидениесига диний мазмундаги фильмларни намойиш этиш ҳуқуқини берди. МАР телевидениеси сунъий йўлдош орқали Ўзбекистон телевидениесига Миср кўрсатувларини қабул қилишга мосланган техник жиҳозлар ҳадя қилди.

1997 йил март ойида Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазири Мисрга ташриф буюрди ва ўзбек мутахассисларини Миср Қишлоқ хўжалиги халқаро марказида замонавий қишлоқ хўжалиги иш услубларига ўқитиш ва олий навли дон уруғларини Ўзбекистонга экспорт қилиш ҳақида келишувга эришди.

Ўз навбатида Ўзбекистон мисрлик номзодларни турли халқаро ташкилотлардаги лавозимларга сай-

лаш ва тайинлашни қўлаб-қувватламоқда. Жумладан, Фатҳи Сурур номзодини Давлатлараро парламент раҳбариятига, Фуод Рияд номзодини собиқ Югославияда содир этилган жиноятлар бўйича Халқаро суд аъзолигига, Муфид Шихоб номзодини ЮНЕСКО ижроия комитети аъзолигига, Худа Бадран номзодини БМТ ҳузуридаги Болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш комиссияси аъзолигига, Миср Араб Республикасини Жаҳон почта иттифоқининг ижроия-маслаҳат кенгаши аъзолиги, ҳамда Халқаро коммуникациялар иттифоқи бошқаруви аъзолигига, БМТ ҳузуридаги қийнашни тақиқлаш ҳайъати аъзолигига сайланишини Ўзбекистон Республикаси қўлаб-қувватлади.

Миср-Ўзбекистон муносабатларининг истиқболи кенглигини таъкидлаган ҳолда, ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш бўйича қуйидаги тавсияларни тақлиф этиш мумкин: Қоҳира ва Тошкент ўртасида бевосита ҳаво қатновини йўлга қўйиш, Ўзбекистонда Миср саноати маҳсулотларининг доимий кўرғазмасини ташкил қилиш, хусусий сектор лойиҳаларини қўлаб-қувватловчи Европа тикланиш ва тараққиёт банки маблағларини жалб қилган ҳолда Ўзбекистонда дори-дармон ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар тузиш истиқболдир.

Қуйида Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикаси ўртасида имзоланган битимлар рўйхати:

1. Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги алоқалар ва ҳамкорлик асослари битими (1992 йил, декабр).

2. Ўзбекистон ва Миср ўртасида сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш тўғрисида битим (1992 йил, декабр).

3. Ўзбекистон ва Миср ўртасида иқтисодий, илмий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим (1992 йил, декабр).

4. Ҳаво йўли орқали юк ташиш ва транспорт тўғрисидаги битим (1992 йил, декабр).

5. Ўзбекистон ва Миср олий таълим вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида шартнома (1995 йил, май).

6. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва ал-Азҳар университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома (1995 йил, май).

7. Тошкент Давлат университети ва Қоҳира университети ўртасида фан ва таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома (1995 йил, май).

8. Дин ва вақф ишлари соҳасида ҳамкорлик протоколи (1993 йил, сентябрь).

9. Тошкент Давлат шарқшунослик институти ва Қоҳира, Асьют, Зақозик университетлари ҳамда Қоҳира университети ҳузуридаги Осие тадқиқотлари маркази ўртасида ҳамкорлик ҳақидаги шартномалар, (1992 йил, май).

10. Тошкент Давлат шарқшунослик институти ва Қоҳира университети ўртасида илмий-маданий ҳамкорлик ҳақидаги шартномани ижро этиш дастурлари (1992 йил, май).

11. Ўзбекистон ва Мисрда ўзаро таълим ва маданият марказларини очиш ҳақида битим (1992 йил, май).

12. Ўзбекистон Озиқ-овқат саноати вазирлиги ва Миср шакар ишлаб чиқариш компанияси ўртасидаги битим (1994 йил, апрел).

Ўзбекистон-Саудия Арабистони муносабатлари

Саудия Арабистони Ўзбекистон мустақиллигини расмий равишда 1991 йил 30 декабрда эътироф этди. 1992 йил февралда дипломатик алоқалар ўрнатиш

ҳақида ўзаро меморандум имзоланди. 1992 йил апрелда Президент Ислам Каримов Саудия Арабистонига расмий ташриф буюрди. Мазкур йилнинг ноябрида Жидда шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг консулик ваколатхонаси, 1995 йил майда ар-Риёда элчихонаси очилди. 1997 йил мартда Тошкентда Саудия Арабистони элчихонаси ўз иштини бошлади, май ойида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазир А.Комилов Саудия Арабистонига ташриф буюрди. Ташриф давомида савдо ва инвестицияларни рағбатлантириш, маданият, спорт соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар имзоланди¹⁷.

1992 йил Саудия Арабистони Ўзбекистонга 800 минг тонна буғдойни ёрдам сифатида тақдим этди¹⁸. 1997 йилда Саудия Арабистони ишбилармонлари томонидан "Ўрта Осиё давлатларига сармоя киритиш халқаро компанияси" таъсис этилди. Мазкур йилнинг июнида инвестиция лойиҳаларини жонлантириш мақсадида Ўзбекистон делегацияси Саудия Арабистонига ташриф буюрди. Ташриф давомида қурилиш ва озиқ-овқат саноати соҳаларида қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳақида битим имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистонда пластик шишалар ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Саудия Арабистони қўшма корхонаси ташкил этиш ҳақида музокаралар якунланди. Ҳозир икки давлат ўртасида иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик бўйича қўшма комиссия тузиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда. 1997 йилда Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги савдо ҳажми 2 млн 830 минг АҚШ долларига етди. Ўзбекистоннинг Саудия Арабистонига қилган экспорти 1 млн 442 минг АҚШ долларини ташкил қилди.

1997 йилнинг июнида Тошкент Давлат шарқшунослик институти ректори, профессор Н. Иброҳимов

Саудия Арабистонига ташриф буюрди. 1997 йилнинг октябрида эса, Саудия Арабистони таълим вазири Ўзбекистонга келди. Саудия Арабистони университетларида ўзбек талабалари таълим олоқдалар¹⁹.

Ўзбекистон-Бирлашган Араб Амирликлари муносабатлари

Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил декабрда эътироф этди ва 1992 йил 25 октябрда ўзаро дипломатик алоқаларни ўрнатish ҳақида битим имзоланди. Аввалида икки томонлама муносабатлар Дубай ва Шаржа амирликлари билан алоқаларга асосланган эди. 1992 йил ноябрда Дубайда Ўзбекистоннинг консуллик ваколатхонаси очилди. Кейинчалик у Бош консулликка айлантирилди. 1992 йил охирида Ўзбекистон Дубайдаги "Экспо-92" кўргазмасида иштирок этди. 1994 йилнинг декабрида Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати делегациясининг Ўзбекистонга расмий ташрифи бўлиб ўтди. 1997 йил май ойида Ўзбекистон Ички ишлар вазири ўринбосари Б.Парпиев Дубайга ташриф буюрди. Ташриф давомида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ва Дубай Полицияси Бош бошқармаси ўртасида меморандум имзоланди. 1997 йил октябр-ноябр ойларида Дубай полицияси бошлиғи Ўзбекистонга ташриф буюрди.

1992 йил февралда Тошкент — Шаржа ўртасида ҳаво қатнови ташкил этилиб, у "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси томонидан мунтазам амалга оширилмоқда.

1997 йил ноябрдан бошлаб алоқалар кенгайиб, Бирлашган Араб Амирликларига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Б.Ҳамидов бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. Ташриф пайти-

да Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари шайх Султон ибн Зайд Ол-Нахайан билан музокаралар олиб борилди, "Ўзбекистонда бизнесни қандай ташкил қилиш мумкин?" мавзусида семинар ўтказилди. Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликларининг қатор компаниялари ўртасида ҳамкорлик протоколлари имзоланди. 1997 йил март ойида Бирлашган Араб Амирликлари ишбилармонларини Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари билан таништириш мақсадида яна бир семинар ўтказилди. 1998 йил ноябрда Бирлашган Араб Амирликларига Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири А.Комилов ташриф буюрди. Ташриф чоғида ҳаво йўли орқали юк ташиш, инвестицияларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш тўғрисида битимлар имзоланди.

1997 йилда Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги савдо алмашуви ҳажми 75,671 млн АҚШ долларига етди. Бу барча араб давлатлари билан Ўзбекистон ўртасидаги савдо алмашувининг энг юқори кўрсаткичидир. Савдо балансида Амирликларнинг экспорти тахминан 64,680 млн долларни ташкил этиб, унинг асосий қисми Дубай орқали амалга оширилган реэкспортдан иборат. БАА ва Ўзбекистон компаниялари ўртасида асосан савдо билан шуғулланадиган қатор қўшма корхоналар тузилган.

Ўзбекистон-Кувайт муносабатлари

Кувайт давлати Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини 1992 йилда эътироф этди. 1994 йил июлда икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатиш ҳақида битим имзоланди. Дипломатик алоқалар ўрнатилишининг кечикишига Кувайтни қамраб олган Форс кўрфазидаги ҳарбий можаро сабаб бўлди. Табиийки, Кувайт давлати раҳбариятига хорижий алоқаларни тартибга солиш учун бир муддат

вақт керак бўлди. Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистонидаги элчиси Кувайт давлатида ўриндош элчи этиб тайинланди. Шунингдек, Кувайт давлатининг Россиядаги элчиси 1999 йил феврал ойдан эътиборан Ўзбекистон Республикасида ўриндош элчи этиб тайинланди.

Ўзбекистон-Кувайт алоқалари босқичма-босқич мустақамланиб бормоқда. Бироқ ҳанузгача савдо алмашуви ҳажми чекланган бўлиб, улар иккала томон имкониятларини тўлиқ ифода этмаяпти. 1997 йил майда Тошкентда мебель ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича Анвар ал-Ҳудо ўзбек-кувайт-афғон қўшма корхонаси ташкил этилди. Абдулазиз Сауд ал-Бабтин жамғармаси Қоҳира университетиде 100 нафар ўзбекистонлик талабаларнинг ўқишини молиялаштирмоқда. Шунингдек, 1995-1998 йиллар давомида Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг бир неча талабаси Кувайт тил марказида таҳсил олишди. Зикр этилган жамғарма, шунингдек, Тошкент Давлат шарқшунослик институтида араб тилидан дарс бераётган мисрлик араб тили ўқитувчиларининг харажатларини ҳам ўз зиммасига олган. 1996 йилда Тошкент Давлат шарқшунослик институти ректори, профессор Н.Иброҳимов Абдулазиз Сауд ал-Бабтиннинг "Имом ал-Бухорий авлодларига" мукофотиға сазовор бўлди. Шунингдек, 1996 йил августда қароргоҳи Кувайтда жойлашган "Осиё мусулмонлари қўмитаси" Тошкентда ўз бўлимини очди.

Ўзбекистон-Фаластин муносабатлари

Фаластин Озодлик Ташкилоти (ФОТ) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил декабрда эътироф этди. 1994 йил сентябрда ФОТ раиси Ёсир Арафот Фаластин Мухторияти раҳбари сифатида Ўзбекистонга

ташриф буюрди ва Президент И. Каримов билан учрашди. 1994 йил декабрда жаноб Набил Лахҳом Фаластиннинг элчиси сифатида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирига ишонч ёрлигини топширди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А. Комиловнинг 1994 йил апрель ойида Фаластинга амалга оширган расмий ташрифи билан Фаластин Миллий маъмурияти эътироф этилди. 1998 йил сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Исроил давлатига ташрифи пайтида Рамаллаҳ шахрини зиёрат қилиб Фаластин Мухторияти раҳбари билан учрашди.

Ўзбекистон Фаластин учун миллий кадрларини тайёрлашда ёрдам бермоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон олий ўқув юртларида 90 нафар фаластинлик студентлар таҳсил олмоқда.

Ўзбекистон-Иордания муносабатлари

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 28 декабрда эътироф этди. 1993 йил феврал ойида икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатиш ҳақида протокол имзоланди. 1994 йил июлда Тошкентда Иордания элчихонаси очилди. 1994 йил октябр ойида Валид ал-Батайна Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовга Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлигининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси ишонч ёрлигини топширди. 1996 йили Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Иорданияга ҳам ўриндош элчи қилиб тайинланди.

1996 йил ноябрда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А.Комилов Иорданияга расмий таш-

риф буюрди, икки давлат ўртасида иқтисодий, савдо ҳамкорлиги ҳамда ҳаво йўли орқали юк ташиш ҳақида битимлар имзоланди. Статистик маълумотларга кўра, 1997 йилда Ўзбекистон ва Иордания ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми тахминан 4,5 млн АҚШ долларига етди. Ҳозирги вақтда республикада 12 та Ўзбекистон-Иордания қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Уларда Иордания томонидан киритилган сармоя 70% ва маҳаллий сармоя 30% ни ташкил этади. 1996 йил августда Тошкентда Иордания ширкатлари маҳсулотларининг кўرғазмаси ташкил этилди.

Ўзбекистонда 150 га яқин иорданиялик талабалар турли мутахассисликлар бўйича таҳсил олмоқда. Икки давлатнинг ўқув ва илмий муассасалари ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Жумладан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ва Иордания Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Дипломатия институти ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган. 1996 йилда Ўзбекистон ва Иордания ўртасида масжидлар ва авлиёлар мақбараларини таъмирлаш бўйича битим имзоланди.

Ўзбекистон-Жазоир муносабатлари

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 1991 йил 26 декабрда эътироф этди. 1992 йил июн ойида дипломатик муносабатлар ўрнатиш ҳақида протокол имзоланди. 1993 йил Тошкентда Жазоир элчихонаси очилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовга элчи Бенамир Моҳанд Ақли ишонч ёрликларини топширди.

Давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистоннинг таълим муассасаларида жазоирлик кадрларни тайёр-

лашдан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сув хўжалиги илмий тадқиқот институти ва Жазоирнинг Блида шаҳри Суғориш институти ўртасида ҳамкорлик алоқалари ривожланмоқда. 1996 йили Жазоир Ўзбекистондан Ил-76 русумли 2 та самолётни сотиб олди. Бугунги кунда Жазоир ҳаво йўллари самолётларини Тошкентда таъмирлаш ҳақида битим лойиҳаси тайёрланмоқда.

ЎЗБЕК-АРАБ АЛОҚАЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Юқорида баён қилинганлар Ўзбекистон ва араб давлатлари муносабатларини ривожлантиришда ҳали мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётганлигини кўрсатади. Ўзбекистон билан фаол иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун бирорта ҳам араб давлатининг етарли имконияти йўқ. Бироқ араб давлатлари ўз иқтисодий салоҳиятларини бирлаштириб, Ўзбекистон билан бу каби ҳамкорликни йўлга қўйишлари мумкин. Бунинг учун улар Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги умумараб дастурини ишлаб чиқишлари лозим. Ушбу дастурнинг асосида араб мамлакатларининг иқтисодий, жумладан молиявий ва инсоний ресурсларини бирлаштирган, Ўзбекистон ва араб давлатларининг муштарак манфаатларини таъминлайдиган иқтисодий сиёсатни шакллантириш ётмоғи даркор. Шунингдек, Араб мамлакатларининг Ўзбекистон етакчи рол ўйнайдиган Ўрта Осиё давлатлари билан муносабатлари механизmlарини ойдинлаштириш талаб этилади. Бунинг учун Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг умумараб лойиҳасини ишлаб чиқиш зарур. Узоқ муддатли алоқалар стратегиясини шакллантириш ва мавжуд муаммоларни муҳокама қилиш учун араб давлатлари ва Ўрта Осиё республика-



- - -

ликалари раҳбарларининг мунтазам асосда ўтказиладиган олий даражадаги учрашувларини ташкил этиш вақти келди, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, мавжуд умумараб ташкилотларига араб-ўзбек иқтисодий алоқаларини қўллаб-қувватлаш масъулиятини юклаш зарур. Бу йўсинда Ислом тараққиёт банкининг ташқи савдони молиялаштириш дастурлари орқали Ўзбекистон ва араб мамлакатлари ўртасидаги савдо алоқаларини фаоллаштиришда ўйнаши мумкин бўлган муҳим ролига ишора қилиш мумкин.

Бундан ташқари, бу ишда муқаддам зикр этилган Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг иштирокчини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўз навбатида, Ўзбекистон араб дунёсини ўзининг инвестицион имкониятлари ҳақидаги маълумотлар билан таъминлаш устида ишламоғи, араб сармоядорларига аниқ лойиҳаларни таклиф этмоғи даркор. Мазкур ишга Тошкент ва тегишли Араб давлатлари пойтахтларини боғловчи ҳаво қатновлари ҳам киради. Ушбу сиёсатнинг оммавий татбиқи сифатида Тошкент Шаржа (БАА) билан бевосита ҳаво қатновини йўлга қўйди. Бироқ араб давлатлари ҳам бу иш учун масъулдирлар.

Ўзбек-араб дўстлик жамиятлари орқали ҳамда Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасининг (Ўзбекистон) турли мусулмон мамлакатларида бўлимларини очиш йўли билан ўзбек-араб маданий алоқаларини ривожлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Имом ал-Бухорийнинг мусулмон маданиятида тутган ўрнини назарда тутиб ҳамда мусулмон дунёсидаги юксак мақомидан келиб чиқиб, унинг табаррук номи билан аталувчи жамғарма Ўзбекистон ва араб мамлакатлари ўртасидаги маданий ва диний алоқаларни ривожлантиришда қўшимча "кўприк"ка айланиши лозим.

ТЎРТИНЧИ БОБГА ИЗОҲЛАР:

- 1 Б. Аҳмедов, З.И. Мунавваров. Ал-‘араб ва ал-ислām фй Узбекистан, Тāрих Асия ал-Вустā мин айām ал-усар ал-хākима ва ҳатга ал-йаум. Бейрūt, Ширка ал-ма‘тбуāt ли ат-тавзй’ ва ан-нашр, 1996, с. 77-86.
- 2 Ўша манба, 78, 83-б.
- 3 Ўша манба, 88-89-б.
- 4 Йāхйā Маҳмуд б. Джунайд ас-Сā‘ати. Ал-аб‘ād ат-тāрихййа ли ал-‘алāқāt ал-‘арабиййа ма‘а ал-джумхурййāt ал-ислāmййа фй васат Асия. Анжуман материаллари: “Мустақбал ал-‘алāқāt ал-‘арабиййа ма‘а ал-джумхурййāt ал-ислāmййа фй Асия ал-Вустā”.

Яна қаранг: The Arabs and Jews in Central Asia. Central Asia Review, XII, № 4, 1964, p. 271-279.

- 5 Йāхйā Маҳмуд б. Джунайд ас-Сā‘ати. Ал-‘араб ва Асия ал-Вустā: ал-вуджуд ал-иснā ва ат-тадждид ас-сақāфи. Ар-Рийād: Джāми‘а ал-Имām Муҳаммад б. Са‘уд ал-ислāmййа, 1997.
- 6 Сайид Муҳаммад ас-Сайид. Тāрих ал-‘алāқāt байна ад-давла ал-‘Усмāниййа ва мамāлик Асия ал-Вустā. Анжуман материаллари: “Ал-муслимун фй Асия ал-Вустā ва ал-Қавқāз”, ал-Азхāр, 28-30 септамбр 1993, с.88. Яна қаранг: Муҳаммад Ҳарб. Ал-аб‘ād ат-тāрихййа ли нушў‘и ал-джумхурййāt ал-ислāmййа фй Асия ал-Вустā. Анжуман: “Ал-аб‘ād ат-тāрихййа ли нушў‘и ал-джумхурййāt ал-ислāmййа фй Асия ал-Вустā”, ар-Рийād, Ма‘ҳад ад-дирāsāt ад-диблумāsййа, 1996, с. 11-40.
- 7 З.И. Мунавваров. Афāқ ат-та‘āвун байна Узбекистан ва ал-‘āлам ал-‘арабиййа. Анжуман материаллари: “Мустақбал ал-‘алāқāt ал-‘арабиййа ма‘а ал-джумхурййāt ал-ислāmййа фй Асия ал-Вустā”, ар-Рийād, Ма‘ҳад ад-дирāsāt ад-диблумāsййа, 1996, с. 354.
- 8 Эҳтимол, бундай мулоҳазаларнинг биринчиси 1992 йил даврида МАР Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Дипломатик тадқиқотлар институти томонидан ўтказилган семинар бўлгандир. Шунингдек, 1993 йилнинг мартада Қоҳира университетининг иқтисод ва сиёсий фанлар факультети қошидаги Сиёсий тадқиқотлар маркази ҳам араб дунёси, Россия ва Марказий Осиё ўртасидаги алоқаларга бағишланган семинар ўтказди. Унинг ишида Ўзбекистондан проф. Р.Қосимов иштирок этган эди. 1993 йили Қоҳира университети маз-

кур мавзуга бағишланган яна бир семинар ўтказди. Қаранг: "ал-Ахром" газетаси қошидаги Сиёсий ва стратегик тадқиқотлар маркази тўплами: Таҳ 'Абд ал-'Алйм. Инхийёр ал-Иттиҳад ас-Суфийятий ва та'сирәтух 'ала ал-ваған ал-'арабий, ал-Қаҳира, Марказ ад-дирәсәт ас-сийәсийа ва ал-истратиджийа би ал-Ахрәм, 1993; "Ал-ваған ал-'арабий ва Кумунвелс ад-дувал ал-мустақбал", ал-Қаҳира: Ма'хад ал-буҳус ва ад-дирәсәт ал-'арабийа, 1995.

Бундан ташқари, Саудия Арабистони ТИВ ҳузуридаги Дипломатик тадқиқотлар институти 1992 йили араб дунёси ва Марказий Осиё давлатлари алоқаларига бағишланган халқаро анжуман ўтказди. Унда ўзбекистонлик проф. З.Мунавваров қатнашди. Анжуман материаллари: "Мустақбал ал-'аләқат байна ал-'алам ал-'арабий ва дувал Әсиә ал-Вустә ал-исләмийа", ар-Рийяд: Ма'хад ад-дирәсәт ад-диблумәсийа, 1996.

- 9 Хайсам ал-Киләни. Ал-мадәхил ал-'арабийа ва ал-исрә'ийийа илә Әсиә ал-Вустә ал-исләмийа. Мустақбал ал-'алам ал-исләмий, 5 (16), 1996, с. 94.
- 10 Сәлиҳ ар-Раджихи. Ал-авдә' ал-иқтисадийа фй джумхурйәт Әсиә ал-Вустә ва асбруха 'ала ал-джадвә ал-истисмәрийа ва мустақбал ал-'аләқат ат-тиджәрийа ма'а дувал маджлис ат-та'авун ал-ҳалиджий. Ат-та'авун, 11 (44), дйсамбр 1996, с. 40.
- 11 Ибраҳим 'Арафәт. Тағаввурәт Әсиә ал-Вустә ва та'сирәтуха 'ала минтақа аш-шарқ ал-авсағ. Ал-Қаҳира: ал-Марказ ал-'арабий ли ад-дирәсәт ал-истратиджийа. Силсила қадәйя истратиджийа, № 14, мәрис 1998.

Carol Savietz, "Central Asia: Emerging relations with the Arab States and Israel", in Hafeez Malik, ed., Central Asia: Its Strategic Importance and Future Prospects, New York: St. Martin Press, 1995, p. 321-322.

- 12 Нәсийф Ҳитти. Ал-'аләқат ас-сийәсийа ва ал-истратиджийа байна ал-ваған ал-'арабий ва дувал ал-Кумунвелс. Доклад на симпозиуме "Ал-ваған ал-'арабий ва Кумунвелс ад-дувал ал-мустақбал", ал-Қаҳира, Ма'хад ал-буҳус ва ад-дирәсәт ал-'арабийа, 1996, с. 53.
- 13 Фавзи Ҳимәд. Әсиә ал-Вустә ка минтақа ҳәлийа мин ал-аслиҳа ан-наваййа: хал ҳәна давр аш-шарқ ал-авсағ. "Ал-Мушаввир", 13.10.1997.
- 14 Мәджида Сәлиҳ. Ад-давр ал-мисрий фй Әсиә ал-Вустә ва Азербайджән. Ал-Қаҳира: Марказ ад-дирәсәт ал-'әсиәвийа,

куллийа ал-иқтисād, джāми'а ал-Қāхира, Силсила аврāқ āсийавийа, № 10, октубр 1996, Ҷ. 13.

- 15 Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: 'Алā Абу Зайд. Ал-'алāқāt ас-сақāфийа байна дувал ал-Кумунвелс ва ад-дувал ал-'арабийа: ал-ҳāдир ва ал-мустақбал. "Ал-ваҗан ал-'арабий ва Кумунвелс ад-дувал ал-мустақбал", анжумани, 548 с.
- 16 Мāджида Сāлих. Ад-давр ал-мисрий фй āсийā ал-Вустā ва Азербайджāн. Ал-Қāхира: Марказ ад-дирāсāt ал-āсийавийа, куллийа ал-иқтисād, джāми'а ал-Қāхира, Силсила аврāқ āсийавийа, № 10, октубр 1996.
- Mohammad Selim. Egypt's Role in Central Asia's Security and Development. In S.M.Rahman, ed., Central Asia: Regional Cooperation for Peace and Development, Islamabad: FRIENDS, 1998, p. 191-201.
- 17 Ибрāхим ал-Мутриф. Ал-'алāқāt ал-иқтисāдийа байна ал-джумхурийāt ал-ислāмийа фй āсийā ал-Вустā ва ал-Мамлака ал-'Арабийа ас-Са'удийа. Анжуман материаллари: "Мустақбал ал-'алāқāt ал-'арабийа ма'а ал-джумхурийāt ал-ислāмийа фй āсийā ал-Вустā". Ҷ. 521.
- 18 А. Наяман. Central Asia and the Caucasus After the Soviet Union, (University of Florida Press: Gainesville, 1994), p. 262.
- 19 Сāлих 'Абд Аллāх ар-Рāджихй. Ал-'алāқāt ал-'арабийа ал-ҳāлиджийа ма'а ал-джумхурийāt ал-ислāмийа фй āсийā ал-Вустā ва ал-Қавқāз: афāқ ва му'аввиқāt. Анжуман материаллари: "Ал-'алāқāt ал-'арабийа ма'а ал-джумхурийāt ал-ислāмийа фй āсийā ал-Вустā". Ҷ. 468.

ИЛОВАЛАР

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТИГА ҚЎШИЛИШ

Ўзбекистон иқтисодиётининг бир неча ўн йиллар давомида бўлгани каби ташқи дунёдан ажралиб қолиши ҳолларига барҳам берилганлиги, мустақил ташқи иқтисодий йўл шакллантирилиб, амалга оширилганлиги иқтисодий ислохотлар биринчи босқичининг энг муҳим натижаси бўлди.

Мустақиллик йиллари очик иқтисодиёт пойдеворини вужудга келтириш учун зарур сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий негизларни яратиш йиллари бўлди. Тоталитар тузум тугатилиши билан Иттифоқнинг ташқи савдодаги давлат яккаҳокимлиги ва шу билан бирга ташқи алоқаларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар, экспорт ва импортни бир марказдан шакллантирувчи умумиттифоқ тизими, валюта ресурсларининг умумиттифоқ даражасида қайта тақсимланиши тартиби барҳам топди.

Умумиттифоқ ташқи савдо ва ташқи иқтисодий тузилмалари парчаланиб кетганлиги сабабли республикада бундай тузилмалар амалда мавжуд эмас эди. Жаҳон бозоридаги аҳвол ва унинг талаб-эҳтиёжлари соҳасидаги билимларимиз ҳам заиф эди, ташқи савдо маҳоратини эгаллаб олган малакали мутахассислар мутлақо етишмасди. Шулар сабабли дастлабки пайтларда ташқи сиёсатни ўтказишда бир қанча қийинчиликларга дуч келинди. Маҳсулотни экспорт қилиш ҳажми камайди, валюта тушумлари қисқарди, ўзбекистонлик экспортчилар анъанавий бозор-

лардан суриб чиқарилди. Собиқ Иттифоқ республикалари ўз маҳсулотини жаҳон бозорига тартибсиз равишда кўплаб чиқара бошлаганлиги оқибатида 1992 йилда пахта толаси, олтин, рангли металллар, нефть ва бошқа хом ашё ресурсларининг жаҳон нархлари жуда пасайиб кетди.

Ҳужудга келган вазият ташқи иқтисодий комплексни бошқаришнинг ўзига хос тизимини зудлик билан шакллантиришни, ташқи алоқаларни йўлга қўйиш борасида ўз қоидаларимизни ишлаб чиқишни, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиш йўллари мустақил равишда белгилашни тақозо этди. Бу эса маъмурий чеклашларни кескин қисқартирди ва уларни умум қабул қилинган халқаро меъёрлар ва қоидалар, ташқи савдони бошқаришнинг бозор воситалари билан алмаштириб, ташқи иқтисодий фаолиятни аста-секин эркинлаштиришни долзарб вазифа қилиб қўйди.

Мустақиллик йилларида ташқи сиёсатимизни йўлга қўйишнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилди ва изчил амалга оширилди. Бу тамойиллар, аввало, Ўзбекистоннинг ўз ташқи сиёсатини тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик негизида қуришга интилаётганлигидан келиб чиқади. Биз бирон-бир давлатнинг таъсир доирасига кирмаймиз, деган қоидага қатъий амал қилиб келмоқдамиз ва бундан буён ҳам ўз миллий давлат манфаатларимизга асосланиб, мафкуравий қарашлардан қатъи назар, дунёнинг барча мамлакатлари билан ўзаро муносабатларни мустақил белгилайверишга аҳд қилганмиз. Биз ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама шартнома муносабатларида ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш, халқаро иқтисодий иттифоқлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш қоидасига изчиллик билан амал қилиб келмоқдамиз. Мустақиллик даврида Ўзбекис-

тон мана шу иттифоқларга кириб, уларнинг ишла-рида фаол қатнаша бошлади.

Ўзбекистон суверен давлат сифатида очик иқтисодиётни вужудга келтириш соҳасида фаол иш олиб бормоқда. Мамлакатнинг жаҳон хўжалик алоқаларида, халқаро меҳнат тақсимотида кенг миқёсда иштирок этиши очик турдаги иқтисодиётни барпо этишнинг асосидир. Биз иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш тадбирларини изчиллик билан амалга оширмоқдамиз. Бунда бозор иқтисодиёти — эркин иқтисодиёт эканлиги, у очик тусда бўлиб, яккаланиш ва биқиклик унга ёт эканлигидан иборат ҳақиқатга асосланиб иш тутмоқдамиз. Шу боис, иқтисодиётимизнинг келажаги унинг жаҳон хўжалигига қўшилишига боғлиқдир.

Ўзбекистон Конституциясида мамлакатимиз халқаро муносабатларнинг мустақил субъекти тарзида ташқи сиёсатни ўз манфаатларини кўзлаб белгилаши, халқаро ташкилотларга, ялпи хавфсизлик тизимларига, давлатлараро тузилмаларга кириш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Бу республикамиз ҳақиқий суверенитетини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлганлиги тасодифий ҳол эмас.

Буларнинг бари, ўз навбатида, эришилган ютуқларни амалий тарзда мустаҳкамлаб келди. Ҳозир Ўзбекистонни дунёдаги 150 тадан ортиқ давлат тан олди. Улардан 74 таси билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Ўзбекистон пойтахтида 30 дан ортиқ мамлакатнинг, шу жумладан буюклиги эътироф этилган АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция ва Хитой каби давлатларнинг элчихоналари ишлаб турибди. Ҳозир дунёнинг 20 дан ортиқ давлатида (АҚШ, Германия, Франция, Туркия, Ҳиндис-

тон, Россия ва бошқаларда) республикамизнинг дипломатия элчихоналари иш бошлади.

Ўзбекистон Республикаси кўп томонлама халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари фаолиятида қатнашмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий муассасалари, Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди, Халқаро молия корпорацияси. Иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи ташкилот, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби ва бошқа обрў-эътиборли халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ҳамда уларда фаол сиёсат ўткази бошлади.

Кўпгина халқаро ташкилотлар — БМТ, ХВФ, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа Иттифоқи Комиссияси ва бошқа ташкилотлар республикада ўзларининг минтақавий ваколатхоналарини очди ва ўзбекистонлик шериклар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Халқаро Валюта Фонди мутахассислари иштирокида Ўзбекистон иқтисодиётини чуқур ислоҳ қилиш мақсадида мунтазам ўзгартишлар дастури ишлаб чиқилди ва мазкур дастурни амалга ошириш учун 74 миллион АҚШ доллари миқдорида дастлабки маблағ ажратилди. Ҳозирги вақтда республикага яна шунча миқдорда маблағ ажратилишига эришиш учун иш олиб борилмоқда. Тез орада Ўзбекистон учун мўлжалланган "Стенд-бай" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятларини чамалаб кўришга киришилади.

Жаҳон банки билан биргаликда Ўзбекистонга миллий валютамизни мустақамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш ва тўлов балансини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг таркибини ўзгартириш ва корхоналар даражасида ислохотларни амалга ошириш, давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарни ва янги вужудга келаётган давлатга қарашли

бўлмаган тузилмаларни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга кўмаклашиш учун 160 миллион АҚШ доллари миқдорида тикланиш қарзи бериш тўғрисидаги масала пухта ишлаб чиқилди ва битим имзоланди.

Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси иштирокида ишлаб чиқилган ҳамда, жумладан, республикада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи бир қанча лойиҳалар, шунингдек иқтисодийнинг энг манфатли соҳаларидаги лойиҳаларни молиявий жиҳатдан таъминлаш дастури амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари билан биргаликда Туркия, Эрон ва Покистон томонидан тузилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиб кирди. Мазкур ташкилот доирасида республика халқаро транспорт йўларини биргаликда қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол қатнашмоқда. Бу йўллар Ўзбекистонга денгиз портларига, мамлакатлараро транспорт тармоқларига, жаҳон товар ва капитал бозорларига чиқиш имконини беради.

1994 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Тарифлар ва савдо Бош Битими (ГАТТ)да кузатувчи мақомини олди. Бу ташкилот жаҳон савдосининг ҳозирги тизимини бошқаришда марказий ўринни эгаллаб турибди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг ГАТТ га тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб қўшилиши тўғрисидаги масала ўрганиб чиқилмоқда. Агар бу масала ижобий ҳал этилса, республикамиз мазкур Битимнинг тўла ҳуқуқли иштирокчилари бўлиши 111 та мамлакат билан савдо-сотик қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асосларга ва имтиёزلарга эга бўлади.

Мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотлар дастурини қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш учун халқаро ташкилотлар ва қарз берувчи 21 та мамлакат

томонидан Ўзбекистонга кенг миқёсда техникавий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу ёрдам 1993–1994 йилларнинг ўзида салкам 75 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Мазкур техникавий ёрдам мутахассислар тайёрлашга, иқтисодиётни бошқариш ва бозорга ўтишни давлат йўли билан тартибга солиш тизимини такомиллаштиришга, иш кучини ривожлантиришга, энергетика ва транспорт тизимини такомиллаштиришга, соғлиқни сақлаш, дори-дармон билан таъминлаш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги техникавий ҳамда инсонпарварлик ёрдамига, молия, солиқ ва банк тизимларини мустаҳкамлашга, иқтисодиётнинг турли соҳаларини компьютерлаштиришга йўналтирилди.

Бундан ташқари, техникавий ёрдам тарзида ажратилаётган маблағлардан хусусий секторга, ишлаб чиқаришни хусусийлаштириш ва қайта қуришга, бухгалтерия ҳисоб-китоби тизимини қайта ташкил этишга, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни такомиллаштиришга доир қонун лойиҳаларини тайёрлашга кўмаклашиш ҳамда республикамиз ва халқимиз учун бениҳоя муҳим аҳамиятга молик бўлган бошқа вазифаларни амалга ошириш йўлида фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Шуни айтиш керакки, Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳам узоқ муддатли, ҳам қисқа муддатли аҳамиятга эга бўлган энг муҳим вазифаларни бирга қўшиш мақсадларидан келиб чиқиб амалга оширилди ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади.

Биринчидан, жаҳон иқтисодиётига қўшилишдан иборат бўлган стратегик интеграцион вазифа — Ўзбекистондаги барча хўжалик субъектларининг ташқи дунё билан ўзаро алоқалари учун тенг ҳуқуқли ва миллий манфаатларга мос келадиган шарт-шароитлар яратиш

асосида халқаро валюта-молия ва савдо механизмларига бевосита қўшилиш назарда тутилади.

Иккинчидан, республиканинг жорий муаммоларини ҳал этишга бевосита кўмаклашиш, мавжуд халқаро тажриба асосида, юқорида санаб ўтилган муассасалардан молиявий, техникавий ёрдам ва маслаҳат олиш йўли билан ўтказилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилмоқда.

Ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида республиканинг замонавий ташқи иқтисодий комплексини мутлақо янгидан шакллантиришга, ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг моҳият эътибори билан янги механизмни вужудга келтиришга тўғри келди. Мустақилликнинг уч йилида Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларни ислоҳ қилиш, аввало, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан сезиларли равишда илгари силжиди.

Республикада ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиши зарур бўлган барча муассасалар амалда янгидан барпо этилди. Ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, божхоналар хизмати ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасида, вазирликлар ва идораларда, корпорациялар, концернлар, уюшмаларда ва маҳаллий бошқарув идораларида тегишли ташқи иқтисодий бўлинмалар тузилди ва иш олиб бормоқда. Хорижий ҳамкорлар иштирокида республикада халқаро савдо-сотик маркази тузилмоқда. Биз дунёнинг бир қанча мамлакатларида савдо уйлари очдик. Ўзбекистон билан АҚШ, Буюк Британия, Германия ўртасида ҳамда республикамиз билан фаол ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган бошқа мамлакатлар ўртасида баҳамжиҳатлик асосида савдо-саноат палаталари барпо этилди.

Ислохот амалга оширила бошланган пайтдан буён ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларининг тар-

киби ва тузилиши ўзгарди. Республиканинг икки мингтадан кўпроқ хўжалик субъекти, шу жумладан, уюшмалар, концернлар, кичик ва хусусий корхоналар ташқи бозорга чиқиш ҳуқуқини олди.

Ташқи савдо билан бир қаторда ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа шакллари ҳам сезиларли даражада кучайиб бормоқда. Республикада хорижий сармоялар иштирокида фаолият юритаётган корхоналар тобора кўпаймоқда. Ҳозирги вақтда республика ҳудудида рўйхатдан ўтказилган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар 1450 тадан ошди, нуқул хорижий сармоя билан ишловчи корхоналар 110 тага етди. 1995 йилнинг бошида Ўзбекистонда дунёнинг 25 мамлакатига қарашли хорижий фирма, банк ва компанияларнинг 166 та ваколатхонаси ишлаб турди. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки дунёнинг 80 та йирик банкида вакилик ҳисобини очган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ташқи алоқаларни кенгайтириш, республиканинг экспорт имкониятларини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида бутун ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш учун ҳуқуқий негизларни яратиб берган асосий қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари чиқди. Булар, аввало, "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида", "Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоядорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида" қонунлар ҳамда бошқа қонуний ва меъёрий ҳужжатлар бўлиб, улар ташқи иқтисодий алоқаларни амалга ошириш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида халқаро шартномалар тузиш ва уларни бажариш учун асосий шартшароитни яратишга имкон берди. Республиканинг иқтисодий манфаатларини, Ўзбекистоннинг хориждаги юридик шахслар ва фуқароларини ҳимоя қилишни таъминлашга, республика ҳудудида ажнабий

сармоядорлар фаолияти учун ҳуқуқий кафолатларни белгилаб беришга имконият яратди.

Ташқи савдо алоқаларини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида бир талай имтиёзлар жорий этилди. Аввало, товарларни импорт қилиш учун божхона тўловлари бекор қилинди. Ўз маҳсулотини экспорт қилиш учун божхона тўловлари анча камайтирилди, қўшма корхоналар маҳсулотини экспорт қилиш учун эса божхона тўловлари олинмайдиган бўлди. Валюта тушумидан солиқ олиш ўрнига унинг 30 фоиздан иборат қисмини республика Марказий банкига мажбурий сотиш жорий этилди. Корхоналарнинг экспортдан олинган валюта тушумларини моддий базани ва экспорт имкониятини кенгайтиришга сарфлашдан манфаатдорлигини ошириш учун кўпгина корхоналар валюта тушумининг бир қисмини мажбурий сотилишдан озод этилди.

Хорижий сармоя иштирокида корхоналар барпо этиш, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш ва четга чиқариладиган маҳсулот учун рухсатнома (лицензия) бериш тартиби анчагина соддалаштирилди. Рухсатнома асосида четга чиқариладиган маҳсулотлар турларининг сони 1994 йилнинг ўзида 74 тадан 11 тагача камайтирилди. Буларнинг барчаси ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтиришга, экспорт ва импорт таркибини яхшилашга ижобий таъсир қилди.

Ислоҳотларнинг биринчи босқичида ташқи савдо икки йўналиш бўйлаб: МДҲ мамлакатлари билан ҳукуматлараро битимлар асосида ва хорижий мамлакатлар билан эркин муомаладаги валютада ҳисобкитоб қилиш асосида амалга оширилди. Бундан ташқари, бевосита ташқи иқтисодий кооперация алоқалари ўрнатилиши рағбатлантирилди.

Жами ташқи савдо обороти 1993 йилги даражага нисбатан 1994 йилда бирмунча ошиб, 5053,3 миллион

АҚШ долларини ташкил этди. Шу жумладан МДХ мамлакатлари билан савдо 2919,7 миллион доллар ва хорижий мамлакатлар билан савдо 2133,6 миллион долларни ташкил қилди. Жами ташқи савдо оборотида хорижий мамлакатлар билан савдо-сотиқнинг улуши анчагина кўпайди.

Агар 1992 йилда хорижий мамлакатларга 870 миллион АҚШ доллари миқдорига маҳсулот экспорт қилинган бўлса, 1993 йилда бу кўрсаткич 920 миллион АҚШ доллари, 1994 йилда эса 1 миллиарддан зиёд АҚШ доллари миқдорига етди.

Ҳозир анъанавий шериклар — МДХ мамлакатларидан ташқари экспортнинг анчагина қисми Туркия, Бельгия, Буюк Британия, Франция, Голландия, Польша, Корея Республикаси, Индонезия, Малайзия каби мамлакатларга тўғри келади.

Биз Марказий Осиё давлатларининг кўп томонлама алоқалари ва яқин ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият беряпмиз. Дарҳақиқат, Марказий Осиёдаги қардош халқлар муштарак тарихи, маданий анъаналари бирлиги, турмуш тарзи, руҳияти ва бошқа кўп жиҳатлари бир-бирига ўхшашлиги билан туғишганлардек бўлиб кетганлар. Марказий Осиё давлатларидаги ҳозирги кунги сиёсий, иқтисодий, маданий, экологик муаммолар ҳам кўп жиҳатдан бир хилдир. Мазкур республикаларнинг иқтисодиёти бир-бири билан тутшиб кетган ва улар бир-бирига таъсир ўтказиб турибди.

Вужудга келган шароитга асосланиб, Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев билан 1994 йил 10 январь куни Тошкентда бўлган учрашувда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш тўғрисида шартнома имзоланди. Фан, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, саёҳатчилик ва спорт соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш тўғри-

сидаги ҳукуматлараро битимлар ҳам имзоланди. Юқорида қайд этилган шартнома Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида товарлар, хизматлар, капиталлар, иш кучининг эркин ҳаракатланишини, баҳамжиҳат кредит ҳисоб-китоб, бюджет, солиқ, нарх, божхона ва валюта сиёсатини ўтказишни кўзда тутди. Бишкекдаги учрашувда Қирғизистон ҳам бу шартномага қўшилганлиги Марказий Осиё минтақасидаги ўзаро яқинлашув жараёнлари чуқурлашувида янада катта истиқболлар очди.

Уч давлат ўртасида ягона иқтисодий макон тўғрисида тузилган шартнома самара бера бошлади. Алмати шаҳрида битимда қатнашувчи мамлакатларнинг вакилларида иборат Давлатлараро ижроия қўмитаси тузилди. Тошкентда минтақа банк маркази иш бошлади. Саноатни интеграциялаштирадиган дастур ишлаб чиқилди. Ҳозир шу дастур асосида бутун Марказий Осиё минтақаси муҳтож бўлган маҳсулотни ишлаб чиқарадиган, биргаликда сармоя сарфланадиган аниқ объектлар белгилаб олинмоқда.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган мамлакатлар билан бевосита ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Ҳамдўстлик ғоясини кўллаб-қувватлади, унинг муассислари қаторига кирди, яқинлашув ва кооперация алоқаларини мустақкамлаш соҳасидаги ишларни жонбозлик билан амалга оширмоқда. Ўзбекистон Иқтисодий Ҳамдўстлик муассасалари — Давлатлараро иқтисодий қўмита, Давлатлараро банк ва бошқа муассасаларни шакллантиришда жуда фаол иштирок этмоқда. Ҳамдўстлик доирасида Россия, Украина, Беларусь, Молдова ва МДҲдаги бошқа мамлакатлар билан икки томонлама ташқи сиёсий, савдо-иқтисодий ва бошқа шартномалар ҳамда битимлар имзоланди, бу ҳужжат-

лар чамбарчас ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг мустақкам негизини вужудга келтиради.

МДХ мамлакатлари билан иқтисодий муносабатларнинг таркиби ва шакли тубдан ўзгариб бормоқда. Ўзбекистоннинг маъқеи табора мустақкамланмоқда. МДХдаги кўпгина мамлакатлар билан савдо-тўлов соҳасида Ўзбекистон ижобий сальдога эгадир.

1994 йилда ҳукуматлараро битимларга биноан Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан товар обороти 1,8 миллиард долларни ёки МДХ мамлакатлари билан умумий товар оборотининг 63,0 фоизини ташкил этди. Бир неча юз миллион долларга жуда муҳим маҳсулотлар, жумладан, нефть, авиация керосини, металл прокати, ёроч-тахта, спирт, озиқ-овқат ва бошқа товарлар келтирилди. Ўз навбатида, Ўзбекистон салкам бир миллиард долларлик маҳсулот етказиб берди. МДХ мамлакатлари билан маҳсулот келтириш-чиқариш сальдоси Ўзбекистон фойдасига 142 миллион доллардан кўпроқ маблағни ташкил этди.

Нефть чиқариш икки баробардан зиёд ошганлиги, нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари кўпайганлиги, экин майдони кенгайтирилиб, дон етиштириш кўпайганлиги туфайли республиканинг шу маҳсулотлар бўйича МДХ мамлакатларига ва хорижий давлатларга қарамлиги анча қисқарди. Республиканинг ташқи омилларга боғлиқ бўлмаслиги кучаймоқда. Бу эса иқтисодиётни барқарорлаштириш ва бозор муносабатларига ўтиш соҳасидаги ички сиёсатни янада самаралироқ юритиш имконини бермоқда.

Айни вақтда Ўзбекистоннинг МДХдаги бошқа давлатлар, аввало Россия билан муносабатлари у ўзаро манфаатли сиёсат юргизаётганлигини яққол намоён этмоқда, республиканинг МДХ мамлакатлари билан самарали ҳамкорликка, халқларимиз ўртасида вужудга келган кўп томонлама иқтисодий, маданий,

илмий ва инсоний алоқаларни янги асосда мустақкамлаш ва ривожлантиришга тайёрлигини тасдиқламоқда.

Биз ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда иқтисодиётимизга хорижий сармояларни кенг жалб этиш учун қулай шароит яратишга жуда катта аҳамият бермоқдамиз.

Хорижий сармояларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда қуйидаги тамойилларга асосландик:

биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;

иккинчидан, республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;

учинчидан, республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган, халқ хўжалигининг замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий сармоядорларга нисбатан эшикларни очиб қўйиш сиёсатини изчилик билан ўтказиш;

тўртинчидан, маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим ус-тувор йўналишларда жамлаш.

Янги муассасаларни барпо этиш борасида хорижий сармояларни жалб этиш учун зарур бўлган ташкилот ва муассасалар тузиш бўйича бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Таваккалчилик ишлари йўлида сиёсий ва тижорат хатарлари келтирадиган зарарни қоплайдиган "Ўзбекинвест" миллий суғурта компанияси тузилди. "Ўзбекинвест", Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Америка "ALG,inc" молия гуруҳи томонидан Лондонда туриб ишлайдиган ва таваккалчиликда сиёсий шароит туфайли кўри-

ладиган зарар қопланишини кафолатлайдиган ҳамда Тошкентда туриб ишлайдиган ва тижорат таваккалчилигини кафолатлайдиган қўшма суғурта компаниялари ташкил қилинди. Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан биргаликда республикада лойиҳалар тайёрловчи гуруҳ ишлай бошлади. Бу гуруҳ шу банк йўли билан ажратилган 60 миллион доллар инвестиция кредитни жадал ўзлаштириш мақсадида инвестиция лойиҳалари учун техникавий-иқтисодий асосларни тайёрлашга кўмаклашади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида БМТ (ЮНИДО) билан биргаликдаги техникавий ёрдам лойиҳаси доирасида Инвестицияларга кўмаклашиш хизмати ташкил этилди. Бу муассаса хорижий сармоядорларга инвестиция таклифлари тайёрлашда ёрдам беради.

Давлат мулк қўмитаси ҳузурида Кўчмас мулк ва хорижий инвестициялар агентлиги ташкил этилди, у хусусийлаштириш жараёнига хорижий сармоядорларни жалб этишга кўмаклашмоғи лозим.

Халқаро молия корпорацияси ва Голландиянинг "ABN-AMRO банки" билан биргаликда қўшма банк тузилмоқда. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва Мейбанк (Малайзия) билан биргаликда қўшма лизинг компаниясини барпо этмоқда.

Республикада хорижий инвестицияларни жалб этиш учун имтиёзларнинг кенг тизими вужудга келтирилган, хорижий сармоядорлар учун имтиёзли солиқ жорий этилган. "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга биноан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналарни рўйхатга олинган

пайтдан бошлаб беш йил муддатга хорижий валютадаги тушумдан солиқ тўлашдан ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига валютани мажбурий сотишдан озод қилиш кўзда тутилган.

Амалдаги имтиёзлар ва рағбатлантириш омиллари тизимида:

— ишлаб чиқариши ҳажмида товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти камида 30 фоизни ташкил этадиган корхоналарга, мулкчилик шаклларида қатъи назар, фойда солиғини амалдаги ставкалардан икки баравар камроқ тўлаш ҳуқуқини бериш;

— Республика давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича солиқлар тўлашдан беш йил муддатга озод этиш;

— хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва технологияни янгилашга сарфланадиган қисмидан солиқ олмаслик;

— ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни рухсатномасиз бемалол четга олиб кетиш;

— Ўзбекистон ҳудудида қўшма корхоналарнинг ва фақат хорижий сармоя билан ишлайдиган корхоналарнинг устав фондига ҳисса кўпиш учун мол-мулкни четдан бож тўловларисиз олиб кириш;

— жисмоний ва юридик шахсларнинг, жумладан, ажнабийларнинг давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнида, шу жумладан кўчмас мулкнинг кенг миқёсда сотилишида бемалол иштирок этишларини таъминлаш;

— инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқини танлов асосида сотиб олиш кўзда тутилган.

Хорижий инвестициялар тўғрисидаги қонунга мувофиқ ажнабий ҳамкорлар учун уларнинг мол-мулк-

ларини давлат ихтиёрига олиш ва мусодара қилишдан халос этиш учун кафолатлар белгилаб қўйилган. Уларнинг ўз фаолияти натижасида олган фойдасини ва бошқа пулларни чет элларга ўтказишларига, олинган фойдани республика ҳудудида қайта инвестиция тарзида ишлатиш, республика банкларида счёта ва унда ҳар қандай валютада чекланмаган миқдорда маблағга эга бўлиш имконияти кафолатланади.

Хорижий сармоядорларга нисбатан инвестициялар амалга оширилган пайтда амалда бўлган қонун нормалари 10 йил мобайнида қўлланилиши кўзда тутилган қонун ҳужжатлари ўзгартирилмаслигига ишончли кафолатлар мавжуд.

Шундай қилиб, вужудга келтирилган ҳуқуқий меъёрлар хорижий ҳамкорларнинг кенг инвестиция фаолияти учун қулай шароитларни яратиб, уларнинг ҳуқуқларини ва сарфлаган сармоясини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида Германия, Туркия, Миср, Индонезия, Малайзия, Покистон, Финляндия, Корея, АҚШ, Франция билан битимлар имзолади, бошқа бир қанча мамлакатлар билан ҳам мана шундай битимлар тузишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати Канада, Хитой Халқ Республикаси, Туркия, Голландия, Германия, Швейцариянинг банклари ва фирмалари билан 1,5 миллиард АҚШ долларига яқин суммада ҳукуматлараро 32 та йирик кредит битими тузди ва ҳозир бу битимлар амал қилмоқда.

1994 йил мобайнида республикага 640 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестиция кредитлари бериш тўғрисида халқаро молия муассасалари ва хорижий сармоядорлар билан тузилган битимлар амал қила бошлади, шундан салкам 300 миллион доллари аниқ объектларни кредитлаш тарзида расмийлаштирилди. Чунончи, Тошкентда Халқаро савдо-кўرғазма

комплекси, Хоразм вилоятида қанд-шакар заводи қурила бошлади, Американинг "Ньюмонт-Майнинг" компанияси билан биргаликда қурилаётган олтин қазиб оладиган қўшма корхона иншоотлари битай деб қолди.

Хорижий ҳамкорлар иштироки билан республикада "ЎзДЭУавто" ва "ЎзДЭУэлектроникс" (Корея Республикаси), "ЎзИталмотор" (Италия), "ЎзБАТ" (Буюк Британия) ҳиссадорлик бирлашмалари, Хоразм ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси (Германиянинг "Мерседес-Бенц" фирмаси билан биргаликда), тўқимачилик корхоналари сингари ва бошқа қўшма ишлаб чиқаришларни барпо этишга оид лойиҳалар амалга оширила бошлади. Германия ва Корея Республикасининг фирмалари иштирокида республиканинг телефон тармоғини замонавий усулда янгилашга киришилди.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишга интилмоқда. Эшикларимиз дунё учун очиқ ва дунё эшиклари ҳам биз учун очиқ бўлишига ҳаракат қиляпмиз.

И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т.: "Ўзбекистон", 1995, 102-119-б.

ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланишидаги ўтган қисқа тарихий даврда республикани суверен давлат сифатида қарор топтириш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Ҳозир Ўзбекистонни 165 давлат тан олган. Дунёдаги 120 дан ортиқ мамлакат билан расмий дипломатия муносабатлари ўрнатилган. Тошкентда 35 мамлакат ўз элчихонасини очган.

Бугунги кунда Ўзбекистон тўла ҳуқуқли асосда энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотлар таркибига кирган бўлиб, барча қитъалардаги ўнлаб мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириб бормоқда. Энг йирик банк ва молия органлари, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Республикада 88 та чет давлат ваколатхоналари рўйхатдан ўтган, 24 та ҳукуматларо ташкилот ва 13 та ноҳукумат ташкилоти ишлаб турибди. Ўтган йиллар мобайнида республика кўплаб жуда муҳим халқаро конвенцияларга қўшилди.

Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларни шакллантиришда Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ ишлаб чиқилган қуйидаги асосий тамойилларга амал қилмоқда.

Биринчидан, ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устунлиги;

Иккинчидан, тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

Учинчидан, мафкуравий қарашлардан қатъи назар ҳамкорлик учун очиклик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;

Тўртинчидан, халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлат ички нормаларидан устуворлиги;

Бешинчидан, ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш.

Биз ташқи алоқаларни халқаро муносабатларнинг турли йўналишлари бўйича муваффақиятли ривожлантиришни хавфсизлик ва барқарорликнинг кафолати деб биламиз. Ўзбекистон дунё учун очик. Биз ҳам дунёнинг Ўзбекистонга жуда катта қизиқиш билан қараётганлигини ҳис этмоқдамиз. Бу эса Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши учун энг яхши кафолатдир. Бунини биз Ўзбекистон капитал сарфлаш нуқтаи назаридан ҳам, дунё миқёсидаги кенг қамровли хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида минтақада барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам борган сари эътиборга сазовор бўлиб бораётганлигининг далили деб биламиз.

Биз жаҳон ҳамжамияти билан кенг кўламда интеграциялашган замонавий демократик давлатни қуришдан иборат стратегик вазифани ҳал қилар эканмиз, жаҳон ҳамжамиятининг ўзи бугунги кунда серқирра бўлиб бораётганлигини жуда яхши тушунаемиз. XX аср охирида дунёда жўғрофий-сиёсий аҳамияти ва кўлами жиҳатидан ноёб ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу ўзгаришлар бетакрор. Улар нафақат мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда вужудга келган қарашлар ва уларнинг механизмларини чуқур ўйлаб кўришни, балки кўп жиҳатдан қайта баҳолашни ҳам талаб қилади. "Совуқ уруш" даврида халқаро муносабатларга асос бўлган кўп қоидалар, тамойил ва ғояларни тубдан қайта кўриб чиқиш та-

лаб қилинмоқда. Бутун дунё яхлит ва бир-бирига боғлиқ тизим бўлиб бормоқда, унда ўзи-ўзидан қаноатланишга ва маҳдудликка ўрин йўқ. Бу ҳол ҳозирги халқаро муносабатларни шакллантирганда, халқаро тузилмалар билан ўзаро алоқаларда ва уларнинг фаолиятида иштирок этганда мутлақо янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни зарур қилиб қўймоқда.

XXI аср, шубҳасиз, халқаро муносабатларда бутун дунё қамраб олинадиган аср бўлади. Бундай шароитда интеграция жараёнини, халқаро институтлар ва ташкилотларда суверен давлатларнинг иштирок этишини кенгайтириш жараёнини фақат тарих тақозоси деб эмас, балки айрим минтақалар кўламида ҳам, шунингдек, умуман — бутун сайёрамиз кўламида ҳам собитқадамлик, барқарорликнинг қудратли омили деб ҳисобламоқ зарур.

Бу ҳолда масала халқаро интеграция жараёнларида қатнашиш ёки қатнашмаслик тарзида қўйилмайди. Янги мустақил давлат бўлган Ўзбекистон учун, энг аввало, ташқи сиёсатнинг оқилона мақбулликка ҳамда давлатимиз, жамият ва инсоннинг узоқни кўзловчи манфаатларига асосланадиган энг муҳим тамойилларга қатъий риоя этиш улкан аҳамият касб этмоқда.

Биз учун мустақиллик — ўз эркинлигимизни англашгина эмас, балки аввало, ўз ҳаётимизни ўз иродамиз билан ва миллий манфаатларимизни кўзлаган ҳолда ташкил этиш ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш ҳуқуқидир. Шу боис ўз-ўзидан аёнки, агар интеграция мамлакатимизнинг озодлиги, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини чеклаб қўйса ёки қандайдир мафкуравий мажбуриятлар билан боғланса, у ҳолда четдан олиб келинадиган ҳар қандай интеграция биз учун номақбул.

Интеграция ҳақида гапирар эканмиз, манфаатлар бирикувининг хилма-хил механизмлари ва шаклла-

ри ҳамда интеграция турлари мавжудлигига асосланамиз. Бунга шерикчилик ва ҳамкорлик қилишга интилаётган мамлакатларнинг бошланғич шарт-шароитлари турличалиги сабабдир. Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида турли даражаларда — дунё миқёсида ва минтақа кўламида — интеграция жараёнларида қатнашса-да, аммо бир муҳим қоидага: бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмасликка амал қилади. Биз бир субъект билан шерикчиликнинг мустақамланиши бошқалар билан шерикчилик муносабатларининг заифлашувига олиб келишига қаршимиз. Шу сабабли Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашуви серқирра жараёндир.

Биз мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан ривожланган бозор тизимига эга бўлган демократик давлат ҳақидаги ҳозирги замон тушунчаларига мос келган тақдирдагина жаҳон ҳамжамиятига киришимиз мумкинлигига асосланамиз. Айни чоғда мамлакат жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик ўрнатган тақдирдагина, яъни халқаро меҳнат тақсимотида ўзининг муносиб ўрнини топганда, минтақа ва бутун дунё хавфсизлик тизимларини барпо этишда фаол иштирок этгандагина уни замонавийлаштириш мумкин бўлади.

Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларнинг турли субъектлари билан алоқалари қанчалик чуқур ва кенг бўлса, улар билан муносабатларда ноаниқликлар, ётсирашлар, муаммолар ва ҳал қилинмаган масалалар, кутилмаган воқеа-ҳодисалар шунчалик кам бўлади. Худди шу нарса хавфсизликка солинаётган таҳдидларни бартараф этиш ва барқарор ривожланишни таъминлашнинг зарур шартидир.

Қолаверса, биз мамлакатлар ва давлатларнинг хавфсизлик даражаси уларнинг интеграция жараёнларида қатнашиш даражасига бевосита боғлиқ деб ҳисоблаймиз. Мамлакат қанчалик интеграция ало-

қалари билан боғланган бўлса, унинг хавфсизлигига таҳдид шунчалик кам бўлади.

Биз жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашув ҳақида гапирганимизда, энг аввало, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятида иштирок этишимизни назарда тутамиз. 1997 йил 2 мартда Ўзбекистон БМТга аъзо бўлганлигига беш ил тўлди. Биз ўзининг бундай обрўли халқаро ташкилот ишидаги иштирокимизни Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик, тинчлик ва тотувликни таъминлашнинг кескин муаммоларига жаҳон жамоатчилиги эътиборини қаратиш имконияти деб биламиз. Ҳозирги пайтда умумий хавфсизлик муаммосига алоқадор бўлган халқаро ташкилотлар ғоят хилма-хил бўлишига қарамай, фақат БМТгина хавфсизликни сақлаш ва таъминлашга хизмат қиладиган — олдини олишга қаратилган дипломатиядан тортиб то тинчлик ўрнатишга қаратилган операцияларда қатнашишгача бўлган воситаларнинг ҳаммасига эга.

Ўзбекистоннинг ташаббуси билан ва БМТ раҳнамолигида 1995 йили Тошкентда Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик муаммоларига бағишланган халқаро семинар муваффақиятли ўтди. Унда 20 та халқаро ташкилот ва жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакати, шу жумладан, АҚШ, ГФР, Франция, Буюк Британия, Россия, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва бошқа давлатларнинг дипломатия ҳамда ҳукумат вакиллари иштирок этишди.

Бизнинг БМТ билан муносабатимиз халқаро жамоатчиликдан ёрдам ва мадад олиш истагимиздан кўра (гарчи бугунги кунда бу ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлса-да), кўпроқ БМТ саъй-ҳаракатлари муваффақиятли амалга оширилишига, унинг фаолияти янги мазмун билан бойишига кўмаклашишга интилишга асосланади. Жаҳондаги жўғрофий-сиёсий вазиятнинг

ўзгариши янги минг йилликда БМТ таркибий тузилиши ва БМТ фаолиятини такомиллаштиришни ҳам талаб қилмоқда. Дунёда бир қатор давлатлар пайдо бўлдики, бу давлатлар қудратли ва жаҳон сиёсати кўламидаги таъсири ортиб бораётганлиги туфайли Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлиши мумкин. Айти вақтда БМТнинг тузилмасигина эмас, балки унинг амал қилиши, иш тартиби ва ҳаракатларни амалга ошириши ҳам буюк давлатларнинг таъсир доиралар учун эски кураш таъсиридан ҳали қутула олгани йўқ. БМТнинг минтақавий можароларни тартибга солиш юзасидан амалга ошираётган тинчлик ўрнатиш йўлидаги ишлари ҳамма вақт ҳам муваффақиятли бўлмаётганлигини қисман шу билан изоҳлаш мумкин.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон табиатан жаҳоншумул ва универсал бўлган бу ташкилотнинг таркибий тузилиши ва фаолиятини такомиллаштиришни бундан буён ҳам фаол ёқлаб чиқаверади.

Шу ўринда БМТнинг интеграция соҳасидаги имкониятлари ғоят улканлигини ва унинг ихтисослаштирилган ташкилотлари бу имкониятларнинг ташкил этувчилари ҳисобланишини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбекистон мазкур ташкилотлар билан бугунги куннинг ўзидаёқ самарали ҳамкорликни ривожлантирмоқда. БМТ доирасида жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашувни БМТнинг ихтисослашган муассасалари — ЮНЕСКО, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНКТАД, ЮНИСЕФ ва бошқалар билан кенг ҳамкорлик қилиш маъносида тушунамиз.

Иқтисодий ислохотларни амалга оширишга, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашувини таъминлашга халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар — Халқаро валюта фонди, Жаҳон бан-

ки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва бошқалар ҳам катта ёрдам кўрсатмоқда. Биз мамлакатимизнинг ҳар йили Давос шаҳрида ўтадиган Жаҳон иқтисодий анжумани ишида қатнашиши катта аҳамиятга эга деб биламиз. Анжуманда қатнашиш Ўзбекистонни ва унинг имкониятларини таништириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш учун муҳим аҳамиятга молик.

Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувнинг таркибий қисми давлатларнинг турли минтақавий бирлашмалари билан алоқаларни ривожлантиришдан иборат. Ўзбекистон минтақавий халқаро ташкилотлар, чунончи, Европа Иттифоқи, ЕХХТ, НАТО, ЭКО, ОИК, Қўшилмаслик ҳаракати ва бошқалар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Булар орасида Европа Иттифоқи алоҳида ўрин тутади. 1996 йилда Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда бир қанча муҳим ишлар амалга оширилди.

Февраль ойида Европа Иттифоқи Кенгаши шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида Битим тузиш юзасидан Ўзбекистон билан ташқи ишлар вазирлиги даражасида музокаралар бошлаш ҳақида қарор қабул қилди, июль ойида эса Флоренцияда Битим имзоланди. Ўзбекистон советлардан кейинги маконда Россиядан сўнг иккинчи бўлиб, Европа Иттифоқи билан шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида Битим имзолади.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг Европа йўналиши анча кенгайди — ушбу йўналиш Европадаги айрим мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишни ҳам, шунингдек, бутун Европа қитъасини ҳам ўз ичига олади. Бу қитъанинг ўз, минтақавий, Европага хос интеграцияси муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Европа Иттифоқи билан шерикчилик ва ҳамкорликни биз Ўзбекистонинг хавфсизлигини ва тарақ-

қиётини таъминлашга қўшилган яна бир ҳисса деб ҳисоблаймиз. Чунки бу шерикчилик иқтисодий, маданий, илмий соҳалар билан бир қаторда, сиёсий соҳани ҳам назарда тутлади. Бу ҳужжат ҳамкорлик қилишнинг мутлақо янги босқичини бошлаб беради, Ўзбекистон, Европа Иттифоқи ва унга аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий негизини яратади, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқалар учун кенг имкониятлар очади, мунтазам сиёсий мулоқот учун институционал асос яратади.

Имзоланган Битим иккала томоннинг ҳам фаол шерикчилик қилиш учун асос яратишга интилаётганидангина далолат бериб қолмайди. Мазкур Битим Ўзбекистонда демократик жамият муваффақиятли қурилаётганлигини, халқларимизни инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, фуқаролик эркинликлари ва ҳуқуқий давлат сингари умумий кадриятлар бирлаштириб турганлигини яққол тасдиқлайди.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) билан самарали ҳамкорлик қилаётганимизни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу ҳамкорлик даражаси ЕХҲТ билан биргаликда амалга оширилаётган тадбирларда ва бу ташкилот расмий мансабдор шахсларининг Ўзбекистонга ташрифида яққол кўзга ташланмоқда.

1996 йил декабрида Лиссабон саммитида иштирок этганимиз Ўзбекистоннинг ЕХҲТ билан муносабатларини ривожлантиришда салмоқли воқеа бўлиб қолди. Мазкур анжуман доирасида Ўзбекистон хавфсизлик муаммосига доир ўз қарашларини баён этиш ҳуқуқига ва имкониятига эга бўлди. Бизнинг ЕХҲТнинг Марказий Осиёдаги фаолиятини кучайтиришга оид даъватимиз тушуниб қабул қилинди ва у Лиссабон декларациясида ҳужжатлаштирилди. Бу аслида

ЕХХТ ўз ҳужжатларида мазкур минтақада барқарорликни қўллаб-қувватлаш ва можароларнинг олдини олиш ниятини баён этган биринчи ҳодиса бўлди. Хавфсизлик, шу жумладан Европадаги хавфсизлик ҳам чегара билмаслиги бутун ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди.

Лиссабонда XXII аср арафасида ялпи хавфсизликнинг модели хусусида олиб борилган мунозаралар жараёнида биз хавфсизликнинг бўлинмаслиги ҳақидаги асосий қонидани тўла-тўқис қўллаб-қувватлашимизни билдирдик. Шунини мамнуният билан қайд этамизки, можаролар юз бериб турган ҳудудларга яширинча қурол-яроғ етказиб беришни тўхтатиш ҳақидаги таклифимиз Лиссабон учрашувининг якунловчи ҳужжатида ўз ифодасини топди. Умид қиламизки, бу охир-оқибатда XXII аср учун умумий ва кенг қамровли хавфсизлик моделининг таркибий қисми бўлиб қолади.

Шу билан бир қаторда сўнгги вақтларда Тошкентда Ўзбекистон ташаббуси билан ЕХХТнинг бир қатор йирик анжуманлари ўтказилди. ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси (ДИИХБ)нинг "Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар" мавзусидаги халқаро семинар-кенгаши Марказий Осиё, Европа, Америкадаги 21 мамлакат экспертларининг, шунингдек, 29 та халқаро ва ноҳукумат ташкилотлари вакиллариининг иштирокида кенг мулоқот ўтказиш имкониятини берди. Улар Марказий ва Шарқий Европада омбудсман институти, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини ривожлантириш, қонунчилик тизимларини такомиллаштириш ҳамда халқ таълими ва оммавий ахборот воситаларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги роли масалаларини кўриб чиқдилар.

ЕХХТнинг ДИИХБ ташаббуси билан "Оммавий ахборот воситалари демократлаштириш шароитида"

мавзуида семинар ҳам ўтказилди. ЕХХТ Келишти-рув ва ҳакамлик суди томонидан ташкил этилган ЕХХТ халқаро семинари ҳам бўлиб ўтди. Буларнинг барчаси тинчлик ўрнатувчи ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ушбу нуфузли ташкилот билан яқин самарали муносабатлар ўрнатилганлигидан далолат беради.

Ҳозир бизнинг мамлакатимиз билан НАТОдек халқаро ташкилот ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик мавжуд деб айтиш мумкин.

Бизнингча, ўз таркибида демократик давлатларни бирлаштириб турган НАТО фақат Европа қитъасидагина эмас, балки ўзининг сиёсий устқурмасини мустаҳкамлаш ва "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури ҳисобига жуда катта Евроосиё минтақасида тинчлик ўрнатувчи омил бўлиши мумкин. Ўзбекистон "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастурига 1995 йил июль ойида қўшилган бўлиб, бу дастурдаги иштирокимизга ўз мустақиллигимизни ва суверенитетимизни мустаҳкамлаш, ҳозирги замон ҳарбий-техникавий ютуқлардан баҳраманд бўлиш, ҳарбий кадрлар тайёрлашда имкониятларимизни кенгайтириш нуқтаи назаридан қараймиз.

НАТО Бош котиби Х.Солана ва АҚШнинг НАТОдаги доимий вакили Р.Хантернинг Ўзбекистонга ташрифлари бутун дунё миқёсидаги ва минтақадаги хавфсизлик муаммолари борасидаги қарашларимиз мос келишини яна бир бор намойиш қилди. Музокаралар давомида минтақада тинчликни сақлашга, Афғонистондаги можарони сиёсий чоралар билан бартараф этишга, Марказий Осиё минтақасини ядросиз ҳудуд деб эълон қилишга қаратилган ташаббусларимизга тўла тушуниш билан қараётганлиги ва улар қўллаб-қувватланаётганлигининг шоҳиди бўлди. Биз Ўзбекистоннинг имкониятлари минтақадаги барқарорлаштирувчи омил сифатида баҳоланишига тўла-тўқис қўшилаемиз.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилишида Европанинг имкониятлари миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан ҳаётий муҳимдир. Европа ва бутун Ғарб — юксак технологиялар ва инвестициялар манбаидир, ҳозирги замон демократияси ва инсон ҳуқуқларининг рамзидир. Буларнинг барчаси ХХI асрга хавфсизлиги таъминланган ва барқарор ривожланаётган, юксак даражада тараққий этган ва замонавий демократик давлат бўлиб кириш мақсадида янгиланиш ва тараққиётни ўзининг стратегик вазифаси қилиб олган ёш Ўзбекистон давлати учун ҳаётий заруратдир.

Биз бунда хавфсизлик ва тараққиёт бир-бирини тақозо этиши тамойилига амал қиламиз. Бу эса, бир томондан, иқтисодиётга инвестициялар олиб келиш учун барқарор ва хавфсиз муҳит яратишни, иккинчи томондан, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида кенг кўламдаги ислохотларни амалга оширадиган мамлакатгина бундай хавфсиз муҳитни таъминлашга қодир бўлишини назарда тутаяди.

Жамиятимизнинг демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш йўлидан собитқадам ривожлана боришига бошқа халқаро ташкилотлар билан ва энг аввало, Осиё минтақасидаги ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ҳам ёрдам беради. Туркийтили давлатлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштиришни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу мамлакатларнинг анъанавий бўлиб қолган саммитлари доирасида дастлабки босқичда учрашувларга сиёсий руҳ бахш этиш жараёни ортда қолганлиги мамнуният ҳиссини уйғотади. Ҳозир унинг қатнашчилари асосий эътиборларини тобора кўпроқ ўз халқлари раванқ топиши учун иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги муҳим муаммоларни ҳал қилишга қаратмоқдалар.

Туркий тилли давлатлар бошлиқларининг 1996 йил октябрь ойида Тошкентда ўтказилган IV учрашуви бунинг далили бўлди. Мазкур учрашув туркий тилли давлатлар муносабатларининг асоси, яъни улар халқларининг тарихий, этник-маданий ва маънавий яқинлигидан иборат эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Бу ҳол ушбу мураккаб минтақада тинчлик ва хавфсизликнинг кучли кафолатини яратади.

Учрашув чоғида фан, маданият, таълим, иқтисодиёт, транспорт коммуникациялари соҳасида икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. "Буюк Ипак йўлини тиклаш, маърифий туризмни ривожлантириш, туркий тилли давлатларнинг маданий меросини қайта тиклаш, асраш ва барқарор ривожлантириш" дастурини биргаликда ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда. Бу дастурнинг мақсади саёҳат йўналишлари тармоғини кенгайтиришдан ва сайёҳликнинг тегишли инфраструктурасини кенгайтиришдан иборат.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Ўзбекистон ўзининг ташқи алоқаларини ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама асосда ташкил этиш тарафдоридир. Икки томонлама алоқаларни кенгайтириш ҳар қайси томоннинг манфаатларини янада аниқроқ ҳисобга олиш, бир-биримизни яқиндан таниш, узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорликка мустаҳкам замин ҳозирлаш, шу тариқа барқарорлик ва хавфсизлик учун мустаҳкам негиз яратиш имконини беради. Ўзбекистон ер юзининг турли чеккаларида ишончли ва манфаатдор шерикларга эга эканлиги мени аниқса қувонтиради. Уларнинг доираси мунтазам кенгайиб бормоқда.

Бизнинг Америка Қўшма Штатлари билан икки томонлама муносабатларимиз давлатлараро алоқалар-

нинг ғоят муҳим йўналишлари бўйича изчил ва собитқадамлик билан ривожланиб бормоқда. Бунга Ўзбекистон расмий делегациясининг 1996 йил ёзида АҚШга ташрифи ёрдам берди. Мазкур ташриф чоғида АҚШ Президенти Б.Клинтон ва бошқа юксак мартабали шахслар билан учрашувлар бўлиб ўтди. Шунингдек, ўзбек-америка сиёсий маслаҳатлашувлари ҳам ўтказиб келинмоқда.

Дунёнинг етакчи давлати бўлган, жуда катта сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-техникавий, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган АҚШ билан кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш ҳозир биз учун устувор аҳамият касб этмоқда. Қўшма Штатлар жамиятимизни янгилаш, ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, республикамизнинг давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш жараёнига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Биз Америка компаниялари ва фирмалари билан қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, улар билан узоқ муддатли, ўзаро фойдали шерикчилик муносабатларини ўрнатишга, Америка капиталининг бизнинг бозоримиздаги иштироки кенгайтишига катта аҳамият берамиз.

Сўнгги йилларда Европадаги кўпгина мамлакатлар — Германия, Буюк Британия, Франция, Бельгия, Португалия, Греция, Чехия, Словакия, Руминия ва бир қатор бошқа мамлакатлар билан бевосита, икки томонлама муносабатларимиз анча кенгайди ва мустаҳкамланди.

Бизнинг шу мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари билан учрашувларимиз ва ошқора суҳбатларимиз энг муҳим сиёсий муаммолар бўйича қарашларимизнинг ўзаро мослигини яна бир бор тасдиқлади. Бу эса мазкур мамлакатлар билан яқиндан, узоқ муддат ҳамкорлик қилишимиз, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, ҳар икки томоннинг мавжуд

имкониятларидан фаол фойдаланиш учун катта истиқболлар очиб бераётганлигини мамнуният билан қайд этишим мумкин.

Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари — Япония, Жанубий Корея, Хитой, Вьетнам, Малайзия, Ҳиндистон, Индонезия ва бошқа мамлакатлар билан алоқаларимиз мустақамланиб бораётганлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчиман.

Кейинги вақтларда Япония минтақамизнинг мураккаб муаммоларини — хавфсиз ва барқарор тинчликка эришиш, атроф муҳит муҳофазаси масалаларини ҳал қилишда фаол ва манфаатдорлик билан иштирок этмоқда.

Минтақавий барқарорлик, минтақа кўламида интеграция жараёнларини ривожлантириш масалаларини ҳал қилишда илгари Совет Иттифоқи таркибига кирган мамлакатлар ўртасида вужудга келаётган муносабатлар алоҳида ўрин тутди. 1991 йил декабрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкил этилигидан бери беш йил ўтди.

Бу йиллар МДҲ мамлакатлари икки томонлама ва кўп томонлама шартнома муносабатлари доирасида тенг ҳуқуқли шерикчилик асосида ўзаро фойдали ҳамкорлик қилишлари учун кенг имкониятлар мавжудлигини тасдиқлади. Бундай ҳамкорликка Ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳудудий яқинлиги ва иқтисодий жиҳатдан боғланганлигигина эмас, балки чуқур тарихий илдизлар, маданий ва маънавий алоқалар, катта тарихий давр мобайнида халқларимизнинг тақдири муштараклиги ҳам асос бўлмоқда.

Мамлакатларимиз халқларининг яқинлашуви — табиий кечаётган жараён. Бу яқинлик Совет Иттифоқи мавжуд бўлганлигидан қатъи назар, ҳамма вақт бўлиб келган. Бу халқ интеграцияси бўлиб, сунъий равишда жорий этиладиган сиёсий интеграциядан

фарқли ўлароқ, ҳақиқий интеграциядир. Шуни таъкидлаш керакки, советлардан кейинги давлатларнинг биронтаси ҳам интеграцияга қарши чиқаётгани йўқ. Аини чоғда уларнинг биронтаси ҳам ўз мустақиллигидан воз кечмоқчи эмас.

Биз учун масаланинг моҳияти мустақиллик ёки интеграцияни танлаш эмас, балки бу икки йўналишни уйғунлаштиришдан иборатдир. Биз МДХни ҳақиқий мустақил, суверен давлатлар интеграцияси сифатида кўришни истар эдик.

Масалага бундай ёндашишнинг "МДХ мамлакатларининг чуқур интеграцияси" деб аталган баъзи сиёсий ғояларга ҳеч бир алоқаси йўқ. Тўртлар шартномаси (Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Беларусь) ва Иккилар шартномаси (Россия ва Беларусь) имзоланганидан бери анча вақт ўтди. Аввало шуни таъкидлашни истардим: бу Шартномаларни имзолаш ва уларни амалга ошириш — бу давлатларнинг ички иши. Ҳар бир давлат биринчи галда, ўз манфаатларини назарда тутиб, ўз тақдирини ва истиқболини ўзи ҳал қилади, ҳар қандай ҳужжатларни ҳамда давлатлараро шартномаларни қабул қилиш ва имзолаш ҳуқуқига эга бўлади. Бинобарин, бу ихтиёрий иш эканлигини назарда тутиб, бу жараёнга ҳеч ким аралашигга ҳақли эмас.

Мазкур вазиятда масала қуйидагича қўйилмоқда: ушбу ҳужжатлар ва шартномалар Ўзбекистон учун мақбулми? Ўзбекистон шу шартномаларга қўшила оладими ёки йўқми? Бунинг устига, бизни Интеграциялашган давлатлар ҳамжамияти ёки иттифоқини ташкил этиш бўйича ана шу ҳужжатларни имзолашга зўр бериб таклиф қилишмоқда, баъзан бу Ўзбекистон учун фойдали ёки фойдасиз эканлигини бизнинг ўрнимизга ҳал этмоқчи бўлишмоқда.

Худди шунинг учун ҳамда интеграция ва ҳамкорлик жараёнлари ҳақидаги ўз тушунчамизни, ҳар қан-

дай давлатлараро блокларга асосланган ёндашувлар, шунингдек, барча яхши ниятли манфаатдор давлатлар билан эркин ҳамкорлик қилиш йўлидаги чеклашлар биз учун номақбул эканлигини ҳисобга олганда, Ўзбекистон бундай Иттифоқлар ёки Ҳамжамиятларга қатъиян қаршидир.

Мустақил Ўзбекистонни ташвишга солаётган асосий стратегик масала — эски империяни қайта тиклашга йўл қўймаслик масаласидир. Афсуски, биз ташвишланиш учун жиддий асосларга эгамиз. Бу ташвиш ана шундай йиғинларда қабул қилинган ҳужжатларнинг қоидалари, уларда рўкач қилиб келтирилаётган далиллар ва даъволар туфайли туғилмоқда. Хўш, улар нималардан иборат?

Биринчи. МДҲ ўзининг бугунги ҳолати билан уни ташкил этиш чоғида назарда тутилган ғояларга мос келмаётганлигини, бу мўрт тузилма ҳеч нарсани ҳал қилмаётганлиги ва у қабул қилган қарорлар амалда бажарилмаётганлигини айтмоқдалар.

Ҳа, бундай фикрларда жон бор.

Лекин қабул қилинган қарорларнинг МДҲ доирасида бажарилишини таъминлайдиган механизмларни чинакамига, амалда излаш ўрнига, давлатлар ўртасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, уларни муайян мазмун билан бойитиш ўрнига, кўпроқ эски даврларни қўмсаш ҳисси пайдо бўлмоқда. Давлатлардан юқори турувчи тузилмаларни — парламент, қонун чиқарувчи, ижро этувчи идоралар — Мувофиқлаштирувчи ёки Юқори Кенгаш, кўплаб амалдорлар ишлайдиган Ижроия ёки Маъмурий қўмита, бирлашган ҳарбий-сиёсий тузилмалар ва шу қабиаларни ташкил этишга ҳаракат қилинмоқда. Собиқ Иттифоқнинг улкан маконидаги барча масалаларни ягона Марказдан туриб ҳал қилиш мумкин бўлган даврлардаги тартиб одамлар онгига ниҳоятда чуқур сингиб кетганлиги сезилмоқда.

Агар бирон-бир давлатлараро уюшма ташкил этилгандек бўлса, нима учундир, албатта, унинг тегишли ҳокимият ва бошқарув органлари ҳам бўлиши керак, деб ҳисоблашади. Агар МДХ давлат бошлиқлари, ҳукумат бошлиқлари ва бошқа тузилмаларининг охириги мажлислари кун тартиби кузатиладиган бўлса, ягона йўналиш — иқтисодий ва гуманитар интеграциянинг пишиб этилган муаммолари ўрнига, давлатлар ва халқлар ўртасидаги алоқаларни яхшилаш ўрнига, нуқул ҳарбий-сиёсий масалаларни, бирлашган қўмондонликни тузиш, чегараларни биргалашиб қўриқлаш ва шу кабилар қўйилаётганлиги тасодифий эмас.

Бироқ ҳамма шу нарсани яққол англаб олиши керакки, ташкил этилаётган Иттифоқларда давлатлардан юқори турадиган тузилмалар барпо этилса ва Шартнома қатнашчиси бўлган ҳар бир алоҳида мамлакатнинг тегишли қонуний органлари бир ёқда қолиб, бевосита амал қиладиган, яъни барча органлар ва ташкилотлар бажариши шарт бўлган қарорларни мазкур тузилмаларнинг ўзи қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлса, у ҳолда мазкур давлатларни суверен ва мустақил деб ҳисоблаш қийин бўлади.

Ваколатли ва қонун чиқарувчи, ижро этувчи, ҳарбий-сиёсий ва суд органларига эга бўлган ҳар бир алоҳида давлатнинг янги ташкил этилаётган давлатлардан юқори турувчи тузилмалар билан алоқасини, ифодали қилиб айтганда, туташ томирлар деб тасаввур қилиш мумкин. Ҳамжамиятининг давлатлардан юқори турувчи тегишли тузилмаси ўзига қанчалик ваколат талаб қилса, ҳозирги алоҳида суверен давлатнинг ҳар бири худди шунчалик ваколат ва ҳуқуқларини йўқотади. Бу — инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат.

Бинобарин, Ҳамжамият ёки Иттифоқ ва унинг давлатдан юқори турувчи тузилмалари ташкил топ-

гани билан ҳар бир алоҳида иштирокчи мамлакат ўз суверенитети ёки мустақиллигини тўла сақлаб қолади деб ишонтирмоқчи бўлсалар ёки ваъда берсалар — буни жиддий қабул қилиб бўлмайди.

Мисол учун Россия билан Беларуснинг Иттифоқ тузиш ҳақидаги келишувларини олайлик. Ушбу келишувлардан кўзда тутилган пировард мақсад, бу мамлакатларнинг раҳбарлари айтаётганларидек, бирлашган давлат ёки бирон-бир шаклда конфедерация ёхуд федерация тузишдан иборат. Бизнинг назаримизда, бундай Иттифоқнинг тузилиши авваламбор буюк давлатчилик, коммунистик ва сохта ватанпарвар кучларнинг стратегик мақсадларига жавоб беради. Бундай кучларнинг мақсади Беларусь ва Россия орасида тузилаётган Иттифоққа таяниб, кейинчалик Украинани бунга ихтиёрий-мажбурий равишда қўшилишга мажбур қилиб, сўнгра эса Славян Иттифоқи деб аталмиш уюшмага суяниб бутун собиқ совет маконида қарор топган мустақил давлатларга ўз ҳукмини ўтказиш ва жаҳон майдонида йўқотган ўз ўрнини қайтаришдан иборатдир. Жаҳон хўжалик алоқаларига иқтисодий интеграциялашувдан иборат бош йўналишни танлаб олган Ўзбекистон учун бу йўл мутлақо номақбулдир.

Яна бир фикр: тасдиқланган МДҲ Низоми доирасида иқтисодий ва молиявий интеграцияни чуқурлаштиришни, цивилизацияли тўловлар масаласини ҳал қилишни, иқтисодий ва гуманитар интеграция йўлидаги ғовларни олиб ташлашни ҳозир бизга ҳеч ким тақиқламайди. Бунинг учун биринчи навбатда, жўғрофий-сиёсий руҳда бўлган шартномаларни имзолаш ва турли хил Иттифоқларга кириш асло шарт эмас.

Иккинчи. Вужудга келган танглик вазиятининг, одамлар мушкул аҳволга тушиб қолганлигининг асо-

сий сабаби, энг катта бало — аввало республикалар ўртасидаги иқтисодий ва хўжалик алоқалари узилиб қолганлигида дея ҳаммани ишонтиришга ҳаракат қилинмоқда.

Бу советлардан кейинги бутун маконни карахт қилиб қўйган тангликнинг ҳақиқий сабабларидан одамларнинг эътиборини чалғитишга очикдан-очик уринишдир.

Советлардан кейинги маконда давлатлар иқтисодиётидаги танг ҳолатнинг асосий сабаби, энг аввало, ўз умрини яшаб бўлган тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик, марказдан тақсимлаш тизими мафкура-сининг парчалаб ташланганлигидан, бутунги кунда бутун дунё яшаб келаётган бозор муносабатларига, эркин иқтисодиётга ўтишдан иборат эканлиги мутлақо аён бўлиб қолди.

Собиқ Иттифоқ таркибида бўлган кўп мамлакатларнинг қанчадан-қанча корхоналари ҳозирги пайтда оғир аҳволга тушиб қолганлигини, амалда ишламаётганлигини фақат шу билан изоҳлаш мумкин. Уларнинг кўплари ишламай турганлигига сабаб бошқа суверен давлатларнинг корхоналари билан алоқалари узилиб қолганлиги ёки амал қилмаётганлиги эмас. Бу мамлакатлардан ташқаридаги кооперациялашган алоқаларга мутлақо боғлиқ бўлмаган юзлаб корхоналар ишламай турибди.

Бунинг бутунлай бошқа сабаблари бор. Улар ҳозирча янги шароитларга мослаша олмаётир, ўз маҳсулотларини сота олмаётир, уларда ишлаб чиқаришни сақлаб туриш ва ривожлантириш учун маблағ йўқ.

Кўриниб турибдики, гап бу алоқалар узилиб қолганлигида эмас. Иқтисодиётни тезроқ ислоҳ қилиш, ҳисоб-китоб механизмларини такомиллаштириш, ҳар бир корхонада зарур маърифий тартиб-интизом ўрнатиш лозим.

Учинчи. "Чуқур интеграция" муаллифлари бир далилга айниқса кўпроқ муурожаат этадилар — бутун дунёда интеграция ер юзининг кўпгина минтақалари учун хос бўлган жараён деб тушунилар эмиш. Бунда кўпроқ Европа Иттифоқини ташкил этиш тажрибасини далил қилиб келтирадилар.

Ҳа, тарихий тараққиётнинг ҳозирги босқичида барча давлатлар бир-бирларига боғлиқ ва ўзаро алоқада яшайди. Дунё харитасидан ҳозирги кунда бошқалардан биринчи навбатда, ўзини ўраб турган мамлакатлардан мутлақо ажралиб қолган давлатни топиб бўлмаса керак.

Ҳа, Европа Иттифоқида интеграция ва ҳамкорлик асосий тамойиллар ҳисобланади.

Бироқ Европа Иттифоқида интеграция жараёнларига ёндашувлар интеграциялашаётган давлатнинг батамом суверенлиги, ихтиёрийлик ва уларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланади.

Ҳа, Европа Иттифоқини ташкил этишга асос бўлган тамойиллар МДҲ мамлакатлари учун жозибали бўлиши мумкин. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин бир қатор ҳолатлар борки, улар Европа Иттифоқини советлардан кейинги макондаги вазиятдан кескин ажратиб туради.

Биринчидан, энг муҳими шундаки, Европа Иттифоқини шакллантириш бир неча ўн йилликларни ўз ичига оладиган узоқ тарихга эга, Маастрихт битимлари эса — давлатлар, уларнинг раҳбарлари босиб ўтган катта йўлнинг натижасидир.

Иккинчидан, Европа Иттифоқига барқарор, мустақам демократик ижтимоий давлат тузилмаларига эга бўлган, пухта бозор ва ҳуқуқий қонунчилик нормаларини, уларни рўёбга чиқариш механизмлари ва инфраструктурасини шакллантирган мамлакатлар бирлашган.

Учинчидан, демократик тартиблар ва қадриятлар бу мамлакатлар аҳолиси мутлақо кўпчилигининг ижтимоий онгида мустақкам ўрнашиб қолган.

Тўртинчидан, Европа Иттифоқидаги мамлакатларнинг кўпчилиги тахминан тенг, анча юқори иқтисодий имкониятларга эга. Ўзининг ривожланиши жиҳатидан яққол афзалликларга эга давлатлар йўқ.

Бешинчидан, агар бизнинг техникавий ва иқтисодий қолоқлигимизни, ғоят эскирган, рақобатга дош беролмайдиган технология ва асосий фондларимизни ҳисобга олсак, собиқ СССР чегараларида аллақандай Иттифоқларга биқиниб олиш — бундай сиёсат ўтмишнинг турли мафқуравий андозаларини ўйлаб, ўзимизни жаҳон иқтисодиёти назаридан четда қашшоқ ҳаёт кечирришга маҳқум этишдан бошқа нарса эмас.

Айни чоғда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, барча иштирокчи мамлакатлар томонидан танланган ва вужудга келтирилган умумий бошқарувчи тузилмалари фаолият олиб бораётган Европа Иттифоқи билан бир қаторда, Жануби-Шарқий Осиё (АСЕАН) ва Осиё-Тинч океани минтақаси (АТЭС) мамлакатлари тажрибаси ҳам мавжуд. Бироқ уларда миллий давлатлардан юқори турувчи парламентлар, Вазирлар Кенгашлари ва бошқа бирлаштирувчи тузилмалар йўқ.

Марказий Осиё мамлакатлари даражасидаги интеграцияга келсак, у ўзининг алоҳида хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу интеграция ўз моҳиятига кўра ҳаммиша халқ интеграцияси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Бутун тарих давомида бу минтақа халқлари ажнабий босқинчилар ҳукмронлигига қарши елкама-елка туриб курашиб келганлар. Бу халқларнинг вакилларини мустақилликни қўлга киритиш ва мустақил давлатлар тузиш ғояла-

ри бирлаштирган. Бу халқлар Туркистон деб ном олган улкан ҳудудда асрлар давомида яшаб келганлар.

Аввало шуни таъкидламоқчимизки, Марказий Осиё халқларининг интеграцияси орзу ёки келажакка мўлжалланган лойиҳа эмас, бу — бор нарса, бу — мавжуд воқелик бўлиб, фақат ташкилий, ҳуқуқий ва сиёсий шаклларга муҳтождир.

Марказий Осиёдаги интеграцияни биз ҳудудий бирлик, коммуникациялар, иқтисодийнинг асосий ва етакчи тармоқлари муштараклиги, сув хўжалиги ва энергетика объектларини биргаллашиб ишлатиш, энергия захиралари билан таъминлаш эҳтиёжи тақозо этган объектив зарурият деб ҳисоблаймиз. Бир-бирига чирмашиб кетган умумий теран томирларга эга бўлган халқларимизнинг маданий, тил ва маънавий бирлиги ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади.

Бу минтақа муайян бир шаклда ҳамма вақт интеграция бўлиб келган. Марказий Осиё халқлари мустақилликка эришганларидан кейин биргаликда кучгайрат сарфлаб ўз келажакларини қуришлари зарурлигини яна қайта ҳис этдилар. Тошкентда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон президентлари томонидан Марказий Осиё минтақасининг бу суверен мамлакатлари ўртасида ягона иқтисодий маконни ташкил этиш ҳақидаги Шартноманинг имзоланиши шундай амалий қадам бўлди.

Марказий Осиё республикаларининг интеграциялашуви учун ҳақиқатан ҳам бир қатор дастлабки шарт-шароит ва сабаблар мавжуд. Булар жумласига иқтисодий ривожланишнинг бошланғич даражаси бараварлиги, ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг бир хиллиги ҳам, ягона транспорт-энергетика коммуникациялари, сув захиралари ҳам киради. Бундан ташқари, ушбу минтақада яшаётган барча халқларнинг хавфсизлиги учун муштарак бўлган таҳдидлар ҳам мавжуд. Булар — Оролнинг қуриб бораётганли-

ги, наркотик моддалар, қурол-яроғ, терроризм, диний фундаментализмнинг кириб келиши, Афғонистон томонидан кескинлик ва беқарорликнинг ёйилиш хавфи ҳамда бир қатор бошқа омиллардир. Бу таҳдидлар, гарчи тарқоқ туюлса-да, бирлаштирувчи омиллардир, чунки уларнинг биронтасини ҳам алоҳида, ўз кучига ишонган ҳолда енгиб бўлмайди.

Айни шу ҳолатлар Марказий Осиё минтақасининг гуллаб-яшнаши тўғрисида қайғурадиган барча сиёсатчилар учун амалий қўлланма бўлиб қолиши даркор.

Марказий Осиё Ҳамдўстлигининг келажагига ишонч билан қараш учун ҳамма асослар мавжуд. Зарур ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратилган, Давлатлараро кенгаш тузилган, Ҳамдўстлик дастурларини рўёбга чиқариш бўйича ижроия қўмита, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки ташкил этилган. Қатнашувчи давлатлар иқтисодий интеграциясининг 2000 йилгача мўлжалланган, 53 та муайян лойиҳани ўз ичига оладиган дастури ишлаб чиқилди, ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш учун асос солинмоқда.

Биз ўзимизнинг ташқи мудофаа сиёсатларимизни уйғунлаштиришга ҳам бевосита яқинлашдик — ягона иқтисодий макон ташкил этиш тўғрисидаги Шартномада қатнашувчи мамлакатлар мудофаа вазирлари Кенгашининг низоми тасдиқланди.

Марказий Осиё давлатлари Ҳамдўстлигининг ташкил этилиши асло улар бошқа давлатлардан яққала-ниб қолишини билдирмайди. Биз уни МДҲ доирасидаги интеграция жараёнларига ҳам қарши қўймаймиз. Бу ҳамдўстлик давлатчилиқни қарор топтириш ва бозор муносабатларига ўтишнинг мураккаб даврида минтақадаги мамлакатларининг куч-ғайратлари ва саъй-ҳаракатларини жипслаштиришга қаратилгандир.

Марказий Осиё Ҳамдўстлиги биз учун шунчаки интеграция удумига эргашиш эмас, устун бўлиб олиш ёки ўз таъсир доирамизни кенгайтиришга интилиш ҳам эмас. Бу XXI асрда бизнинг мустақиллик ва тараққиёт йўлимиздир. Ишончим комилки, бу бирликни амалга ошириш, ҳеч шубҳасиз, халқларимизнинг манфаатларига тўла мос келади, минтақамизда барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Марказий Осиё давлатлари, гарчи ижтимоий-сиёсий, этник ва маданий жиҳатдан хилма-хил бўлса-да, биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, хавфсизликка ташқаридан туғилаётган таҳдидларга қарши туриш учун, бутун минтақани барқарор ривожлантириш учун қулай муҳитни яратади, амалда бу минтақани хавфсизлик ва барқарорлик минтақаси сифатида шакллантиради. Шу тариқа бу минтақа давлатлари бутун дунё кўламида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшади.

Имоним комилки, тарихни можаролар ва адоват эмас, балки халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ишонч олға ҳаракатлантиради.

Ҳозирги дунёда хавфсизлик ва барқарорлик фақат ҳарбий-сиёсий жиҳатларнигина назарда тутиб қолмайди. Иқтисодий, экологик ва маданий жабҳалар ҳам жуда муҳим бўлиб, хоҳ минтақа бўлсин, хоҳ бутун сайёрамиз бўлсин — бизнинг тинч ва гуллаб-яшнаётган умумий уйимиз ана шулардан ташкил топади.

Манба: И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасига: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: "Ўзбекистон", 1997, 296-324-б.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТАШҚИ САВДОСИ (МЛН СЎМДА)

ЭКСПОРТ			ИМПОРТ		
Ҳамкор	1994	1995	Ҳамкор	1994	1995
Беларусь	90,6	1504,9	Австрия	674,3	1310,9
Чех Республикаси	237,4	9110,0	Беларусь	299,6	1019,4
Германия	2898,7	11473,6	Хитой	195,0	1132,3
Венгрия	1326,9	2828,1	Германия	589,6	1129,7
Япония	205,2	1334,0	Италия	426,7	2500,5
Қозоғистон	1359,3	6580,1	Қозоғистон	2781,9	6239,7
Корея	338,8	14527,8	Корея	490,2	4601,8
Қирғизистон	199,7	1089,2	Қирғизистон	600,7	2064,8
Литва	134,3	892,4	Голландия	2605,0	4721,2
Голландия	725,8	1022,2	Россия	6875,9	18406,3

Россия	6811,1	21754,0	Швейцария	2896,1	12592,8
Швейцария	4798,5	3037,8	Тожикистон	3048,5	4957,7
Тожикистон	2335,9	2346,0	Туркия	628,2	3290,1
Туркия	796,7	2703,5	Туркменистон	797,1	4643,1
Туркменистон	744,5	2982,0	Украина	1441,2	1366,8
Украина	636,3	1769,4	Буюк Британия	2724,9	6786,9
Буюк Британия	186,3	878,1			
АҚШ	989,0	936,9			
Жами:	24815,0	86770,0	Жами:	27074,9	76764,0

Манба: Europa Yearbook, Vol. II, 1998

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
УЗОҚ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН
ТАШҚИ САВДОСИ***

(яқунга нисбатан фоиз ҳисобида)**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ВА УНИНГ ИДРАВОШЧИСИ

<i>Ҳамкор</i>	ЭКСПОРТ		ИМПОРТ	
	<i>1997</i>	<i>1998</i>	<i>1997</i>	<i>1998</i>
1	2	3	4	5
Узоқ хорижий мамлакатлар бўйича жами	100	100	100	100
Шу жумладан:				
Австрия	2,1	1,9	0,4	0,3
Афғонистон	0,6	0,5	0,1	0,3
Бельгия	3,1	5,7	1,9	2,2
Болгария	0,2	0,2	0,2	0,3
Венгрия	0,0	0,0	0,7	1,0

Буюк Британия	8,9	13,5	2,7	5,6
Германия	1,7	1,5	13,6	11,5
Дания	0,0	0,0	0,1	0,4
Хиндистон	0,4	0,2	0,9	0,7
Исроил	0,2	0,2	0,4	0,7
Эрон	0,4	1,2	1,1	0,8
Ирландия	0,7	0,9	0,7	0,5
Италия	6,4	4,5	1,0	1,5
Хитой	3,0	1,4	2,5	2,1
Корея	11,2	9,9	26,7	15,8
Лихтенштейн	0,0	0,4	0,1	0,0
Голландия	4,7	2,4	1,9	3,0
БАА	0,4	0,4	2,0	1,7
Покистон	0,3	0,1	0,4	0,2

2-жадвал давоми

1	2	3	4	5
Польша	0,3	0,1	2,0	1,5
Руминия	0,0	0,0	0,1	0,1
Сингапур	0,5	0,7	0,4	0,3
Сурия	0,0	0,0	0,3	0,3
АҚШ	1,4	2,4	10,4	10,2
Туркия	0,7	1,7	9,1	8,3
Франция	0,8	0,6	4,0	6,6
Чех Республикаси	0,4	0,2	1,2	0,6
Швейцария	15,2	13,9	3,4	2,6
Япония	0,2	0,1	1,0	3,9

* Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлиги тобора ривожланиб бораётганлиги туфайли муаллифлар матнни янги маълумотлар берилган жадваллар билан тўлдириш зарур деб топилди (Илова № 3 2-жадвал, илова № 4 2-жадвал).

** Манба: Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари (Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Статистика давлат департаменти, Тошкент, 1999, 25-бет).

**ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЙИРИК ИНВЕСТИЦИОН
ЛОЙИХАЛАР**

<i>Компаниялар</i>	<i>Лойиҳалар</i>	<i>Инвестиция миқдори (млн. дол)</i>	<i>Лойиҳа босқичлари</i>
1	2	3	4
"Зарафшан - Ньюмонт- Майнинг" (АҚШ)	Олтин қазиб олиш	225	Амалга оши- рилди
ЎзБАТ (Буюк Британия- АҚШ)	Тошкентдаги тамаки фабрикаси қурилиши	232	Амалга оши- рилди
ЎзБАТ (Буюк Британия- АҚШ)	Самарқанддаги тамаки фабрикаси қурилиши	100	1997 й. III чорак
"Лонро" (Буюк Британия)	Олтин қазиб олиш	250	Амалга оши- рилиш ара- фасида
"Мердос Джонс" (Буюк Британия)	Пахтани қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш	100	Ёпиқ
"Кока-Кола" (АҚШ)	Намангандаги яхна ичимликларни ишлаб чиқариш заводи қурилиши	10	Амалга оши- рилди
"Кока-Кола" (АҚШ)	Тошкентдаги яхна ичимликларни ишлаб чиқариш заводи қурилиши	55	Музокара- лар олиб бо- рилмоқда
"Мерседесс Бенц" (Германия)	Юк автомобил- ларини йиғиш заводи қурилиши	80 млн DM	Ёпиқ

1-жадвал давому

1	2	3	4
"ЎзДЭУавто" (Корея)	Енгил автомобил-ларни йиғиш заводи қурилиши	700	Амалга оширилди
"ЎзДЭУэлектроникс"	Аудио ва видео электроника ишлаб чиқариш заводи қурилиши	10	Амалга оширилди
ДЭУ (Корея)	Рақамли автоматик телефон тармоқлари ишлаб чиқариш корхонаси қурилиши	20	Амалга оширилди
"ДЭУ Коммьюникейшнс" (Корея)	Тошкент шаҳридаги телефон тармоқларини қайта таъмирлаш	105	Биринчи босқич
ДЭУ (Корея)	Тўқимачилик саноати ишлаб чиқариш корхонаси қурилиши	45	Келишув босқичида
"Бақри Коммьюникейшнс" (Индонезия)	Уяли алоқа	440	Биринчи босқич
"Бақри" (Индонезия)	Меҳмонхона	Келишилмаган	Амалга оширилди
"Мицуи" (Япония)	Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш ва тозалаш заводини технологик ривожлантириш	200	Амалга ошириш арафасида
АББ гуруҳи (Швеция, Швейцария)	Полиэтилен заводи қурилиши	600	Биринчи босқич

1-жағвал ғавому

1	2	3	4
ТЭКСАКО (АҚШ)	Фарғонада мой- лаш ёғлари ишлаб чиқариш	62	Биринчи босқич
"Мицубиси", "Мицуи", "Шивода" (Япония)	Самарқанд, Бухоро, Урганч ша- ҳарларидаги аэро- портларни қайта таъмирлаш	140	Амалга ошириш арафасида
Эм Дабл Ю Килудж (Германия)	Кулоқдаги табий газ конларини ўз- лаштириш	600	Биринчи босқич
"Кабул Текстайлз" (Корея)	Тўқимачилик комбинатини инвестициялаш	100	Биринчи босқич
"Марубени" (Япония)	Фарғонадаги тў- қимачилик ком- бинатини ривож- лантириш	80	Биринчи босқич

Манба: Ўзбекистон (Қоҳира: Ижтимоий ривожланиш фон-
ди, Мисрдаги МДХ билан техникавий ҳамкорлик жамғармаси,
феврал 1998 й.).

**ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЙИРИК ИНВЕСТИЦИОН
ЛОЙИХАЛАР**

Компаниялар	Лойиҳалар	Инвестициялар миқдори (млн.дол)	Лойиҳани бажаралиши
1	2	3	4
"Текнип" (Франция)	Кўқдумалоқдаги нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши	400,00	Амалга оширилди
"МСТ инвестор" (АҚШ), "ЮКРС" (Буюк Британия)	"Коском" қўшма корхонаси – GSM стандартдаги уяли алоқа тузиш	100,00	Амалга оширилди
"Кабул Текстайлз" (Корея)	"Кабул-Ўзбек К" қўшма корхонасида йигирилган ип ва пахта ип-газлама ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш	90,00	Амалга оширилди
"Коч Холдинг" (Туркия)	Автобуслар ва юк автомобиллар ишлаб чиқариш заводи қурилишини тугатиш	64,1	Амалга оширилди
"Буиг" (Франция)	Тошкентда 4 юлдузли меҳмонхона қурилиши	36,02	Амалга оширилди
"АББ Лумус Глобал" (АҚШ); "Мицуи", "Ниссе Иваи" (Япония)	Шўртан газ ва кимё комплексининг қурилиши	611,94	Амалга оширилди

2-жағвал Ғавоми

1	2	3	4
Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ), Япония халқаро ҳамкорлик банки	Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг қайта қурилиши	178,32	Амалга оширилмоқда
"Дойче Морган Гренфен" (Буюк Британия)	Фарғона "Азот" ишлаб чиқариш уюшмасида карбамид, аммиак ва меламинни ишлаб чиқаришни ташкил этиш	305,0	Амалга оширилмоқда
Германия банклари	Қўнғирот сода заводининг қурилиши	179,5	Амалга оширилмоқда
"Берлинер банк" (Германия)	Фарғона фуран бирикмалар кимёвий заводида пахта линтидан целлюлоза ишлаб чиқаришни ташкил этиш	46,73	Амалга оширилмоқда
"Кабул Текстайлз" (Корея)	"Кабул-Фарғона Ко Лтд" қўшма корхонаси, Фарғона тўқимачилик комбинатини техник жиҳатдан қайта қуриш	63,00	Амалга оширилмоқда
Япония халқаро ҳамкорлик банки, "Мицуи и Ко Лтд" (Япония)	Телекоммуникация тармоғини ривожлантириш, 1-босқич	107,72	Амалга оширилмоқда

2-жадвал давоми

1	2	3	4
Банк "Байер-пис Хайпоф-рейнс АГ" (Германия), Банк "Кредит-пталъг — Банкфедерайн АГ" (Австрия)	Ўзтелерадиода комплекс техникавий қайта қуриш	143,99	Амалга оширил-моқда
Япония халқаро ҳамкорлик банки	Темир йул пассажир транспортини такомиллаштириш	49,30	Амалга оширил-моқда
"Берлинер банк АГ" (Германия)	"Хобас-Тапо" қўшма корхонасида нометалл қувур ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	80,00	Амалга оширил-моқда
ЕТТБ	Тошкент аэропор-тининг қайта қури-лиши	48,00	Амалга оширил-моқда
"Куленкамф и Конитцки ГмбХ", "Берлинер банк" (Германия)	Ангренда бойитил-ган каолин ишлаб чиқариш фабрикаси қурилиши	42,81	Амалга оширил-моқда
"Кристал Мист" (Малайзия)	"Ўзбекистон" меҳ-монхонасини қайта қурилиши	29,0	Амалга оширил-моқда
АИК "Оби-ҳаёт", КфВ (Германия)	Хоразм вилояти қишлоқ жойларини сувбилан таъминлаш	15,00	Амалга оширил-моқда
КфВ (Германия)	Хоразм вилояти қишлоқ жойларини сувбилан таъминлаш	15,00	Амалга оширил-моқда

* Манба: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқа-лар вазирлигининг маълумотлари, 1999 й.

МУНДАРИЖА

Муаллифлардан	3
Биринчи боб	
Истиқлол сари	7
Иккинчи боб	
Замонавий давлат қурилиши	63
Учинчи боб	
Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати	106
Тўртинчи боб	
Ўзбек-араб алоқалари	137
Иловалар	165

**Муҳаммад ас-Сайид Салим
Неъматулло Иброҳимов**

**Иброҳим Арафот
Солиҳ Иноғомов**

ЎЗБЕКИСТОН: ДАВЛАТ ВА УНИНГ ЙЎЛБОШЧИСИ

Араб тилидан таржима

**"Дор аш-Шуруҳ" нашриёт концерни
розилиги билан чоп этилмоқда
(Қоҳира, 31.11.1999 й.)**

**Муҳаррирлар А. ТОШХЎЖАЕВ, К. БЎРОНОВ
Рассом Ж. ГУРОВА
Техник муҳаррирлар А. БРУНКОВСКИЙ, Т. ХАРИТОНОВА
Мусадҳих Ш. ОРИПОВА
Компьютерда тайёрловчи Е. ГИЛЬМУТДИНОВА**

Теришга берилади 01.12.99. Босишга рухсат этилади 14.12.99.
Қоғоз формати 84x108 1/32. Офсет босма усулида босилди.
Шартли босма т. 11,76. Нашр босма т. 10,57+0,27 вкл.
Тиражи 5000. Бужуртма № К-980.

"Ўзбекистон" нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30.
Нашр № 198-99

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ижарадаги
Тошкент матбаа комбинатида босилди.
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.**

Ўзбекистон: Давлат ва унинг йўлбошчиси /
У-32 Муҳаммад ас-Сайид Салим, Иброҳим Арафот,
Н. Иброҳимов, С. Иноғомов; араб тилидан тарж.:
Р.С.Қосимов, А.Раҳимжонов, М.Мирафзалов;
Масъул муҳаррир: З.И.Мунавваров.—Т.: "Ўзбе-
кистон", 1999.— 219 б.

ISBN 5-640-02805-X

1. Муҳаммад ас-Сайид Салим ва бошқ.

**ББК 66.3(5У)+66.4(5У)+
66.9(5У)0**

№ 568-99

Аляшер Навоий номидаги
Ўзбекистон Республикасининг
Давлат кутубхонаси

Ў 0804000000 - 140 2000
М 351 (04) 99
